

**ЭДИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЕНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

**МУНДАРИЖА:**

**Муассаслар:**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг  
"Камолот" жамғармаси

**Бош муҳаррир:**

**Собир ҲНАР**

**Бош муҳаррир муовини:**  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

**Масъул котиб:**  
Турсун Бой МУҲАММАД

**Таҳрир хайъати:**  
Хотам АБДУРАИМОВ  
Одил ЁКУБОВ  
Абдул Фани ЖУМА  
Абдусайд КҮЧИМОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Ғаффор ХОТАМОВ  
Шодикул ХАМРОЕВ

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**  
Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Хамроқул АСҚАР  
Муҳаммад ИСМОИЛ  
Жамол КАМОЛ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Камол НОРҚОБИЛОВ  
Миркамол ОДИЛОВ  
Нурмат ОТАБЕКОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

**Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали**  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

**Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририятининг**  
компьютер марказида саҳифаланди.

**Саҳифаловчи:**  
Саодат ТўЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 3 (156) 1997 й.

**Муқоваларимизда:**  
1-бет. Ёш хонанда Мунира  
МУҲАММЕДОВА  
4-бет. Кўхна Бухоро XXV аср остонасида.  
(А. Жумаев фотолари)

**КЎНГИЛ ДАФТАРИ**

Яшар ҚОСИМ. Истиклол рамзлари 3

**НАСР**  
Наби ЖАЛОЛИДДИН. Йиғи 8  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ. Катта ўйин 22

**НАЗМ**  
Муҳаммад ЮСУФ. Кўким тупроқ менинг, тупроқ осмоним 6  
Фулом ФАТҲИДДИН. Барибир куёшнинг чиқиши гўзал 20  
Раҳимжон РАҲМАТ. Дала гуллари 48  
Муҳтарама ТУРКОЙ. Умрим-ла узилар гулмиди севгим 52  
Шойим ШЕРНАЗАР. Муҳаббат майидан тўймадим ҳали 62

**БИРИНЧИ УЧРАШУВ**  
Муҳайё 12  
Маҳкамтош АБРОЕВА 22

**БОКИЙ КАДРИЯТЛАР**  
Сўфи ОЛЛОЕР. "Саботул ожизин"га шарҳ 13

**ЖАЖЖИ ТАДКИКОТ**  
Жабборова Шоирахон САИДҒАФФОР қизи. Буюк турк хоқонлигида "подшоҳ" ва "хотун" 49

**XX АСР ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ**  
Ўлжас СУЛАЙМОН. Орзу дайрида... 53

**ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ**  
Фатхулла ЭРҒАШЕВ. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик 50

**АДАБИЙ САБОКЛАР**  
Абдуғафур РАСУЛОВ. Аҳли дарк шарафи 56

**МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ**  
ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор 58

**МУҚОВАМИЗДА**  
Санъатни дейман. 63

---

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй  
Телефон: 33-40-83.

---

Босишга 12. 05. 97 йилда руҳсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0 Буюртма № 1306

---

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Яшар КОСИМ

## ИСТИҚЛОЛ РАМЗЛАРИ



Адабиётимизнинг эл-юрт ва Ватан мустақиллиги учун асрий кураши тарихида олтмишинчи йиллар алоҳида бир босқични ташкил этади. Гап шундаки, ўттинчи ва қиркинчи йилларда фавқулодда бир шифқатсизлик билан амалга оширилган қирғин ва қатли оmlар оқибатда жамият маънавий ҳаётини қоплаган ялпи сукунат музлари айна шу даврга келиб эрий бошлади. Ёвуз салтанатнинг моҳиятида, марказий сиёсий ҳокимият табиатида эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида рўй берган бир қатор ўзгаришлар ижтимоий соҳадаги жонланишларга, барча мазлум миллатлар онгида ўйғонишга туртки берди. Мана шу вақтдан эътиборан сўз санъати ҳам қатагонлар давридагига нисбатан бир қадар эркинроқ, мулойимроқ ижтимоий-сиёсий муҳитда нафас ола бошлади. Қисқагина нисбий эркинлик, чала ҳурфикрлилик муҳитида кейинчалик машъум салтанатнинг гўркови бўлажак курашчан ва исёнкор бир авлод - олтмишинчи йиллар ижодкорлар авлоди етилди ва дунёга келди.

Ҳа, аллақачонлар замонавий бадий тафаккуримиз етакчи йўналишларини белгилловчи забардаст сўз санъаткорлари даражасига кўтарилган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфилар мансуб шонли авлоднинг адабий таржимаи ҳоли, ўзига хос поэтик қиёфаси ўша мураккаб ва зиддиятли замон оқимида, ўша ғоят чигал ва суронли йилларда шаклланди. Армонли устозларнинг, шахид кетган маънавий оталарнинг муқаддас ёдини мурғак кўнгилларига жо қилган бу жасур авлоднинг эрксевар нидолари, исён нафасли хайқириқлари ёвуз салтанатнинг юрак-юрагигача етиб борди. Шеърятимизнинг янги саҳифаларини битаётган бу ёш қаламқашларнинг мардона ва бокира оҳанглирида қатагон қилинган оталар ижодий йўлига кучли уйқашлик сезиларди. Бу авлоднинг энг самимий ва жафокаш юртга изтиробли севгидан туғилган шеърларида қатл этилган, «Унуттирилган» Сўзга эгалик қилиш шиддатидан пайдо бўлган навқирон бир ғурур, санъат оламига роса чорак аср йўлатилмаган ёниқ миллий дард яширинганди.

Лекин кўп ўтмай, аниқроғи, олтмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб халқимиз алам ва армонларини очик-равшан қуйлашни, тўғридан-тўғри ифодалашни замон кўтармай қолди. Янги авлод вакилларининг бир қисми ҳақиқатни дадил айтиш услубидан ҳамда мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга қарши туриш мавқеидан чекиндилар. Бир қисм қаламқашлар эса ифода ва инъикос усулларини бирмунча ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Шеърятимизда серқирра истиораларга, мураккаб ва тағдор рамзлар ва умуман, поэтик рамзларнинг етакчи эстетик мавқе эгаллаши мустабид замоннинг бадий ижодда ўзига хос акс-садоси эди.

Ҳақиқий шоирлар ҳақиқатни тан олмаган жамиятда ё бутунлай ёзмай қўядилар (ёзганлари ҳам вақтида эълон қилинмайди) ёки «куш» тилида - тағдор тимсоллар, серқирра истиоралар, мураккаб рамзлар шевасида сўзлайдилар. Улар ҳеч қачон зўравон замоннинг қилмишларига, сурбет ёлғон ва алдовларига жонсиз ва субутсиз гувоҳлик қилмайдилар. Абдулла Ориповнинг ўз вақтида катта шов-шувларга сабаб бўлган «Жаннат» (1966й.) шеъри ҳақиқатга чанқоқлик ва ташналик авж олган тутқун муҳитда ҳақиқатни дадил айтишнинг намунаси дидир. Муаллиф шеърнинг сарлавҳаси тагига «ҳазил» деб ёзиб қўйган бўлса-да, муте жамиятнинг ҳушёр посбонлари уни асло ҳазил деб қабул қилмаганлар. «Жаннат» ёлғонни идеаллаштирган ва фақатгина ёлғон билан кун кўрадиган ёвуз салтанат пешонасига битилган даҳшатли айбномадай янграганди: «эртақ дегани бу - болага эрмак, Эртақ дегани бу - ширин ақида. Мен бир кун укамга сўйладим эртақ Афсонавий жаннат ҳақида. Кавсардан гапирдим унга аввало, сўнгра мактаб кетдим ширу шарбатни. Дам ўтмай у йиги бошлади роса. Топиб бергин, деди ўша жаннатни». Қизил салтанатнинг умрини узайтириш учун ўйлаб топилган мавҳум «келажак», олис «бахт-саодат», «коммунизм» ҳақидаги эртақнамо шиор ва гап-сўзлар ул давр шохидлари ёдида бўлса керак. Минг турли азоблар остида инграётган мазлум халқни «овутиш» мақсадида мустамлакачи тўралар янгидан-янги ёлғонлар тўқишдан чарчамасди. Чинакам шоир эса, ҳали таъкидлаб ўтганимиздай, ёлғон билан сира чиқиша олмайди: «Нима ҳам дер эдим, ўйласам бундоқ, Тушибман мен ўзим қўйган тузоққа. У десам, бу деди, бу десам ундоқ, Хуллас, қанд-курс бериб бошладим боққа. Жаннат деб кўрсатдим боғчани андақ, Майли, болага бу ўйин бўлади. Лекин катталарга сўйламанг эртақ, Улардан қутилиш қийин бўлади». Шеърдаги, деярли, барча поэтик унсурлар, асосий истиоравий ва рамзий қатлам давр ёлғонини, замоннинг бош ёлғонини фош этишга қаратилган. «Афсонавий жаннат» ва ўша «жаннат»нинг нозу неъматлари, «ширу шарбати», «кавсари»ю ҳаёлий боғлари ҳақида шоирнинг истеҳзоли оҳанглирида сўйлаши аслида унинг ҳокимият хийлаларига, замоннинг бош ғоясига, салтанатнинг ғайрининсоний моҳиятига муносабатини ифодалайди. Агар таъбир жойиз бўлса, санъаткор буюкликнинг дастлабки ва асосий қирраси ҳали тиниб улгурмаган, ҳаракатдаги замоннинг туб моҳиятини ва ҳақиқий башарасини чуқур тушуниш, англаб етиш деб саналса, буюкликнинг иккинчи ва зарурий қирраси ўша теран англаган ҳақиқатларни замондошларга айта билиш, гофил кўнгилларни шундан огоҳ этишга интилишдир. «Жаннат»нинг сўнги байтидаги донишмандларча башорат ва ҳайратомуз



жасорат худди шундай буюкликнинг бетакрор тажассуми эмасми?!

*Лекин катталарга сўйламанг эрта,  
Улардан қутулиш кийин бўлади.*

Мустамлака воқелигининг теран фалсафий таҳлили ва ўзига хос рамзий инъикоси хусусида сўз кетганда Эркин Воҳидовнинг қатор ўткир шеърларини, айниқса, «Донишқишлоқ латифалари» (1976й.) туркумини алоҳида таъкидлаш керак. «Донишқишлоқ» мутафаккирона тахайюл қудрати билан кашф этилган ижтимоий макон. Матмуса эса бу рамзий қишлоқнинг рамзий фуқароси - трагик-сатирик бир шахс каби таассурот қолдиради. Бироқ Донишқишлоқ ҳам, бу ғаройиб қишлоқнинг ғалати одамлари, хусусан шеърини қисса қахрамони Матмуса ҳамшунчаки ўйлаб топилган, тўқиб чиқарилган образлар эмас. Тасодифий эмаски, шоир «донишқишлоқ қаерда?» деган саволга «Ўзимизнинг томонда» дея жавоб беради. Матмусани ҳам «Ўзимизнинг қахрамон» деб айтади. Шеърини латифаларни эътибор билан ўқир экансиз, Донишқишлоқ фуқаролари собиқ коммунистик жамият аъзолари, Матмуса эса собиқ замондошимиз эканлигини дил-дилигиздан сезасиз. Туркумдаги шеърларда қизил салтанатга хос муҳим бир ҳақиқат - умуман бу фавқуллода жамиятда ҳаёт ва маънавият оқимининг нотабиийлиги, одамлар ҳулқ-атворининг ғалатилиги, ҳатто оддий одамий юмуш ва ташвишларнинг ғаройиблиги, инсоний ўй ва кечинмалар, интилиш ва қарашларнинг нотўғрилиги, ажабтовур кўринишлари изчил ифодаланган. Хусусан, «Матмусанинг чархпалаги» ва «Тандир кийган Матмуса» деб номланган манзумаларда ғаройиб замон ҳақиқатлари ёрқинроқ акс этган. Шоир «Матмусанинг чархпалаги» билан боғлиқ ибратомуз ҳангомани қизикарли ва ажойиб услубда тасвирлайди: «Бир кун деди Матмуса, Шундай кучга эгамен. Шухратим йўқ эл аро, Беобрўман нега мен? От кўтардим тиш билан, Кулди фақат одамлар. Арзимаган иш билан Топди ҳурмат одамлар. Энди зўр бир иш билан Хайрон қилай ҳаммани. Доно бўлиб бир ўзим Нодон қилай ҳаммани». «Янгиликпарвар» ва шухратпараст Матмуса шундай деб, тўсатдан кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ғалати бир «Янгилик» қилади: «Бўз ариқдаги чархпалакни суғуриб, тескари қўйиб-қўяди. Матмусанинг «кашфиёти» эл-юртга қимматга тушади. Қишлоқ сувсиз қолади. Шунини ҳам унутмайликки, Матмусанинг қишлоқдошлари «каллани ишлатиш» бобида асло ундан қолишмайди: «ким чархпалак косасин Ялпоқ қилиш керак, дер, Ким косага осма сим Қопқоқ қилиш керак, дер. Дер идроки энг юксак Қашиб туриб каллани: - Дарёни сал кўтарсак, Сал туширсак далани... - Йўқ, иш битмас «сал» билан! Қишлоғимиз эрлари - Чархпалакни гал билан Айлантисин тескари. - Йўқ, кучимиз ожизроқ, Қийналмасин эл жони. Тескарига оқизмоқ Тўғри бўлар дарёни...» Донишқишлоқ аҳли минг зўр бериб уринишмасин, қанчалар талашиб-тортишишмасин, барибир, юз берган кўргуликни бартараф этиш чорасини ўйлаб тополмайдилар. Минг йиллардан буюн сув ичиб келган ариқларидан жудо бўладилар. Чархпалак эса тескари айланаверади. Аччиқ кулги ва истехзо билан йўғрилган Ушбу манзумада муаллифнинг нималарга шаъма қилаётгани тажрибали ўқувчига аён бўлса керак. Эски жамиятда Матмусага ўхшаганларнинг аҳмоқона «кашфиёт»лари, ақлга сизмайдиغان «янгилик»лари туфайли ер-сувларимиз заҳарланиб, дарё-ю уммонларимиз қуриб қолмадими? Шеърдан чиқадиган асосий фалсафий сабоқ эса шундан иборатки, инсон ва жамиятнинг ўз азалий ва

табиий йўлидан адашиши, замон гардишининг, фалак чархпалагининг тескари айланиши одамзодга кулфатлар ва бахтсизликлар келтириши муқаррардир. Худди мана шундай ўткир бадиий-фалсафий хулоса «тандир кийган Матмуса» латифасида ҳам ўз аксини топган. Шоир мазкур латифада «Ўзимизнинг қахрамонни янада ачинарли ва аянчли бир ҳолатда тасвирлайди... Матмусавой тандир сотиб олгани шаҳарга тушади. Роса айланиб бозорнинг энг зўр тандирини танлайди. Лекин тандирни қандай қилиб олиб кетишни ўйлаб боши қолади. Чунки эшаққа ортишининг ҳам, арқонлаб тортишининг ҳам иложи йўқ. Бозор аҳли йиғилиб, роса кенгашиб охири шундай қарорга келишади: «Кенгашилди, ўйланди, Миндирилди охири Эшагига Матмуса, Матмусага тандири. Ушод, бундок тадбири Топмас энг зўр топқир ҳам. Ўзи яёв қолмади, Зап ўрнашди тандир ҳам». Матмусанинг шодлиги кўпга бормади. У мушкул аҳволга тушганини йўлга равона бўлгандан кейин тушунди: «Хайё-хайт» деб йўл олди Донишқишлоқ томонга. Мана, тандир ичидан Қараб борар осмонга. Ҳар қанчаки интилар Матмуса йўл кўролмас. Менинг уйим қайда? - деб Одамлардан сўролмас. Кетиб борар таваккал, Қўкка қараб Тангрим! - дер, - Мени қилма шарманда, Эшагимга ақл бер». Бедапоя кўрганда Эшак шўрлик нетади? Қишлоқ қолиб мағрибда, Машрик томон кетади. Кун ботару шом тушар, Ўлдуз чиқар осмонга, Ҳамон борар Мутмуса, Етмас манзил-маконга. Дейдиларки, то бу дам Йўлда эмиш Матмуса. Боши ҳам йўқ, чеки йўқ Чўлда эмиш Матмуса». Эҳтимол, фожиалар ичида энг аянч фожа бу - йўлдан адашиш, йўлни йўқотиш, ҳаётдаги йўлсизлик фожасидир. Шоир Матмусанинг орқага ҳам, олдинга ҳам қараш имконидан жудо бўлишини киноявий тасвирлар экан, қизил салтанат даврида замондошларимизнинг бекиёс даражада оғир муаллақ ҳолати билан умуман, жамиятимиз йўлсизлигини рамзий йўсинда алоҳида таъкидлаётгани, Ҳа, «Донишқишлоқ латифалари» шунчаки кулгули ривоятлар, ичакузди ҳангомалар силсиласи эмас. Балки кечаги кунларимизнинг, яъни асар яратилган даврнинг аччиқ ҳақиқатлари, ақл бовар қилмас даҳшатлари ҳақида беназир бир маҳорат билан битилган, ижтимоий кўлами ниҳоятда кенг фалсафий-рамзий асардир. Туркумнинг сўнги сатрлари ғофил кўнгилларни ҳамон хушёрликка чорлайди...

*Аё дўстлар, адашган  
Бир мўминдан кулмайлик.  
Матмусадек ўзимиз  
Тандир кийган бўлмайлик!*

Авлоднинг мардонавор шеърлятида мустабид замон ғоя ва қарашлари, инсоний-ижтимоий муносабатлар тартиби ва тизимига нафақат бадиий-рамзий ифода воситалари орқали кескин инкорини кўрамай. Балки миллатимизнинг чор-ночор аҳволи, муте ва забун ҳолати ҳам рамзлар ортидаги мунгли ҳақиқатларда акс этарди. Хусусан аънавий ва классик рамзларда халқнинг мазлум қисмати ифодасини хис қилиш, сезиш кийин эмасди. Айтайлик, Мухаммад Алининг «Кўзичок» (1965й.) шеърда худди шундай йўлдан борилади. Малакали шеърхон Кўзичок рамзининг аънавий шеърлятида ҳар доим беғуборлик, химоясизлик, беғуноҳлик ҳамда ожизлик маъноларини ифодалаб келганини яхши билса керак: «Яшил ўтлоқ эркаси, сакрай-сакрай тинмайсан, Оламда не гаплар бор, англамайсан, билмайсан... Нарироқда аллаким сени кузатар шу чок, Кўзларида недир бор, ёнида совук пичок. Сенга боқиб кўзлари тиниб кетса ажабмас, Сенга қадар пичоғи синиб кетса, ажабмас...» «Совуқ

пичоқ» соҳибининг «Яшил ўтлоқ эркаси»га ёмон ва ёвуз ният билан қараши яқин ва машъум ўтмишимизнинг шафқатсиз ҳақиқати эди. Салкам юз йил ярим дунёга тинимсиз таҳдид солган кўрқув салтанатида шоирнинг тутқун эл-юрт тақдиридан хавотир олиши табиий бир инсоний-ҳаётий кечинма эмасмиди?! Миллатимиз эртаси ва истиқболдан чўчиш, қаттиқ ташвишлиниш, мудом хавотирланиш туйғулари, умуман, 60-70 йиллар ўзбек шеъриятида тез-тез учрайдиган етакчи уй-кечинмалардан эди, десак асло янглишмаймиз.

Олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг курашчан ва эркапарвар шеъриятида шундай бир рамзлар силсиласи ҳам мавжудки, нафақат мазкур қаламлари тўғрисида сўз очилганда уларни четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Ушбу рамзлар силсиласи ўз моҳияти ва табиатида кўра иккита гуруҳга бўлинади. Янада аниқроғи, мазкур рамзлар поэтик мантик ва мазмундан келиб чиққан ҳолда, яъни эстетик миссия ва вазифаларига асосан иккита бир-бирига қарама-қарши бадий кутбни ҳосил этишади: «Тун», «Зулмат», «Булут», «Сароб», «Туман», «Кўҳна ҳасрат», «Қадимий қасос», «Тутқун қуш», «Қузғунлар», «Қора бардош», «Уйқу», «Синиқ осмон», «Қора дунё», «Музлаб қолган ўч», «Аждар», «Жаллод», «Кишан», «Куллик занжири», «Яъжуж-маъжуж», «Жаннат», «Иблис», «Сукунат» каби рамзлар истибод асоратининг моҳиятини, миллий тутқунликнинг турли-туман қирраларини ўзида акс эттиради. «Бўрон», «чақмоқ», «Довул», «Шамол», «Чироқ», «парвона», «Ёруглик», «Шам», «Муқаддас руҳлар», «Буёқ муҳаббат», «Синглим», «Бойчечак», «Ёруғ дунё», «Кундуз», «Ой», «Эрк», «Оппоқ тонглар» сингари рамзий образлар эса халқимизнинг озодлик орзусини, истиқлол умидини, тутқунликдан қутулиш ва миллий нажот илинжини ифодалайди. Рауф Парфининг шеърият аҳлига аллақачонлар ёд бўлиб кетган қуйидаги машхур мисраларида рамзлар юқорида таъкидланган поэтик мақомда қўлланади ва ўз эстетик миссиясини аниқ бажаради:

*Бўрон, дўстим, нечун жимсан,  
Нечун жимсан, Чақмоқ, укам,  
Синглим Сукунатнинг бошида?!*

Кўриниб тургандай, «Бўрон» ва «Чақмоқ»дай табиат ҳодисаларига шоир ўзига хос поэтик маъно бағишлаб, уларни миллий ғафлат ва Сукунат»ни чилпарчин қилувчи, халқни уйғотувчи, нажоткор ва халоскор ижтимоий куч сифатида талқин этади. Зеро, ориф ва хушёр кўнгиллар истибоднинг қонли панжаларида қийналаётган эл-юртнинг муте жимлигини, мазлум сукунати енгилшга бўрон ва тўфондай фидойи, қудратли, чақмоқ ва яшиндай ёрқин, ғолиб кучларгина қодир, деб ишонарди. Ўжар озодликпарвар ва жасур эрксевар шоиримиз Чўлпон Эргашнинг қатор шеърларида ҳам ана шу ишончнинг изчил ва теран ифодасини кузатамиз. Бу ўринда шоирнинг навқиронлигида битилган исён нафасли шеърларидан бири - «Еллар» (1963й.)ни эслаш жоиз туюлади: «Хей! Хей, шамолларнинг неваралари, Қўлингизни беринг, қўлингизни! Хей, сиз бўронларнинг чеваралари, Этагимдан тутинг, Бўлинг тездан. манзил яқин, Порлоқ. Еллар, жон еллар, Бўронлар, шамоллар кутади сизни. Дадил кўкрак керинг, Чақмоқли йўллар, Лов-лов ёниб қуёш кутади бизни.: Қора булутларни сўрайлик кўкдан, қуёш даргоҳига манзил қурайлик». Шоир, «Еллар, жон еллар» деб кимга ўтиниб илтижо қилади? «Шамолларнинг неваралари», «бўронларнинг чеваралари» кимлар улар? Ушбу ялинишимон

хитобларнинг бари замондош ва ёш наслга қаратилган. Лирик қахрамоннинг мурожаати шунчаки оддий даъват эмас, бунда кўпроқ англантиш, уйғотиш ва ишонтириш нияти етакчилик қилади. Муаллиф ёшларга хитобан улар Бўронлар ва Шамолларнинг авлоди эканлигини, демак, мазлум ҳаёт кечиришга, муте, бўйин эгиб яшашга ҳаққи йўқлигини ёниқ бир эхтирос билан ўқтиради. Ҳали майин, заифгина «еллар» чинакам Бўронга, Тўфонга айланиши учун ҳаёт ва мамот курашларида чиниқиши, «Чақмоқли йўллар»дан ўтиши зарур. Фақат алангали ва чақмоқли йўллардан ўтиб, кўкларимиздан «қора булутларни» қувиб ҳайдабгина Эрк ва Истиқлол манзилига - «Қуёш даргоҳига» етиш мумкин. Қаранг, ўттиз беш йилча муқаддам - қизил салтанатнинг «қирчиллама» пайтида шоирнинг курашчан ва ўжар хаёлларидан нималар кечмаган экан!.. Мазкур шеър Чўлпон Эргашнинг бир ижодкор сифатида жасоратинигина билдирмайди. Унда шоир иқтидорининг бошқа муҳим қирраси ҳам акс этган. Гап шундаки, олтмишинчи йилларнинг бошларида - ҳали авлоднинг ижодий қиёфаси энди шакл-шамойил топаётган, янги ўзбек лирикасининг образлар олами, хусусан бадий-рамзий инъикос йўсини эндигина намоеён бўлаётган бир вақтда «Еллар» шеърида янги поэтиканинг, деяри, асосий унсурлари дадил бўй кўрсатганди: «Хей, шамолларнинг кенжаси еллар, Бўрон бўлиб сиз ҳам Даврон суринг бир! Хей, сиз-бўронларнинг елкаси еллар, Саф-саф бўлиб, Шаҳдам, олға юринг бир: Қуёшга тоблайллик ернинг юзини, Нурларга буркайллик йўлимизни. Эритайлик унинг асрий музини, Қўлингизни беринг, Қўлингизни!..»

Неча-неча авлодларга армон бўлган Истиқлолни ёшликка хос чақмоқ бир эхтирос билан қуйлаган шундай шеърлар аллақачонлар миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига, ажралмас бўлагига айланган ҳолда бадий ифори: ёниқ нафаси билан тарихдан сабоқ беради ҳамда шеъриятимизнинг юксак бўйини кўрсатади.

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

*Яшар ҚОСИМ - 1954 йилда туғилган. 1977 йили Тошкент Давлат Дорилфунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Кейинги 20 йил давомида Республика матбуотида адабий-танқидий, илмий мақолалари билан қатнашиб келади. Айниқса унинг ўзбек шеърияти борасидаги кузатишлари диққаттан сазовор. Шу изланишлар натижаси ўлароқ «Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгилиниши» мавзусида номзодлик диссертацияни йўқлаган. 1990 йилда Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Уйғониш садолари» китоби нашр қилинган.*

Ҳозирда «Янги бадий тафаккурнинг генезиси ва тараққиёт хусусиятлари» мавзусидаги докторлик ишини ҳимоя этиш арафасида. Истеъдодли мунаққиднинг орзуси «XX аср ўзбек лирикасининг поэтикоси» тадқиқотини янги аср бошигача ниҳоясига етказиш ва кўп сонли зукко шеърхонлар даврасига тақдим қилишдир.





Муҳаммад ЮСУФ



# КЎКИМ ТУПРОҚ, МЕҲРИМ, ТУПРОҚ, ОСМОНИМ

**БАҲОУДДИН БАЛОГАРДОН**

Дунёи дун,  
Эй дунёи зорманда -  
Гуноҳлар ундириб босган қадамдан,  
Одам ўглин айиргувчи одамдан,  
Кўнгиллар нурини тўсгувчи парда.

Дунёи дун,  
Эй дунёи зорманда -  
Конлар қусгай майи болинг тортганлар.  
Қўлсиз ўсгай қўлларингдан тортганлар,  
Йўлинг тўсган каски, охир шарманда...

Дунёи дун,  
Эй дунёи зорманда -  
Не наҳрсан, не сеҳрсан, не тилсим.  
Сени десам қалбимда қалб не қилсин,  
Сен-қўшиғи, қуйи енгил хонанда:

Дунёи дун,  
Эй дунёи зорманда -  
Сени деган бўлар баттар гадодан,  
Жаннатни қизганган Одам Атодан,  
Сени деган фаромуш, пароканда.

Дунёи дун,  
Эй дунёи зорманда -  
Жисминг тугул исмингни ҳам сўрмасман,  
Кўз очиқ-у нозик-ишванг кўрмасман -  
«Дил ба ёру даст ба қор» муҳри танда!..

## Ш О И Р

Ризқ сочар даласига,  
Ризқин териб олади.  
Дехқондан боласига  
Бир кун пайкал қолади...

Олмалар соясига  
Бир кун чўкиб, толади.  
Боғбондан боласига  
Боғи сайқал қолади...

Даштлар ниҳоясига -  
Йўқликка от солади.  
Чўпондан боласига  
Бия-байтал қолади...

Эл тўяр ялласига,  
Тарихга йўл олади.  
Шоирдан боласига  
Қолса... ҳайкал қолади!

## Ў П МЕНИ...

Менинг ғанимларим булутдан ҳам кўп,  
Ортимдан соядек юришар тўп-тўп.  
Саломат эканим ҳам бир ғанимат,  
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгти бор ўп.

Кўнгил йиғлар, қара, кўзлар тонмоқда,  
Кўкрагимга кўксинг кўйгин - ёнмоқда,  
Чайкалиб турибди руҳим томоқда,  
Ўп мени, севгилим, ўп, севгилим, ўп.

Эй менинг жаллодим, эй меҳрибоним,  
Кўким тупроқ менинг, тупроқ - осмоним,  
Тилимнинг учиди турибди жоним,  
Ўп мени, севлигим, ўп, сўнгти бор ўп.

Тун деганлари бу - тилсиз бир тилсим,  
Тўши тўлиқ чўғми, ўқми, ким билсин?  
Тонгда турарманми-йўқми, ким билсин?..  
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгти бор ўп.

Жон шундай узилса, бу - осон ўлмоқ,  
Севсанг, ситамингда ўлдир мени, моҳ.  
Қошларинг дор бўлсин, сочларинг - сиртмоқ,  
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгти бор ўп.

Бизлар - ожиз банда, ажалдир - ҳакам,  
Ошиқма, деб мени бўғмагин, эркам,  
Бўсангдан бўғилиб ўлай ўлсам ҳам -  
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгти бор ўп!

## ОЛИСДАГИ ҚАДРОН

Ўрмонлар лоласисан,  
Қайинларинг қирмизи.  
Урушнинг боласисан -  
Отамнинг ўрис қизи...

Биз эҳтимол бир умр,  
Кўришмасмиз, олис - нур.  
Отам билан кетган сир -  
Отамнинг ўрис қизи.

Отасизлик енгилми?  
Сен ҳам ярим кўнгилми.  
Опамидинг, сингилми...  
Отамнинг ўрис қизи.

Жон чиқар чоғ музлаб у,  
Кимларнидир излаб у.  
«Киз-и-м» деди йиғлаб у...  
Отамнинг ўрис қизи.

Сўз - отилган ўқ экан,  
Бағир ёқар чўғ экан,  
Суратинг ҳам йўқ экан...  
Отамнинг ўрис қизи.

Онам сирин сотмайди.  
Билади-ю, айтмайди.  
Отам энди қайтмайди.  
Отамнинг ўрис қизи.

Томирингда бизнинг қон,  
Қайда юрсанг бўл омон.  
Олисдаги қадрон -  
Отамнинг ўрис қизи!..



## ОК КҶҶКОР

Беканг мендан сўрамай  
Пойимга қурбон қилди.  
Жовдираган кўзларинг  
Юрагимни қон қилди...  
Ок кўчқорим, ок кўчқор.  
Олдингда гуноҳим бор.

Олмос ҳанжар ялтираб.  
Тўсиб қўйди қуёшни.  
Оғриниб сен оҳиста.  
Бурмоқчи бўлдинг бошни.  
Кўрдим умримда илк бор,  
Қонга томган кўзёшни...  
Ок кўчқорим, ок кўчқор.  
Олдингда гуноҳим бор.

Кўзингда ёш кўргани  
Наҳот шунча йўл босдим.  
Жонворим, мен бунчалар  
Иззатталаб эмасдим.  
Мен келсам сен кетишинг  
Билганимда - келмасдим...  
Ок кўчқорим, ок кўчқор.  
Олдингда гуноҳим бор.

Кечагина ерларни  
Гурсиллатиб юрардинг.  
Шоҳларингни тошларга  
Қарсиллатиб урардинг.  
Бир кун умринг қолганин,  
Сен қайдан ҳам билардинг!..  
Ок кўчқорим, ок кўчқор.  
Олдингда гуноҳим бор.

Бекалар шу: гоҳ суйиб,  
Гоҳ тўйдириб ўтарлар.  
Қизлигида ўзларин  
Маликадек тутарлар.  
Сўнг оёгинг остига  
Қўйлар сўйиб қутарлар...  
Ок кўчқорим, ок кўчқор.  
Олдингда гуноҳим бор.

Бу ҳовлига энди мен  
Сира қайтиб келмайман.  
Кўчқорларни қийнаган  
Бекаларни севмайман.  
Ўзим кўчқор шоирман -  
Кўчқор гўштин емайман!..  
Ок кўчқорим, ок кўчқор.  
Олдингда гуноҳим бор.

### ЎҒИЛОЙ

Ўрганиб қолганимни  
Ўйламайди Ўғилой,  
Ўртаниб толганимни  
Ўйламайди Ўғилой -  
Уч кун бўлди кўчага  
Бўйламайди Ўғилой...

Кеча борсам эшикка  
Чопиб чикди янгаси,  
Қош чимириб янги гап  
Тошиб чикди янгаси:  
Ўғил болалар билан  
Ўй-на-майди, Ўғилой!..

Иккимизни ҳеч кимса  
Ажратолмас дердим-ку,  
Ўнта ўғил боладан  
Ўзинг яхши эдинг-ку...  
Одам дўстин бунчалар  
Қийнамайди, Ўғилой?

Сенсиз дунёи қоронғу,  
Ҳаловат йўқ жонимда,

Маликадек солланиб  
Юрмас бўлсанг ёнимда,  
Айрилиққа юрагим  
Чидамайди, Ўғилой!..

Сени ўзим кўтариб  
Қатта қилиб елкамда,  
Энди ўзим зор бўлсам  
Алам қилар экан-да,  
Бу хўрликка қим чидаб,  
Йиғламайди, Ўғилой?..

Мен бундан буёғига,  
Чиқолмайман доғига,  
Қунда бориб тонгача  
Тош отаман боғига  
Томам энди тўйгача  
Ухлалмайди, Ўғилой!..

\* \* \*

Кетдим деб ёнингдан ҳеч кетолмайман.  
Суймаган жонимни суймаган оташ,  
Сочим оқарганда қуйдирган оташ -  
Сен не балосанки, унутолмайман...

Ёлғизинг бўлайин ёлғизим дединг  
На иқроор, на инқор-ихтиёр манда,  
Қечиккан баҳорим, сен эй зорманда.  
Йигирма ёшимда қайларда эдинг?..

Дилда бир хавотир, дилда ҳадик бор:  
Сен кўклам қизисан - гунҷай қийғос.  
Сени-ку ҳеч кимса мендай севолмас,  
Мени суйдингмикин, қуйимни дилдор...

Не бўлсам сен билан бўларман энди.  
Неларни кўрмаган бу қумуш бошим,  
Сен илк ва сўнги ёри йўлдошим,  
Худого таваққал қиларман энди.

Умр бир саҳарга сингиган томчи,  
Шабнам гул кўркини қаердан билсин.  
Ёшлиқда ёшлиқнинг қадри не қилсин -  
Қирққача севганлар бари алдамчи!..

### ЎЛАН

Нозингдан айланай ёрим нозингдан,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми.  
Жоним қалқиб турар ҳар овозингдан,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми...

Баҳорлар эргашар сен юрган издан,  
Юзинг ёруғ ярим осмон юлдуздан.  
Сайлаб олдим сени бир сарой қиздан,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми...

Кўнглим эзар ҳар хил ўй хаёл мени,  
Кел эгилиб ёхуд эгиб ол мени.  
Рўмолинг учига тугиб ол мени,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми...

Малагим сен, мен ғуломинг бўлайин,  
Гоҳ қошинг, гоҳ кўзингдан ўргилойин.  
Бир ўптирсанг - қирқ кун байрам қилойин,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми...

Бир ўланга шунча дардим тўқдим-а,  
Харидорим ўланчи деб ўқсинма.  
Қулбам йўғ-у дунё сифар кўксима,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми...

Йигит моли - юракдаги исёни,  
Келгин энди, зор этма меҳрибоним.  
Енгим ёстик, тўшак бўлсин чопоним,  
Кел деганда қалақолсанг бўлмасми...







Наби ЖАЛОЛИДДИН

**Й**

**И**

**Ғ**

**И**

**ЁХУД БОРИБ КЕЛАЁТГАН ОДАМ  
ҲАКИДА МУХТАСАР ҚИССА**

### МУҚАДДИМА ЎРНИДА

*Яратган инсонга умр берди. Ва яна у меҳр ҳам берди. Одамларга улаш иладиган ва улардан олиндиган МЕҲР...*

*Сиз ҳам буни биласиз...*

*Ростдан ҳам, билармикансиз?!..*

*Сизга мен ушбун илдиним, бағримни қўшиб илдиним.*

*Сиз ҳам дуо қилиб туринг!...*

### МЎМИН

I

У ўтни кечаям шу ердан ўрганди. Сув бўйида ўсган тоза ва юмшоқкина ўтларни мол-қўйлари маза қилиб ейишди. Охурга солаётганида қўйлари ҳатто унинг қўлини ялаб ҳам қўйишди. Қўй деганлари жуда покиза маҳлук. У ҳар кимнинг ҳам қўлига тилини теккизавермайди. Йигит бунақа нарсаларни сезиш, ўйлаш ённки тушуниш

фазилатларидан бебаҳра эса-да, ўз жигарларидек бўлиб қолган (балки улардан ҳам азизроқдир) жониворларга яна шу ўтдан олиб боришни мўлжаллади. У йўлдан икки-уч газ пастдаги зовурга қиялаб тушиб, толнинг шохига оёқ кўйди-да, нариги бетга сакраб ўтди. Қўлидаги этагини ерга тўшаб, устига чўкди. Оёғидаги оқшайиб кетган калишини ечиб, нарироққа ирғитди. Сўнг шимининг чўнтагидан нос шишасини чиқариб, шошилмай қопқоғини очди-да, кафтига нос солди ва кафтининг ёнбошини пастки лабининг остига тиради-да, қийналиброқ тилининг остига нос ташлади.

У лабини ўз одатича қимтиб, қўлларини тиззалари узра қовуштирганча сувга тикилди: қўғай ўтларнинг шамолда ҳилпираётган рўмол сингари билтанглаши сувнинг ожизгина ҳаракатини билдириб турарди. Мўмин (дарвоқе, бу йигитнинг исми шундай) ана шу қўғай ўтларнинг бирига беихтиёр термулиб қолди. Хозир у бир қарашда хаёл сураётгандек туюлса-да, аслида ҳеч нарсани ўйламас, қаршисида минг куйда тебранаётган қўғайнинг ўзига хос раксидан маъно ҳам топмасди. Учи сийрак қошларини керганича, бир нуқтага анча тикилиб турганидан олайиб - косасидан чиққудай бўлган кўзлари ана ўша ўтга беихтиёр қадалганди, холос.

Шу пайт зовурнинг нариги кирғоғидан бир бақа «шалоп» этиб сувга калла урди. Одатда зовур суви жуда тиниқ бўлади. Шунинг учун сув остида ўзи томонга сузиб

ўтаётган бақани у нигоҳи билан осонгина топди. Бақа сузиб келиб, Мўминнинг оёқлари остидан кўним топди. Йигитнинг содда кўнглида болаларча девона бир қизиқиш уйғонди. Оғзидаги анча «пишиб» қолган носни ёнига туфлаб, кўрдик, бақа ҳамон қимир этмай турибди. Мўмин энгашиди, хаёли ўғрисини тутиш мақсади-да, ўнг кўлини унга томон чўзди. Бирок, сезгир бақа кўл шарпасини сезди-ю, «лип» этиб қочди-да, қирғоқ ёқалаб суза кетди. Мўмин қарийиб тиззалаган кўйи уни кува бошлади. Бақа ҳам Оллоҳнинг бу мўмин бандаси билан қувлашмачоқ ўйнашга қасд қилгандек, ҳамон қирғоқ ёқалаб сузиб борарди. Йигит ўз машғулотига берилиб кетгандан эҳтиёткорликни унутди-ю, ўнг кўлини сувга чўзганча пастроқ энгашиди ва шунда мувозанатини йўқотиб, ўнг оёғи сувга тушиб кетди. Аммо эпчиллик билан дарров қирғоққа чиқиб олди.

У ўтириб олиб, шимининг почасини сиқаркан, лабларининг чети икки томонга қочди, овоз чиқариб қолди.

- Сувга пишди-я, қизталоқ! - деди у ўз-ўзига.

Шимининг сувини сиқиб бўлгач, қафти билан қоқилаб, текисларкан, чап ёнида курукликка чиқиб олиб, бемалол роҳатланаётган ўзга бир бўлагина бақага кўзи тушди. Кўнглидаги бояғи қизиқиш яна жўнбушга келди-ю, ўнг кўли билан бақани аста босди. Бақа жон талвасасида бир-икки типирчилади-ю, сўнг тинчиб қолди. Мўмин уни кўзлари олдига яқинроқ олиб келиб, тикилди.

- Ҳм-м, ушлаб олдими?!.. - деди тиржайиб.

У бақанинг бўртиб турган кўзларини ҳайрат билан қузатди. Кейин унинг диққатини бақанинг билкиллаб турган оппоқ бўйни ўзига тортди. Кўрсатқич бармоғи билан унинг бўйини силади. Аслида, ёши ўттиздан ошган бу «болакай» бақани нега тутиб олганини ўзи ҳам билмасди. Кўнглида шундай истак пайдо бўлди, тамом. Балки, унинг кун бўйи индамай юравериш жонига тегиб, ҳеч қурса, бақа билан бўлса-да, «гаплашгиси» келгандир.

Бир оз муддат ўтгач, у бақани сувга ташлади-да, ортидан тикилиб қолди. Жони омон қолган бақа сув остига шўнғиб, зумда кўздан ғойиб бўлди. Мўмин яна нос отди-да, ўроғини олиб, ўт ўришга тушди.

## II

У ўтни кўп яъни, жамлаганда этакнинг учлари бир-бирига базўр етадиган даражада ўрмасди. Росмана икки кучоқ ўрарди-да, этакнинг икки учини тутиб, икки томонини очик қолдирарди. Сўнг ўтни орқасига ортқилаб олар, ортқилаганда ҳам, этак бандининг учроғидан ушлаб олардики, натижада юк қарийиб белидан жой топарди. Этакнинг банди ўнг елкаси оша ўтгандан кўтарган юки тортиб, қуйлагининг ёқаси бўйнига бориб ёпишар эди. У тез юрмасди. Чолларга ўхшаб имиллаб одимларди. У оёқларини худди силтагандек ташлар, ҳар қадам босганда оёқларининг учи билан ўзини бир кўтариб кўярдики, бундан товонлари ердан пича узилиб, калишини тарк этаётгандек туюларди. Янада очикроқ қилиб айтсак, у худди туяга монанд қадам ташларди.

Мўмин дарвозахонага қўйилган «Москвич» машинасига тегиб кетмаслиги учун ёнлаб ўтди-да, ҳовлига кирди. Рўпарада - чиройли қилиб таралган ток остидаги сўрида отаси билан ўғай онаси чой ичиб ўтиришарди. Мўмин уларнинг олдидан индамай ўтиб, ўтни ҳовлининг кунжагига тўқди-да, ёйиб қўйди. Сўнг курадаги сувда кўлини ювишга тутинди.

- Ўтни қаердан ўрдинг? - сўради отаси у томонга бўйинини чўзиб қараркан.

- Зовур бўйидан, - деди Мўмин ювилган кўлини кўлтиғига артиб.

- Анув ўзимизнинг зовурданми?

- Йўқ. Чигитўрадан. - У нима қилишни билмагандек, кўллари кўлтиғида серрайиб туриб қолди.

- Ке, чой ич. - Отаси шундай деди-ю, бирок ўглининг феъли ёдига тушиб, индамай чой хўшлади.

Мўмин туя юриш қилиб, уйга кириб кетди.

Ота юзига фотиҳа тортиб, сўридан тушаркан, чап тиззасига чап кўлининг тирсагини қўйиб, нон кавшаётган хотинига деди:

- Мен мошинага бензин топиб келай, жа худо уриб кетди-да, шуням... - У белидаги белбоғини тузатган бўлиб, уй томонга овоз берди. - Мўминтой!..

Бир оздан сўнг эшикда Мўмин кўринди.

- Хотинийни опкеласанми? - сўради ота гуё ўзи «мен опкелайми?» дегандек зардали овозда?

Мўмин индамай ерга қаради.

Отаси ундан бир гап чиқмаслигига кўзи етди.

- Бўпти, чойингни ич... - дея кўчага чиқиб кетди. Мўмин сўри томон келаётганда ўғай онаси ҳам ўрнидан турди.

- Менам хамиримни қилай, ҳали нон ёпишим керак. Келинга ёлчимаганингдан кейин қариганда шунақа бўларкан-да, - дея гудраниб-гудраниб ошхонага кирди.

## ХОТИРА

### 1

Кампирлар ўчоқдаги човғумдай гап - шақирлагани-шақирлаган. Шақирлаш эса, унинг ичида суви қолмагунча давом этаверади, илло, қимирлаган жон борки, ичи тўла сув, салгина ҳаракатдан дуди осмонга ўрлайди. Шу ёшгача бирор марта тугмаган, аммо яратганининг инояти туфайли ўғай бўлса-да, она деган номга етишган бу аёлнинг ҳам ўзича дстурхон қилгулик дарди бор. Аксарият қишлоқ кампирлари инжикликданми, кўрпаси ҳам, ўрдаси ҳам шу уйи кўриниб, тўрт томони қиблага айланганидан ичлари торайиб сикилганликлариданми, ёхуд Оллоҳнинг ўзигагина аён бошқа сабаблари борми, негадир ўз кўргуликларига бошқаларни айбситадиган бўлиб қолишади. Улар ҳеч қачон ўзларини гуноҳкор билишмайди ва буни тушунтираман деб сиз ҳам беҳуда овора бўлманг. Улар сизга ва умуман барча нарсаларга ўзларининг кўрпа қавишларидек муносабатда бўлишади, яъни, у ёқдан ҳам-бу ёқдан ҳам игна санчаверишади. Балки бу соддаликдандир, фикр торлигидандир ва эҳтимол, миянинг фақат бир хил нарсаларнигина ўйлаш билан банд бўлганлигидандир... Ота-онасидан Бувинса дея ном олиб, бувилик насиб этмаган ўғай она палаҳмон тошидек хўп у ёқ-бу ёққа думалади - бир неча марта эрга тегди. Биринчи эри ота касбини тутиб, мироблик қиларди. Ўзим сувдеккина мулойим одам эди. У билан уч йил ёстик талаштиди. Фарзанд бўлавермагач, тўртинчи йили ажралишти. Эрининг ажралгиси йўқ эди, Бувинсанинг онаси қўймади: «турмуздан сув ўтгандан бола бўлмайди» - деб туриб олди. Хуллас, фарзандсизликда мулойимгина куёвни айбсйтишди.

Иккинчи эри миробнинг бутунлай акси эди, яғриндор, овозидан уйнинг шифти титрайидиган дағал одам эди. Бувинса бу эрини хотинларга хос меҳр билан чинакамига яхши кўрарди, калишига патак бўлишга тайёр эди. Лекин бола тугавермагач, учинчи йили меҳрининг эгаси уни талоқ қилди. Хўнг-хўнг йиғлаб уйига кетди. Шу-шу бўлди-ю, уйда узоқ ўтириб қолди, тенги чиқавермади. Бир томони ёш умри хазон бўлаётганидан, бир ёни чақалоқнинг лабларини тусаб, кўкрақларининг учи гимирлаганидан ич-этини еб борарди.

Ахйири, мана шу уч етими билан тул қолган ҳозирги эридан совчилар келди. Тақдир насиб экан ўраб-чирмаб олиб қелишди. Мана ўттиз йил бўлай дебдики, шу хонадоннинг эгаси, ўғай болаларнинг энаси бўлиб ўтирибди. Баъзилар тумсо аёллар меҳрсиз бўлади, дейишади. Бўлса бордир. Аммо Бувинса хола унчалик эмас, бир озгина ичи торлигини айтмаса, бинойидек она. Эрининг болаларини ялаб-юлкаб катта қилди, тўнгич ўғлини уйлади, қизини чиқарди, қайноналикнинг ҳам об-тобини келтирди. Бахтга қарши ўзи тугмади, туллари қилган оху нолалари Оллоҳга этиб бормадами, тумсолигича қолаверди. Кейинчалик тақдирга тан берди, ҳам десангиз, ўғай болаларининг ташвишлари билан андармон бўлиб, ўз дардини унутди.



Мўмин нонни ҳам жуда секин чайнади ( унинг мўминлиги ҳам шунда-да). Чайнаб-чайнаб ютарди нонни. Ҳар ютганида оғзини пастга, ўнгу сўлга тортиб, лабларининг ички томони билан тишларига илашган емишини ҳам тўшлаб, томоғига йўлларди. Устидан курра-курра чой ичарди. У ҳеч қачон биров билан ўтириб овқат емасди (агар маст бўлмаса). Ҳали отасининг уни чойга чақириб, кейин индамай қолгани-ю, Бувинса холанинг дастурхондан туриб кетгани ҳам шундан. Мўмин болалиқдан шундай - худди қасам ичгандай биров билан бир дастурхонда ўтириб овқат емайди. Отаси ўглининг бу одатини йўқотаман деб ҳўп уринди - сўкди, урди, барибир, фойдаси бўлмагач, бор-е, дея ўз ҳолига ташлаб қўйди. Далада деҳқончилик қилиб юрган пайтлари бошқа деҳқонлар билан бирга тушлик қилишганларида, Мўминни ялиниб ҳам дастурхонга келтиришолмасди. Ҳамроҳлари ёқа йиртар ҳазил-хузулу мазахлар қилишар, Мўмин бўлса нарида тупроқ қовлаб ўтирверарди. Унинг овқатини идишга солиб, олиб бориб беришарди.

Отаси Мўминнинг уйлантиришни ўйлар, хотини билан бирга ҳам овқат емаса-я, деб ҳадиксирарди. Йўк, никоҳнинг илоҳий сир-саноати бор эканми, ҳар тугул хотинини ҳайдаб солмай ёки ўзи қочиб кетмай, бирга овқатланаверди. Фақат энди эр-хотиннинг дастурхони алоҳида бўлди, холос...

Каердандир қўшнинг олачипор мушуги пайдо бўлди. У ҳеч нарсадан тап тортмай келиб, сўрига сакраб чиқди. Унинг ҳаракатлари бу ҳовлига биринчи марта кириши эмаслигини, рўпарасидаги одам ҳам эски танишларидан эканлигини билдириб турарди. Сўрига чиққан мушук «мен келдим» дегандек думини ликиллаб, бир лаҳза Мўминга тикилиб қолди, сўнг дастурхонни четлаб ўтиб, унга суйкалди. Мўмин уни чиғаноғи билан аста сурди. Мушук яна суйкалди. Йигит тиржайди, озгин юзида тарам-тарам чизиклар пайдо бўлди.

-Пише-е, энангди эмгур!

Аммо мушук кетмади, Мўминнинг тиззасига суянганича тураверди. Йигит нондан бир тишлаб олиб, сўрининг нариги бурчагига иргитди.

-Оп!...

Мушук «шу холосми?» дегандай эринибгина ноннинг олдига борди-да, уни тишлаб, яна ўрнига қайтди, белини Мўминнинг оёғига теккизиб тўшакка ястанди. Нонни оёқлари орасига олиб, астойдил ғажий бошлади.

- Вой, қисталоғей!.. - Мўмин яна тиржайди. - Энангди уйими бу сенга! - деб қўйди гуё мушукни эркалагандай...

## ХОТИРА

Мўминнинг уч яшар пайти эди. Эндигина тили чиқиб, ота-онасига «асал-шакар» бўлган кезлари. У бир лаҳза ҳам онасининг кетидан қолмас, тийтанглаб, онаси қаёққа борса, ўша ёққа борарди. «Менинг думим» деб куларди онаси ва шунинг учун ҳам суйгандай суярди Мўминни. Аммо «дум»нинг бахтли дамлари гуё тушдек бирдан узилди - онаси қўққисдан қазо қилди. Мўмин буни сезмади, эрталаб турса онаси ёнида йўк, ҳовли эса одамга тўла.

- Був-в!.. - дея чинкириб юборди у.

Онаси уйга югуриб кирди, уни кўтариб олди. Лекин у йигидан тўхтамади. Кейин аммаси кирди, уни кўтариб олиб, роса эркалатди, бир нималар берди, ҳовлини айлангирди, аммо бувисини чақирини қўймади. У йиғларкан, ҳалеб одамлар кириб-чиқаётган уйнинг (у пайтлар фақат икки хонагина лой томли уйлари бор эди, холос) эшигига тикилиб қолди. Тикилиб тура-тура йигидан тўхтади. Аммаси буни ўзича тушунди:

- Овқат ейсанми, Мўминтой?

Бола аммасининг кўзларидан нега ёш сизганини-ю, овози титраб кетганини тушунмади. Ёш тўла кўзларини аммасига қадаб, жим тураверди.

- Мўминтой, озгина овқат евогин-а? - яна ялинди аммаси.

Бола жим. У шу-шу қайтиб йиғламади.

Майитт чиққан куни кечқурун ҳаммаёқ жимиб қолди. Уй ичида эса уч-тўрттагина одам - қўни-қўшни, қариндош-уруғ. Бериги уйда Мўминнинг опаси, аммаси ва бир-икки хотин-халаж у билан овора - тинмай овқат ейишга қисташади:

- Жичча егин, Мўминтой!

- Эртаминандан бери ҳеч нарса егани йўғ-а, оғриб қолмаса гўргайди, - дея кўз ёш қилади аммаси.

Мўмин жим, кўзларини бир нуқтага тикканча индамай ўтираверарди. Уни чалғитиш учун дунёнинг қилиқлари-ю, гапларини ўйлаб топаётган опасига бир зум қараб турди, гуё унга эътибор ҳам бергандай бўларди-да, яна кўзларини олиб қочади. Онаси раҳматликнинг ўпичларидан ёқимли бўртган икки юзи салқиб қолди. У фақат эртасигагина овқат еди. Ундаям аммасининг тирмизак ўғли мук тушволиб, жажжи қўллари билан сикимлаб-сикимлаб, шошилиб-шошилиб шавла еётганига қизикди шекилли, бир-икки ошам тотинди. Опаси-ю аммаси зўрлаб қисташса ҳам бошқа емади. Бу кўҳна дунёнинг борки ташвиши унинг миттигина бошига тушгандай мунгли-мунгли тикилиб ўтираверарди. Аслида ҳам, норасида бола учун онасидан айрилишдан мудхиш ва аянчли нарса бўлмаса керак. Эҳтимол, унинг ситам кўрмаган жажжи қалби буни бир оз бўлса-да, англаб етгандир.

Уч кун деганда уйда яна ёлғиз ўзлари қолишди. Отаси, акаси, опаси ва Мўмин. Аммаси ҳам бир дунё ҳасратини кўз ёшлар ила отасига тўка-тўка ўлан тўшагига кетди. Улар - уч етим ва бир сўққабош хувиллаган уйда мунғайиб қолишди. Айриликнинг мудхиш салобати ана энди ҳовлига ястанди. У деворларга, дов-дарахту ўт-ўланларга, ўксик қалбларга балодай ёпирилди, уларга зил-замбил юқини солди, аёвсиз эзаверди, бошларини ҳам этди.

Одамзоднинг онадан тугилиши оддий ҳақиқат. Бу оддийгина ҳақиқат замирида бизнинг ақлимиз ҳали тўлалигича англаб етмаган улуг бир синоат, илоҳий мўъжиза борлиги эса, ўзга бир буюк ҳикматни яратади. Она қорнида биргина ришта орқали тириклик қилган одам боласи бу ёруғ дунёга келгандан сўнг ҳам ўша риштадан узилолмайди, чоғи. Гўдакнинг онаси ортидан қолмай эргашиб юриши, тунлари ундан нарида кўз юммаслиги, усиз овқат емагани - буларнинг барини қўя турайлик, нега энди инсон улгайганида ҳам, ҳатто онаси бу дунёдан ўтиб кетганида-да, унга интилади, уни соғинади, қўмсайди? Бу ўша ҳикмат - она билан бола ўртасида то умрбод мавжуд бўлган кўринмас риштанинг мавжуд эканидан дарак бермайдими?

Мўминнинг мурғак қалби хувиллаб қолганди. У ҳеч ким билан гаплашмади, бировнинг гапини эшитмади, бир нуқтага тикилиб ўтираверди. Чорасиз қолган жигарлари уни ўз ҳолига ташлаб қўйишди, орқаворатдан кузатишни одат қилишди.

Мўмин ўша куни шомга яқин ўз-ўзидан ҳаракатга тушиб қолди, ҳовлини айланди, дарвозага борди, мўлтираган кўзларини ҳовли узра тентиратиб, кимнидир ёхуд ниманидир излади. Ана ўша тентираш асносида кўзи ўчоқ бошига тушди. Бола эмасми, бурнини енги билан арта-арта ўчоқ бошига борди. Қорайган ўчоқнинг атрофи супурилган, қозоннинг қопкоғи ёпилган, унинг бир четидан қапирнинг дастаси кўриниб турарди. Мўмин ўтирди, маъюс кўзларини қозоннинг остига қадади. Олов йўк, ўчоқ ичи бўм-бўш. Онаси ҳам кўринмайди. Ҳар куни шу маҳалда онаси овқат пиширишини, у эса майда-чуйда ўтинларни териб, онасига узатганлари, онасининг «дастёр ўғлим» дея алқашларини эсладимикин? Айтгандай, онаси қани? Ҳовлининг этагига ўтин олиб келгани ўтдимикин?

Мўмин ўрнидан турди, дадил юролмаганидан қоқилиб-суқилиб, ҳовлининг куйи томонига йўл олди.

У бола эди, у кечагина ўлим аталмиш улуг жудоликнинг дастёри мангуга олиб кетган онасини излар, излаганда ҳам онажонининг энди бутунлай қайтмаслигини ҳис этмасдан уни излаётган норасида бола эди. Унинг ҳали доғ кўрмаган мурғак кўнгли ўзи англаб етмаган, ҳали англаши ҳам мушкул бўлган соғинчдан дир-дир титрар, аслида у ана ўша титрашни-да сезмасди. Соғинч эса унинг кўзларига сизиб чиккан, бир бурчига жонсарак тентираб, интизор боқади. Унинг боқишларига дош беролмай ер ҳам чўкиб кетаётгандай, дарахтларнинг шохлари буюк жудоликнинг суврати каби қайрила-қайрила осмонга ўралаётгандай ва умуман, олам мунгли-мунгли бўлиб бораётгандай. Бола йиғламаса, йиғлолмаса-да, олам унсиз йиғлаётгандай...

Мўмин ўтин тахланган жойга элитадиган йўлни аниқ биларди. Шунинг учун тийтанглаб бўлса-да, адашмай борарди. Афсуски, хотири йўлдаги ариқчани унутганди. Мана, ўша, ариқча, болакайнинг ўтиши анча мушкул бўлган сувсиз ариқча. Бу ердан уни ҳар доим онаси кўтариб ўтказиб кўярди. Энди эса, ёлғиз ўзи ўтиши керак. У атрофга бир пас мўлтираб турди, гўё шу ариқчадан ўтиб олса албатта, онасини топадигандек шошиб ерга ўтирди, кети билан сирғалиб, зумда ариқчанинг ичига тушиб олди. Тушиш ҳамиша осон, аммо чиқиш... Бола ариқча четигада ўтларга тирмашиб, тепага интила бошлади. Энди у гўё ўзининг пешонасига битилган мудҳиш қисмат билан юзма-юз келгандай, қандай бўлмасин уни енгиб ўтиши керакдай. Чуқурдан осонгина кўтариб олгувчи қадрон кўл эса энди йўк.

- Був-в!.. - У интра юборди ва шу кучаниш орасида чуқурдан чиқиб кетди. Лекин йиғламади, нам тупроққа беланган устини қоқмай ўтин тахланган томонга юрди.

Шох-шабба уюлиб ётибди. Онаси эса кўринмайди. У яна атрофга мўлтираб боқди. Ўв, мурғак қалбга чуқурроқ чўка бошлаган андуҳни ортқилаган йиғи, қанисан?! Отилсангчи, ахир! Отил!.. Сенинг овозингни эшитиб, бу норасидани овутигани келгувчи бирор кимса топилар-ку, ахир! Отилсангчи!..

Бола йиғламади. Кўзларини ҳамон жовдиратиб, бир-икки бор секингина: Був-в! Був-в!..» дея нола қилди, холос. Кейин жажжи кўллари билан майда-чуйда шохларни йиға бошлади. Ўзича ўтин деб ҳаёл қилгани ва шу чўшларнинг беш-ўнтасини кўлтиқлаб, орқасига қайтди. Бу сафар ариқчадан осонгина ўтиб олди. Бурнини торта-торта келиб, ўчок бошига ўтирди. Чўшларни қозоннинг остига қалади. Гугуртми, қоғозми излаб атрофга аланглади...

Уйдан чиқиб келган опаси уни кўриб,

- Ҳм-м, Мўминтой, овқат ейсанми? - дея сўради укасига раҳми келганидан йиғламсираб.

Мўмин чалғиди. Опасига бир қараб кўйди-да, мунгайиб ўтириб олди.

Опаси қайрилиб, уйда ёнбошлаб ётган отасига зорланди:

- Дада, ановизга қаранг, ғалати қилиқ қияпти!

Отаси кўзларини очса, ҳаловати бузиладигандай,

- Қўявур, ўрганиб қолади, - деб гўлдиради.

Бола ўтирган кўйи яна атрофга аланглади, ниманидир кидирди. Бирдан айвон устунига тагида турган эски қалишга кўзи тушди. Онасининг қалиши. У ўрнидан туриб, устун олдига келди, қалишни кўлига олди.

- Був-в!.. - Бир неча кундан бери толиққан кўзлари юмила бошлади...

## ДАЙДИ

### I

Уни онасининг бағридан айирганларида ҳали кўзлари ҳам очилмаганди. Янги келган хонадонда аввалига роса сийлашди - сут билан боқишди, кейинчалик кўзи очилганида кўриб танигани, меҳри тушиб қолгани - болакай унинг бошини силаб, эркалаб боқди. У ётар пайтида кучукчани ҳатто кўрпасигача олиб кирар, онаси

пўписа-ю танбеҳлар билан «Қоровой»ни ташқарига чиқариб ташларди. Дунёда неки мавжудот бўлса, барчасини боласи ёқимтой, ширин бўлади. Болакайнинг онаси аслида кучукни яхши кўрар, баъзан беихтиёр эркалаб ҳам қоларди. Жонивор ўзиям кучукмисан кучук эди-да, юнглири тим қора - зулукдай, оёқлари қалта-қалта, тани бўлагина, ҳар қандай кишининг завқини келтирар даражада ёқимтой...

Кучукнинг бўйи чўзилиб, бинойидек ит кепатасига кириб, қиёфасида важоҳат пайдо бўлди, аввалги тим қора юнглири кулранг тусга кирди. Ўша кунлари хонадонда соқолли бир бегона киши пайдо бўлди. Уй эгаларининг куёк кўришишларидан бу одам уларнинг яқин қариндошларидан эди. Ит ўз соҳибларининг меҳмонга бўлган муомаласини кўриб, рашқданми, унга ёвқараш қилди-ю, индамай нарироққа бориб ётди.

Меҳмон чўзиб дуо қилди ва юзига фотиҳа тортиди. Сўнг ит томонга имо қила-қила болакайнинг дадасига нималардир деди. Бола дадасининг ишораси билан ўрнидан турди-да, зўраки пўписалаб, итни ҳайдади. Сезгир жонивор ўзига бирор офат келаётганини тушундими, бошини ер қадар эгиб, яна-да, нари кетди, панароқдан меҳмонга тикилди.

Меҳмон ҳақиқатдан ҳам, хонадоннинг яқин қариндошларидан эди. Умрини тоат-ибодат билан ўтказувчи бу киши диний ақидаларга астойдил амал қилар, Оллоҳнинг ит деб аталмиш махлуқини унчалик хушламас, фариштасиз нарса деб биларди.

- Бу махлуқни бокманглар, уйдан фаришта қочади, - дегани ҳам рост.

Балки меҳмон ҳам тўғри келган одамга ўзининг бундайин маслаҳатини айтавермас, илло, хонадон соҳибларини ўзига яқин олганидан шундай дегандир. Ўзбек эса, такводор, илми кишиларни хурмат қилади, уларнинг гапини икки қилишни беодоблик деб билади. Уй эгасининг ўғлига, итни ҳайдаб юбор, дея ишора қилиши ҳам шундан эди.

Ит деганлари фаросатли махлуқ. Меҳмон кетиши билан у болакайга сурқалиб, хушомад қилаверди. Гўё шу билан боланинг кўнглидаги ниятини билишга уринарди. Бола-ку, ўлақолса қадрдонидан кечмасди, лекин отаси меҳмон кетиши билан тўнни тесқари кийиб олди.

- Йўкот, итингни! - дея ўғлини жеркиб берди.

- Қўйинг энди, болага эрмак-да! - деб эрини юмшатишга уринди онаси.

- Бошқа эрмак қуриб қоғтими? Намозхон одам билиб айтади, фариштасиз уйда барака бўладими!.. - Отаси болага қараб яна ўдағайлади. - Аканг билан бунингни йўқотиб ке, бўлмаса ўзим йўқотаман.

Отасининг жаҳли ёмон эди, қиламан деган нарсасини албатта, қиларди. Боланинг йиғлашига қарамай, акаси итни кўтарди, вангилаатиб эски қоғга тикди. Қопни елкалаб, ҳовлининг этагидан бошланган шудгорга қараб юрди. Ит типирчилаб чинқирди, бола йиғлаб эргаши. Уларга шудгорда ўйнаб юрган кўни-қўшнининг эрмакталаб болалари ҳам кўшилди.

Шудгорнинг охирида катта анҳор оқади. Суви кирғоққа ўрлаб, лим-лим тўлғанади, ваҳимали, эни беш-олти қулоқ бор. Ўша анҳорга етишгач, акаси итни қопнинг ичидан чиқармай бир-икки тепди.

- Тепманг, ўлиб қолади! - ялинди бола йиғларкан.

- Ўлса ўлар!.. - У итнинг орқа оёқларидан ушлаб, бир неча марта айлантирди-да, сувнинг ўртасига улоқтирди. Ит вангилаганча сувга чўқди. Аммо ҳиёл фурсат ўтмай, у сув бетига чиқиб, жон талвасасида нариги кирғоққа томон суза бошлади. Акаси итга бир мудат тикилиб турди-да, сўнг энгашиб ердан кесак олди ва ортларидан эргашиб келган бир тўда томошаталаб болаларга ҳам шуни буюрди.

- Отманглар! Отманглар!.. - Бола акасининг кўлларига ёпишиб илтижо қилди. - Сувдан чиқвосин, отманглар!..

Унинг ялиниб-ёлворишлари беҳуда кетди, болалар кесак отишдан тўхташмади. Улар отаётган кесаклар ит бечоранинг бадан ва бўйнига бориб тегар, анча тик



бўлган кирғокдан юқорига чиқолмай, орқасига ағдариларди. Бир пас оқим бўйлаб сузиб борарди-да, яна тепага чиқишга уринар, бироқ, кесак тегиб, тагин сувга йиқиларди. Охири, у тирмашиб-тирмашиб юқорига чиқиб олди, жикка хўл юнларини ҳам қокмай ўзини тутқаторга урди. Шундагина кесакотарлар ўз юмушларини бас қилишди, шовқин-сурон билан уйларига қайтишди. Бола эса ит кетган томонга тикилганча йиғлаб қолди...

Шу тариқа итнинг дайди ҳаёти бошланди. Биз унга Дайди деб ном бердик.

2

Дайди бу хўрликлар ҳали ҳолва эканлигини билмасди. Унинг саёқ қисматига кўп кўрликлар ёзилганию, пешонасига дунёнинг борки шўришлари ёғилишини ҳозирча сезмасди. У ўшанда тутқаторга ўзини урган бўйи узок югурди. Югурганда ҳам орқа-олдига қарамасдан, жон талвасасида чоғди. Агар унинг ўрнида одам боласи бўлганида биз ўз ҳикоямизни мағзи тўқроқ қилиш мақсадида, «у бағрига инган кўрқувни, ўз кадрдонларидан кўрган хўрликларини, ситам ва аламларини кўнглидан ситиб чиқармоқ истагида бутун вужуди оёққа айланиб югурарди» - дея ёзган бўлардик. Бироқ у Оллоҳнинг ўзга бир махлуқоти бўлгани сабабли ҳам ўз тавсифларимиз ила муҳтарам ўқувчининг лабида унажак ним табассумнинг тугилишини истамадик. Лекин Дайди ит бўлса-да, кўрқув ва араз ила жон талвасасида югургани аниқ. Энди бундайин чопишлари, ризқ илинжида саргардонликлари бир умрлик эканлигини ҳали унинг ўзи ҳам билмасди...

Дайди бу гўшаларда анча кун қолиб кетди. Вужудини кемираётган очликни ерларни тимироскилаб, нималарнидир топиб, қондиришга уринди. Одамларда «ўлмаган қул кўраверди» - деган гап бор. Агар ризқидан берган бўлса, озига сўнги сув томизилаётган одам ҳам томизикни ютиб, ўрнидан туриб кетиши мумкин. Неча кунлар саҳрода тентираб, ҳолдан тойган кишига агар Оллоҳ калтакесакни ризқ этиб буюрган бўлса, ўша ризқини еб, шубҳасиз тирик қолади. Бошқа пайтда одам боласининг калтакесакни ейиши мумкинми? Асло! Тангри-таолонинг қудрати ҳам шундаки, у бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни қила олади.

Дайдининг қолган ризқ-насибаси шудгорларга, кўча-кўйларга сочилган эди. У ана ўша ризқини териб, жон сақлади. Аввалига уйига қайтиб бормоқчи ҳам бўлди, лекин итларга хос кўнглига етган озор-алами устунлик қилди. Балки у ақллироқ итдир, эҳтимол, уни шундай ақлли қилган нарса соҳиби бўлмиш болақайнинг тоза ва самимий меҳридир. Ҳар ҳолда у уйга қайтмади, хўрликни афзал кўрди. Олдинига пана-панадаги туйнуғу чуқурларга суқилиб олиб, болақай ва унинг онаси берган ширин-ширин емишларни эслаб, соҳибининг майин қўллари билан пешонасини силашларини кумсаб, кечалари итларча бўзлади, эшитганнинг кўнглини сув-сув қилиб оқизувчи овозда улиб юрди. Аччиқ қисмат эса, ўз ҳукмини ўтказиб, унинг дийдасини қотириб борди, дайди итларга хос совуққонликни бутун вужудига сингдираверди. Авваллари маҳаллага яқинлашишдан юраги зир титраб, унинг четигаги ахлат уюмларини титкилаш билангина кифояланиб, ўзига емиш кидирган ит кейинчалик кечалари ховлиларни кезиб чиқадиган бўлди. Мабодо кирган хонадонда кўриқчи итга йўликса, у билан бемалол ириллашишгача бориб етди. Ит деганлари анча фаросатли жонивор бўлишини айтиб ўтгандик. Бу таърифни Дайдига нисбатан ҳеч иккиланмай ишлатиш мумкин, илло, у ўзининг меҳрибон хўжаси бўлмиш болақайни, унинг эркалатишларини унутмаган ҳолда бола яшайдиган маҳаллага умуман яқинлашмасди.

(Давоми 14-бетда)

## БИРИНЧИ УЧРАШУВ



МУҲАЙЁ

ҲОРАТЧИҲТТА

ҚУМИБ ҚУЙ

МЕНИ

\*\*\*

Хижобинга ўраб қуй мени,  
Кўларимни юмиб қуй, юмиб.  
То хатардан йироқ бўл десанг  
Юрагинга кўмиб қуй, кўмиб.

Кўзим очсам, қоработирлар  
Оёғинга тавба этсинлар.  
Бу дунёнинг ёсуманлари  
Мени кўриб нари кетсинлар.

«Куф-суф» қилай улкан аждарнинг  
Томирлари лаҳзада қуйсин.  
Тонгда ишқни кўтариб ўтай,  
Кимки суйса мен каби суйсин.

Йўл қоронғу қалбингни ёндир,  
Машъаламни ёкиб олайин.  
Кўз тегади, кўзмунчоқлар бер  
Қўлларимга тақиб олайин.

Хижобинга ўраб қуй, ўраб  
Кўларимни юмиб қуй мени.  
То хатардан йироқ бўл десанг  
Юрагинга кўмиб қуй мени.

## К Е Л М А Д И Н Г И З

Интиқ бўлиб йўлингизга  
Кўзим тикдим, келмадингиз,  
Сабот деган саҳроларда  
Танҳо кездим; билмадингиз.  
Ёки билиб, ёки билмай,  
Ё назарга илмадингиз.  
Чаман эмас, чўлингизга  
Ўзим тикдим, билмадингиз.  
Кела-кела ғазабларни  
Ўлдириблар келибман-эй,  
Париларни қувонтириб,  
Қулдириблар келибман-эй,  
Дунёи дун телба гардун,  
Тоza осмон ўнгирида  
Ҳеч тўлмаган кўнглингизни  
Тўлдириблар келибман-эй.

Кута-кута кўздан қолиб  
Кўр кўзларни ёшлаб кетдим,  
Сизнинг фараҳ қалбингизга  
Надоматни ташлаб кетдим,  
Ўзим каби бедор юрган  
Соғинчимни бошлаб кетдим.  
Афсус, афсус, минг бор афсус  
Сиз буларни билмадингиз,  
Келмадингиз...

МУҲАЙЁ карманалик. Навоий педагогика институтининг 5-босқич талабаси. «Ёшлик»да илк бор чиқиши.

**Сўфи ОЛЛОЁР**

**ТОЛИБ УЛДУРКИ ЖАҲОН  
САВДОСИДИН МОСУВО  
БУЛСА...**



**«САБОТ-УЛ ОЖИЗИН» ДАН**

*Кел эй кўнгил жаҳон савдосидан кеч  
Қадам гам кишварина урмагил ҳеч.*

*Жасад қолмасдан илгари нафасдин  
Ҳаво кўп қилмагил, кечгил ҳавасдин.*

*Дари телба очуқда иста мақсуд  
Иш ўтган сўнг пушаймондан нечук суд.*

*Эгил тезроқ худонинг тоатиға  
Кейин кўймай бу дамни соатиға.*

*Йигитликда ажаб хуш хавф зори  
Ёгинлик келса хўб йилнинг баҳори.*

*Кўзидан ёш оқар қўрқиб тўқар ёш  
Дурри раҳмат бўлур ҳар ёшиға чош.*

*Мабодо тавба қилмасдан бурунроғ  
Ажал келса кетарсан тавбасиз доғ.*

*Ўлимни доимо ёдингда билгил  
Анинг илгин гирибонингда билгил.*

*Ўлимни соқисин пешонада бил  
Лабингни доимо паймонада бил.*

*Ажал тортиб турибди ёй била ўқ  
Ёшунур ер, қочар дармонимиз йўқ.*

*Кўтарибдир қилич бизга солурга  
Киши билмас қуярму дам олурга.*

*Билурсан йўқ бу дунёнинг баҳоси  
Қадам қўйгон ерингдур жар ёқоси.*

*Таажжуб мундин ўтмас жар лабинда  
Бани Одам ҳануз ўз матлабинда.*

*Қадам дарё юзида рўйи ҳасда  
Ҳануз авлоди Одам минг ҳавасда.*

*Саҳар бўлса нидо айлар фаришта  
Дегай эй одами гафлат сирешта.*

*Сани халқ айлаган Султони голиб  
Ҳамиша бандасидан тавба толиб...*

**ШАРҲИ**

Кел эй кўнгил бу жаҳон савдосидан, тирикчилик харидларидан юз ўтиргин, гам-ташвиш диёрига қадам қуйиб, дарбадар бўлиб юрма.

Жасадни жон тарк этмасдан илгарироқ сен ўзингга бино қўйишни, ўткинчи ҳойи-ҳавасларга берилишни ташла.

Ҳали соғ чоғингда, тупроқ устида эркин юрганнингда тавба-тазарру қилишни мақсад қил, мўлжалла. Ҳолинг афтада бўлиб, бу амални қилишга имконсиз бўлиб қолганингда дод-вой кўтариб,

пушаймон қилишнинг ҳеч фойдаси бўлмайти.

Тезроқ худонинг тоатиға, саждага бошингни эг, кейин эса бу ибодатни бир зум бўлса-да тўхтатма.

Тавба-тазарру ёшликда-йигитликда қилинганлиги яхшироқдир. Бу дамдаги оҳи-нола, кўзёшининг мўллиги сени кўп хавфлардан ўзи омон сақлагуси, уларга қалқон бўлгусидир.

Навқиронликдаги бу тўққан ёшларинг - Ўзидангина кўрқиб қилган амалинг, йиғила-йиғила раҳмат дурларининг хирмони бўлади.

Агарки, фоно ишлари билан андармон бўлиб тавбага ҳали эрта деб юрганнингда ажал келса, ҳеч бир иш қўлингдан келмай тавбасиз, покланолмасдан, кўнглингда неча бир доғ, армон билан кетишингга тўғри келади.

Шу боис ўлимни доимо ёнингда билгил, унинг қўли бўғзингда турганидай ҳаракатингни қил.

Ёзингга ўлим шаробини ичиш муқаррар эканлигини, бу шаробни сузувчи қоши-қабоғинг орасидагидай жойда эканлиги, лабинг ҳамиша паймона шаробига тайёр туришини унутма.

Ажал ёйида ўқ отилишга ҳозир турибди. Ундан яшринишга на жойимиз бор, на қочиб қутулишга етарли куч-қувватимиз. Ажал қиличи бошимиз узра ярақлаб кўтарилган, бироқ ҳеч ким унинг қачон тушишини, орада бир лаҳзага яшаб олишга, дунёдан роҳатланишга имкон беришини билмайди.

Вақт етиб бу дунёнинг абадий эмаслигини, яшаган умринг жар лабидагидек ҳолатда кечганлигини англаб етасан.

Аммо Бани Башар шу ҳалокат ёқасида ҳам ўз билганидан, мақсади матлабидан қолмайди.

Ҳар бир босган қадами дарё юзидаги ҳасдек омонат, нимжон, ҳеч нарсага арзимас бўлса-да, минг - бир ўткинчи орзу-ниятлар-ла югуриб елади.

Саҳарларда дил қулоғи-ла тингласанг, фаришта нидо айлаётганини, эй одамий гафлатда ётишни бас қил, дея ўқдираётганини эшитасан.

Ахир сени яратган Султони Голиб, ҳамиша бандасидан тавба илмида толиб бўлишни талаб қилади-да.

*Зокиржон Афзалов шарҳи.*

Жаҳон ва шарқ шеърятининг энг юксак чўққиларидан бирини эгаллаган мумтоз шеърятимизнинг гўзал мўъжизаларини диний ва инсоний қадриятларини, ўзига хос кашфиётларини чуқур ҳис қилиш, завқ ва ҳайрат олиш бир ўқиш билан амалга ошадиган иш эмас. Айниқса оддий ўқувчига бу ҳамиша ҳам муяссар бўлавермайди. Аксарият ҳолларда бунинг учун етарли билим ёхуд зукко бир нафис адабиёт устозининг ёрдамига, англатувига эҳтиёж сезилади. Шу боис ҳам неча-неча асрлардан буён бу эҳтиёж меваси ўлароқ дурдона асарларнинг моҳият-мазмунини гўзал бир тарзда оммага тушунтириб борган шарҳлар дунёга келган ва ўша асарга кирувчи қалит хизматини ўтаб келади. Назаркарда шоиримиз, дину иймонимизнинг янгроқ куйчиси Сўфи Оллоёр асарларига ҳам бундай шарҳлар кўп ёзилган. Аммо Октябр тўнтаришидан кейинги даҳрийлик замонида эътиқодимиз қатогони қатори бу асарлар ҳам халқдан таъқикда сақланиб, камситилди, ёмонотликка чиқарилди. Хайриятки, бу кўрғиликлар орқага қолиб, адабиётимиз юрагиде тирик, ўлмас асарларимизнинг ҳар томонлама фазилатларини англаш алақачон бошланиб кетди. Техника фанлари доктори, Зокиржон АФЗАЛОВ томонидан Сўфи Оллоёрнинг «Сабот-ул ожизин» баҳоли қудрат қилинган шарҳлари ҳам бундан дарак беради.

**ТАХРИРИЯТ**



# ЙИҒИ

(Давоми. Боши 8-бетда)

Вақт аталмиш ҳокими муғлақо ўз ҳукмини ҳамма нарсага ўтказа олади ва истаган нарсага шафқатсизларча муҳрини босиб кетаверади. Дайди киш яқинлашгани сари вазоҳатли тусга кириб, кўрган одам бир сесканиб кўядиган ҳолга келди. Калласи улканлашгандай, бўйи чўзилиб, қорни ичига кирган, суяклари бўртиб кўринганидан яна-да вазоҳатлироқ туюлар, гавдасининг дум томони хиёл пастга эгилиб қолганди. Оёқ панжалари ҳам йўғонлашган, тирноқлари ўсиб, пастга қараб қайрилганди. Юнги тулаган, аввалги кулранг туси ўзгариб, кўнғир, кулранг, оқиш рангларнинг уйғун бир кўринишини эслатарди. Юрганида аста-аста, шошилмай одимлар, ҳатто бирор хавф сезилганда ҳам қадамини камдан-кам тезлатарди. Биз унинг ҳозирги кўриниши узоқ йиллар аёвсизларча ишлатилган, юз-кўзлари маҳзун ва нигоҳлари ўксик кулнинг ўчга ташна киефасига ўхшатган бўларди.

Кишнинг илк аёзли кунлари Дайди ўзига бошпана излаб қолди. Узоқ излади, аммо ҳадеганда паноҳ бўладиган жой топилавермади. Эндигина топдим, деганида нимадир ҳалақит берарди. Ниҳоят, ўз мўлжалидаги маконни топди. Маҳалла четдаги зовур ёқалаб юриб, қатор ҳовлилардан бирига кириб қолди. Ҳовли анча кенг эди. Либослари тўқилган турли мевали дарахтларга тўла томорканинг икки тарафига шох-шаббалардан чайла қилинган. Бир бурчагида тагига қинғир-қийшиқ, ўтингагина ярайдиган ходалар тахланиб, устига сим билан боғланган шохлар босилган ғарам дўмпайиб турарди. Дайди ана ўша ғарам остини мўлжаллади. Шохларнинг остига бош суқиб кирганиди, анча жой ғовак экан, ҳар қандай ёгин-сочин ва шамолдан сақланса бўладиган тайёр қўлбола чайла. Қолаверса, ҳовли эгаларининг кўзидан нари - ҳовлининг бир чеккасида. Уларнинг бу томонларга киш ичи ўтишлари гумон.

У янги бошпанасини «жиҳозлай» бошлади: ғовакнинг ичини обдон тозалаб чиқди, сўнг юмшқоқ хас-хашаклардан хобгоҳ тайёрлади. Қарабсизки, ўлмаган кул бинойидек уй-жойга ҳам эга бўлиб олди.

Киш кечалари узун бўлади, чийиллаган аёзлар уни яна-да, узайтиради. Гоҳида совуқ Дайдининг суяк-суягигача ўтиб кетарди. Шунинг учун баъзида у туларни оёқда ўтказар, тирикчилик пайида атрофда искаланиб юрарди. Унинг тирикчилиги нима ҳам бўларди, баъзи «ёввойи» итларга ўхшаб бировларнинг товугини ўйрламаса. У одатда, ҳовлиларнинг саҳнида дайди, дастурхон қоқиладиган ерлардан нон бурдалари, шимилган суякларни топиб, тамадди қиларди. Каттароқ суяк топса, уясига олиб келар ва уззукун ғажиб ётарди. У ёш боласи кўп хонадонлардан ҳеч қачон қуруқ қайтмасди, бирон бир

тишга ботадиган хўрак топарди. Кундузлари эса, иложи борича уясида чикмасликка ҳаракат қиларди. Ҳар ҳолда балодан нари - одамларнинг назарига тушмагани дуруст.

Дайди кишнинг аёзли кунларини шу тахлит ўтказиб борарди.

## МЎМИН

1

Мўмин чой ичиб бўлгач, сўридан тушиб, чол-кампирнинг уйига кирди. У бу уйга ҳадеб киравермас, баъзан телевизор кўргиси келганида ёки киш кунлари исиниш ниятида, ўшанда ҳам уйда ота-онаси йўқлигида бош суқарди. Ҳозир уй ичида ҳеч ким йўқлигини билганидан дадил кириб борди. Деворлари хира, баъзи жойлари кўчган, чол ва кампирнинг хоҳиши билан пол қилинмай, тупроқ тўлдирилиб, устидан похол солинган уйдан ғалати ҳид келади. Бу ҳид тупроқ, бир оз зах, похол ва кампирлар ғаладон ҳамда сандиғида сақлайдиган қанд-курснинг қориниқ бўйидан яралганди. Тор уйнинг меҳробига кўрпа ва тўшаклар тахланган, устидан ранги униққан парда тортилган. Токчаларга қишлоқ одатига хос одат бўйича турли идиш-товоклар

териб кўйилган, ҳар токча ораллигига миҳ қоқилиб, сочик, дастурхон, чолнинг кўйлаги, тўни ёхуд бошқа шу каби нарсалар илинган. Ердаги ўнгиб кетган шолча устига учта кирчимол тўшак солиган.

Мўмин деразанинг токчасидаги телевизорнинг мурватини суқиб, тўшаклардан бирига ёнбошлади. У телевизорнинг жуда ишқибози эмасди. Гоҳо-гоҳо вақт ўтказиш баҳонасидагина кўрар, кўрганда ҳам барча гапларни тушунавермас, ўрисчани-ку умуман ақли олмасди. Унинг томошаси кўпинча муштлашув, олатаёсир кинолар бўларди. Ҳозир нима кўп - тижорат студиялари кўп. Айниқса, манавинақа тушлик маҳаллари уларга худо бериб аллақимбало киноларни кўйиб қолишади. Бу кинолар асосан, ўрисча бўлганидан Мўмин уларнинг гапларига қарийб кулоқ солмас, одамларнинг ҳаракатларидан ўзича маънолар чиқариб олаверарди. Мабодо сермуштлашув кино бўлса, унинг кунни туғади, гоҳ-гоҳ «вуй билат» деганича берилиб томоша қилади...

Ана, кино ҳам бошланди, ваҳимали мусиқани эшитгач, Мўмин бир жойлашиб олди. Аммо ҳадеганда томоша авж олавермади, ундаги одамлар гапириб-гапириб, бир-бирларига ёвуз қараш қилишиб, юраверишди. Афтидан бу «даҳшатли» филм эди, одатда, унинг «мағзи» охирида чақилади. Бунга Мўминнинг бардоши етади дейсизми. У зарда билан талевизорни ўчириб, ташқарига чиқди. Уй олдида бир мудат гарансиб турдида кўйлари томон юрди. Йўл-йўлакай эски пақирдаги сувни олиб кўйларига тутди. Иссиқда зўрга нафас олаётгандай энтиқиб ётган жониворлар тапир-тупур қилишиб сувга ёпишишди. Бир-бирларини туртишиб-туртишиб бир зумда пақирни бўшатишди. Мўмин яна сув олиб келди. Кўйларининг нафси қонгач, ситир ва новвосни ҳам суғорди. Сўнг этак ва ўроғини олиб, дарвоза томонга юрди.

- Ҳой, бола, - деб чақириб қолди шу чоғ ўғай онаси ортидан.

Мўмин қайрилиб қаради.

- Сенам одамларга ўхшаб қолхозни картишқасидан опкесангчи. Эртақиси пишибди, ҳамма ташмалаяпти... - дея бобиллади Бувинса кампир.

Мўмин «хўп» дейиш уёқда турсин, ҳатто бошини силкиб кўйишни ҳам эп кўрмагандай, индамай кўчага чиқиб кетди...

Шағал аралаш тупроқ йўл офтоб тафтида олов каби ловуллади. Иссиқдан ҳарс-ҳарс энтикаётган дунё «салқингина уйингда маза қилиб ётсанг бўлмайдимиз» дегандай гўё Мўминга ўтли захрини сочади.

Чигитўрадан чапга қайрилган йўлнинг икки тарафим шудгор. Эрталаб у айнан мана шу жойдан - йўлнинг чап тарафидаги зовур бўйидан ўт ўрганди. Энди унинг мақсади ўт ўриш эмас, ўғай онаси уқдирганидай «одамларга ўхшаб» картошка ўмарош эди. Ҳозир жуда қулай пайт - иссиқ айни авжига чиққан, теварак-атрофида ҳеч кимнинг қораси кўринмайди.

Йўлнинг ўнг томонида кичикроқ ариқ бор, ундан сакраб ўтса, картошканинг нақ устида турибди-да. Мўмин илгари бундай ишга қўл урмаганидан шошиб қолди. Картошка пояга оёғи тегар-тегмас кўлига илашганини тез-тез этагига сола бошлади.

- Ие, ҳа, ҳорманг, Мўминтой, ҳорманг! - Йўл тарафдан келган масхаромуз овоздан Мўмин чўчиб кетди. Овоз эгаси шу бригадада ишлайдиган сувчи йигит эди. У Мўминдан нари борса икки-уч ёш катта эди, ҳолос.

Мўмин бир қўлида картошка, йўлдаги йигитга қараб серрайиб туриб қолди. Сувчи йигит велосипеддан тушди-да, худди ўғлига насихат қилаётгандай Мўминга танбех бера бошлади:

- Кўпчиликнинг ризқини ўғирлагани уялмайсизми, Мўминтой! Шу савлатингиз билан ўғирлик қилганингизни қаранг-а!..

Бу беминнат картошқадан ўзи неча марта ташиган ва буни ўғирлик эканини муғлақо хаёлга келтирмаган қитмир йўловчининг ҳазилини Мўмин қайдан ҳам тушунарди, дейсиз?! У гўё катта гуноҳ қилиб қўйгандек, бирдан шалвираб қолган, албатта, жавоб бериши кераклигига чиппа-чин ишониб турарди. Аслида, ҳазилкаш

ийгитнинг мақсади - гўл Мўминни бошлаб лақиллатиш эди.

Мўмин қўлидаги картошкани ерга ташлади-да, калишини судраб ариқ бўйига келди. Велосипедига ўтираётган ҳазилкаш йигит гўё ўзича унга ҳиммат кўрсатган бўлди:

- Бу сафарча ҳеч кимга айтмайман. Иккинчи марта бунақа қилманг, Мўминтой, уят бўлади. - У қаҳ-қаҳа отиб юбормаслик учун лабларини базўр тишлаганча жўнаб қолди.

Мўмин ариқдан нариги бетига сакраб ўтди-да, ўз одатича сув бўйига, қалин ўсган тутқаторнинг соясига ўтирди. У маъносиз хўрсиниб, нос отди...

2

Дайди одатдагидек, сув бўйларига санкиб юрарди. У шундай жазирама иссиқда ёлғиз ўзи сув бўйича ўтирган одамни аллақачон пайқаган ва вужудида аллақачон унутиб юборган хоҳиш уйғонган, ўзидан-ўзи ҳалиги кимсага яқинлашгиси келаверди. У қари итларга хос салобат билан секин-секин юриб, йигитнинг рўпарасига тўхтади. У худди ёшлангандек йилтираётган кўзларини ғалати одамга тикди. Мўмин буткул ҳаёлга толиб қолган, у гарчи нос отиб олгандан лабларини чуччайтириб, ит томонга тикилиб турган бўлса-да, уни кўрмасди. Ва, ниҳоят у қаршисидаги маҳлукнинг шарпасини сезди-ю, кўзлари ғалати чақнаб кетди. Эҳтимол, унинг ўрнида бошқа кимса бўлганда юнглири офтобда қуйиб, девонанинг эски чопонидай ўнгиб, ола-була тусга кирган, тилини осилтирганча, ҳарсиллаб турган итга кўзи тушиб, кўркиб кетиши тайин эди. Аммо Мўмин одамлардан ҳам жониворларни кўнглига яқин олганиданми, итдан чўчимасди, аксинча, юраги коп-қора тортиб турган бир пайтда дардини тўкиб соладиган ҳамроҳ топилганидек, 'ўзича мамнун тиржайди. Оғзида носи билан қошларини кериб, «ҳм-м», дея гўё Дайдига сўз котди:

- Кимнинг итисан?

Ит унга жовдираб қараб тураверди.

- Дайдимисан?.. - Мўмин бирпас жим тургач, гўлдиради. - Кампир қартишка опке деганди, эгаси тутиб олди... - У гўё итнинг олдида ўзини оқлаётгандек қўшиб кўйди: - Мен ўғирмасман...

Мўмин қийналиб, базўр талаффуз қилаётган ҳар бир сўзнинг охирини ичига ютиб юбораётганга ўхшарди. Унинг гаплари аниқ-тиниқ эшитилаётгандек туюларди-ю, аслида эшитилмасди, тингловчи азбаройи барча сўзларни яқин билганидан унинг фикрини бусиз ҳам ўкиб оларди. Ит ҳам гўё унинг гапларини тушунгандек, дам-бадам лабини осилтириб, бошини сарак-сарак қилиб қўярди.

- Қорнинг очми?.. - сўради у итдан, - Ўтими ўриб олай, уйдан нон обераман... - У ўрнидан туриб, ўт ўришга тушди.

Дайди қайтишда унга эргашиб, уйгача келди, лекин дарвозадан ичкарига кирмади. Мўминнинг қўлидан бир бурда нонни олиб, изига қайтиб кетди.

3

Агар дунёдаги барча инсонлар ҳаёти навбат билан батафсил ҳикоя қилиб берилса, барчаси қарийб бир-бирига ўхшаш экани аён бўлади. Ёйиш-ичиш, ишга бориб келиш, ухлаш, қўйинги, мавжуд турмуш-тарзининг ўзи гўё битта андозадан олингандек туюлади. Лекин бу ўхшашлик ҳар кимни турлича зериктиради, балки ўзига хос йўсинда жонига тегади. Бировни ҳар кун битта юриш зериктирса, бошқа бировнинг ҳадеб таниш одамлар билан мулоқатда бўлиш толиқтиради. Кимдир атрофдагилардан бошқача бўлолмаганидан азобланса, яна кимгадир ҳар кун ётиб-турадиган хонаси ёкмай қолади. Аслида ҳам бундай чуқурроқ мулоҳаза юритган кишига ҳаёт деганлари жуда зерикарли ва ҳатто азобдек туюларди.

Мўминнинг ҳаёти зерикарлими-йўқми, айтиш қийин эди. Ҳар ҳолда, унинг ўзи бу ҳақда ўйламасди. Агар ўйлаганида, туриш-турмуши бутунлай бошқача бўлган

бўларди. Унинг гўё жилмайиб тургандек кўринадиган маънос кўзларида ҳамиша бир хил маъно акс этарди: "Нима қилсам экан?". Ўзи ҳам англаб етмаган бу савол унинг ҳаракатларида - қадам ташлаши-ю, ўзининг тутишида аниқ-тиниқ сезилиб турар, гўё жисму жуссасини қандайдир ишончсизликдан ҳадиксираш чўлғаб олгандек туюларди.

У одатда кечки пайт кўчага чиқар ва дарвозаси рўпарасида кўлларини шимининг чўнтагига солиб, парижонхонадек бир киёфада туради. Баъзан эса, чўнкайиб, икки қўлини иягига тираган қўйи ўтирар эди. Бугун ҳам шомга яқин кўчага чиқиб, дарвоза олдида анча турди. Гўё уни кимдир шу ерга михлаб қўйгандек ўрнидан кимир этмасди. Охири, у чамаси, зерикди шекилли, одатдагидек, кадамни судраб босганча катта кўча тарафга юрди.

## ХОТИРА

1

Онасининг қазосидан сўнг орадан бир йил ўтиб-ўтмай отаси уйланди. Девор юради дейишса, айниқса, у сен томонга юради, десалар чиппа-чин ишонадиган соддадил отаси ҳар тугул қайгуни унутгандек бўлди. Аслида, у мотамсаро хонадондагиларнинг барчаси ўғай она келгач, бироз енгил нафас ола бошлади. Ёйиш-ичишларига маза кирди, қўйлақларининг ёқаси оқариб, таглари тўшак кўрадиган бўлди.

Ўғай она Мўминни ҳам ўз фарзандидек кўриб, оқ ювиб, оқ таради, эркалади. Кечалари уни ўзи билан олиб ётишга уринди. Бироқ, бола барибир бола экан-да, ҳар сафар туғишганларнинг олдида чиқиб олаверди. У ўғай онасининг, ўғай онаси эса, унинг мурғак бағрини илтишга ожизлик қилишиди. Охири, отаси «кўзвер, аста-секин ўрганиб кетади,» дегач, Бувинса болани ўз ҳолига қўйди.

Мўмин етти ёшга тўлгач, мактабга борди. Аммо у гарчи, синфдан-синфга кўчиб ўтаверса ҳамки, ҳарфларни бир-бирдан тузук-қуруқ ажрата олмасди. Ҳамма болалар қатори мактабга боришни қанда қилмас, аммо «алифни калтак» дейишдан нарига ўтмасди. Бошқа пайтлари эса, мол-ҳолга қарар, даладан ўт олиб келар эди.

Ота-онаси унинг фель-атворини яқин билишарди, у аслида бориши керак бўлган томонга эмас, бутунлай бошқа - умр мезонидан ташқари ёқларга кетаётганлигини ўзларича фаҳмлаб туришар, лекин гўлликданми ёки шуни исташганданми, парвойиларига келтиришмасди. Айттайлик, Мўмин умуман гапирмаса, нега у соқовдек мум тишлаб олгани билан оиладагиларнинг бирортаси қизиқмасди, одатда, унга ризку насибаси - бир коса овқатни беришарди-ю, гўё кейин уни унутишарди. У бошқа болаларга ўхшаб музқаймоқ «ғалваси»ни қилмас, яқинлари эса унинг шундай ғавғо кўтаришга ҳаққи бор ёки йўқлиги тўғрисида умуман ўйлашмасди. Яна у бошқа болалардек, дейлик, туман марказига ўйнаб келишни ҳаёлига ҳам келтирмасди, зеро, шуни истаган тақдирда ҳам отасининг пул бериши ва яна айнан Мўминга шундай иноят кўрсатиши ҳеч қачон ушалмайдиган орзу эди. Аслини айтганда, отаси - камбағал эмасди. Ўтган йиллар ичида деҳқончилик қилган, пиёз, қовун, тарвуздан келган фойдадан уй-жойларни яхшилаб олган, икки хонали чолдевор ўрнига анчагина ҳашаматли иморат қурган эди. Эр йигитга насибани ер беради деганлари рост эканми, кейинроқ яп-янги «Москвич» машинаси сотиб олди. Бу орада бўлиб ўтган тўй-тўкишлар отасининг жуда унақа камбағал эмаслигидан ва Мўмин ҳам тенгқурлари катори гоҳо-гоҳо отасидан пул сўраши мумкин эканлигидан дарак беради. Бироқ, чол тушмагур биров билан икки қўллаб сўрашмаса сўрашмайдикки, берад нарсасини икки қўллаб беради, охирида бераётганини бир қисиб ҳам қўяди. Кечалари пулнинг ҳидидан ором олади, бурнига пул хиди урилсагина росмана жилмаяди у...

Мўмин мактабни битирди. Аммо уни ақли нософ дея ҳарбийга олишмади, у бурунгидек мол-қўйларни бокиб юраверди. Гоҳо пул керак бўлиб қолганда сувочкилар билан юрадиган, мардикорчилик қиладиган бўлди. Аллакимларнинг эшигида лой қориб, гувала, бетон қуйиб



юрди. Иш дегани инграса инградик, лекин у дамани чикармади, индамас «ишхўр»га айланди.

Инсон умрининг ўз ўлчов, қонуи-қондалари бор. Ана ўша қоидага амал қилган ота-онаси ўглининг одамови феълидан ҳадиксирай-ҳадиксирай минг ўй-хаёллар билан уйлантиришди. Мўмин гўшангага кирганида келинчакнинг белидан маҳкам кучоқлаб, юзини унинг кўксига босиб ётаверди. Тўйдан олдин «олима» хотинлардан тузуккина «илим» олган келинчак куёвнинг қилигини ўзича тушуниб, типирчилади, кучоғидан чиқмоқчи бўлди. Куёв эса, ҳадеганда кўйиб юбормади. У бу одатини кейин ҳам кўп такрорлар, аммо хаёлида бошқа ўй бўлган хотини унинг дардидан беҳабар эди, қикирлаб, кучоғидан чиқишга интиларди. Қани энди, ўша хаёли ўзга келинчак шундай пайтларда Мўминнинг кўзларига бир бор қараса, унинг нигоҳларига яширинган неча йиллик маъноларни англаб етса. Аммо хотини унинг кўзларига қарамас ва Мўмин ҳам нигоҳини ўлақолса кўрсатиб қўймасди...

Мўмин хотинини яхши кўрарди, дала-даштларда уни ўзича соғинар ва қумсарди. Лекин ҳадеганда фарзанд кўришавермади. Кейинчалик ўгай она келинини турткилашга ўтди, қилдан қийик қилдирадиган одат чиқарди. Келин қайнота-қайнонаси учун ўтирса - ўпоқ, турса - сўпоққа айланди. Турмушларининг бешинчи йили унинг жавобини беришди. У Мўминнинг - эрининг эмас, қайнотасининг амри билан уйдан кетди. Йиллаб-йиллаб кетди. Бировни ҳайдаш, биров учун ҳукм чиқариш Мўминнинг кўлидан келмасди. Отасининг кўлидан келди...

У эса хотинини яхши кўрарди...

Катта кўчага чиқаверишдаги муюлишда баққоллик дўкони бор. Панжараланган туйнуги писта, қурут, сақич, носу сигарет ва яна алламбалоларга тўлган ёғоч «кути»нинг олдида чоғроқ сўри қўйилган. Унинг устида каттақон тол соя ташлаб турганидан ҳамиша салқин, шунинг учун у ердан доимо одам аримайди. Бурама мўйловининг учи сарғайган баққол одатда, оғзини тўлдириб-тўлдириб гапирганча, анча-мунча одамни банд қилиб ўтиришни яхши кўради. Ҳозир ҳам нарироқдаги гўшт дўконини ланг очиб, ўз ибораси билан айтганда, «яримта»ни «курсиллатиб» ўтирган дум-думалоқ қассоб йигит билан худди ҳар куни ичмасан хотиним талоқ бўлсин, дея қасам ичгандек ҳамиша оғзидан ароқнинг бадбўй ҳиди бурқсиб турадиган сувоқчи икковини оғзига қаратиб ўтирарди. Сувоқчини «алқаш» ҳам деб бўлмасди, илло, унинг бу нуқсонини ювиб кетгудай баҳонаси ҳам бор эди. «Биз лойнинг ичида ишлаймиз. - дейди у сўзларни узиб-узиб. - Лой ўта совук нарса. Агар мановиндан «уриб» турмасак, энамизи кўрамайиз». Хўш, шундан кейин ҳам тил қайраб кўрингчи! Қайролмайсиз. Бир нима десангиз ўзингиз лой бўлиб қоласиз.

Мўмин муюлишга етгач, сўрида ўтирганларнинг олдида ўтиб кетолмай, бир пас туриб қолди. Шу пайт баққол билан қассобга жон кирди, эрмак топилди-да. Улар Мўминни гапга солишни яхши кўришар, уни сайратиб қўйиб ҳузур қилишарди.

- Ҳов, Мўминтой, бияққа келинг. - деди қассоб кўлини силкиб.

Мўмин кўллари чўнтагида уларга қараб тиржайганча тураверди.

Энди баққол чақирди:

- Бияққа кесангчи-е!..

Мўмин ўзининг қадрон табассумини лабларига кўндириб, уларнинг олдида келди. Ҳаммалари билан сўрашиб, кетма-кет қистайверишгач, сўрининг бўш жойига ўтирди. Қассоб дастурхондаги тугай деб қолган ароқдан қўйиб, унга узатди:

- Мўминтой зўр бола-да, жа яхши кўраман-да мен уни. Қани!..

- Улпат-да, улпат... - гапга қўшилди сувоқчи. У Мўминнинг доимий ҳамшишаларидан эди.

- Йў-йўк, ичмийман, - дея унинг кўлини қайтарди Мўмин.

- Ол-ол, олмасанг уят бўлади. - деб бидиллади баққол.

- Олсангизчи-е!..

Мўмин ярим пиёла ароқни кўлига олди. Бир оз паршонхаёлдай туриб, пиёлани оғзига олиб борди, гўё шимираётгандек тишлари орасидан сизиб-сизиб ичди. Аммо афти буришиб кетган бўлса-да, газак қилмади.

Қассоб шиша тагида қолган ароқни ўзи «тинчитди»-да, баққолга юзланди:

- Бу иссиқда арақ бўлмасан, қизилидан обчикинг. - У аслида вино ичмасди, айни пайтда эса, Мўминга илинган эди.

- Бизга оқиям, қизилиям барибир, а, Мўмин? - дея сувоқчи унга кўзини қисиб қўйди.

Мўмин «сузола» бошлади. Қассоб пиёлани тўлдириб узатганда қайтаришни хаёлига келтирмас, аллақандай ташналик билан сипқорди...

Гира-шира коронгулик тушди. Қассоб Мўминнинг кайфи ошаётганини сезди.

- Мўминтой, сизга битта хизмат борида, - деди яна вино тўла пиёлани узатаркан.

- Ҳм-м?..

- Эшиқда озгина макка бор, шуни ўриб берсангиз... Пулни бераман.

- Бўпти-й... - Мўмин ўнг қўлида пиёла, чап қўли билан лабларини чўлпиллатиб артди. - Оммале пул кераймас... Ўт берасаз.

- Йў-йўк, уйда ҳайвон кўп. Пул бераман.

- Яхяк... - Мўмин кўлини мастона силкиди. - Ўт берасиз...

- Пул, денг.

- Ўт берсайиз, ҳозир бориб ўрбераман.

- Кечаси-я?

- Ҳм-м, бўлдим?

- Эртага гапашамиз, а...

Мўмин пиёлани бўшатди.

- Йўк, ҳозир.

- Эртага.

- Ўт берассими?

- Ие, ҳов биттаси гўштга келди. - Қассоб «мажлис» тугаганини сезиб, баҳона билан ўрнидан туриб кетди. Баққол ҳам винонинг охирини Мўминга қўйиб бериб, кўзгалди.

- Бўлди энди, Мўмин, уйга бор. Менам дўконди бекитаман.

- Ҳм-м; сизга пул керайми? Мана... Мана... - Мўмин тебраниб чўнтақларини кавлай бошлади. Ахийри топди, бир сиқим пулни сўрига ташлади. - О-олинг, биздаям пул бо-ор...

Баққол кулди.

- Иббо, қизталағей, мос (маст) бўлсанг жа сергап бўпкетасан-а. Пулини нима қиламан мен?

- Вино беринг.

Баққол пулларни олиб санай бошлади. Ғижимланган пулларнинг бари майда эди, чамаси, бир шиша винога ҳам етмасди.

- Бобиллайсан, пулинг оз-у, - зўраки ўдағайлади баққол. - Майли, қолганини кейин берарсан. Аммо-лекин бу ерда ичишмайсан, бўптими?

- Бўпти-бўпти, кетамиз?... - дея у сузилган кўзлари билан сувоқчига қаради.

- Кетамиз...

Мўмин яна баққолга ўтирилди:

- Сиз менга қўлийиз арра қилманг! - У кўлингни бер дегандай баққолга кўлини чўзди.

Баққол ҳам беихтиёр тиржайиб кўлини узатди.

- Оббо, ярамасей, бор-бор энди!..

- Ё полвонмисиз? - Мўмин баққолнинг кўлини чайир панжалари билан маҳкам қисиб, бир силтаб тутган эди, дўқондор ҳийла букчайиб қолди.

- Полвонмисиз-а?

Бу томошадан Мўмин бир оз ҳовуридан тушди. Сувоқчи иккови винони кўтариб, Мўминларнинг уйига томон кетишди.

- Уйга ташлаб қўйгин, - дея Баққол сувоқчига буюриб қолди.

Иккаласи ярим йўлда винони шишаси билан

кўтариб, бўшатишди. Бутунлай маст бўлиб қолган Мўмин дарду ҳасратини тўкиб солишга тушди. Одатда, икки киши бирга ичса, «соғроғи» мастроғини кўпроқ тинглайди. Ҳозир ҳам фақат сувоқчи тинглади. Кўзланган манзилга етишгач, у Мўминни дарвозадан ичкарига киритиб юбориб, уйига кетди.

## 2

Сўрида чол-кампир ўтиришарди. Айвондаги чироқ ёруғи сўрига унчалик етиб бормас, бу қўлида дурраси билан ҳам елпиниб, ҳам пашша қўриб ўтирган кексалар учун айни муддао эди. Хар тугул қоронғу салқинроқ бўлади, қолаверса, одамга пашша камроқ ёпишади.

Довдираб кириб келган ўғлига кўзи тушган ота бирдан безовталанди.

- Роса бўкибсану, а? Бор уйингга кир! - деди у ўзини тутишга уриниб.

Мўмин тўхтади, ота-онасига қараб тиржайди. Белидан юқориси у ёқ-бу ёққа тебраниб, гўё укасига гапираётгандай деди:

- Ҳа-а, бой!.. Ўтирибсизми?..
- Ҳе, сасимай ўл! Бор, уйга кир!..
- Биздаям пул бор, бой, сизделамас..
- Топганингни шундай ичиб юраверчи.
- Хм-м, нима дейсиз?.. Гап борми?!

Отанинг жаҳли чикди, силтаниб сўридан оёғини узатиб, калишини кия бошлади.

- Бор, йўқол, ҳарам!..
- Сўк-кманг!.. Менам бил-ламан сўкишни!
- Сўк-сўк!.. Ҳе, онангни..! - Ота ўзига ярашмайдиган

эпчиллик билан югуриб бориб, тандирнинг олдидан косовни олиб келди. Уни Мўминга ўқталиб туриб, бақирди: - Йўқол, уйга кир!

- Кирмийман! Хм-м, урассизми?.. Уринг, уринг!..

Ота ўзини тугулмай косов билан ўғлининг бел ва елкаси аралаш икки-уч марта туширди. Мўмин чайқалиб кетди, аммо йиқилмади. Кампир сўридан тушиб, чолнинг кўлига ёпишди.

- Бўлди энди, урманг!
- Уриб ўлдирсанг кам бунақа болани!..

Мўмин уй томон юраркан, гўё ўзи-ўзига гапираётгандай, гўлдирди:

- Ур-уровир! Мен қалтак егани тугилганман, холос!.. Сенлар бойсан!.. Бой!.. - У тебраниб уйга кириб кетди...

## ДАЙДИ

### 1

Янги таниши маст ҳолда уйга кириб келган пайтда Дайди ҳовлининг қоронғи бурчагида можарога гўё тушунгандек жимгина тикилиб турарди. Отаси Мўминни косов билан урганида, Дайди худди ҳамлага шайлангандай бир силтаниб, кўзлари қакнаб кетди. Тишлари орасидан ириллаб қўйди. Эҳтимол, у дайдиликнинг аччиқ-чучугини тузуккина тотиб кўрган ит бўлса-да, ғалати танишини ўзига яқин олиб, унинг тимсолида чинакам ҳамдард, суянчиғини кўргандир. Балки шунинг учун ҳам у Мўминларнинг ҳовлисида ўралашиб юрган, анови косов тутган кимса худди ўзининг жинсдошини ўргандай бошини силаган йигитни савалаганида ғашни келгандир. Оллоҳнинг фаросатли маҳлуқи бўлмиш бу итнинг кўнглидан нималар кечаётганини тўлалигича айтиб беришимиз мушкул. Хар ҳолда, унинг безовта ҳатти-ҳаракатлари қандайдир маънолар уқишимизга имкон беради, холос.

Мўмин уйга кириб кетди. Сўрида бири ёнбошлаб, бири елпиниб ўтирган чол ва кампир аллақанча вақт нималарнидир гўдранишди. Туннинг дим ҳавоси бир оз салқин тортган пайт кўзгалишди. Чол дарвозани тамбалаб келгани кетди, кампир сўридаги нарсаларни йиғиштирди. Дарвозазонадан қайтган чол ҳовли тарафга юрди. Дайди ундан чўчиб, ҳовлининг яна-да чеккароғига қочиб ўтди. У қоронғида туриб, чолнинг уйга кириб кетишини кутди.

Ховли жим-жит. Ромнинг устидаги чироқ атрофида турли ҳашоратлар визиллайди. Тун чўккан, ҳовлида шундан бўлак сас-садо эшитилмайди. Бу жимлик Дайдига ҳам таъсир қилди, у ўз шарпасидан ҳам чўчигандек жуда секин ва эҳтиётлик билан юриб, уй саҳнига ўтди. Мўмин этаги билан ўроғини илиб қўядиган сўртоқ устунини худди аввалдан биладигандай тезда топди. Устун қаршисида туриб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Сўнг тирмирскиланиб ошхонага кирди ва нимадир қидира бошлади. Устида икки-учта пақир бўлган сури остидаги пиёз-сабзи солиб қўйилган ёғоч қутини тумшуғи билан титкилаб, гижимланган қоғоз халтани топиб олди. Сўнг халтани тишлаб ҳовлидан чиқиб кетди.

Дайди Мўмин хар куни бир неча марта ўтиб қайтадиган дала йўлида югуриб борарди. Йўл анча ойдин, нарсани илғаб олиш мумкин. Қишлоқдан итларнинг тинимсиз хургани эшитилиб турарди.

Дайди картошкапоёга етганда тўхтади. У бизга таниш ўша ариқдан сакраб ўтди. Кундузи Мўмин ташлаб кетган картошкалар шудгор четида сочилиб ётарди. Дайди қоғоз халтани ерга ташлаб, ўзи ҳам чўкди. У юлдуз тўла осмонга тикилди. Сўнг Ойга бир пас термулиб турди-да, тумшуғини юқорига чўзиб улиб юборди:

- Ҳоувв!.. Ҳоув-в-ув-в!..

## ХОТИРА

### 1

Мўмин авваллари ичмасди. Хотини билан ажралишгач ўрганди. Уйда бир оз бўлса-да, юрагининг тафтини оладиган одам бўлмагач, сувоқчилигу мардикорчилик билан овунди. Бизга таниш бўлган ўша сувоқчи йигит айтганидек, «лой совуқ нарса, ҳалиги савилдан ичиб турмаса, энасини кўриши» аниқ. Мўмин ҳам «энасини кўрмай» деб, ишдан кейин сувоқчи-ю мардикор шерикларининг даврасида қизил мусалласдан симириб ичадиган бўлди. Ичкилик деганлари яхши нарса-да, ичасану ўзингни буткул қўйиб юборасан, дунёйи-дун сенинг назарингда, бир тийиндек арзимас нарсага айланади. Уйга келасану бошинг болишга тегар-тегмас уйку гирдобига тортиб кетади. Мўминга ҳам айнан мана шу нарса ёқарди. У ичишга ичарди-ю фақат отасининг кўзига кўрингани кўрқарди. Бундай чоғ пайт пойлаб, нўсиб уйга кириб оларди. Уйга кириб-оқ уйкуга кетарди.

Уни иккинчи бор уйлантиришди. Бу хотинининг чап кўзи ғилайроқ эди. Қорамағиз юзи жуда унақа чиройли бўлмаса-да, истараси иссиққина эди. Айниқса, кулганда юзи гул-гул очилиб кетарди. «Аёл зотининг хунуги бўлмайди», деб тўғри айтишган, илло, Мўминни ҳам мана шу гўзаллик асир этди. Ҳайтовур кўнгли таскин топди. Ичиб келган пайтлари уйга кирарди-да, хотинини маҳкам кучоқлар ва бошини кўксига қўйиб оларди. Худди аввалги хотинидек буниси ҳам Мўминнинг қилиғини ўзича тушунарди. Қикир-қикир кулганча унинг кучоғидан чиқишга уринарди.

- Ҳей, нима бўлди сизга?!

Мўмин эса, жим, қўлларини бўшатмай, кўзларини юмганча ётаверарди. Мийиғида хиёл жилмайиб ётарди Мўмин.

Бу келини Бувинса кампирга ёқмади. Балки ёқмади, деб хато айтаётгандирмиз, хар ҳолда «ўтирса-ўпок, турса-сўпок» деяверди. Эҳтимол, туғмас хотинларгагина хос рашк бунга сабаб бўлгандир. Азалдан ўзбекда қайнона-келин, айниқса, мана бундай ўғай қайнона-ю жисми нуқсонлик келинларнинг можароси жуда мушкул муаммо. Уни тасвир этмоқчи бўлган зот ҳам қаламини темирдан йўниши керак, шекилли.

Келин далада ишларди. Аммо бунга қарамай рўзгорнинг ўтидан кириб, кулидан чиқарди, у уйда бир дам бўлса-да, тинч турмас, дам мол-қўйга қарар, дам кир юварди. Баъзан югуриб келиб, Бувинса кампирнинг қўлидан ишини олса, инжиқ қайнонанинг барибир чиройи очилмас, ковоғини солиб, гудранганича нари кетарди. Бирок,



орадан бир пас ўтиб-ўтмай келинининг олдига қайтиб келарди-да, «ундай эмас, бундоқ қилиш керак» дея уни силтаб ташларди.

- Боринг, эплаган ишингизни қилинг!

Келин сал нари кетарди-ю аммо нима қилишини билмай бўшашиб туриб қоларди. Ҳатто бир нима деб гап қайтаришни ҳам билмасди шўрлик.

- Боринг, уйизга кировринг, ўзим қиламан! - яна сайрарди қайнона. - Бу йигит ўлгурса хотин қуриб кетувдими шу қийшқдан бошқа!..

Келин бу гапни кўп марта эшитган бўлса-да, ҳар сафар чидолмай йиғлаб юборарди. Ҳар гап зор қакшаганча, пик-пик йиғлаб уйга кириб кетарди.

У кечалари бу таъна-ю дашномларни эрига айтиб кўнглини ёргиси келади. Лекин Мўмин деганлари қошки гап тушунса экан. Дардини тўкиб солгани билан эри бундай гапларни умуман тушунмас, одатдагидек, тиржайиб тураверар, на хотинига таскин-тасалли беришни ва на онасини йўлга солишни биларди.

Бувинса кампир эса, эрига «кўнгли ёришни» бошларди. У аввалги эрларини-ю бошига тушган барча кўргиликларнинг аламини келинидан олмоқчидай бетиним сайрайди. Келин бечорани гўрдан олиб, гўрга соларди.

- Бирон ишга қўл урмади бу кўр ўлгур. Иш қилсаям ё пиёла кўлидан тушиб кетиб, синади, ё ўзининг бирор ери қашқа бўлади мегажинни!.. - Кейин индамай ўтирган чолини тергашга тушади. - Хей, чол, болангизга шундан бошқа хотин қуриб қолганми-а? Ҳалиям кечмас, ҳайдасин... Ҳайданг буни!..

Чол индамайди.

Уч йил шу тақдир ўтди. Қайнона ҳам худди биров илму амал, қилиб қўйгандек, келинига тиш қайрашини қўймади. Унга дашном беришдан ва сўнг чолига арз-дод қилишдан чарчамади. Шўрлик келиннинг ҳам пешонасига тезроқ фарзанд бита қолмади, балки ўшанда кампир шаштидан тушармиди. Аммо худойим у шўрпешонага болани ҳам раво кўрмади. Шунча маломатлар устига бепуштлик балоси ҳам бор эканми, келин ич-ичидан адо бўлди.

Ахийри бир куни қайнотаси уни ростакамига ҳайдаб солди.

- Сен келиб, уйимизнинг тинчлиги йўқолди. Бор, йўқол, шумқадам!

Келин югуриб уйга кириб кетди. Ўша куни кечгача, кечдан тонггача тўйиб-тўйиб, қуйиб-қуйиб йиғлади. Эрталаб қазариб, шишиб кетган кўзларини артиб-артиб эрига юзланди:

- Мен кетаман! - деди совуққина қилиб, - ота-онангизга ёқмадим, ёқолмадим!.. Рози бўлинг!..

Мўмин аввалига индамади. Кейин:

- Қолаверинг. - деди. У истагини бошқача ифода қилолмасди. Хотини ҳам унинг бу феълени яхши тушуниб қолганди.

- Йўқ!.. - деди у эрига ичи ачигандек унсиз тикилиб.

- Билмадим... Ўзиз... - Мўмин бошқа гап тополмади.

Келин тугунини кўтариб, чиқиб кетди.

Шу-шу бўлди-ю на биров унинг изидан борди ва на уларниқидан биров келди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, келиннинг акалари қатта машинада келиб юк-тоқларини олиб кетишди...

Мўмин эса... Мўмин қолаверди...

У бировни ёмон кўролмасди, тўғрироғи, бунақа «қобилият»дан маҳрум эди. Энди ичганда ҳам ота-онасидан бекинмай, тебраниб кириб келавераётган бўлди. Бу унинг ўз тақдирига, яқинларига мўминона исёни эди гўё. Лекин буни ҳам унинг ўзи тушуниб етмасди. Вужудда баъзи-баъзида жунбушга келаётган беором ҳис уни шу қуйга солиб қўйганди. У отасига, умр бўйи ўзининг бирон марта бошини силамаган, тиззасига олиб эркаламаган, на хасис ва на муғомбирлигини, на гўл ёки содаллигини билиб бўлмайдиган отасига нималардир демокчи бўларди. У айтмоқчи бўлган гапининг мазмунини жамлай олмас, ҳатто гўё қидириб ҳам ўша мазмунни ифода этгувчи сўзларни тополмасди. Мастликда «силар бойсизлар» дея айтган гапи кўп маънони аңлатар, бироқ

бу маъноларни худди ўзи каби отаси ҳам тушуна олмасди. Мўмин бағридан нимадир жуда оғир нарса отилаётганини сезар, аммо унинг нима эканлигини аңламасди...

## ВА НИҲОЯТ ДАЛА ЙЎЛИ

1

Баъзан Мўмин маст холда ухлаб қолганига қарамай бинойидек тушлар кўрарди, ҳатто тушлари ўзига ҳам хуш ёқарди. Бу кеч ҳам туш кўрди. Бугдойзордек бир текис ўсган ям-яшил ўт-ўлан ичида юрганмиш. У тинмай ўроғидан «қирс-қирс» деган товуш чиқишидан хузурланиб, ўт ўрармиш. Дайди ҳам ёнида эмиш...

Бир дунё ўтни кўтариб уйга қайтибди. Уйда уни бувиси кутармиш. У бувисининг юзини ёслаб қололмади, йўқ, аслида у кишининг юзига эътибор бермади ҳам. Чунки ўша аёл онаси эканлигини аниқ биларди...

Онаси уни ўт олиб келгани учун роса мактабди, тансиқ таом тайёрлаб беришини айтиб, ўчоқ бошига борибди. Онаси нималарнидир тўғрар, Дайди эса, қоп тўла картошкани тишлаб, ҳадеб онаси томон тортармиш. «Ие, уйда картошка йўғиди-ю» - дея ҳайрон бўлармиш Мўмин. Онаси кулармиш: «Итинг опкелди-да, болам!»..

Маза қилиб овқат ейишибди. Кейин Мўмин онасининг тиззасига бошини қўйиб ётиб олибди. Дайди эса, унинг қорнига бош қўйиб, чўзилиб олганмиш, онаси ўглининг юз-кўзларини, бошини меҳр билан силар, Мўмин қотиб-қотиб кулармиш. Она боласининг кулганидан завқланиб, маҳкам кучоқлаб ўпармиш.

Мўмин кулармиш...

Дайди кулармиш...

- Ие, ит ҳам куладими? - дея ҳайрон бўлармиш Мўмин...

У тушларини яхши ёслаб қололмасди. Эҳтимол, ўша тушларини қайта кўргиси келгани учун ҳам ичгиси келарди. У маст бўлгандагина шунақа тушлар кўрарди. Мазмунли, ўзининг ақл-шууридан ташқари бўлган тушлар...

Мўмин эрталаб офтоб уй саҳнига баралла тушганда уйғонди. Ташқарига чиқиб, ошхона томонда ивирсиб юрган кампирни кўрди-ю, индамай ҳовли томонга ўтиб кетди. Юз-кўлини ювиб, артингач, нима қилишини билмагандай сўри олдида серрайиб туриб қолди. Бироздан сўнг кампирнинг ҳар доимгидек норози овозда жаврагани эшитилди:

- Хе, бола, бола бўлмай ҳар нима бўлгур! Кечқурун нима ҳунар кўрсатдинг? Ҳали отанг келсин!..

Мўмин ўз одагича аянчли тиржайди. Отаси уйда йўқ эканидан хурсанд бўлди. Сўнг сўрток устунидан ўроқ ва этагини оларкан, устун тагида турган, гижимланиб, четлари тешилиб кетган қоғоз халтага кўзи тушиб қолди. Халта ичидаги картошкани кўриб ҳайрон бўлди. Аввалига ўзим опкелувдиммикин, деб ҳам ўйлади. Аммо ўйининг охирига етолмади. Қоғоз халтани кампирга олиб борди:

- Мана, картишка.

Кампир «сенданам яхшилик чиқаркан-а» дегандай унга қаради.

Қачон опкелувдинг?

- Кеча... Билма...

- Айтмагандинг-ку?..

Мўмин этак-ўроғини елкасига ташлаб, дарвоза томон юрди.

- Кечқурунги овқатинг турибди, ичвол, - деди кампир худди картошкани ҳақини бераётгандек, юмшоқроқ овозда.

Мўмин бир хаёлда тўхтади. Аслида унинг овқат егиси йўқ эди, кечаги майхўрлик таъсирида кўнгли айниб турганди. Аммо шу чоғ бирдан Дайди ёдига тушди. Овқатни унга олволсам-чи, дея у кўнглидан ўтказди. Шу ўй билан изига қайтиб, сатил (кастриюл)даги маставани эски косага қўйди-да, сўнг косани авайлаб этакка ўради. Рўзғор юмуши билан андармон бўлган кампир буни сезмай қолди.

Дайди уни йўлда кутиб турарди. Етиб келгач, ит гингшиб, унинг оёқларига суйқалди.

- Қалайсан? - деди Мўмин мамнун жилмайиб. - Сенга овкат опкелдим, юр!..

Улар бироз юргач, зовурнинг энсиз жойидан нариги томонга ўтишди-да, тутларнинг остига чўкишди. Тутқаторнинг нарёғи пахтазор эди.

Мўмин этакдаги овқатни итнинг олдига қўяркан: - Мана, е, сенга овкат олиб келдим, - деди.

Дайди кўпдан буён бунақа мазали таом емаганди. Шунинг учун шошилиб-шошилиб, хирллаб-хирллаб, бир зумда косани ялаб ташлади.

Шу чоғ йўл томондан қизларнинг кулгани эшитилиб қолди. Мўмин овоз келган тарафга қаради ва йўлдан кетаётган уч нафар қиз (далага ишга кетаётган бўлишса керак)га кўзи тушди. Қизлар Мўминни кўрсатиб, бир-бирларига алланималар, дея қикир-қикир кулишар эди. Қизлар Мўмин ўтирган жойга яқин келишгач, улардан бири шарақлаб куларкан:

- Хорманг, Мўмин ака! Ит билан нимани гаплашпсиз? - деди.

- Ундан кўра биз билан гаплашинг, - дея ҳазил қилди бошқа бири.

- Бўпти... - деган гап Мўминнинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди. Аммо шу заҳотиёқ у уялганидан ўзини тутнинг панасига олди.

Қизлар яна алланималар дея ҳазил-хузул қилганча ўтиб кетишди.

Мўмин қизларга гап «отганидан» ўзича хузур қилди. Дам итга, дам қизларнинг ортидан қараб, хурсанд илжайди. У қизлар буткул кўздан ғойиб бўлиб кетгунга қадар бўйинини чўзиб қарайверди. Агар айни дамда қизлар изларига қайтиб Мўминга қайта гап отишган тақдирда, у бир сўз айтолмасди, албатта. Лекин негадир улар билан яна гаплашгиси келаверди. У кўнгил кўчасининг ана шу манзараларига маҳлиё бўлиб анчагина ўтирди.

- Қорнинг тўйдими? - деди кейин Дайдининг бошини силаб. - Энди сен шу ерда ўтириб тур, мен ўт юламан.

Ростдан ҳам, бу далада ғўзадан кўра ўт кўпроққа ўхшарди. Мўмин шошилмай, бир четдан ўтларни юлишга тушди.

Уйга қайтаётиб, маҳаллага кираверишда Дайди ундан айрилиб қолди. Бир этак ўтни елкасига орқалаб олган Мўмин одатдаги туя юриши билан маҳалла кўчасига бурилди.

Масжид ёнидан ўтган анҳор бўйидаги «эшшак»да пешин намозига тўпланган уч-тўртта чоллар салқиллашиб ўтиришарди. Улар Мўминга кўзлари тушиши билан бир-бирларига алланималар, дея жилмайиб қўйишди. Мўмин уларни кўрса-да, парво қилмагандек, гўё бу дунёда ўздан бошқа ҳеч ким йўқдек, хаёлга толган қўйи кетаверди. У шу тахлид чолларнинг қаршисидан ўтиб кетаётган эди, аммо, ҳамон ундан нигоҳини узмай турган чолларнинг бири кутилмаганда, чақириб қолди.

- Мўминтой-ой!..

Мўмин бутун гавдаси билан илкис ортига ўгирилди. - Бундай салом-паломам бериб ўтаверинг, Мўминтой! - дея қолди халиги чол.

Мўмин елкасидаги ўтни ерга қўйиб, фақат ўзигагина хос бўлган тўпори табассумини юзига кўндириб чоллар томонга юрди. Уларнинг қаршисига келгач, бошини бироз силкиб, катта гуноҳ қилиб қўйган боладек, мўлтираб салом берди.

- Асаломалайким...

Чоллар унинг қилиғидан завқланишиб, баралла кулиб юборишди.

- Алейкимассалом, Мўминтой. Ҳа, баракалла ана шунақа салом бериб туринг...

Мўминнинг ўзи ҳам қулди-да, индамай йўлига равона бўлди. Йўқ, у чолларга кесатиб бундай қилмади, ўзининг одобсизлигидан чинакамига уялди ва одобсизлигини отахонлар олдига тўпори фикрати идрок этганича ювди.

2

Отаси ҳали уйга қайтмаганди. Бундан у яна қувонди.

Қўлини ювгач, чоғ ичгани сўрига ўтирди. Қорни жуда очикқанидан онаси тайёрлаб қўйган шақоронга муккаси билан ёпишди. Шақаронга нон қўшиб, оғзини тўлдириб ея бошлади.

Кўчада машина овози эшитилди. Бу отаси эканлигини сезган Мўмин ички бир хавотир билан саросималанди. Дарвозахонада отасининг қораси кўрингач, ҳадиксираб унга бир қараб қўйди. Чол ўлини кўриб қовоғини уйди. Шу қўйи индамай ўтиб, уйга кириб кетди. Мўмин бўлажак дашномлардан тезроқ қутулиш ниятида эндигина кўзголиб, сўридан тушмоқчи бўлганида, отаси уйдан чиқиб келди. Чиқибок уни бўралатиб сўкишга тушди:

- Кечкурун нима хунар кўрсатдинг, оқпадар?!.. - у Мўминнинг қаршисига келиб, кўзларини олайтирганча яна ўдағайлади. - Бу кетишда сен мени уришдан ҳам қайтмайсан?! Ўзи-инг молдай гапсан, тагин сенга ким қўйипти ичишни? На бир фойданг тегади уйга!..

Мўмин бошини эгиб, «мум» тишлагандек ўтираверди. Нарирокда турган кампир хавотир билан чолига тикилди. Отаси эса, тутақиб, жазавога тушаётган эди:

- На хотинни эплолмасанг, на ўзингни эплоласанг. Ортиқча нонхўрсан, холос. Ёки одамга ўхшаб юр, ё уйни бўшат! Сенга ўхшаганини менга кераги йўқ. Кет, йўқол!..

Отаси сўкиниб-сўкиниб яна уйга кириб кетди.

Мўминнинг боши бир томонга қийшайиб, жовдираган қўй кўзлари қаергадир тикилиб қолди. Ҳозир унинг юраги, бутун вужуди оқиб кетаётганга ўхшарди. У аянчли нигоҳини кампирга қадади. Кампир кўзларини олиб кочди.

Мўмин ўрнидан турди. Устундан этак ва ўроғини олиб, яна кўчага чиқиб кетди...

Маҳалла адоғида уни Дайди кутиб турарди. У итга хомуш тикилди, лекин кўрмасди: унинг кўзқорачўғлари кенгайиб-кенгайиб кетганди. Бир оздан сўнг нос шишасини олиб, қурукшаган тилининг остига нос ташлади-да, тагин судралиб йўлга тушди. Ит ҳам унга эргашди.

Мўминнинг қадамлари оғирлашиб борарди. Бутун танаси пастга оқиб тушаётганга ўхшарди. Бўғзи қуярди, кўзлари ачишарди. Аммо, унинг ўзи ҳеч нарсани англамас, тўғрироғи, англашга ожиз эди. Алланималар, дея гапиришга чоғланган тилини оғзидаги носга ачитиб-ачитиб босарди. Бу нос ўлгур янаям аччиқроқ бўлса эди, хуморми, аламини тезроқ босилармиди? Унинг бўртиб чиққан елка ва қўл суяклари яна-да яққолроқ сезилиб, устидаги ўнгиган қўйлаги аввалгидан-да шалвираб қолгандай туюларди. Қўйлак Мўмин ҳар қадам ташлаганда бир ҳаво кириб, хурпаяр, аммо бир лаҳза ўтмай, тагин гижим тортиб қоларди. Йўл четидаги дов-дарактларнинг япроқлари ҳам иссиқданми ё Мўминга ҳамдардликданми, сўлгин-сўлгин тебранарди... Ва умуман дунёга нимадир бўлган, йигитнинг нигоҳидай мунгли-мунгли, аянчли кўринарди у.

Мўмин манзилга етгач, тут сясига ўтирди. Дайди инграб, унинг қўлини тўхтовсиз ялай бошлади. Ялайверди. Мўмин худди нафаси қайтаётгандай кетма-кет энтикди, кўкраги титраб-титраб кўтарилиб тушаверди. У итнинг бошини қўллари билан сикимлаб кўзларига тикилди. Итнинг кўзлари жуда мунгли эди, ёшли эди унинг кўзлари. Ит йиғлаётгандай яна чийиллади. Мўмин унинг тумшугига юзини яқинроқ олиб борди.

- Ҳм-м?... - деди лабларини қимтиб. Шу пайт ичидан гўё нимадир отилиб кетди, отилгандек бўлди-ю оғзи очилиб қолди. «Ий-й» дегандай товушда инграб юборди.

Энди ит ростакамига йиғлаганча Мўминнинг юзини ялар эди. Йигит уни маҳкамроқ қучиб олди. Кўзларини янада қаттиқроқ қисиб олди. Улардан ёш тирқираб қуйилиб келарди.

Мўмин тез-тез энтикиб, хўрсинди. Энгашиб юзини итнинг юзига босди. Кўзларидан тинимсиз ёш оқаверди. Бошини кўтариб, атрофга аланглади, гўё нажот излади. Ихтиёрсиз равишда итнинг бошини қаттиқроқ бағрига босди. Ит инграйверди. Йиғлайверди ит.



Фулом ФАТХИДДИН



БАРИБИР КУЁШНИНГ  
ЧИҚИШИ ЁЎЗАЛ

ШОҲИМАРДОН ОСМОНИДА ОЙ

1

Кўзларинг Куббонинг сувидек тиник,  
Кўйлагинг Куббонинг сувидек зилол.  
Жуссанг эса рангли - ўйноқи балик,  
Коматинг кўлдаги уч кунлик ҳилол.

Шўнғийман, шўнғийман, чўкиб кетгайман,  
Айт, қачон балиққа, ойга етгайман,.

Кўйлагинг охунинг кўзидек тиник,  
Сиймонг эса унинг тенгсиз гавҳари.  
Маъсумлик олдида журъатлар синик,  
Бирок мени чорлар кўзларнинг қаъри.

Мен унга барибир бир кун етгайман,  
Сўнг, кўзинг тубига чўкиб кетгайман.

2

Ўз ўлан тўшагида ҳамма ҳам султон,  
Мен ҳам бир чўққиман текис кишлокда.  
Лекин мен шаҳарда кичрайдим томом,  
Заррага айландим тоғу тошлокда.

Улканлар ичра кичрайдим, э, вох,  
Мен юксак эдим-ку она кишлокда.  
Бағринга ботаман эй, она воҳа  
Чунки рух тушмоқда, руҳим тушмоқда.

Шаштим довирайди, гандиракланар,  
Боқар маҳобатли бужур қоялар.  
Рад этилмас энди, энди ёқланар  
Ола-була байроқ бўлган ғоялар.

Зарраларни шундай йўргаклар шошмай,  
Табиатнинг содиқ мангу дояси.  
Маҳв жисмим узра хаддидан ошмай  
Ҳилпирар ҳаётнинг маъюс сояси.

3

Уфқ. Кун ботар... Қизғимтир чамбарак...  
Тоғлар - қаҳрамонлар. Замин бир замбар.  
Алам қилар, ҳатто, қуёш бошида -  
Қонаган гулчамбар, қонли гулчамбар.

Чумоли уйига қуйилган кумдек,  
Холсиз дунёмизга қуюлар оқшом.  
Юлдузлар туюлар чизилган гулдек,  
Хаёллар зирқирар, юрагим қақшар.

Овутмоқчи бўлар аламзада оҳ,  
Совутмоқчи бўлар оқим гуввилаб.  
На тепа, на пастдан тополмай паноҳ,  
Юлдузларни чорлар бўри уввиллаб.

МЎЪЖИЗА

Д. Хасановга

Хофиз соз чертади, давра қалқади,  
Уйғониб кетади томирда журъат.  
Бу дунё кўзингда кўпчиб балқади  
Эй зилол - болалик, эй маъюс суврат.

Хофиз куйлай бошлар... Онанг этагин -  
Зарб билан босасан қайноқ кўзингга.  
Жигарим, гўдагим - олам - эртагинг,  
Лопиллар, лол қотар, кирмас сўзингга.

Хофиз авжга чиқар, кўзинг ўнгида -  
Чарху фалак бўлиб айланар толлар.  
Ранго-ранг оламинг айланар ўнгиб,  
Айланар дала-ю, хотинлар, чоллар.

\* \* \*

Энди тушларимда тўйиб қучаман,  
Учамиз булутлар ичра кўркмасдан.  
Зилол ховучингга сувлар ичаман  
Бирор томчисини ҳам ерга тўкмасдан.

Мени тирилтирар соф кулгуларинг,  
Икки бўлинаман хур кўзларингга.  
Покликка тўйинар кўнгил гуллари,  
Сакраб-сакраб чопар нур изларингга.

Сўнг яна осмонга кетурсан учиб,  
Қиёлар бокурсан кўкдан қайрилиб.  
Йиғлайсан, гоҳ ташлаб кетганим учун,  
Мен эса қолганим учун айрилиб.

УНИНГ УМРИ

Туткичсиз туйғулар билан баравар,  
Шоҳ фикрлар ўсди руҳида куйлаб.

Ғам босган кўнглида жаҳон кўрмаган,  
 Кувончлар, ҳасратлар қолдилар инграб.  
 Товондай қабариб, без каби қотган,  
 Жуссалар хайкалдек тураверди тек.  
 Аҳолиси ўсиб кетган жаҳонда  
 Ёлғиз қолаберди энг катта ўзбек.  
 Такаббур бошларга келмади учиб,  
 Эркин-хур фикрлар, гўзал туйғулар.  
 Қайгадир ноумид кетишди кўчиб,  
 Кўнгил кўчманчиси бўлмиш қайғулар.  
 У жазм этолмади - ошқор қилмоққа,  
 Кўплар айтмай кетган сирнинг ўзини.  
 Кўчира олмади дилидан оққа -  
 Юракка ёпишиб қолган сўзини.  
 Ўрганди алдамчи қарсақлар сасин,  
 Ўткинчи хуморин енга олмоққа.  
 Аҳд қилди ҳаводек, қутлуғ нафасдек,  
 Дарахтдек беозор бўлиб қолмоққа.  
 Ҳатто чумолига бермасдан озор -  
 Яшаш тариқатин кўнглига туйди.  
 Ёлғиз қалбга мансуб туйғуни зинҳор,  
 Оммага ёймоқдан ўзини тийди.  
 Шу йўсин кўнглини тўлдирди умид,  
 Асло ўйламади беш кунлик шонни.  
 Санъатни муқаддас санаган йигит,  
 Кўнглига жо этиб олди жаҳонни.  
 Бироқ уни роса чарчатди шаҳар,  
 Ҳазм эта олмади сурон, шуқуҳни.  
 Сигдира олмади ҳатто соф сахар -  
 Тўлқинлар мафтунни безовта руҳни.  
 Сўнгги умидларин кетди супуриб,  
 Кўч-кўч, ижара уй - кўнимсиз рўзғор.  
 Кўз олдига келди чопиб, югуриб  
 Жомадонли бола кўтарган тўзон.  
 Унинг кўзларида балқиди рўйи-рост,  
 Ёнаётган умр инграниб гоҳо.  
 Ёнида жонланди уч-тўрт майпараст,  
 Ризкин териб юрган - халки йўқ даҳо.  
 Тинмай айланувчи ғийбат лаппаги,  
 Саналмай айтилган янглиш саккизлар.  
 Уни юпатмасди дўппи-ю, шапка,  
 На баландпарвоз гап, на гўзал қизлар.  
 Унинг истакларин бўғизлашди хўп,  
 Дўст деганию, душман дегани,  
 Ўзига сиғинган, молга сиғинган -  
 Кўчқор егани-ю, тўнғиз егани.  
 Ул Фозил, Комиллар ғамга бўялиб,  
 Ҳасратга кўникиб адо бўлишган.  
 Ўзига, сўзига, дилга суяниб  
 Шайланиб туришар фидо бўлишга.  
 У йўлсиз қолди, оҳ, у пулсиз қолди,  
 Бепоён оламда дўст ёрсиз қолди.  
 Умидвор ёш юрак умидсиз қолди,  
 Ўрмонда милтиксиз ва итсиз қолди.  
 Тарк этди поёнсиз суҳбатларни у,  
 Кетди Чин лойидек қирқ йил пишмоққа.  
 Узайтиб изланиш муҳлатларин у,  
 Яна келди жим-жит она кишлоққа.

Ўғлидан бир умр нажотлар кутган,  
 Отаси қошига келиб чўкди тиз.  
 Бир умр додларин ичига ютган -  
 Онаси пойида йиғлади ёлғиз...  
 У ночор маконга боқди девона,  
 Кўрди бўш даладек-бўш нигоҳларни.  
 У бунда эзилиб тинглади яна  
 Сўзсиз ва товушсиз улуғ оҳларни.  
 Жимгина ўртаниб кезди неча кун,  
 Ҳазонла оёғин ёпган боғларни.  
 Кўриб оҳлар тортди яна қанча тун,  
 Кўксига булутлар тўлган тоғларни.  
 Кўрди деворлари туллаган бир уй,  
 Турар гўё еру кўкни кўриқлаб.  
 Куйлагиси келди, бироқ қани куй?  
 Изғиринлар эсди юракни доғлаб,  
 Қани бир пайтдаги жилвагар нурлар.  
 Қани у бир пайтги оппоқ кўшиқлар?!  
 У ўйлар: - Қаер бу? - Жаннатми? - Дўзах?  
 Ёлғиз тушиб қолдим ё, Аросатга.  
 Ҳаёт куйи эса этгандай мазах  
 Авжга чиқмай кулар чоҳ-даромадга.  
 У чўзилди сарғиш ажриқ устига,  
 Кўзида кечмишу, билмиш айланди.  
 Олис шаҳардаги содиқ дўстига,  
 Суюкли дўстига умид бойлади.  
 Бир кун келди дўсти бутун шаҳарни,  
 Майхона-пайхонаси билан орқалаб.  
 У қучди - дўстини - муздай сахарни,  
 Сўнг юриб кетдилар ариқ ёқалаб.  
 Дўстига кўрсатди болалик чоғин,  
 Варрак, эртакка зор шудгор кемасин.  
 Кўрсатди яратган гулзор, боғини,  
 Терди ўзи эккан дарахт мевасин.  
 Туманларни ёриб, чангалзор кечиб,  
 Элни парвозларга шайлади йигит.  
 Борар кўкда ана гижинглаб, учиб  
 Унинг содиқ дўсти-забардаст умид.

1988.

## КУЁШГА БАДИҲА

Тонг шафагин қирмиз сиёҳи,  
 Чиқар буржин тез эллаб кетди.  
 Бу дунёнинг барча гиёҳи  
 Мана яна ниятга етди.  
 Тонггача яшадилар...

Ботар буржин зар киприклари  
 Юмуддилар-сокин, сездирмай.  
 Бу содирлик моҳирлик билан  
 Рўёб бўлди жонни бездирмай.  
 Тунгача яшадилар...

Барибир,  
 Куёшнинг чиқиши гўзал,  
 Гўзалдир -  
 Ботиши ҳам куёшнинг.



Маҳкамтош АБРАЕВА

## ИЙГЛАЁТГАН КИЙИМ

Бойсунда яшоб кўшиқ айтмаган, икки мисра бўлса-да, шеър ёзмаган бойсунлик бошқа юртдан келиб қолган бўлса керак. Бу ер Одамининг кўксидagi юраги кўриниб туради. Унинг завқи шалола, хайрати Бойсунтоғ, имони ўша тоғ чўккисидagi қордек оппоқ. Оддий чўлони ёки хайдовчиси билан суҳбатлашсангиз ҳам бир байт шеър кўшмай ўтмайди.

Маҳкамтошнинг ўзини кўрмаганман. Зеро, ўзини кўриш шарт ҳам эмас. Бирок, агар шеърларини ҳам ўқимаганимда юракдан офсус айтсам арзирди. У нақадар гўзал ва озорли ёзишини ўзи ҳам англамас керак. Чунки, хақиқий шоир хамиша ўзининг дарди, савиясини билмай ўтади. «Мен ҳам шоирмиканман», деб юради.

Узоқ бойсунлик шоира синглимга хавас билан омад тилайман. Унинг унвони битта - шоир. Кўпроқ ёзсин илойим.

Муҳаммад Юсуф

## СИЗНИ ЁМОН ДЕДИММИ?

Омон-омон дедимми,  
Сизни ёмон дедимми.  
Бағримда лов-лов олов  
Ўчмас ҳамон дедимми?  
Йўқ-йўқ дедим, йўқ дедим  
Бўлинг кўнгли, тўқ дедим  
Сизни севмам кўзимда  
Отгани ўқ йўқ дедим,  
Ўнга айланмас тушим,  
Ўзимда эмас хушим  
Қанотин шитирлатиб  
Учиб кетган бахт қушим.  
Уни тутмоқ қайдадир  
Дил таскини найдадир.  
Кўнглимовловчиларнинг  
Тузони кўп майдадир.  
Йиғлаётган кийикми  
Бағри мендай куйикми.  
Этагида гул қокқан  
Сулув сизга суюкми?  
Йўлингиз экан равон  
Ул қизнинг юзи алвон  
Кўйлагимас қизғалдоқ  
Юрак бағримдаги қон.  
Омон-омон деманг-а  
Бизни ёмон деманг-а  
Уволгинам тутганда  
Пушаймонлар деманг-а.  
Бизни ёмон деманг-а...



ХАЛҚ ЙЎЛИДА

Сен ундаю, мен бунда  
Ўртада бор тубсиз жар.  
Айриликни яратган  
Ў жар феълимиз, ў жар...

Жарликнинг кўприги йўқ  
Тубида илон, чаён  
Юракда бир синотим  
Барчаси сенга аён.  
Сочларимнинг ториға  
Тулқиларни тунатма.  
Жарнинг чақирларида  
Товонимни қонатма.  
Меҳрим риштаси тайин  
Узолмас ранжу-алам  
Ғайир феълим-а ғайир  
Кўнглим қилмас қарам.  
Сен ҳам бўлма бекарам  
Бўлмас кўнглим деволи  
Бизни урмасми ахир  
Муҳаббатнинг уволи?

## БОБОТОҒНИНГ ҚОРИДАЙ НИЯТЛАРИ ОҚЛИГИ

Зухроларнинг зулфидай занжир-занжир зулфлигим  
Масъум нигоҳларида орзу-ўйи кулфлигим.  
Табассумингга пайванд турналарнинг оқ тўши  
Излаб-излаб кўнсин-а бошгинингга бахт қуши.  
Боботоғнинг қоридай ниятлари оқлигим  
Садафбигига садқа бор жаҳоним, шодлигим  
Узун-узун арғамчи - отанг меҳри чийратма,  
Ҳалинчакка айланиб ҳаволатиб учирар  
Эрка қизим кўнглингда ғамли ўйни бўйлатма.  
Оқ юрагинг оқлиги Ёсуманни қочирар.  
Чашмаларнинг сувидай зилолланган зилолим.  
Куртакларнинг қатидан кутиб турган баҳорим  
Бойсунтоғнинг белидан Бойчиборлар от кўйди  
Ой юзли Ойбарчинлар юрагига ўт кўйди  
Кўнгли ғирром ёғийлар от сурмоққа хол кўйди,  
Онанинг қўлида қалам кўнглида бир бол туйди.  
Кўзларингда кўзмунчоқ тақиб кўяй, кел кўзим  
Қамолнинг камолим садқамас, садқа ўзим...

Абдуқанош ЙЎЛДОШ

К  
А  
Т  
Т  
А  
й  
ш  
и  
н



Қисса

Иккинчи китоб  
(Охири. Боши ўтган сонда)

## МУХТАСАР

Киз боланинг юзига лой чаплашдан осони йўқ экан. Хатто у ўз жигаринга яхшилиқ қилиб турган тақдирда ҳам...

Ўзбековуллик Нуриumboй мулла эсини танигандан буён ўзидан зўррок бир одамдан мушт еб қолиши мумкинлиги хавотирида бўйини қисиб кун ўтказди. Балки шу сабабдир, ёши элликка борар-бормас, сийрак бўлса-да соқол қўйиб юбориб, бошига салла ўраб, хижжалай-хижжалай уч-тўрт дуони ўрганиб олгач, ўз-ўзидан муллалик мақомига ўти-қолди. Баайни сўкиш чоғи шафқат ҳамширалари дахлсиз қолганидай, энди Нуриumboй мулла ҳам уруш-жанжалларга мутлақо аралашмайдиган, илгари бундай жойлардан қочиб кутуладиган бўлса, энди бир чеккада сиртига сув юктирмай, тасбеҳ ўтирганча, кўзларини юмиб олиб, недир бир нималарни пичирлаб ўқиб тураверадиган беўхшов одат чикарди; мабодо жуда сиқиб келиб қолишса, икки томонгаям бирваракай инсоф тилаб қўйишни ҳам унутмасди.

Хуллас, мулла Нуриumboй йил боши арафасида шаҳардан қайтаётиб, овулга автобус юрадиган бекатга келиб кўрдики, уч-тўрт ҳали мўйлаби сабза уриб улгурмаган бачалар иккита қизга тегажаклик қилишмоқда. Одатдагидай, баданидан совуқ тер чиқиб кетган мулла ёшларга инсоф тилаб, панарок жойда холис турмоққа чоғланаётиб қараса, хужумга дучор бўлаётган ожизалардан биттаси ўз кенжатоийи, мактабни шу йил битирадиган Сарвинисо. Аросатда қолган мулла ўйлай-ўйлай, кўз қирида бачалар шилқимликни бағоят ҳаддидан ошириб юбораётганларини кузатаркан, тил тагига носдан мўлроқ ташлади-да, бекат ўриндиғида газит ўқиб ўтирган ўрта ёшлардаги бир зиёлинамо киши қошига яқин келди. Сал нарироқда бўлган Сарвинисо падарини таниб қолди шекилли, шу томон интилди. Аммо безбет болалар унинг йўлини тўсиб олишди. Сарвинисо ўзини кўмакка чақирмоққа чоғланаётганини илғаган мулла жон ҳалпида бекат орқасига ўтиб, ўта қунт ва ихлос билан носини тупуришга тушиб кетди.

Бу ишнинг ҳадисини олган мулла оғзини носдан ҳалос этиш жараёнини эҳтимолки бемалол ўн-ўн беш дақиқага аччиқ ичакдай чўзишга муваффақ ҳам бўлурди, - унғача Худо пошшо: ё Афанди ўлади, ё эшак, - ва-лекин воқеалар тадрижи кутилмаганда бошқа томонга оғиб кетди: орага Сайфи сарикнинг шаҳарда ўқийдиган қизи («Исми нима эди бу мочағарнинг, - дея ўйлади мулла ҳамон томоғини кириб-кириб тупуришда давом этаркан, - Роҳиламиди, валлоҳи аълам!») аралашиб қолди. Анчадан буён бекат устунни ёнида турган бу киз ахири чидаб туролмади чоғи, йигитчаларга қараб ўшқириб берди:

- Хов, бориб тошларингни теринлар! Тинч қўйинлар буларни!

Безорилар эътибори бирдан Роҳилага қаратилганидан фойдаланган Сарвинисо билан дугонаси сирғалиб улар орасидан эсон-омон ўтиб олиши-да, худди шу маҳал этиб келган автобустга ўзларини уришди. Туйқус нос тупуришни тугатиб қўя қолган мулла Нуриumboй ҳам чопонининг барини қўшқўллаб ушлаганча зипиллаб келасола қироат-пироатсиз «Бисмиллоҳи раҳмонир роҳийм» дедию, олдинги эшикдан ичкарига кирди. Мулла бобога шу заҳоти уч-тўрт киши ўрин бўшатди.

Томошанинг бемаъни томони шундай кейин ҳам давом этди. Автобуста одам жуда унчалик кам эмас, лекин жуда унчалик «пресс» ҳам эмасди. Шунга қарамай автобуста интилан, хатто орқани эшикка довр этиб келган Роҳилани бояги безори йигитчалар ичкарига қўйишмади. Улар тўдалашиб чиқиш йўлини тўсиб олишди-да, қизнинг овозини босиб бақириб-чақиринганча ҳайдовчига «Ҳайда! Ҳайда!» деб қўл силтаб фармон бера бошлашди. Йигитчалардан энг овози йўғони эса Роҳиланинг сумкасидан маҳкам чангаллаб орқага тортаркан «Биз сени таксида обориб қўямиз!» деб бўқирарди. Автобуста ўтирганлардан биронтасидан сас чиқмагач, «менга нима» дедими, ҳайдовчи ҳам эшикларни ёпиб, газни босди. Жой бўшатган бир йигитни дуо қилиш учун қўл очаётган мулла

Нуриumboй яна кўз қирини ташлаб, автобус чанги орасида бояги йигитчалар турткилай-турткилай Роҳилани нари суриб кетишаётганини кўрди.

Автобустдаги олачалпоқ оломондан кимдир ҳозирги ёшларни ёмонлашга тушди, бошқа бирови дарҳол унга жўр бўлди. Хатто бир кампир «Бунақалар аштобисга минармиди, юрадида таксида, ота-энасининг пулига!» деганида ўтирганлар гуриллаб онахоннинг бағоят қимматли фикрини маъқуллай кетишди. Асли нима рўй берганидан воқиф мулла Нуриumboй мик этиб оғиз очмай ўтираверди, ранг кум оқариб кетган Сарвинисо дугонаси билан кўз уриштириб олгач, худди ахдлашиб олишгандай, иккала киз йўл бўйи ердан кўз узмай келишди.

Кечки тамадидан сўнг, кўк чойни босиб-босиб ичаётган мулла Нуриumboй ҳе йўқ-бе йўқ, томдан тараша тушгандай, кампирга ўгирилди-да, бошини сарак-сарак қилганча:

- Сайфи сарикка қийин бўлди-да - деди.

Ҳайрон бўлган хотин эрига одатдагидай учинчи шахса мурожаат этди:

- Ўзи нима дейди?

Мулла бир пиёла чойни ҳўриллатиб ичиб юборгач, изох берди:

- Бугун астанапоқда тўртта жигит Сайфи сарикнинг ҳалиги шаҳарда ўқийдиган қизини судраб кетди-ку... Ўзим кўрдим... Астафурullo...

Аёл лаб тишлаб ўтирди, ўтирди, сўнг ногаҳон зарур иши чиқиб қолгандай, қўшниникига зипиллади...

Қисқаси, эртаси куни кечга бориб мулла Нуриumboйнинг ўзига Сайфи сарикнинг шаҳарда ўқийдиган қизи бузилиб кетгани, қушпа-қундузлари йигитлар билан қучоқлашиб-алламбало қилиқлар қилиб юриши ҳақида ўз кўзи билан кўрган одамларнинг гапини етказишиб, суюнчи сўраб туришди. Мулла ҳамсуҳбатига қўшилиб бош чайкади, афсус чекди, «астафурullo» деди...

Шундай қилиб, минг қўйли бойнинг тантик фарзандидай талтайибгина юрадиган, унча-мунчага сўзини беравермайдиган Роҳила бузқўлга чикди-қолди. Овулда уни кўролмай юрганлар ҳам кўп экан чоғи, тезликда ушбу «хушхабар»ни қўшни овулларга ёйишга астойдил киришди.

Висир-висир ғийбатларнинг самараси тезда ўзини кўрсатди-қўйди: дарвозанинг турумини бузғудай бўлиб қатнаётган совчилар сони кескин камайди, ундан-бундан ўз оёғи билан келиб қолганларни эса «холис овулдошлар» вақтида узунқулоқ гаплардан боҳабар этиб туришининг эвини қилишди.

Эски пайтлар бўлганда оғиздан-оғизга ўтиб юрган ғийбат аста-секин табиий равишда сўнишини кутиш ва ёки Сайфи аканинг оиласи билан овулдан бош олиб чиқиб кетишидан бошқа йўл йўқ эди, албатта. Бирок, ҳар нечук, замон ўзгармоқдами ёхуд одамлар онгида недир силжиш рўй бергани, ишқилиб, суриштира-суриштира ниҳоят дастлабки ахборотни тарқатган манба аниқланди. Ана шундан кейин томошанинг қизини бошланди. Алами ичида юрган экан, бирдан портлаб кетган Роҳила икки ҳамроҳи етовида тор кўчадан келаётган мулла Нуриumboй қаршисидан нақ намозшом палла пешвоз чиқадию, бетинг-кўзинг демай шартта:

- Одамнинг орқаси экансиз-ку, оқсоқол! - дейди-да, бурилиб изига қайтиб кетади.

Мулла Нуриumboй турган жойида туриб қолади, ҳамроҳлар эса Ўзбековул тарихида мисли кўрилмаган бу бетгаочпарликни тезроқ элга ошқор этиш учун ўзларини дуч келган биринчи эшикка уридилар...

Ихтилоф оловига мой сепилди...

Худди шу пайтлари Сайфи аканинг шаҳарда, ДАНда ишлаётган ўғли ҳовли сотиб олиб қолди. Бугун умри муаллимликда ўтган хоксор, оқил падар энг тўғри йўлни танлаб, ёлғиз қизи билан кампирини олдию, шаҳарга қўчиб кетди.

Шу билан қорлар ёғилди, излар босилди.

Ўқишни эсон-омон тугатиб олган Роҳила янги ҳовли яқинида жойлашган тикувчилик фабрикасининг профилакторийсига ҳамшира бўлиб ишга кирди...



Умуман, тўрт ўғил ичида ёлғиз ўсган Роҳиланинг табиатида, фель-атворида шарттақилик, таптортмаслик унсурлари бисёр эди. Бунинг устига, киз баъзан миқ этмай юриши, баъзан эса эртадан кечгача тинмай валаклайвериши мумкин эди; кайфияти-ку, баҳор ҳавосидай тинмай ўзгариб турарди. Роҳила бирон нимага берилса астойдил берилар, ҳеч нимани кўл учиди, шунчаки қилмас, бошлаган ишини, таъбир жоиз бўлса то «охирги нуқта»сига қадар оборар, шундан сўнггица баайни кераксиз матоҳдай ташлаб кетиши мумкин эди. Роҳиланинг қизиқишига келсак... аниқ бир нима дейиш қийин. У билим юртида асли немис киз билан дугона бўлиб қолдию, ўлиб-тирилиб, кечалари чалакам-чатти ухлаб, уч ой ичида балодай олмончалаб чуғурлашадиган бўлди. Кейин бирдан артистликка меҳр кўйиб, билим юрти драма тўғарагида йигитларнинг ролини қойилмақом қилиб ижро эта бошлади... Мактабни битириш арафасида эса киз сураткашликка берилганди. Уй турли фотоаппаратлару сурат чиқарадиган усқуналарга, кимёвий дориларга тўлиб кетди. Роҳиланинг ўзи эса бўйнига аппаратни осиб, гоҳ дарахтга чиқиб, қушларни расмга олади, гоҳ ярим тунга қадар ҳовлида ўтириб тўлин ойни суратга туширишга уринади... Хуллас, ишқибозликлар кўп бўлди. Фақат мутолаага бўлган муҳаббатгина қизда ўзгармай қолмоқда эди - у дўкондан китобу газета-журнал харид қилишдан эринмас, кейин хонасига қамалиб олиб ўқигани-ўқигани эди. Шу қизиқиш боис неча маротабалаб овқатсиз қолган, неча маротабалаб дарсга кечиккан ёхуд вақтини қизганиб буткул бормай кўйган. Иш ҳам деярли шу тариқа кечмоқда эди. Яхшиям профилаторий - дам олиш уйидай гап: келган одам муолажага эмас, ҳордик олишга кўпроқ қизқади. Йўқса Роҳиланинг бошида кўп калтак синиши тайин эди.

Шу билан биргаликда Роҳила ошиқиб яшаётган, гўёки умри узоқ бўлмаслигини олдиндан билиб, кўп нарсаларга улгуриб қолишга жон-жаҳди билан уринаётган, ўз фель-хўйига мос ақидаларни собит туриб қимоя қила оладиган, бу йўлда керак бўлса кўпчилик томонидан қабул қилинган баъзи қондалардан чекинишга ёинки уларни айлиниб ўтишга тайёр саргашта жон таассуротини ҳам қолдирарди...

Лекин «Тошкентдан келган журналист» воқеасидан сўнг Роҳила анча ўзгариб қолди. Айниқса акаси билан бўлган кескин ихтилоф қизга қаттиқ таъсир қилди. Қиз энг қимматли ҳисоблаган ашёвий далил, яъни журналист йигитнинг кундалигини ўз қўли билан акасига топширгани учун ўзини кечиролмасди...

Роҳила энди анча оғир, вазмин тортган, қарашлари жиддийлашган, шу билан бир қаторда ичи аламга тўлиб турган жабрдийда инсон мисоли гоҳида ўзини бошқаролмай, арзимаган нарсга чирсиллаб кетиши, ғазабини дуч келган биринчи кишига тўкиб солиши мумкин эди... Синглисининг ийдаоли қарашларидан, миқ этмасдан туриб узиб олаверишларидан бора-бора жонидан тўйғудай ҳолга келган Ўринбой ака Роҳилани кўрмаган кунни кайфияти яхши бўлишини кашф қилиб қолди. Шунинг учун киз профилаторийдан бўшаб, шаҳарнинг нариги чеккасидаги шифохонага ишга кирганида, бир кеча-кундуз ишлаб, икки кун дам олганида, аксар ҳолларда тўрт девор ичига сиғмай дам олиш кунлариям юмушига жўнаб кетаверганида хонадондан бир Ўринбой акагина мамнунлик туйғандир. Айни чоғда қизни тезроқ эрга бериб, ундан қутулиш режаси ҳам кун тартибиди биринчи ўринда турган масалалардан эди... Бирок бу борада Роҳиланинг сира омади келмасди, тўғрроғи, киз ўзини баайни омади келишини истамаётгандек тутаётгани Ўринбой акани жигибйрон қиларди...

Чиндан-да, Роҳиланинг ғалати-ғалати, сира мантиқий изоҳлаб бўлмайдиган қиликлари бор эди. Дейлик, янгаларининг ойлаб давом этган қийин-қистовларига чидамай, алал-оқибат йигит билан учрашувга чиққан

кайси киз ўзини намоийшқорона совуқкон ва ҳиссиз тутади, гўё билим юртида анатомиядан имтиҳон топшираётгандай; буям майли, кайси киз учрашув охирида уйланишга мойиллиги борлигини билдираётган йигитга «Мен сизга то никоҳ ўқийдиган домла учинчи марта сўраган лаҳзага қадар эркинлик бераман - ўшангача истаган пайтингизда фикрингиздан қайтишингиз мумкин, дейди?!». Бунақанги телбавор достоевичликка хос сўзларини эшитган кайси йигит довдираб қолмайди, кайси йигитнинг кўнглига «Ҳа, демак чиндан ҳам бир балоси бор экан-да...» деган гумон ораламайди... Гумон имондан айирар. Инчунин, бундай учрашувлар натижаси қандай тугагини олдиндан алашмай айтиб бериш мумкин: куёвликка номзод йигит қайтиб қорасини кўрсатмасликни маъқул кўради. Сал эркак табиатлироғи бўлса-ку, хўп-хўп, индамай кетади-боради, жуда нари борса «Пешонамга ёзилмаган экан-да», дейди-қўяди, бирок, таассуфки, орқаворатдан сассик гапларни чувалаштириб юрадиган хотинчалишлар ҳам учраб қоларди. Шунақалардан биттаси, олий маълумотли агроном, дарвоқе, Бобоёрнинг институтда бирга ўқиган таниши, «унинг ўзи асли иффатини йўқотган киз экан, бўлмаса шунақа деб айтармиди», дея ҳар ерда дәрдини дастурхон қилиб ёзиб юра-юра ахири жуда ҳаддидан ошиб кетгани боисми, жазога ҳам мустаҳқик бўлди: шўрлик «куёв» ўртоқлари билан ишхонадан чиқиб, энди кайси ошхонага борсак экан деб баҳслашиб туришган чоғда тўсатдан қаршисида ердан чиққандай пайдо бўлиб қолган Роҳила йигитни имлаб сал четроққа чақирди-да, қаҳр-ғазаб тўлиб: «Биринчидан, - деди, - сен «пүф сассик» деб юришни бас қил. Иккинчидан, ўзинг ҳам лекин одамнинг орқаси экансан!» Ҳа, айнан шундай деди-да, кетди-борди. Шолғоми чиқиб кетган йигитга ёр-жўралар ёпирилишиб, ушбу гаройиб учрашувнинг шарҳини сўрашди. Аммо йигит индамай қутулди. Фақат бир марта, иш билан бориб Бобоёрга тасодифан учрашиб қолганида гап орасида нимагадир ийиб кетиб ўзининг ушбу саргузаштини сўйлаб қолди. Бобоёр аввал ёқтирмай, сўнг жон қулоғи билан эшитди, нечुकдир у шарттаки қизнинг иш жойини, ташки кўринишини сўраб олди. Таниши бунинг боиси билан қизиққанида, аниқ жавобдан ўзини олиб қочиб, «Ҳа, энди, шунчаки сўрадим-да, қолаверса бизам бўйдоқ», деб қўяқолди.

Иш бошдан ошиб ётган пайтлар эди. Шунга қарамай Бобоёр акасининг жон-понини чиқариб шаҳарга икки-уч марта бориб келди. Кейинчалик эса, уч-тўрт соатга сўраб кетишлари ҳам ҳолва экан, кун бўйи йўқ бўлиб кетадиган одат чиқарди. Ака бот-бот аччиқ-тизич гаплардан айтди, ука ё миқ этмай тураверади, ё «фалон ишми? Қилиб қўяман, кечаси ухламасам ҳам қилиб қўяман», деб қутулади. Кимлардандир Бобоёрнинг шаҳарда бир киз билан истироҳат боғида сайр қилиб юрганини кўришганини эшитганида, жигар барибир жигар-да, ака енгил нафас олди, тирикчилик ташвишларига, қорин қайғусига, маъракалар сарф-харажатлари ваҳимасига кўмилиб, укасининг бошини икки қилиш учун мундай бир ҳаракат қилишга имкон тополмаётганини ўйлаб, анча эзилди ҳам. Сўнг, орқаворатдан бўлса-да, «Ишқилиб тенгини топсин, қўл-оёғи чаққонгина, таппи қилишдан ирганмайдиган, эрталаб мол соғишдан чарчамайдиган, меҳнаткаш, борига қаноат қилиб яшайдиган келин учрасин», деб дуо қилди. Шундан кейин оғир бир уф тортди кўйган ака тилақларига муҳим банди тиркаб қўйди: «Энг муҳими - соғлом бўлсин». Зеро, аканинг ўзи бемор хотиндан қуйганлардан эди; дори-дармон, уёқ-буёққа қаратиш деган балоларга даромадининг катта бир қисми кетиб қоларди...

Энди танишган йигит билан киз нималарни гаплашишарди? Ўз-ўзидан аёнки, гурунгу муҳаббатдан бошқа барча мавзуларда кечади. Айтилик, кино бор, бу ёқда адабиёт, у ёқда бозор... Ва-лекин, Бобоёр билан Роҳиланинг ўзаро гаплашиб кетишадиганини ёхуд бирон ўриндикда гурунглашиб ўтирганини кўрганларнинг бариси, мабодо сал зингил солиб қараганларида эди, йигит-қизнинг чеҳраси одатдан кўра жиддийроқ эканини илғаган бўлардилар. Эҳтимол бунинг боисини ҳаётдан андақ

*«Бу ҳақда қизиққанлар қарашлари мумкин: «Ёшлик» журнали, 1996 йил, 1-сон. Абдуқоюм Йўлдош. «Катта ўйин». Қисса. Биринчи китоб*

норизо дилларнинг задаликка мойил кайфиятда юришдан ва гайришуурий тарзда ўзларига монандларни кидиришларидан тушунишга уриниш керакдир. Яна ким билади дейсиз...

Инсоннинг ҳақиқий феъл-атвори аксар ҳолатда номаълумлик пардаси ортида, ўз шакл-шамойилини аниқ намоён этмай турса-да, ногоҳ қандайдир ҳодисот юз бериб, турмуш осмониди чакмоқ чақадю ҳамма нарса, қиска лаҳзаларга бўлса ҳамки, ошкор кўринади-қўяди.

Роҳила билан ҳам шундай бўлди. Танишганларнинг тўртинчи ҳафтасими, киз бир юмуш билан Тошкентга борадиган бўлиб қолди. Йигит унга эргашди. Роҳила аввалига анча тихирлик қилиб туриб олди, сўнг кўнди.

Киз дўкон-пўкон деб ўтирмасдан йўлни тўғри бир маҳобатли бино сари солди.

Иккинчи қаватга кўтарилишди. Ранги сезиларли даражада оқариб кетган, калта-калта нафас олаётган Роҳила «Адабиёт бўлими» деб ёзилган эшик олдида бир муддат иккиланиб туриб қолди. «Ие, ҳали шигир-пиғир ҳам ёзамиз шекилли», деган хаёлга борган Бобоёр одоб юзасидан бир-икки қадам ортга чекинди. Илло, анча маҳал бир нималарни қоралаб юрган эса-да, йигитнинг ўзи учун ҳам «Шигир ёзаман» деб тан олиш, назарида, қандайдир уятли иш билан машғул бўлганини эътироф этишдан гап эди. Бас, шундай экан, кизни ортиқча хижолатга солишдан маъни не.

Роҳила иккинчи бор журъатсизлик билан қўл чўзганида эшик шиддат билан очилди ва узун сочлари тўзғиб кетган, оғзидан кўпик сачраётган бир жиккаккина йигитча ичкаридан отилиб чиқиб, қизга урилиб кетай деди.

- Кечирасиз... - деди ўзини четга олган Роҳила товуши титраб.

- Кечирмайман! - дея баногоҳ чийиллаб юборди йигитча хотинчалиш товушда. - Кечирмайман! Чунки ўзбекчалабам, лотинчалабам ўқлоғдай-ўқлоғдай ҳарфларда кўрга ҳассадай қилиб ёзиб қўйганман! Мана, ўқинг агар саводдан зигирча бор бўлса! Ўқинг!

Лавлагиси чиқиб кетган Роҳила яна бир қадам ортга тисарилди. Бобоёр йигитча кўрсаткич бармоғини нуқиб турган эшикдаги чиндан ҳам катта-катта ҳарфларда ёзилган билдирувга кўз қирини ташлади: «Адабиёт бўлими. Муаллифлар ҳар куни соат 14<sup>00</sup>дан кейин қабул қилинади. Мудир - шоир...»

- Тушунарлими, сингилжон? - голибона иржайди йигитча бошини бир силкитиб, сочларини баттар тўзгитаркан.

Киз унсиз бош ирғади, сўнг, ҳадик-хижолатдан овози баттар титраб, тутила-тутила сўрай олди:

- Кечирасиз... мен... сўрамоқчийдим...

Аммо қўл қовуштириб келган муаллифларни довдиратиб, маънан эзиб ҳузур топадиган йигитча шахдидан тушай демасди.

- Кимни?

Роҳила пичирлаб бир исми айтди, шунча ҳаракат қилса-да, Бобоёр уни аниқ эшитолмади.

- Ки-имни? - Шоир йигитчанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Кейин, ненидир мулоҳаза қилиб кўргач, энди бутунлай таҳқиромуз-мазахли оҳангга ўтиб олди: - Э, ул зоти олийлариними? Ул шоири яктоними?.. - Шу ерга келганда йигитча қофия излагандек бир муддат осмонга термулиб қолди-да, алоҳа, недир топди шекилли, бадхоҳлик билан вишиллади: - Э, ул бандан пул, нафсига қул, Бул мўътабар даргоҳда унинг номини тилга олмаган мақбул...

Роҳила нимадир деб эътироз билдирмоққа чоғланди, лекин буткул илҳомланиб кетган, минг йиллик интиқомини олиш фурсати етиб келгану, шунинг эвзасига қувончдан сакраб кетгудай бўлаётган йигитча тамом чегарадан чиқиб кетган кўйи ним эгилиб, таъзим қилган бўлди-да, ўзининг бу ҳақоратидан дилида андак ройишлик тўйиб, нафси ором олгач, кизга қарши томонда турган «Эълонлар тахтаси»ни кўрсатди:

- Марҳамат қилсинлар, хоним. - Йигитча энди кўрсаткич бармоғини тахтанинг ўртасига қоқиб қўйилган ягона қоғозга ниқтади: - Хоҳласангиз, ўқиб берурман.

Марҳамат: Хў-ўш... «Тахририят бўйича буйруқ. Фалон ракам, фалон сана. Хўш, мана формулировкаси: «Ичиб олиб тўполон қилгани, бир беғуноҳ норасидага оғир тан жароҳати етказгани, ўзини доволаётган ҳамширани зўрлашга урингани, ниҳоят, ўша ҳамширанинг эрига пичоқ билан ташлангани, Редакция обрўйини тўккани, хизмат гувоҳномасидан гаразли мақсадларда фойдалангани, меҳнат таътилида бўла туриб ўз ташаббуси билан, манфаатини ўйлаб хизмат сафарига боргани учун...» - Йигитча ҳузурланиб ўқишдан тўхтаб, бир муддат кизга тиржайиб тикилиб қолди: - учун... хурматли хоним, ўша сизу биз билган зот «4 февралдан бошлаб ишдан бўшатилин!» Тамом-вассалом. Кейинги буйруқ билан эса камтарин қулингиз бўлим мудирлигига тайинландим. Так что, ёзганларингизни иккидан кейин обкелинг, гаплашамиз. Ҳозир эса, адью! Бизда законний обед пайти. Ҳаққим бор. Ёлғиз бўлганингизда тушликка таклиф қилардим, лекин думингиз бор экан...

Йигитча кетди, бошини намоёншкорона мағрур кўтариб, бир нарсага тўйган хўроздай...

Бобоёр кўрди: яшин ургандай жойида қотиб қолган Роҳила не фурсат «Эълонлар тахтаси»га тикилиб тураверди-тураверди... Бобоёр қизга яқинлашмоққа журъат қилолмади, уни кўз қири билан кузатишда давом этаверди.

Ахийри ранги қув ўчиб кетган қизнинг маъни йўқолган кўзларига жикка ёш тўлди. Бобоёр сал енгил нафас олди - ҳар нечук, бу ҳаёт нишонаси эди...

Бобоёр кўрди: икки томчи ёш қизнинг миждаларига оқиб тушди. Майлида-эй, йиғлаб олсин, ичга ютилган алам ёмон...

Бир пайт туйқус ўзига келгандай сесканиб тушган Роҳила сарғайиб кетган буйруқ қоғозини шартга юлқиб олдию, бурдалаб-бурдалаб ташлагач, йўлақдан чопиб кетди.

Орадан озгина фурсат ўтказиб ташқарига чиққан Бобоёр кизни кўрмади.

Бобоёр бекатга келиб, ўзини ўриндикка ташлади.

Орадан уч соатлар ўтгач, сўнгги автобус жўнашига беш дақиқача фурсат қолганда йиғлайверганидан қовоқлари шишиб кетган, ранги сўлиб, хастаники мисол заҳил тусга кирган Роҳила метродан чиқиб келди. У индамай бориб чипта олди, шу алфозда автобусага ўтирди. Бобоёр орқарокдан жой олди. Йўл бўйи қиз пешонасини муздай ойнага тираб келди.

Автобусдан тушганларидан кейин ҳам қиз умуман Бобоёр исми йигит бу дунёда мавжудлигини тамом ёддан чиқаргандай индамай уйи томон йўл олди. Бобоёр йўловчи машиналарга осилиб қишлоққа қайтди.

Орадан бир ҳафта ўтиб кўришганларида эса гўё ҳеч қандай «Тошкент сафари» бўлмагандай, йигит ҳам, қиз ҳам бу мавзуда оғиз очишмади. Роҳилада изоҳ беришга рағбат йўқлигини иллагач, Бобоёр тил учиди турган саволларини ичига ютди.

Сўнрок, орадан ойлар ўтиб, кўкрагидан ўк еган Роҳила шифохонада ўлим билан олишиб ётган пайла, бошини қаерга уришни билмай, дунёни гардунга сиғмай юрган Бобоёр қизнинг буткул жунунваш, телбавор, ҳаммадан ва ҳар кимдан интиқом олгудек сарсари ҳолатига ўта бошлаш жараёни ибтидосига айнан ўша Тахририятда кечган ҳодисот ҳам туртки вазифасини ўтамадимикин, деган хаёлларга-да боради...

Не бўлганда ҳам, шу воқеадан кейин қиз феъл-хўйида анчайин ўзгаришлар юз берди. Мўъжизага ишонаётган гўдак мисоли ниманидир интиқ кутиб, орзиқиб яшаб юрган, гоҳ-гоҳ ширин хаёлларга чўмиб кетадиган Роҳила табиатида совуққонлик, ақл билан иш кўриш, барча нарсаларни олдиндан хомчўт қилиб олиш, режалаштириш майли устиворлик қила бошлади. Ушбу эврилишлар ҳосиласи бўлса керакки, орадан яна бир ҳафтача фурсат ўтгач, истироҳат боғида навбатдаги бир-бир ярим соатлик бесўз теңтирашлардан кейин ўриндик чеккасига омонатгина ўтирган Роҳила оғир уф тортиб кўяркан:

- Бобоёржон, - деди илтимос оҳангида.



Дарвоке, киз нечукдир аксар ҳолларда «Бобоёр ака» деб чакиргани ҳолда, ўзига яқин олиб «Бобоёржон» деган маҳаллари сира «ака» сўзини қўшмасди.

Бобоёр савол назари билан кизга қаради.

- Гапларим сизга эриш туюлмасин. Агар шундай бўлса, уларга эътибор бериб ҳам ўтирманг... Тўғриси, гоҳида ўзим ўзимдан нима истаётганимни ҳам тушунмай қоламан... Кеча эрталаб ишга чикиб кетаётсам, отам турибди эшик олдида. Бечора тез қарибди. Қишчидай одам эди бўлмаса. Мени кўп эркалатарди. Эсимни танигандан то еттинчи-саккизинчи синфларда ўқиб юрганимдаям фақат мактов эшитардим. Отам дарвозадан кира сола мени изларди. Буни билиб яшириниб олардим. Шундаям отам тўғри топиб келаварди. Яна денг «Кўзи чакноқ кизимдан, сўзи янғроқ кизимдан, ўзи қувноқ кизимдан» деб келаварди. Кейин албатта битта ширинликми ё китоб-питобми берарди. Ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб бўлсам менга бирон нима ўқитарди... Бир марта Самарқанддан келган холам отамни уришибам берганди: «Ота деган кизини бундай эркалайвермайди-да! Яна кўз тегиб, бахтсиз қилиб қўйманг!» деб. Ишқилиб, кўп эркатой бўлиб ўсибидим... Кеча қарасам, отам қариб адо бўлгандай... Сочларига оқ оралабди. Мендан нимадир сўрамоқчи бўлади-ю, сўрай олмайдди. Истиҳола қилса керак-да. Акам мени кўриб кўрмаганликка олади.. Менинг бўлса... умрим ўтиб кетаётгандай... Яқинда ўша холам келибди. Сочига кетаётган экан, дам олишга. Эрталабгача жонига тегиб, гапиртириб чикдим. Кўп нарсаларни сўрадим. У киши ҳозир катта савдогар, магазинлари бор. Ўзим тўлиб турган эканми, аввал тихирлик қилсам, сўнг роса мактанди. Хотин бошим билан уруг-аймогимни боқаяпман деб керилди... Кейин газит-пазитларда ўқиганым, телевизорда кўрганларимни эсладим. Ўзимни улар билан солиштирдим. Очиғи, роса хафа бўлиб кетдим... Умри ўтиб бораётганини бир чеккада кузатиб турган нотавондай ҳис қилдим ўзимни... Ўзи-ку, узоқ яшамайдигандайман. Ё бўлмаса бир кун хушдан кетиб қоламан-у, мени дарров кўмиб қўйишадигандай. Сўнг қабрининг ичида уйғониб кетаман. Қарасам, ҳаммаёқ қоп-қоронғи зулмат. Бошимда иккита гувала, эғнимда кафан... - Роҳиланинг ранги қув ўчди, кўзлари катталашиб, қиска-қиска нафас ола бошлади. - Қаерда эканимни бирдан тушуниб қолиб, кўркиб кетаман. Чинқириб йиғлаб тупроқни қовлаб, ташқарига чиқмоқчи бўламан. Тупроқни тортавераман, тортавераман... оғзим, бурним, кўзим, қулоғим тупроққа тўлади. Иш бўлса унмайди. Чунки устимга нақ бир тонна тупроқни уйиб кетишга бўлишади-да, худди гўрдан чиқиб келишимдан кўркишгандек... Охири тирноқларим қонаб, юлиниб кетади. Оғзимда, ичимда, қулоқларимда сувараклар, чувалчанлар, минг битта қурт-қумурсқалар биланглай бошлайди. Мен дахшатга тушаман. Бақирмоқчи бўламан, бақиролмайман, устимдан бўлса тупроқ тобора залвори билан босиб келаваради. Шунда мени азоблардан бира тўла кутқариб қўя қолиш учунми, чап болдиришда йўғонлиги қувидек келадиган му-уздай бир илон ўрмалайди... Мен яна дод солмоқчи бўламан. Лекин овозим чиқмайди. Бунинг ўрнига юрагим ёрилиб, энди ҳақиқатан ҳам ўламан-қоламан... - Киз энтикиб қўйди. - Мана шунақа... Шунинг учун, агар ўлимим олдидан эс-хушим жойида бўлса, мени кўмишдан аввал ёқиб юборинглар, деб васият қилмоқчиман...

Қалтираб кетган Бобоёр:

- Қўйинг-э, - деяолди ҳолос. - Нафасингизни ел олсин.

Роҳила чуқур тин олди. Кейин маънос жилмайди.

- Хай, майли, у дунё масаласини бир амаллаб ҳал қилдик. Энди бу дунё масалаларига қайтайлик. Сиз ҳозирок кетишингиз, агар инсоф қиладиган бўлсангиз, бугун қолиб, эртадан бошлаб умуман келмай қўйишингиз мумкин. Худо ҳақки, ёзирган кал бўлсин. Кўриб турибман, андишали, камсуқум йиғит экансиз, шунинг учун ҳеч қачон аввал сиздан ташаббус чиқмаслигини билганим сабабли, ўзим гапнинг очигига кўча қолай. Аввало, менга қолса, иссиғида хайр-маъзурни насия қилиб, бошқа бирон эсли-хушли жунбошни топганингиз маъқул. Иккинчидан,

бир кенглик қилингу, мендан ҳеч нарса сўраманг. Ва ниҳоят охири айтарим, менинг олдимда ҳеч қанақанги мажбурият-пажбуриятингиз йўқ; бас, шундай экан, бугун, эртага ва ёки бошқа истаган пайтда кетишингиз эрки ҳам ўзингизда. Ҳаттоки бирон нимага азм қилган тақдирингизда ҳам энг сўнги дақиқага қадар ихтиёр ўзингизда... Сиз мени тушунган чиқарсиз. Ҳар қалай, кўнгли ўзгада бўлган кизга совчи қўйишдек телбалликка бориб етмасиз... Лекин ҳозир ҳеч нима деманг, бари бир, одамнинг юзи иссиқ, энг аччиқ ҳақиқат ҳам бетма-бет айтилганда қозғога ўраб, кўнгила озор етмайдиган қилиб, чиройлироқ тарзда узатилади. Шунинг учун аввал ўйлаб кўринг шомасдан. Кўришиб қолсак, бирон нима дерсиз, кўришмасак - энг тўғри жавобингиз шу... Хўп, хайр бўлмаса.

Киз ўрнидан туриб кета бошлади.

- Роҳила...

Киз ортга ўгирилди.

- Мен... кутаман... - деди дона-дона қилиб Бобоёр.

- Қанча керак бўлса, шунча...

Роҳила бир муддат ненидир мулоҳаза юритгандай ҳайрон бўлиб туриб қолди, сўнг, елка қисди-да, яна йўлида давом этди.

Дарҳақиқат Бобоёр кутди. Эртаси куни кизни ҳайрон қолдириб ишхонаси ёнида қарши олганида ҳам, кейинчалик, қанчадан-қанча воқеа-ҳодисотлар юз берганида ҳам Бобоёр Роҳилага бу мавзуда қайтиб оғиз очмади. У киз юрагидаги ях эришини, балки бир кун келиб кўнгида ўзига нисбатан илиқ туйғу-да уйғониб қолиши эҳтимolini сабр-тоқат билан узоқ кутди.

Сўнғроқ, орадан ойлар ўтиб, чап кўкрагидан теккан ўк умуртқа поғонасининг юқори қисмини ўпириб чиққан, қора қонига беланган, дахшатли оғрик таъсирида жон алпозда ихраб-тўлғонаётган Роҳилани маҳкам кучоклаб олган, шусиз ҳам елиб кетаётган машина ҳайдовчисига тезликни янада оширишни талаб қилиб бақираётган маҳалдагина йиғит аҳдини бузади - кизни янада маҳкамроқ кучоклаб энгашади ва қонли лабларини аранг кимирлатганча унинг қулоғига «яқши кўраман... жуда...» деб шивирлайди...

## БЕМОР

Иссиққина парникдан юлиб олинди, бешафқат ҳаёт номли соз тупроққа ўрнатилган ниҳол энди «нафрат, алам» деб аталмиш ўғитлардан озуқа олиб, ёввойи тарзда гурқираб ўсмоқда эди... Роҳила бор ақл-салоҳияти, имкониятини ишга солиб бўлса ҳамки, ўзича мутлоқ ҳақиқат деб тан олиб улгурган нуқтаи назарини исботламоққа жазм этганди. Қизнинг назарида, бу йўлда учраш эҳтимоли бор тўсиқлар одамни хурқитиб юборар даражада улкан ва бесанок эмасди; қизнинг назарида, кўп йиллар давомида бошига қўтариб, эъзозлаб келган қадриятлари оёқ ости бўлган ва аксинча, писанд этмай юрган тушунчалари осмон қадар юксалаётган айни кунларда «Олма пиш, оғзимга туш» қабилда осмондан чалпак ёғишини кутиб ётиш, «Қисматим шу экан-да» деб борига қаноат қилиб яшаш, айниқса тақдир зарбаларини мутеларча бош эгиб қабул қилавериш фақат фаолиятсиз, беҳафсала, ялқов, ланж кимсаларгагина хос бўлган таслимчиликнинг бир кўриниши эди, ҳолос; қизнинг назарида, дорилфано аталмиш тириклик меҳварига бор-йўғи бир марта келаркансан, жиллакурса ўзингга нисбатан ўзингнинг ҳурматингни йўқотмай кун кечиришинг, бунинг учун эса имконият отлиг ботиний қудратингни эзиб-сикиб, то сўнги қатрасига қадар тасарруф этмоғинг қарз ва фарз эди; қизнинг назарида, ҳақиқий Инсон аталишга лойиқ мавжудот майда-чуйда тирикчилик ташвишлари тузоқларига ўралашиб қолган, миёсию юрагини емиш, уст-бош қайғуси деган улкан шиллиққуртга озуқа учун ташлаб қўйган одамчалар издиҳомидан баландроқда, юксакроқда яшаш жои эди ва ўз навбатида, модомки шундоқ яшамок мақсади эҳтиёжга айланган экан, бешак,

ҳар қандай восита ўзини оқлаб кетаверади. Яъни, осидингми, бира тўла баланд дорга осилким, токи унча-мунча одамнинг қўли етмасин...

Ваҳоланки, айтайлик, умри дон ичида ўтган, бугдой етиштириш машаққатларидан бохабар одам ҳеч қачон нонни тегиб ўтолмагани каби, ўқитувчи падари сайъ-ҳаракати-ла «Дунё фақат яхши одамлардан иборат» деган ақида таъсирида ўсган Роҳила баногоҳ ҳақиқий воқелик тўсинига урилиб, пешонасини ғурра қилгач, инсониятга «ҳап, сеними!» қабилда аламзадалик нигоҳи билан ёвқараш қилиш ҳадисини эғаллаётган эса-да, бари бир, суяқ сурди деганларидек, кўпчиликини бирданига қоп-қорага чиқариб юборавериш фикридан йироқ, лекин ўзи мустақил текшириш ўтказиб, ўзи ҳукм ўқиб кўя қолишдек бағоят сирпанчик, исталган маҳал тойиб кетиш мумкин бўлган йўлга тушиб олганди...

Дунё - тор. Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади.

Бундан бир фурсат муқаддам шифохонага оғир аҳволдаги қизни обқелишганди. Ичилган сирка кислотаси таъсирида ичи илвираб кетган бемор қайсидир хўжалик шифохонасида уч-тўрт кун даволанган, аҳволи ўнгланавермагач, бу ерга, шаҳарга юборилганди.

Ҳаётда нелар бўлмайди. Эҳтимол бахтсиз муҳаббат орқасидан шу ишга журъат этгандир деган ўйда ҳаттоки орқаворатдан беморга нисбатан эҳтиром ҳислари туйган Роҳила ҳамкасабалару фаррошлардан қизнинг ичи илвираб кетганидан ташқари уч-тўрт ойлик ҳомиласи ириб, парча-парча гўшт ҳолида тушаётганини эшитганида даҳшат, ва нафратдан донг қотиб қолди, кейин «Бу хонага минбаъд қадам босмайин, ифлос бузуқнинг юзига қарамайин!» дея ўзига ўзи ваъдалар бериб қўйди.

Аммо, орадан икки уч кун ўтгач, беморнинг ўлим билан олишаётганлигини, устига-устак, қўлим калтароқ оиладан эканми, ўзини даволаётган шифокору ҳамшираларга бирон нима кўнглидан чикариб беролмаётганини, айниқса ушбу сўнгги ҳолат унга нисбатан муомаланинг янада совуқроқ тус олишига сабаб бўлаётганини, оқибатда бемор мохов мисоли яккаланиб қолаётганини, ундан хабар олишга ҳар қуни келаётган букри акаси эса чекка-чеккада кўз ёш тўкиб кетишдан бошқасига ярамаётганини турли оғизлардан бот-бот эшитавергач, Роҳила ўзича «қотил қиз» деб атаган бемор ётган палатага ижирганиб-ижирганиб қадам қўйди.

Беморнинг аҳволи чиндан-да оғир эди. Ўзи муштдеккина бир нарса экан. Ўтибди шифтдан кўз узмай. Келганига бир ҳафта бўлганига қарамасдан қон юки чойшаб-сочиклар алмаштирилмаганининг ўзиёқ беморга нисбатан муносабатни якқол кўрсатиб турарди.

Роҳила сирка ичган одамнинг оғзидан тинмай сўлак оқиб туради, деб эшитганди. Бироқ беморнинг лаблари саҳрода сувсиз қолган бечораники мисоли қуриб-қақшаб, қовжираб кетганди. Роҳила шошиб қизнинг пешонасига, энсасига қафтини босди. Бемор алангаи оташ бўлиб ёнмоқда эди. Ва шу аянч ҳолатида шифтдан кўз узмай, миқ этмасдан, оқ ҳалатли ҳамширани кўргандан кейиноқ ҳеч бўлмаса қўл ҳаракатлари билан кўмакка чорламай ётиши ғалати эди. Роҳила қизнинг сўник нигоҳига қаради ва ҳаммасини тушунди: бемор ўлимни бўйнига олиб қўйган эди.

Ўлим... Инсоннинг йўқлик қаърига қулаши олдидаги сўнгги лаҳзалар, дақиқалар, соатлардаги ҳолати...

Роҳила шифохонада узоқ ишламаётган бўлса ҳамки, бундай вазиятларга беш-олти марта дуч келиб улгурди. Илло, қиз ҳамкасабаларининг ажабланишу сохта ялтқоклишларига зигирча эътибор бермасдан энг абгор, энг оғир аҳволда ётган беморлар қошига ўжар бир қатъият ила шошилаверар, улар палатасида бошқалар ўрнига ҳам тонгта қадар навбатчилик қилиб чиқар, ирганмасдан ахлатини тозалар, аксар ҳолатда пойма-пой, бир-бири билан сира соғланмаган сўзларини ҳам жон қулоғи билан тинглаб ўтираверарди. Умуман, шундай таассурот ҳам уйғонардики, Роҳила ўзини соғлардан кўра беморларга, айниқса оғир беморларга яқинроқ тутар,

соғлардан кўра беморлар билан тезроқ ва созроқ тил топиша оларди.

Инсон умид билан яшайди. Инсон илинж билан тирик. Эҳ-ҳе, Роҳила не беморларни кўрмади... Бир умр оғзидан ташланмаган папиросу носвой, ароғу кўкнор таъсирида вужуди нураб кетаётган бўлса-да, ҳаёт аталмиш илоҳий неъматга жон-жаҳди билан ёпишиб олишга уринаётган, ҳар оқшом қоқшоқ қўллари билан қизнинг бармоқларини чангаллаганча бир ютумгина «дори» сўраб ялиниб-ёлворадиган, тузалиб чиққанидан сўнг пулини ўн қаробар тўлашига ишонтиришга уриниб, сон-саноксиз касаллар ичадиган Тиркаш бобо; икки кеча-кундуз далада тинмай ишлаб, ниҳоят дам олиш учун уйига қайтганида ордидан бало-қазодай бўлиб етиб келган бўлим бошқарувчиси қирқ кунлик келинчаги олдида «Онангни палон қилай, дарров олдимга туш!...» сингари оғизга олиб бўлмайдиган ҳақоратлар билан сўкқанида аламу иложсизлик тушовида, кучи тракторга отилиб чиқасола, рулни тикка зовур сари буришга етган, натижада уч марта ўмбалоқ ошиб кетган трактор кабинасида сиқилиб қолиб, жигари эзилган, тилдан қолган, энди чилласи чиққан хотини нон ва бир ҳовучгина сариқ майиз ўраб киритиб юборган одмигина шоҳи рўмолни кўлидан қўймай, ора-сира лабига босиб-босиб кўядиган, кўзларидеги беадок мунг, ўқинч, азоб, армон, изтироб ҳислари миждаларига ёш бўлиб қуйиладиган, қизнинг «Ҳали тузалиб, отдай бўлиб кетасиз, дўхтирларнинг аниқ хулосаси шу! Ҳали янгам билан Тошкентларга борасиз... қўлтқлашиб» деган далдаларидан сўнг, гўёки чиндан ҳам шундай мўъжиза рўй берадигандек алланечук жонланиб, баайни аини дақиқада, ушбу мужда ордидан аёли кириб келадигандек уер-буерини тузатишга уриниб қоладиган, ҳамширага нисбатан миннатдорчилигини эса жилмайиб қўйишга уриниш билан ифодалайдиган йигирма бир яшар Одилжон; «Мен қатта одамнинг устидан ёзганман, энди ўша арбобнинг кўрсатмасига кўра мени захарлаб ўлдирिशмоқчи» деган аҳмоқона вазваса таъсирида дўхтирлар тайинлаган дориларни асло истеъмол қилмайдиган, баданига нина суктирмайдиган, оқшомлари эса Роҳилага бу ердан қочиб чиққан заҳоти яна қайси мафиянию қайси порахўр раҳбарни фош қилиши ҳақида сирли тарзда швирилаб гапириб чиқадиغان, оғриқ жуда кучайиб кетган тақдирда эса, синалган усули - биқинига гишт қиздириб босиш билангина кифояланадиган шўрлик Эгамберди ака... Илоё, уларнинг жойлари жаннатда бўлсин...

Бироқ беморларнинг яна бир тури бор эди. Улар ажални хотиржам ва ҳаттоки мамнун ҳолда кутиб олардилар. Роҳила ўзини ёқиб юборган Ўғилой опани кўп эслайди. Қирққа етар-етмас кетди шўрлик. Шусиз ҳам одамнинг жизгинагини чиқариб юборадиган саратон палласи эди бўлмаса... Баданининг етмиш фоизга яқини қуйган опа дўзахий оғриқларни эркакларда ҳам учрамайдиган матонат билан қарши оларди. Аввалига опанинг ўт бўлиб ёнаётган қорачикларида эзила-эзила, охир-оқибат исён қилиб, озодликка эришган қулники мисоли қилган ишидан ризолик, «барисидан қутулдим-а» дегандай енгил тортишга ўхшаш ифодалар зухур эди. Шу куч таъсирида опа доқа ўраб ташланган тўмтоқ қўли билан «Тасодифан ёниб кетдим...» деб ёзиб берди... Инсон сўниш олдида юксакликка кўтарилади чоғи. Айниқса сўнгги қуллари опа баайни гуноҳкор қавмининг тавба-тазаррусини қабул қилаётган илоҳа қиёфасига киргандай бўлди. Роҳила кўз ўнгида сиймоси улугворлик касб этиб бораётган, чеҳрасидан нур ёғилаётган бу аёлга боқиб тўймавди. Худо ҳақки, юзидаги қуйган ўринлар, яра-чақалар тезликда қамайиб, сўрилиб-йитар, буларнинг бариси сеҳрли таёқчанинг ишораси билан содир бўлаётгандек, аёл таровати тобора ортиб борарди... Чиндан-да, опа бу дунёдан кечиримли бўлиб кетди. Ҳатто беваросатроқ ҳамшира бир товоқ ош кўтариб келиб, «Хотиним тезроқ тузалин» деган ниятда Ўғилой опанинг эри ҳозиргина шифохона жамоасига икки лаганда қайноқ ош олиб келганини айтиб, суюнчи сўраб турганида илоҳий туйғуларга фарқ бўлиб ётган беморда ўзгариш юз



бермади, у фақат оҳиста-бош ирғади, сўнг разолат боткоғига ботган ожиз бандасини охирги бир авф этаётган фариштадек ним жилмайиб кўяркан, баногоҳ йигирма йил ўзининг қонини ичиб келган, алал-оқибат устига саярка сепиб, гугурт чақишга-да мажбур этган хўжайинини ортиқча ташвишга, ортиқча чиқимга кўйганидан ҳижолат чеккандай уялинқираб, ҳа, ҳа, уялинқираб - Э, Худойим! - «Омон бўлсин...» деб кўйди. Роҳила анграйиб қолди. Шу оқшом опа узилди...

Сўнгрок, орадан ойлар ўтиб, ўз таъбири айтганда, оёкка туриб олган Роҳила тупқаннинг тағида жойлашган бу хўжаликка «вилоят хотин-қизлар кўмитасининг масъул вакиласи» сифатида боради. Ажабки, чўлнинг қоқ киндиги, чор тараф яйдок замин бўлгани ҳолда уйлар оврупоча тусда икки қаватли қилиб қурилгани боис кўчага довул молхона босиб кетган, ҳаммаёқ шилта, гўнг тоғ-тоғ уюлган кўчаларда адаша-адаша ахйри излаган хонадонини топади. Равшанки, аллақачон яна бир мўмин-қобил хотинга уйланиб олган Михлибой ака «катта идорадан келган катта амалдаги опа»га дарҳол кир-чир, исқирт кийимларда, ювуксиз юрган бир этак болани пеш қилади, «фақирмиз, камбағалмиз» деб кўз ёш тўқади, дастурхонини очиб, қаттиклигидан тишни синдирғудай буханка нонни кўз-кўз қилади, маош камлигидан, бориниям вақтида беришмаётганидан нолийди. Роҳила бу жиккаккина, ўлғудай курумсок, Ўғилой опага йигирма йил мобайнида масаллиқларни мисқоллаб ўлчаб беришдан бошқасига ярамаган, уйга биров келиб қолса қиёмат қойим кўтарадиган, болаларим кўп нон еб кўймасин деб дўқондан атай қаттиқ нон сотиб олиб келадиган, шу бир бурда нонни ҳам минг писанда, минг миннат билан берадиган, пул топишининг ўлимдан қийинлиги, сарфлашнинг эса жуда ўнғай иш эканлиги борасидаги миждов фалсафасини тун-кун минғирлайвериш охири-оқибат биринчи хотинининг умрига зомин бўлган пастарча, аёлмижоз эркакка узок тикилиб қолади, аммо тил учиде турган гапларни айтмайди. Бунинг ўрнинга исқирт дастурхонга нақ ўн минг сўм ташлайди ва кўзининг пахтаги чиқиб кетган мезбонга чўнтағидаги биринчи қоғозга имзо чекириб оларкан: «Бу пулнинг ярмини Ўғилой опанинг қабрини обод қилишга сарфлайсиз, қолганини бола-чақангизнинг уст-бошига, سموк-ичмоғига!» деб шарт кўяди... Орадан бир ҳафта ўтиб, атай назорат қилиш учун келган Роҳила ҳеч нима ўзгармаганини кўради: қабр боши ҳамон ўшандай, билч-билч лой ичиде, на панжара ўрнатилган, на йўлак қилинган; хонадон ҳам аввалигдай ғариб: фарзандлар ўша-ўша йиртиқ-ямок кийимда, дастурхонда эса, гўё бутун оила етти кун мобайнида фақат ҳаво билан тирикчилик қилишгандай битта қаттиқ буханка нон. Агар миллион сўм берсанг ҳам турмуш тарзини сира ўзгартирмайдиган Михлибой ака асли йўқчиликдан эмас, ўтакетган жоҳиллиги, бемаъни хасислиги туфайлигина шундай кун кечириётганини англаб етган Роҳила қаҳр-ғазабга тўлиб, мутеларча қўл ковуштириб турган уй эгасининг шўр босган, ийғи чиқиб кетган камзули чўнтағига минг сўм солиб кўяркан: «Пастда машина кутиб турабди. Тез бориб бозордан болаларга у-бу егулик олиб келинг!» деб буюради. Мезбон ошиғич чиқиб кетади. Патос бойлаб кетгандай ёинки бурчак-бурчакларга сичқонга қарши маргимуш сепиб кўйилгандай ёмон ис ўрнашиб қолган бу хонадонда ортиқ туролмаган Роҳила кўчага чиқади ва ярим соатлардан кейин машинада қайтган Михлибой аканинг икки қўли бўш ҳолда, шалвираб тушиб келаётганини кўргач, тамом гаранг бўлиб қолади. Буни илган мезбон жовдираган алфозда изоҳ беришга шошади: «Бизнинг бозор тоза киммат-да, опажон. Сизлар кетаверингизлар, мен ўзим эртан-пертан райсентрга бориб келарман». «Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг масъул вакиласи» аввалига ҳайратдан миқ этолмай қолади, сўнг, ўзини ўнглаб олгач эса машхур сўкишини, яъни «Лекин ўзинг одамнинг орқаси экансиз!»ни шартта курумсок эрнинг бетига туфлагандай айтиб ташлайди-да, юқорига кўтарилиб, уймалашибгина ўтирган болаларни ҳамда кичкина хонага яшириниб олган иккинчи хотинни айтиб чиқади ва

уларнинг ҳаммасини машинага босиб, бозорга боради. Шу куни болалар роса яйрашади - бошдан-оёқ янги кийим-бош олишади, сомса, қабоб ейишади, кўзини ердан узмай, қизариб-бўзариб юрган аёлга эса бир кийимлик тоза мато совға қилинади. Байрам ниҳоясида икки қоғоз қути ширинлик, ўйлаб «кока-кола»ю «фанта»лар кўтарган болаларни ва ҳамон ниҳоясини ердан узмаётган аёлни уй ёнига қайтариб олиб келиб қўйган Роҳила тезда хайр-хўшлашиб кўя қолади. Зеро, ҳозирнинг ўзида, ичкарига қирилган заҳоти болалар кийимларидан, аёл эса газламасидан айрилишини, ширинликлар бурчак-бурчакларга, сандиқларга яширилиб ташланилишини, улар то моғор босиб, сичқонларга ем бўлгунча ўша ерларда қолиб кетишини жуда яхши сезиб туради... Афсуски, қабр бошини тозалаб, киройирок ҳолга келтириш учун ўша куни Роҳиланинг вақти бўлмайди. У фақат оппоқ соқолли, юзиданок инсофли, имон-этикодли мўйсафид эканлиги билиниб турган қабристон қоровулига пул ташлаб кетишга улгуради, холос. Илтимоси адо этиладими-йўқми, адо этилган бўлса қай даражада - буларни Роҳила билмай ўтиб кетади. Роҳила яна икки нарсани билмай ўтиб кетади - шифохонага курумсок эр номидан олиб борилган ош аслида Ўғилой опанинг онаси томонидан қилинганини ва ўзи келиб-кетганидан бирон ойлари кейин марказдаги мой заводига тележжада хўжалик чигитини олиб борган Михлибой ака сўрай-сўрай «вилоят хотин-қизлар кўмитаси» идорасини топгач, бу ерга кириб яна нафақа пули талаб қилганини, идорада ўтирганлар ҳеч нарсга тушунмагач эса, суллоҳликка ўтган курумсок эр: «Мен йигирма минг сўмга имзо чеккандим, ярмини бердиларинг, қолганини ўзларинг еб кетдиларингми?» деб тўполол кўтарганини. Ушбу ғалати сафар натижаси шу бўладики, хотини ўлгандан сўнг куявериш мияси айниб қолган шекилли, деган қарорга борган кўмитадаги «масъул ходимлар» ҳар нечук Михлибой акага зудлик билан саккиз юз сўм ёрдам пули чиқариб беришнинг иложини топишади. Бунга қаноат ҳосил қилмаган Михлибой ака тўполол кўтаради, «етимларнинг ҳақини еябсизлар» деб тинмай минғирлайверади-минғирлайверади-да, яна беш юз сўм ундиради. Ниҳоят бундан ортиғига умид қилиб бўлмаслиғига ақли етган қахрамонимиз мой босган пахталигининг ички ўтгангага унган сармояни яхшилаб жойлагач, ҳали яна келишини писанда қилганча чиқади-кетади...

Ҳар қандай эътиқод ҳурматга сазовор, эътиқодсизликдан Худонинг ўзи асрасин. Роҳила барча кудурату нафратларини қалбининг туб-тубига яшириб қўйиб, ажал сари итоаткорона ва ўз ихтиёри ила боришдек жасорат талаб этиладиган юмушга жазм этган бемор қизга астойдил кўмак кўрсатишга берилиб кетди.

Барибир, ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган кизнинг ёш жисми соҳибасининг инон-ихтиёрига қарши равишда хасталик билан ҳаёт-мамот жанги олиб борарди. Роҳила эса ўз навбатида ушбу иммунитетни янада кўзгатувчи, кучайтирувчи воситаларни ишга солиш пайидан бўлди. Гарчанд бемор кизнинг ўзи ҳамширанинг барча савий-ҳаракатларига лоқайд, аллақачон ўз жанозасини ўзи ўқиб қуйиб, энди сўнги дақиқаларни кутаётган ожизадек шифтдан кўз узмай ётаверса-да, ҳароратни туширадиган, дармондорили эмлашлар, тана ички узлариде мислсиз даражада ошиб кетган ишқорийлик даражасини қамайтиришга хизмат қиладиган дори-дармонлар, асосан суоқликдан иборат бир-икки қошиқ парҳез таомлар, энди этилиб улгурган вужуднинг соғломлиги - буларнинг бариси биргалликда қўшилиб, тез орада ўз таъсирини кўрсатди-қўйди: бемор юзига қизилик югурди, лабларида намлик пайдо бўлди.

Шифохона нимаси биландир поезд вагонига ҳам ўхшаб кетади: баайни ҳеч қачон учрашмаслигинингизни биладигандек, биринчи бор дуч келиб турган ҳамхонангизга ҳаётингизни иқир-чиқирларига қадар, ҳатто кўнглингизнинг туб-тубида асраб юрган сирларингизни-да қўшиб ошқор сўйлаб беришга эҳтиёж сезасиз. Ҳаётга қайтган, рисоладагидек оёкка туриб кетиши учун фақат

мадор, куч йиғиб олсин деган мақсадда муолажаси давом эттирилаётган тулларнинг бирида бемор киз қаравоти ёнида навбатчилик қилиб чиқаётган ҳамширага ўз дардини тўкиб солди. Роҳила ана шу оқшом қизнинг исми Садбарг экани, мактабни битирганига атиги бир йил бўлгани, ёлғиз букри акасининг оиласида яшаётгани, Гадоимурод ҳофиз деган кимса аввал уни адаб, сўнг... қўшмачилик йўлига ўтиб олганидан воқиф бўлди. Шу оқшом Садбарг эзилиб-эзилиб йиғлади. Ўлиб кетмагани учун пушаймонлар чекиб йиғлади. Хомиласи ириб, парча-парча гўшт бўлиб тушганини эслганда эса айтиб-айтиб бўзлади, ўзига яна ажал тилади. Даставвал қизни юпатишга уринган Роҳила охири чидаб туролмади: изиллаб йиғлаётган беморни маҳкам кучоклаб олдию, ўзининг кўзларидан ҳам шашқатор куйилиб келаётган ёшларни тиёлмай қолди. Тонгта қадар икки киз, бемор билан ҳамшира, бир-бирларини маҳкам кучоклаганларича пик-пик йиғлаб чикдилар...

Сўнграк, орадан ойлар ўтиб, камтарин ва камсукумгина кечган тўйнинг тўртинчи ҳафтаси якунида, энди-энди оилавий бахт, тўлақонли хотин бўлмоқ лаззати не эканлигини ҳис қила бошлаган, ички сурурдан энтикиб, ҳаяжонланган алфозда кечки таом ҳозирлаётган Садбарг ҳовликиб кириб келган эри оғзидан Роҳила кўкрагидан ўқ еб, оғир аҳволда касалхонага олиб келингани ҳақидаги шумхабарни эшитганда аввалига кулоқларига ишонмайди, кейин жон алпозда, қилаётган ишиниям ташлаб, қўлида ҳамир-памари билан эшикка отилади. Аммо ҳозиргина ўша ёқдан келаётган эр хотининг йўлини тўсиб, қизнинг ёнига миршаблар ҳеч кимни қўймаётганини маълум қилади. Бўлмаса-ку... (Дарҳақиқат, мўмин-қобилгина, зигирча яхшиликни ҳам бир умр унутмай юрадиганлар тоифасидан бўлган эр нақ ўн йил фарзанд кўрмагач, ниҳоят хотини билан ажрашиб, шифохона қоровуллиги юмушларига андармон юрганида айнан Садбарг билан танишиб, гаплашиб кўришга ундагани, бунинг устига, яширишининг не ҳожати бор, тўйнинг бир тарафини кўтаргани учун Роҳилага нисбатан доимо эҳтиромли муносабатда бўлади). Такдирнинг бу телба ўйинини ҳазм қилолмаган, ичи куйиб кетаётган Садбарг шу оқшом ҳам бетин йиғлаб, кимларнидир қарғаб чиқади. Тонг саҳардан тутун кўтариб шифохонага етиб борган, шунча уринса-да, ялиниб-ёлворса-да, реанимация бўлимида ётган Роҳиланинг ҳузурига киролмаслигига амин бўлгач, яна зор-зор йиғлаб ортига қайтган Садбарг йўл бўйи ихлос билан етти бева-бечорага етти сўмдан садака улашиб чиқади, уйга келасолиб эса етти чўзма қилиб, етти қўшниникига таркатади. Аммо не эзгу ниятларда, кўз ёшига фарқ ҳолида қилинган эҳсонлар кўкрагидан ўқ еб ётган киз бошига бостириб келган балони даф қилолмайди - бир ҳафта ўтгач, Роҳиланинг қазо қилгани ҳақида мудҳиш хабар келганда тиқ этса эшикка термулиб, емай-ичмай, бор кучини Яратгандан кўмак сўраб ялиниб-ёлворишга сарфлаётган Садбарг недир эътироз билдирмоққа чоғланибми, оғзини қап-қап очади, бироқ бир сўз айтолмасдан гўп этиб беҳуш кулаб тушади... (Кавс ичиди шуни ҳам кўшиб ўтиб кетайлик, орадан етти йил ўтиб ҳам бола кўролмаган, дўхтирларга қатнай-қатнай, ниҳоят айб ўзида эканлигини аниқлаган Садбарг, ҳар қанча қийин-қистовга олса-да, эри ажрашиш ҳақидаги таклифни ҳатто эшитишни ҳам истамагач, болалар уйдан етти кунлик чақалокни фарзандликка олади ва унга Роҳила деб исм қўяди. Бир-бирларига самимий муҳаббат билан боғланиб қолган икковлон жажжи Роҳилани оқ ювиб-оқ тараб, ҳақиқий ота-оналик меҳри билан тарбиялашга киришиб кетадилар...)

## АМАЛИЁТ

Бир ҳафталик Самарқанд сафари якунларидан қоникмади чоғи, Роҳила энди ҳамкасабаси Фаинанинг хонасига танда қўйиб олди. Гап шундаки, ҳамма нима учундир фамилияси билан «Зинабиддинов» деб чақирадиган Фаинанинг эри икки йилдан бери шаҳар ҳокимиятидаги масъул вазифасини ташлаб, фирма очган, иши юришган бўлса керак, яқин орада оиласи билан Тошкентга кўчиб

кеттиш тадоригида эди. Тилига эҳтиёткор, доим мум тишлагандай миқ этмай, эски амали мақомига мос тарзда қовоғидан қор ёғиб юрадиган эрининг аксича Фаина кўпикни сал мўлроқ аралаштириб мактанишни, айниқса Зинабиддиновнинг тижорат борасидаги топқирликларини тушуна-тушунамаса - дастурхон қилиб ёйишни боғларди. Роҳила Самарқанддаги ишбилармон, «бутун уруғ-аймоғини ёлғиз ўзи боқаётган» холасидан нақд пулни қандай «айлантириш» юзасидан сабоқ олган бўлса, Фаинадан - чала-пулча бўлса-да, илло, бирдан қўлига кў-ўп пул тушиб, босар-тусарини билмай қолган аёл оғиз кўпиртиришга тушдими, сира ўзини жиловлаб ололмай, эржонининг бир қилган ишига ўрни кўшиб кетаверарди - вексел операциялари, нақд пулсиз амалга ошириладиган савдо ўйинлари борасида маълумотлар йиғди. Бунинг устига матбуотда, айниқса Россия газет-журналларида қундақунора иктисод мавзuida қикиб турган турли мақолалар ҳам аксар ҳолларда ақлга анча-мунча озик бера оларди.

Ниҳоят, ўзлаштирилган назарий билимлар ҳозирча етарли, деган хулосага келди шекилли, Роҳила амалиёт дунёсига ҳам бир бўйлаб, ўзини синаб кўришга аҳд этди.

Бобоёр аввалига қиз эҳтиётқорона ва атай бепарвороқ тарзда бир учини чиқарган режаларни умуман жиддий қабул қилмади, Роҳиланинг навбатдаги изоҳлаб бўлмас инжикликларидан бирига йўйиб қўя қолди. Аммо тезда амин бўлдики, Роҳила ниятидан кечадиган эмас, қайтанга авж олиб кетаяпти; авзойига қаралса, «ҳай-ҳай» демасанг ўзини тўғри бориб чўкка уришдан ҳам тоймайди. Ана шундан кейин йигит вазиятга жиддийроқ қараш лозимлигини англади. Гарчанд қизнинг орзулари қандайдир ҳаёлий, аниқ ҳисоб-китобга асосланмаган, ердан-ку узилиб қолган, осмонга ҳам чиқолмасдан муаллақ сузиб турган чиройликкина кўпикдай таассурот қолдирса-да. Табиийки, сал шабада эсса ёнқи энг арзимас тўсиққа дуч келинса ҳам бас - кўпик «пақ» этиб ёрилади-қўяди... Шунга қарамасдан, қизнинг ўз чўпчакларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилиб, неларнидир қуйиб-пишиб исботлашга уриниб ётишини томоша қилиб ўтиришининг ўзи бағоят оғир юмуш эди.

Роҳила эса, аллақачон, феъл-атворига мувофиқ равишда, ўз қарорини қатъий изчиллик ва ҳаттоки шиддат билан амалиётга тадбиқ этиш саъй-ҳаракатига тушиб қолганди. Қизнинг айна дамларда маҳкам ёпишиб олган, собит туриб ҳимоя қилаётган ақдасига қарши бормоқ оловга мой сепиш билан баробардек эди. Шу билан бир қаторда қизнинг соф иктисодга дахлдор тушунчалар хусусида, уларнинг икир-чикирига қадар ҳисобга олган ҳолда теран мулоҳаза юритишга уринаётгани ҳам йигитнинг ҳайратини баттар оширарди. Баъзан Бобоёр қошида оддий тиббиёт ҳамшираси эмас, камида иктисод университетини битирган, қалби орзу-армонларга тўла ёш мутахассис тургандай каловланиб қоларди.

- Кичик қорхонами, фирмами очаман, - дерди Роҳила баъзан-баъзан иштиёқ билан гапга тушиб қолган кезлари. - Ҳозир бу қийин эмас, ариза берсангиз, ҳокимият уч кун ичиди қараб қишиши шарт. Кейин, шаҳарда нима кўп - қаровсиз ётган жой кўп, бирон икки-уч гектар ер сотиб оламан-да, фабрика кураман.

Бобоёр, ҳар нечук, беш йил математика илмидан сабоқ олган, устига-устак, ҳаётнинг паст-баландига тийрак кўз билан қарашга, айниқса режалар тузишда бевосита ўз мавжуд имкониятларидан келиб чиқишга одатланган мутахассис сифатида мумкин қадар ҳамсухбати қалбига озор етказмайдиган тарзда, юмшоқроқ, масаланинг моҳияти эмас, атрофидаги муаммолар юзасидан қарши саволлар бериб, қизнинг этини ўлдиришга, уни шаштидан туширишга уринаркан, жумладан, залворли дастак сифатида ҳаётда аслида ҳеч қачон бўлмаган бир тадбиркор таниши мисолида мулоҳазасини маъқулатиб олиш илинжида деди:

- Менимча, ҳозир, бозорга ўтиш даврида ишбилармон оғайнимга ўхшаб олди-сотди билан шугулланган ютади. Арзон олиб, қимматига сотиб юравериш учун фирма-фирма очиб ўтиришининг кераги йўқ. Ишлаб чиқариш эса маблағ тўплаб олингандан кейин бўладиган иш. Бу



биринчидан. Иккинчидан, шаҳарда кап-катта фабрика бор. Ишлаб турибди. Кичкина цехлар эса у билан ҳеч қачон беллашолмайди. Қайтанга зўриқиб, беланги бўлиб қолиши мумкин. «Гулноз»га ўхшаган китлар сизга ўхшаган тилла балиқчаларни осонгина ютиб юборади, яъни синдиради. Кейин... фабрика очиш... менимча, ўрчиса айтганда, Тулага самовар кўтариб бориш билан баробар. Бу ерда бошқа гап бўлиши мумкин эмас...

Ҳа, ҳа, чуқур ақл, темир мантқиқ билан суғорилган маъруза худди шу ерга келганда ранги ногаҳон қув ўчиб, кўзлари совуқ чакнаб кетган Роҳила шартта ўрнидан отилиб туриб кетди ва йигитнинг елкасидан маҳкам чангаллаган кўйи:

- Йўк, гап бор! - деди қаҳр билан. - Гап шуки, у мени эмас, мен уни синдираман!..

Бобоёр дўк «Гулноз» фабрикасига қаратилганини тусмол қилиб улгурганча Роҳила кескин ортига қайрилдию, текис йўлда қоқилиб-суринганча боғ адоғи томон илдам юриб кетди.

Қизнинг гап оҳангида қаҳр баробарида интиком истагида қовурилаётган аламзада жоннинг бетоқат титраб-қақшабини иллаган Бобоёр Тошкент сафаридан сўнг иккинчи маротаба Роҳила ҳаётида ўзига ҳалига қадар ноаён қандайдир сир-асрорлар шодаси борлиги ҳақида узок ўйланиб қолди...

Орадан уч кун ўтиб, совуққина кечаётган навбатдаги учрашув чоғи Бобоёр наздида «ундоқ қилодурман, бундоқ қилодурман» қабилдаги ширин хомхаёллар оғушида, ҳис-ҳаяжонга тўлиб юрган ёшлар юзига совуқ сув мисоли сачраб, бир зумда ўзига келтириб қўядиган (бошидан ўтган ахир!) асосий саволни ҳамсуҳбати бетига дабдурустан айтди-қўйди:

- Пул-чи, пул масаласи нима бўлади?

Баайни бир йил бурун яхши таом не эканлиги борасида берилган саволга «Тухум» дея жавоб берган, энди эса «Нима билан?» кўринишидаги навбатдаги сўроққа ҳеч ўйланиб ўтирмасдан «Туз билан» деб жавоб қайтараётган қувваи ҳофизаси фавқуллодда ўткир оқила аёл монанд пинак бузмаган Роҳила:

- Пул топилади, - деди-қўйди.

Бу жавобдан Бобоёрнинг ичи қизиб кетди. Қаранга, «бор» ҳам эмас, «топилади». Нима, Роҳила Алибобо дуч келиб қолган ғазна соҳибасимидики, истаган маҳал «сим-сим» деб дарвозани очсаю, лозим маблағни кўтариб чиқиб келаверса...

Демак, табиий равишда келиб чиқадиган хулоса: Роҳиланинг жамғармаси бор. Ка-аттагина. Шак-шабҳасиз.

Ваҳоланки, мабодо айна лаҳзаларда ушбу «ка-аттагина» сармойанинг ҳақиқий микдоридан воқиф этилганида эди, йигит баралла қулиб юборишдан ўзини тийиб турулган бўларди. Шак-шубҳасиз.

Бирок қиз ўз оғзи билан ихтиёридаги маблағни айтганда Бобоёр қуллолмади. Билъакс...

Чўққидан жарга қулаб тушаётган харсангош йўлидаги хас-хашақларни писанд қилармиди. Асло.

Аксинча, ўзини жарликдан чўққига тирмашиб чиқаётган ҳис қилаётган Роҳила ҳам мана шундай кўтаринки кайфиятда эди.

Холбуки, муаммо деганлари ёмғирдан сўнгги кўзикоринлардай бодраб чикмоқда эди...

Шаҳар шимолӣ тарафида жойлашган, бир пайтлар яхлит ҳолида ишлаб турган, энди бўлакраниб-бўлакраниб, қирқдан ортиқ кичик қорхона мажмуига айланган заводда бу жараён ҳали ҳам қизгин давом этаётган экан шекилли, Роҳила ҳокимиятга ариза ташлаш учун борган кунни масъул ходимни ушбу қорхонанинг яна тўрт ишчиси кутиб ўтирарди. Ким билади, ҳокимият учун ҳам кичик қорхоналар очиш мавсуми давом этаётганмиди, ишқилиб, масъул ходим илтимосчиларни илиқ қарши олгач, аввало кўшни хонада суҳбатдан ўтиб келиш лозимлигини уқдирди. Айтилган хонада ўтирган бўйинбоғли, ишчан қиёфали йигитлар эса компьютерлар экранидан кўз узмаган ҳолда фирма очиш ташвишларини Низомдан тортиб муҳрғача, банкда ҳисоб рақамидан тортиб статистика бошқармаси

рўйхатидан ўтказишгача ўз зиммаларига олишларини, миждо ҳатто ҳокимиятга суҳбатдан ўтиш учун ҳам келиши шарт эмаслигини маълум қилишди. Ушбу барча бошқориклардан ҳалос бўлиш бор-йўғи етти минг сўмга тушаркан, ҳолос. Мабодо миждонинг ўзи югурадиган бўлса, эҳ-ҳе, вақти, асабаридан ташқари, бундан ортиқроқ маблағ кетиши ҳам тайин экан. Бу ҳолда эса ўнгайгина: бир ҳафтадан сўнг келасизу, ҳокимият қарори нусхаси билан муҳрингизни олиб кетаверасиз: милисага бормаисиз, нотариусда навбат кутиб сарғаймайсиз, банкка чоп-чоп қилмайсиз...

Барибир, шунча аврашларга қарамай, заводдан келганлардан учтаси пишиққина экан, биз ўз танишларимизнинг Низомидан фойдаланамиз деган ваз ила ушбу илтифотни рад этишди. Қолган уч киши эса - улар сафида Роҳила ҳам бор эди - паспорт маълумотлари ва айтилган етти минг сўмни қолдиришиб, бир ҳафтага хайрлашганча чиқиб келаверишди.

Одам тафтини одам олади. Кўнгил сирлари бир четда пинҳон турган ҳолида ҳам, ҳеч курса қилаётган юмушлари, ўй-ташвишларини ким биландир ўртоқлашгиси келади қизининг. Айниқса, фаолияти кўпчилик томонидан ҳайроналик, ошқор шубҳа, тушунмовчилик билан қарши олинаётган Роҳилада маънавий мададкорга нисбатан кучли ички эҳтиёж бор эди. Бирок тез орада у Бобоёр тимсолида нафақат маънавий, балки моддий ҳам суянчик топганига ишонч ҳосил қилди.

Тил - бесуюк. Ҳокимиятга ариза ташлаб келинганининг эртаси қуни гап орасида жўшиб кетган Роҳила:

- Йиғиб юрган пулим тўппа-тўғри фирмани очишга етди, - деб юборди.

Буни эшитган Бобоёр қаловланиб қолди. Сўнг, ранги ўчган аҳволда, беихтиёр тил учига кеб қолган саволни беришдан ўзини тийиб турулмади:

- Хали шу пул билан ишлаб чиқариш қиламан деб юрибсизми?

Бирдан жиддий тортган қиз аввал осмонга қаради, кейин дов-дарахтларга, ниҳоят жўялироқ жавоб топмади чоғи, гапни бошқа мавзуга буриб қўяқолди:

- Кеча видеода яхши кино кўрдим. Бир хотин шахсий самолётида...

Бобоёр ҳаммасини тушунди: қизда ўша тиш қавагида асраб юрилган етти минг сўмдан ўзга ҳеч вақо йўк. Бобоёр яна бир нарсани тушунди: тунов қуни тилла дўконига кириб кетиб, ярим соатлардан сўнг кўчада кутиб турган йигит ёнига бўшашибгина чиқиб келганида қизнинг қулоқларидаги олтин сирға одмисига алмашиб қолгандай туюлганди-я... Дарвоқе, қизда ортиқча ошиб-тошиб ётган маблағ не қилсин, ахир, бир гурунг чоғи камтарингина маошини уйга, отасига топширишини айтгандай ҳам бўлувди. Бунинг устига, қиз боланинг упа-элигига, хушбўй хидли атирлардан фойдаланиб, ораста-сарийшта юришига оддий ҳамширанинг топган-тутгани бемалол кетиб қолса керак...

Юраги ўртаниб кетган Бобоёр кўзларини чирт юмиб олди...

Хар нечук, уйланмаган йигитнинг орзулари бисёр бўлади. Шу орзулар гулдастасида албатта тенг-тўшларига, «қачон тўйингни ёймиз» дея томоғи тушиб юрган хеш-уруғларига бирон қаҳвахона-ресторандами ёинки яқинроқ киши хонадонидами каттароқ зиёфат қилиб бериш мўлжали-да бўлади. Оқил йиғилар, бўлғуси куёвтўралар ушбу эзгу ниятларига бағишлаб яширинча пул йиғсалар - бунинг нимаси ёмон. Зиёфат бўлса бўлар, қизик устида бўлмай қолса янаям яхши - ёнга қолган маблағ тўйнинг бирда-ярим камчилигини қоплар.

Ва-лекин, маърака кетидан маърака ўтказавериб қонига ташна бўлиб кетган, «йиғин» деса кўнгли озадиган ҳолатга етиб келган Бобоёр айниқса далада, эгат бошида кечадиган уйқусиз тунлар ёш боладай тамшаниб - ҳам ўзини овутиш-чалғитиш илинжида - хаёл суриб қолардики, «Бахт уйи»нинг улугвор, маҳобатли бўлмасида бўлғуси умр йўлдошининг ҳаяжондан титрабгина турган оппоққина, майин бармоғига - майлига, энсизроқ бўлсам - тилла никоҳ узуги тақиб қўйса; ўз навбатида келинчак унинг

бармоғига... Ширин орзу - кўноридай гап, ҳаддан ортик берилсанг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бобоёр ҳам бундай афюнли сароблардан кейин дарҳол қадок босган, ғадир-будир, тарс-тарс ёрилиб кетган бармоқларини эзиб-ишқалаб, қайноқ сувда ивйтиб, турли кремлару сассик вазелинларни қайта-қайта суриб қоладикки, гўё эрта-индин чиндан ҳам тўй бўлиб қоладигандек...

Бобоёр шу кунгидея талабалик давридан қолган қадрдон жомадони тағида йиғиб юрган пулларини олди. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, беш, ўн сўмликлар, ҳатто гижимланган уч сўмликлардан иборат-у, лекин ёқимли тасодифни қаранг, нақ етти минг сўм йиғилибди. Етти минг сўм-а! Бутун бошли сармоё-ку! «Койил-е, ака Бобоёр! - дея ўзини ўзи алқаб қўйди оғзининг таноби қочиб кетган Бобоёр. - Бокса одам бўласиз, жигит!..»

Сармоёси миқдорини ҳеч бир мўлжалсиз, шунчаки айтиб юборган Роҳила кизариб-бўзариб кетган йигит беўхшов ҳаракатлар билан, ўзини гўё арзимаган нарса бераётгандек кўрсатишга тиришиб, пул тўла қийқчани тутиб турганида аввалига ҳеч балони тушунмади, тушунганидан кейин эса «ўламан саттор, олмаман!» деб оёқ тираб туриб олди. Бериб ўрганмаганининг бериши қийин, олиб ўрганмаганининг олиши. Қийқчада дўшпайиб турган пул бир неча бор қўлдан-қўлга ўтди, икки марта дўп этиб ерга ҳам тушиб кетди, ниҳоят бир амаллаб қизнинг сумкасига жойланди.

Бирок... ўртада гўё уятли бир нима юз бергандай, шундан кейин йигит билан қизнинг суҳбати сира қовушмади. Бобоёр бир-икки марта ҳамшигаидек сўзлашга уриниб кўрди, аммо гап оҳангидаги сохталик, зўрма-зўраликни ўзи ҳам илғаб қолиб, дарҳол дамани ичига ютди. Қовоғи тушиб кетган, нигоҳини ердан олмаётган Роҳила эса гоҳо-гоҳо ҳеч бир заруратсиз берилаётган бири тоғдан бири боғдан саволларга бош иргаш ёки бош чайқаш билангина жавоб қайтарар, баъзан эса умуман муносабат билдирмай қўяверарди.

Хайрлашув ҳам шу алфозда совуққина кечди.

Икковлоннинг бахтигами-бахтсизлигидами, бу орада қизнинг режалари ҳамирдан қил суғургандек силлик кечавермади. Бўйинбоғли ишбилармон йигитлар мижозларимизни асло безовта қилмаймиз деб алдашган экан: кўнғирок қилишдан эринишмайди. Аввало ҳуқуқий манзил муаммоси пайдо бўлди. Уни-ку, зудликда бартараф этишди - фирма вақтинча қиз яшаб турган хонадонда кўнм топадиган бўлди. Иккинчи мушкулот Низом шартларидан чиқди. Роҳила фирманинг асосий фаолияти йўналиши сифатида ишлаб чиқаришни танлаганди, демак, шунга мувофиқ равишда статистика бошқармасидан махсус рақам олиши ва солиқ имтиёзига эга бўлиши керак эди. Аммо, маълум бўлдики, амалдаги қонунчилик талабига кўра, бунинг учун фирма мўлжаллаган ишлаб чиқариш ҳажмининг камида ўттиз фоиз қувватига олдиндан, рўйхатдан ўтиш давридаёқ эга бўлиши керак экан. Шу боис, Низомда эл қатори «фирманинг асосий фаолият йўналиши - олди-сотди», деган қайд билан чекланишга тўғри келди. Энг оғир қийинчилик эса Низом Жамғармаси, яъни Устав фонди юзасидан бўлди. Роҳила бу маблағни юз минг сўм қилиб белгилаганди. Низом шартларидан келиб чиқилган ҳолда бу маблағнинг камида ўттиз фоизини бир ой ичидея банкдаги ҳисоб рақамига қўйиш керак, акс ҳолда фирмани ёпиб қўйишлари ҳам мумкин экан.

Хали сармоёдорлар орасида юриб кўрмаган, тижорат соҳасида тажрибаси йўқ Роҳила ҳоласининг «бир-икки минг доллар керак бўлса мен бериб турарман», деган оғзаки ваъдасига ишониб қайтаверган экан. Икки марта бориб ҳам бой ҳоласини тополмагач, айниқса у кишининг қандайдир тегирмонлар олди-сотдиси сабаб Қозоғистондан келолмаётганини, иши битмаса, шу ёқдан бира тўла Москвага ўтиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, Роҳилада юқорида айтилган ваъданинг самимийлигига гумон пайдо бўлди. Ушбу мулоҳазани исботлагандай, учинчи борилганда тоғанинг жуда совуқ кутиб олгани, саволларга ошқор истар-истамай, дудмол жавоб қайтаргани суяк-суягидан ўтиб кетган Роҳила

қўлига олган пиёлани қайтиб дастурхонга қўйдию, хайр-маъзурниям насия қилганча, кеч бўлиб қолганлигига қарамасдан охири автобусда орқага қайтди.

Бир қоп ёнғок, қарз сўраб келадиганлар илтимосини катта мамнуният билан адо этадиган, шундан беҳад лаззат оладиган Фаина ҳам индамас Зинабидинов бошчилигида бир оқшомда пойтахтга қўчиб кетди. Манзилини сўраган кўнм-қўшнилари: «Хали ўзимам аниқ билмайман, лекин Тошкентга бориб отчопардан аввал ҳокимиятда ишлаган Зинабидиновнинг дўкони қайси деб сўрасаларинг бўлди, ҳамма кўрсатиб беради», дейишга улгурибди, ҳолос. Оқкўнги Фаина опа шу ердаям соддалигига борибди-да. «Аввал ҳокимиятда ишлаган Зинабидинов» эмиш. Отчопарда ундан катталарни ҳам танишмас...

Хуллас, имзони тасдиқлаштиш учун нотариусга икки юз сўм кетди; бухгалтерия ҳисобот қозғоларини олиш учун тўрт юз; солиқ идорасида махсус фирма папкаси бўлиш керак экан, унга беш юз олишди ва худди шу ернинг ўзидея солиқчиларнинг махсус нашрига етти юз сўмга мажбурлаб обуна қилишди; ижтимоий таъминот, пенсия, бандлик хизмати идораларига янги папкалару алтамбало қозғолар олиб бориш керак экан - уларга жами беш юз сўмча кетди... ишқилиб, Бобоёр мажбурлаб берган пуллар саратонда қолган муздай тезликда изсиз эриб кета бошлади. Устига-устак, қунлар фавқуллода тезликда ўтиб борар, бўёкда банк оғзини очиб, Низом жамғармасининг ўттиз фоизини қутмоқда эди.

Бундай шароитда унча-мунча одамнинг боши айланиб, гарантсиз қолиши табиий. Айниқса, қиз болага икки баробар оғир.

Роҳила... уёққа чопар, бўёққа чопар, баъзи қунлари битта идоранинг ўзига икки-уч марта зипиллаб бориб келар, бериши керак бўлган жойларга эл қатори улашар ва айни пайтда ниманидир, эҳтимолки сўнги томчини сабр-тоқат билан кутарди ҳам. Илло, қиз бир пайтлар ўзини отмоқчи бўлган гирдоб тобора яқинлаб келаётгани вужуд-вужуди билан, ҳар бир хужайрасига қадар аниқ-тиник ҳис қилиб турарди. Илло, ундан бошқа йўл йўқ эди. Илло, бошқа йўлни танламак ўзи мутлоқ ҳақиқат деб қабул қилган ақидалардан чекилмакни билдирарди... Илло, сўнги томчи томгач, сабр қосаси тошгандан сўнг гирдоб уни қай маконларга элтиб уради, қай маконда вужуди чил-парчин бўлади, қай маконда руҳи абадий саргардонликка мубтало бўлади - бунинг аҳамияти йўқ эди. Мухими - кўзни чирт юмиб, ўзни гирдобга отиш...

Ниҳоят, хола бир ёнда қолиб, тоғанинг осмондан келиб муомала қилиши сўнги томчи вазифасини ўтади шекилли, эртаси куни учрашувга юзига қизил доллар тошиб, айни пайтда негадир қатъий аҳд-паймон қилгандай қуйи лабини қимтиб келган Роҳила дабдурустан:

- Э, Бобоёр ака, - деди илдоо ила. - Бировларни зўрлаб катта ўйинга киришади, биз бўлсак энди ўзимиз қирамиз.

Нафсиламрига, қизнинг баъзи-баъзида жумбоқли гаплар ташлаб қўйишига кўникиб қолган Бобоёр унинг сўзларидан эмас, гап оҳангидаги қатъиятдан, «нима бўлса бўлар» қабилидаги тап тортмасликдан кўпроқ ажабланди. Айни пайтда недир бир нохушликни туйгандай, юраги шувиллаб кетди. Бироқ ортикча изоҳларни икки сўймайдиган Роҳила қайтиб бу мавзуда оғиз очмади, ўз навбатида йигит юрак ютиб бир нима сўролмади.

Сўнғрок, орадан ойлар ўтиб, тун-кун давом этадиган сўнги йўқ сўроқлардан силласи қуриган, беҳад ҳолдан тойган, бор қуввати бемадор гавдасини полга миҳлаб ташланган табуретқада ушлаб туришга аранг етаётган Бобоёр саногиним адаштириб юборган нечанидир терговчининг темирдек жарангдор овозда «Сени бу ўйинларга қим қўшди ўзи?» деган саволига жавобан чайқала-чайқала, кўзларини йириб очиб, бошини кўтаришга уринади, бироқ бунга эпллмагач, нақ манглайига такаб қўйилган тунчирок тафтида жизганак бўлаётган афтини буриштирганча:

- Ўзим, - дейди ихраб. Кейин, балки яхши эшитилмагандир деган ўйда иккороини аниқроқ тақрорлашга уринади: - Ўзим.. ўзим.. ў-ўзим-м-эй...



Нафрат - жуда кучли туйгу, бироқ ундан ҳеч қачон тўқмоқ ясаб бўлмайдди. Худди шунга ўхшаб, қуруқ аламзадалиқ таъсирида тузилган режа ҳам муз устида қурилган бинога ўхшаб қолади. Инчинун, ҳар иккала ҳолатда ҳам соғлом ақл, аниқ ҳисоб-китобга эҳтиёж тугилади.

Бобоёр мана шу эҳтиёжни тезликда илғаб олди...  
Ўвузлик ўвузлик тугдиради.

Одам қилган ёмонлиги, қора ишлари учун нафақат дорилбако аталмиш чин дунёда, балки дорилфано дейилмиш ушбу тўрт кунлик ёлгон дунёда ҳам муносиб жазога мустаҳиқ этилиши лозим, деган хулосага борган ва, ажабтовур томони, еган сомсага пул тўлаш воқелигини ўз қўли билан тезлатиш тарафдори бўлган Роҳила аллақачон ўзининг бўй-бастига мўлжаллаб танлаган «адолат шамшири» тигини дастлаб назарида разилларнинг разили бўлиб кўринган Гадоёмурод ҳофизга қаратди.

Кизнинг аввал бошда тузган режаси ўта жўн эди: бирон тўйдан кейин ҳофизнинг олдига боради-да, «шундай-шундай, ака, ҳамма гапдан хабарим бор, қиз бечора бир ўлимдан қолди, агар шарманда бўлмай десангиз, фалон миқдорда товон тўланг...» дейди. Кейин, ишлар сал юриша бошлагач, айнан шу миқдор шак-шубҳасиз Садбаргга етказиб берилади ҳам.

Бироқ, Бобоёр бу хом-хатала режага тиш-тирноғи билан қарши чиқди.

Зеро, у ҳофизга ўхшаган кимсалар беш сўм пул учун ҳам ҳар қандай аблаҳликдан, пасткашлиқдан тоймасликларини, керак бўлса ўзлари биринчи бўлиб тухмат қилиб туриб олишларини яхши биларди. Бунинг устига, яширишнинг не ҳожати бор, ҳофиз деганларнинг таниш-билиши, ошна-оғайнилари, демакки, куч-қудрати ҳам ўзига ярашади... Айтгандек, Шири-шири ҳам бир вақтлар қандайдир отарчи машинасини алдаб олиб қўйганлигини, лекин техник паспорт ҳали ҳам ўзининг номида эканлигини, у олғир эса фақат ишонч қоғози билангина юрганлигини куйиб-пишиб гапириб қолганди. Эҳтимол, тўғридан-тўғри ҳужум бошлашдан бурун рақибнинг заиф жойларини яхшилаб ўрганган маъқулдир.

Аммо вақт тез ўтиб бормоқда эди. Ё фирмани ёпиш керак, ё Низом жамғармасининг ўттиз фоизини топиш керак...

Бобоёрдан машинасини қайтиб ўзига олиш эҳтимоли борлиги ҳақидаги ишорани эшитгач, қувончидан терисига сиғмай кетган Шири-шири йигитнинг ўсмоқчилаб, аммо шубҳа тугдирмайдиган тарзда берган саволларига жавобан Гадоёмурод ҳофиз ҳақида бор билганларини тўқиб-солди. Хусусан, ҳофизнинг қимматбаҳо кийимлар кийган одамларга дарҳол эҳтиром билан муносабатда бўлуви, «орган ходимлари»дан чўчиши, пул масаласида бағоят эҳтиёткор ва ҳасислиги, табиатан аслида чумчук пир этса юраги шир этадиганлар тоифасидан эканлиги ва шу хислатларининг барисига мутаносиб равишда баъзан ўзини-ўзи ялаворғудай яхши кўриши...

Мўлжал ҳафта давомида иқир-чиқирига қадар пухта ишлаб чиқилди. Албатта, бунча бош оғритишлар ўрнига тўйдан қайтаётган ҳофизнинг йўлини тўсиб, бир пўписа билан ҳам пул, ҳам машинага эга бўлиб қўя қолиш истаги баъзан кучлилиқ қилиб қоларди. Айниқса машина масаласида қонун Шири-шири томонида бўлса, жуда зўр келса машинани қўшни районда яшайдиган бир қўли гул жуҳуд устага обориб, эҳтиёт қисмларга бўлиб-бўлиб сотиб юбориш ҳам мумкин-ку. Бироқ Роҳила ўжарлик билан ҳофизнинг ҳақиқатдан ҳам эшитганидек пасткаш ва манфур кимса эканлигига аввало ўзи тўла ишонч ҳосил қилиб олмагунча бирор кескин қадам қўйишдан тийилиб турар, йигит тоза инжиқлик қилаверган маҳаллари эса, «беғуноҳ одамнинг бир тола социям бежиз тўкилиши керак эмас», деб қўярли жиддий тарзда.

Ҳар қандай режани завқ-шавқ, ҳаттоки илҳом билан тузиш мумкин. Аммо уни амалиётга жорий этишга келганда бундай ишлар қилиб юрмаган киши эсанкираб, довдираб қолиши табиий. Бу борада айниқса Бобоёр

икки баробар кўпроқ қийналди. Ахир унинг шериги, тўғрироғи барча ишлар бошида турган ҳаммаслиги ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган аламзада қиз эди-да. Яна денг, айнан шу қиз, деярли ҳар учрашувда «Сиз бормай кўяверинг, ўзим бир уриниб кўрай», деб илтимос қилиб турса...

Вақт эса ўтиб борарди.

Бобоёр учун аввалига «изкувар-изкувар» ўйини, эрмак, ҳовурни босиб олиш воситасигина бўлиб кўринган мукамал, пишик тадбир ишлаб чиқиш жараёни энди йигит назоратидан чиқиб, мустақил ҳолда синаб кўрилиш арафасидайдди. Энди четга сурилиб, томошабин бўлиб турмоқ - ўзингга нисбатан ўзингнинг ҳурматингни йўқотиш билан баробар эди. Ҳеч курса Роҳилага нисбатан муносабати оддий, истаган маҳал хайрлашиб кетиш имкони берадиган дўстона бўлсаям майлидди... Қайси йигит суюклисини минг бир бало пусиб кутиб турган зулмат қаърига ёлғиз йўллайди...

Барибир, йиллар давомида шаклланган тарбиями, денёқарашми, қалбининг туб-тубида гимирлаб қўяётган ҳадикми, ишқилиб, нимадир сўнпти ҳал қилувчи қадамдан йигитни тутиб турарди, баайни кўринмас сарҳад тўсиғидай. Ва-лекин қисмат аталмиш отўйин бу сафар ҳам ўзининг шафқатсиз қиёфасини намоён этди-қўйди. Роҳилага ҳоласи қолиб, тоғасининг осмондан келиб муомала қилиши қандай таъсир кўрсатган бўлса, ҳали-ҳамон иккиланиб, муросан-мадора йўлини излаб юрган Бобоёрга Акбаралининг «гап ейиш» оқшомидаги баҳс, айниқса мезбоннинг «бу ишиниям эплаган қилади» қабилидаги пичингги мана шундай таъсир қилди. Ва ўз қарорига оқлов далили топиш учунми, қандайдир бемаъни телеракламада айтилган «Жит нада играючи» деган «ҳикмат»ни «Ҳақиқий яшаш керак!» дея ўзбекчага ўгирган йигит кизнинг қўлидан маҳкам ушлаганча ўзини гирдоб қаърига отди...

Ҳуллас, «ўйин» бошланди...

Ўша машғум оқшом Гадоёмурод ҳофиз бир нарсادا янглишди: у шохни кўтараман деб энгашган маҳал қоронғуликдан чиқиб келган «қароқчи» ёлғиз Бобоёрнинг ўзи эди. «Кўрққанга қўша кўринар», деганларидек, ҳофиз машинадан аста тушиб келган қизни иккинчи босқинчи деб ўйлаганди. Ҳофиз шаталоқ отиб қочгандан сўнг йигит зудликда йўлни шох-шаббалардан тозалади, қиз эса бир сўз демасдан қайтиб келиб машинага ўтирди.

... Биз мўъжизага ишониб яшаймиз. Биз мўъжиза кутиб яшаймиз. Фақат ўзгалар қудратига кўпроқ ишонамиз, ўзгалардан кўпроқ саховат қутаамиз. Баъзан соддалигимиз шу даражага етадики, «фалончи бир куф-суф билан ариқдаги сувни тескари окизибди...» ёхуд «бир қўл текказишда саратон касаллигиниям даволаб юборибди...» дейишсаям «зўр-ку!» деймиз-да... ишониб кетаверамиз. Ишқилиб, «биз» ва ёхуд, худо кўрсатмасин, «мен» эмас, бошқалар, «фалончи-пистончилар» бўлса бас... Осмондан тушгандай пайдо бўлган кўз таниш, аввал сира ош-қатик бўлмаган Бобоёрнинг сал дудмалроқ тарзда қандайдир рэкетлар, «разборчик»ларга ишора қилиб, машинани қайтариб олиш имконияти борлигини айтганида, чўкаётган одам хасга ёпишганидек, айнан шундай мўъжизани кутиб юрган Шири-шири ҳам ушбу илинжга ёпишди-қолди. Полвон букри бир фурсат ўйлаб ҳам кўрмадики, умри эл қатори далада ўтаётган, камтарингина ризқини деҳқончилигу озроқ мол-ҳолдан териб юрган Бобоёр қайдан баҳсли мулкни ҳақиқий эгасига қайтариб беришдек маъсулиятли маком соҳиби бўлиб қолди. Йўқ, Шири-шири учун така бўлсин - сут берсин, ким бўлса-бўлсин - машинани ёки пулини қайтариб берса бас эди. Аён бўлдики, ўртада турган «халис одамлар» тенг шерикчиликка ўйнашаркан. Майли, машинани ўртасидан арралаб бўлмас экан, Шири-шири унинг ярим пулигаям рози - ҳеч бўлмаса бирон юриб турган «Москвич» олар. Ҳеч қачон осмондан чалпақ ёғилмайди, Аммо «фалончи бир кечада мислсиз даражада бойиб кетибди» қабилидаги миш-мишларга чиппа-чин ишонадиган Шири-шири қатъий илҳос ила шаҳарга, нотариус ҳузурига бориб техник паспорти асосида машинасини сотди. Бобоёр ҳасислик

килиб ўтирмади - машинани ҳақиқий нархидан сал ошириб 220 минг сўмга баҳолади. Бир ой ичида она сутдик ҳалол бир юз ўн мингга олиб келиб топшириш кафолатини ўз зиммасига олди.

Воқеаларнинг табиий тадрижидан сал илгарирокка ўтиб, мухтасаргина изоҳ бериб ўтайликки, бу дунёда мўъжизалар чиндан-да бор экан чоғи, бизнинг Шири-шири шу сафар алданмади: ҳатто келишилган муддатдан сал олдинроқ Бобоёр нақ бир юз ўн минг сўм ташлаб кетди, сал кейинроқ эса «Машинангиз асли қиммат тураркан» деган баҳона билан яна қирқ минг. Жўшиб кетган Шири-шири дарҳол бозорга чиқиб яхшигина сақланган, ҳали урилмаган, оппоқ, ягона кўзга ташланмас камчилиги - белида никель белбоғи йўқ «Жигули» сотиб олди. Эски замонларда «от - йигитнинг қаноти» дейишган бўлса, энди бензин ейдиган улов қанот вазифасини ўтамоқда шекилли, машина харид қилиш баробарида қаддини ҳам тиклаб олган Шири-шири яна тўй-томошаларда кўринадиган, яйраб-яйраб «куйлайдиган» бўлди. Синглисининг тўйида азбаройи кўп арок нўш этиб, устидан муз қўшилган айрон ичавергани боис, томоғини қаттиқ шамоллатиб, овозидан айрилиб қолгандан кейин эса Шири-шири кўғирчоқдай безатилган машинасида олис масофаларга қиракашлик қилиб, тирикчилигини балодеккина ўтказа бошлади.

... "Дулдул тойчоқ" ўриндиғида ястаниб олганча тун зулматини қувиб олдинга сузиб кетаверсанг, деразанг ёнидан шамол шувиллаб ўтиб турса, магнитофонда Юлдуз «Сени осмонимга олиб кетаман...» деб куйиб-ёниб ашуласини айтса, ёнингда эса ним жилмайибгина турган кўҳликкина киз... Э, ажойиб бўларкан-ку бу машина деганлари. Яна денг, шахсий... деярли шахсий бўлса... Яхшиям талабалик йиллари бир калласи ишлаб ҳайдовчилик гувоҳномани олиб қўйган экан. Мана, кунига яради-ку...

Катта йўлга чиқиб олишгандан сўнггина кераксиз матоҳдай бир четда турган дипломатни олиб, пулни санашди. Ўттиз бир мингдан сал кўпроқ экан. Бундан ўн беш мингга кеча режанинг кейинги қисми учун мўлжаллаб Бобоёрга насияга олинган кийим-бошлар тўлови учун ажратиб қўйилди.

Умуман олганда... «антракт»дан кейинги «иккинчи бўлим» ҳар эҳтимолга қарши тузиб қўйилганди. Бирок нечукдир илҳомланиб кетган, кўзлари чакнаб, ёноқлари лов-лов ёнаётган Роҳила бошлаган ишни охирига етказган мақбул, шунда ортикча кўнгилсизликлар содир бўлмайди деб туриб олди... Воқеанинг бу томонидан бохабарлигингиз боис ортикча эзмалик қилиб ўтирмаймиз. Фақат сўнгги ҳодисалар кизнинг тўғри йўл тутганлигига, ҳофизнинг ҳақиқатдан нопок банда эканлигига нисбатан ишончини чандон ошириб юборганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчийдик, холос.

Дастлабки иш-ку, таъбир жоиз бўлса, хамирдан қил суғиргандек кечди. Хўш, бу ёғи нима бўлади? Кийим-бошнинг ҳақи тўлангандан кейин қоладиган ўн олти минг сўм қайси харажатга етади? Низом жамғармасининг ўзига ўттизта керак, бу ёқда ҳа демай Шири-ширига бир нима узатишнинг ҳам муддати етиб келади. Демак, машинани зудликда сотиб юборишдан бошқа бирон-бир мақбул йўл йўқ...

Ўйлайвериш боши ғовлаб кетган Бобоёр ўзини бу фикр жинкўчаларидан кизнинг салоҳияти олиб чиқиб кетишини ҳатто тасаввур ҳам этолмаганди. Ҳолбуки, айнан шундай бўлиб чикди.

Яна жиддий тортиб, кўзлари совуқ чакнаб қолган - тўғриси, бундай кезлари йигитнинг ўзи ҳам киздан ҳайкиб, бегонасираб турар ва сукут сақлашдай омонат муроликка ёпишиб олиб, жон асарди - Роҳила бир муддат муроҳаза юритгандан сўнг, ё олдиндан буларнинг барини тарозига солиб юрган эканми, шаҳар Ҳокимияти боришни ихтиёр қилди. Ҳокимият роппа-роса соат тўққизда иш бошлади ва шундай, очикдан-очик берилган икки минг сўм таъсиридами, бўйинбоғ таққан ишчан йигитлар бор-йўғи тўксон дақиқа ичида барча ишларни силлиқина ҳал этиб беришди. Аввало фирманинг Таъсис шартномаси тузилиб, унда Роҳиладан ташқари фуқаро Бердиев Бобоёр

ҳам муассис сифатида қираётиб, Низом жамғармасига ўзининг мулк шаклидаги «Жигули» машинасини қўяётгани қайд этилди. Ҳокимият тасдиғидан ўтказилган Шартнома нусхаси худди шундай зудликда шаҳар ички ишлар бошқармасига олиб келинди. Омадни қаранг, бу ердаям ортикча гап-сўзсиз энгил машинани фирма балансига ўтказишга розилик билдиришиб, дарҳол янги давлат номери ҳам тақдим этишди.

Бир сўз билан айтганда, бир куннинг ўзида янги фирманинг Низом жамғармаси ҳисобиди киймати 118456 сўм қилиб баҳоланган хизмат машинаси пайдо бўлди-қолди. Яъниким, сиз ҳам куймади, кабоб ҳам.

Шу кунни намозшоом палла Бобоёр уйга машинада кириб келди ва анграйиб қолган акасига, Роҳила билан келишилганидек, «Шаҳарда бир танишимнинг фирмасига ҳайдовчи бўлиб ишга кирдим, машина уйда туради, бўш вақтларимда қиракашлик қиламан», деб изоҳ берди. Овулдаги жон бошига тўғри келадиган бир парча-бир парча ердан чиқадиган «носвой пули»га қаноат этмасдан, бошқа ишлар билан машғул бўлаётган, чунончи қиракашлик қилиб фалон-фалон пул топаётган таниш-билишлар ҳақида эшитавериб, ичи куйиб юрган ака мамнун тарзда бош ирғади, сўнг, кўзига ёш олиб, хотинини Сайрамда яшайдиган бир табибниқига олиб боришга кўлик излаб юрганини, Бобоёрнинг энди машина мина бошлаши айни муддао бўлганини гапириб кетди. Ҳали ҳаяжони босилмаган ука ҳам ийиб кетиб, машинани силаб қўйиш айносиди хотамтойлик қилиб юбордики: «Э, ака, сиз қачон айтсангиз, ўша пайт шу жонивор сизнинг хизматингизда...»

Ушбу кўтаринки қайфият тарк этмаган шекилли, эртаси кунни, одатдагидек истироҳат боғи ёнида учрашишган маҳал, машина эшигини атай қарсиллатиб ёпганча шошиб ҳузурига пешвоз чиқаётган Бобоёрга Роҳила ўктам овозда:

- Ишлар қалай, ўртоқ капитан? - деб сўраганида, оғзининг таноби баттар қочиб кетган йигит жойида ғоз қотиб, кўлини чаккасига олиб бораркан:

- Ишлар зўр, ўртоқ генерал-хўжайин! - дея жавоб қайтарди.

Киз кикирлаб қулиб юборди. Ич-ичидан яйраб кетган Бобоёр ҳазилни давом эттирди:

- Бугун бизга нима хизматлар бор, хўжайин?

Роҳила шарқ тарафда, тўрт қаватли бинолар узра бош кўтариб келаётган қуёшга бир муддат кўзларини қисиб қараб қолгач, аниқ бир қарорга келди чоғи, хушчакчақ оҳангда:

- Бугун... бир дам олайлик, - деди.

- Хўп бўлади, ўртоқ хўжайин.

Машинага чиқиб, юмшоқ ўриндикка суянганча бир муддат кўзларини юмиб олган Роҳила йигитнинг саволмуз қараб турганини илғади шекилли:

- Ҳайданг... - деб пичирлади. - Тошкентга ҳайданг...

- Хўп бўлади, хўжайин. Қирқ йилда бир от ўйин бўлса бўлибди-да!..

Шу кунни пойтахт сахий қуёши, тобора ортиб бораётган чиройи билан олисдан келган йигит-қизни ўз кучоғига олди. «Ҳамма танийдиган Зинабидинов» ишлайдиган отчопарга қайрилиб қарамаган Роҳила - дарвоқе, у Фаина опанинг соддаликлари ҳақида кула-кула гапириб берди - Миллий боғга боришни ихтиёр этди. Ана, кўркам, салобатли Халқлар Дўстлиги саройи, ундан кейин Муқимий театри, Ғофур Ғулом уй-музейи, ниҳоят Миллий боғ. Машинани тўхташ жойига қўйишгач, йигит билан қиз боғда маза қилиб, эринмай айланишди. Икки марта кабохўрлик қилиб, қоринни тўйғазиб олишгандан сўнг... шу атрофдаги ресторанга киришди. Бобоёр талабалик йиллари, гуруҳдаги қизларга пахта терим маҳали «уччанок»қа ютқазиб қўйганида бир ресторанга кирганди ҳам. Шундама пул етмай қилиб роса бўллар бўлганди... Шундоқ машинада келсанг, уст-бошинг ялтиллаб турса, чўнтак тўла пул бўлса, ҳисоб-китобини ўйламасдан буюртмалар қилаверсанг... жуда ажойиб бўларкан-да! Мана, ҳақиқий яшаш! Э, Достоевский деганлари ҳам



куйиб кетганидан айтган экан-да, пул тентак одамни даҳо килиб юборди деб!... Лекин ресторан қойилмаком экан. Улуғворлиги... гўзаллиги... Бобоёр кабоблардан чўкилаб ўтирганининг ҳиссасини чиқарди: майин мусиқа садолари остида газак деганининг ўзининг беш-олти туридан татиб кўрди, рудла бўлсам, Роҳилага қўшилиб бир қадах шампан ичди. Ўтириш якунида эса хушмуомала официантанинг «десерт» деб шоколадли музқаймоқни бежирим ликопчаларда кўтариб келгани айниқса зўр бўлди... Лекин Бобоёрнинг ўзиям жентелменликни қойиб килиб юборди-ёв: бир сават гул кўтариб юрган кизни чақириб, Роҳилага каттагина гулдаста совға килди. Мана шунда кизнинг кўзларига ҳаяжондан ёш қалқанини кўрган Бобоёрнинг ҳам кўнгли бузилиб кетди...

Баъзан-баъзан қаҳрли кўрингани билан Роҳиланинг қалби аслида гўдак боланики мисоли беғубор эканлигига Бобоёр айни шу кунни имон келтирди. Ресторандан сўнг киз Миллий боғнинг ёғоч кўприklarига бир неча бор югургилаб чиқиб-тушди, қийшиқ кўзгулар хонасига кириб кўзларидан ёш чиққунча кикирлаб қулди, болалар учун мўлжалланган атракционларда қайта-қайта киравериб-киравериб чарчамади, нукул кулгани-кулган... Омадини қаранг, саёҳат охири жуда баланд пардаларда кечди: Халқлар дўстлиги саройида таниқли хонанданинг концерти бўлаётган экан, чипта ҳам осонгина топила қолди. Гарчанд жой балконда, сахна узокда, хонанданинг юзи аниқ-тиник кўринмас-да, Роҳила бутун концертни мириқиб эшитди...

Нихоят, кечки ўнлар чамаси, шаҳарчага қайтиб келишиб, кўча бошида тушиб қолаётганда, киз гулдастани бағрига босганча жилмайиб-чайқалиб турди-турди-да, сўнг йигитнинг хайрлашиш учун тутган қўлини маҳкам сиқиб кўяркан, ўз шодонлигидан ийманибми, гуноҳқорона оҳангда мурожаат килди:

- Бугун кўп тентаклик қилдим, узр. Лекин бунинг сабаби бор... Бугун туғилган куним эди...

Шундай дея қўлини оҳиста тортиб олган Роҳила уй томон чопқиллаб кетди...

Хар нарса ўз вақтида ва жойида бўлгани маъқул, ҳатто сентименталлик ҳам.

Эртаси кун Роҳила йигитни ишчан-жиддий қиёфада қарши олди. Икковлон шаҳар «Бизнес-фонд» бўлимига боришди.

Роҳила сўраб-суриштириб «Бизнес-фонд»дан энг кам устама фоизли кредит олиш мумкинлигини билиб олганди. Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхона-муассаса ҳисоб рақамида бир миллион сўмдан ошиқроқ пул бўлганидагина Миллий банкдан валюта ҳисобини очишга ҳақли эканлигидан ҳам вокиф бўлганди. Валюта ҳисоб рақами эса янги очилган фирма учун жуда-жуда зарур эди. Зеро, нафақат хориж, ҳатто Россия корхоналари ҳам бундай ҳисоб рақами йўқ ташкилотлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилиб ўтирмаслиги, қўшма корхоналар тузиш ҳақида-ку, ҳатто умуман музокаралар ҳам олиб бориб ўтирмаслиги-да кизга маълум эди. Шундай экан, нима қилиб бўлсам тезда каттароқ қарз олиш, ишларни юритиб юбориш ва Миллий банкда валюта ҳисоби рақами очиш даркор.

Ўзини «Бизнес-фонд»нинг махсус эксперти» деб таништирган Раҳимбой Иззатович исмлиқ ўттиз беш ёшлардаги, сийрак қош-киприклар, тепага таралган сийрак тик сочларидан тортиб юз терисигача сап-сарик бўлгани ҳолда кичкина-кичкина, ўсмирники мисоли қўллари умрида қуёш кўрмагандай оппок, гавдаси тўлалигиданим, ишқилиб, нимасидир вақтидан бурун узилиб, офтобда сўлиб қолган қовунни эслатадиган, шу важохатига тилла бандли кўзойнақ тақиб олган киши ҳафсаласиз тарзда, ора-сира очик-ошкор эснаб-эснаб кўяркан, ягона машғулоту - ўтирган курсисини силаб-сийпалаб ўтиришни асло унутмаган кўйи Роҳиладан у-бу нарсаларни сўраган бўлди. Кейин, барча саволларини дабдурустдан унутиб қўйгандай:

- Сиз ўзи нимага кредит олмақчисиз! - деб юборди-ю, аммо шу захоти хатосини тузатишга уринаркан, столида сочилиб ётган қоғозларга диққат билан термулган

ҳолда ўзининг одатдаги «навбатчи» хулосасини айта қолди: - Яхшиси эртага келинг, бафуржа маслаҳатлашиб кўрамиз. Хайр.

Бирок эртаси кун ҳам иш юришмади. Нихоят киз ишлаб чиқариш, яъни фабрика қуриш учун маблағ сўраётганини тушунишга муваффақ бўлган Раҳимбой Иззатович янаям ўринли жавоб топилганидан қувониб кетган алфозда қўллари икки ёнга ёзиб, мамнун ишшайди:

- Афсуски, сира ёрдам беролмайман. Чунки шаҳримизда худди шундай фабрика бинойидай ишлаб турибди. Значить, яна битта худди шундай фабрика қуриб, ортиқча даҳмаза қилиб ўтиришнинг, халқнинг пулини бекорга ҳавога совуришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Энг асосийси, бу режа иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Так что, бизнес-план тузиб ёки пулга туздириб овора бўлиб юрманг, синглим. Хайр.

Жаҳли кўзиганидан кўзлари кисилиб кетган Роҳила яна столидаги қоғозларга қадалиб, курсисини силаб-сийпалашда давом этаётган экспертга қараб турди-турди, кейин унинг нозик жойини пайпаслаб бўлсам топай-чи, деган ниятда атай бепарвороқ оҳангда гапиришга ўтди:

- Ҳукуматимизнинг монополияга қарши махсус қарор қабул қилганидан хабарингиз борми, ака?

Эксперт туссиз кўзларини қоғоздан олиб, кизга тикиди-да, сал бесаранжомроқ алфозда сўради:

- Канақа қарор?

Киз ҳужумни қучайтирди.

- Махсус қарор. Ана ўша қарорда монополияни йўқ қилиш учун бир ҳудудда ишлаб чиқариш йўналиши бир хил иккита корхона бўлиши мақсадга мувофиқ, деб ёзиб қўйилган.

Раҳимбой Иззатович силлиқ иягини силаб, анча ўйлашиб қолди, кейин кутилмаган ўнғай ечим топгандай қувониб кетган ҳолда, одатдаги халоскор дастагини шартга ўртага ташлади-қўйди:

- Бўлмаса, синглим, яхшиси эртага келинг, бафуржа маслаҳатлашиб кўрамиз. Хайр.

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Киз ҳам ўжарлик қилиб туриб олди.

- Раҳимбой ака, менинг ҳар кун қилиб-кетиб юришга вақтим йўқ. Гаплашасан - ҳозир гаплашайлик, маслаҳатлашасан - ҳозир маслаҳатлашайлик, бўлмаса ҳукумат қарорига амал қилмаётганингиз учун сизнинг устингиздан раҳбарларингизга арз қилиб кираман. Бунинг устига, Раҳимбой ака, биз сизнинг олдингизга шунчаки келиб турганимиз йўқ, ортимизда не-не катта-катта одамлар турибди...

Айниқса сўнгги маънодор таъкид Раҳимбой Иззатович деганларини ҳазилакамига чўчитиб юбормади.

- Э, синглим... мана, ҳозир... дарров шуни... Бўлмаса мен бўлимиз бозлигини чақириб келай-а бир минутга... Ўзлари бир гаплашиб кўрсалар... Ҳар қалай, катта-катта-да, а?.. Ҳозир... ҳозир...

Эксперт югургилаб чиқиб кетди. Роҳила мамнун илжайиб қўйди. Аммо, ҳар ўрмоннинг ўз шеру бўлади деганларидек, киз даҳанаки пўписа билан чаласавод экспертдан нарига ўтолмади.

Хонага шиддат билан кириб келган новча, ғоят пўрим кийинган, жингалик сочлари ялтираб турган, нигоҳи ўткир бўлим бошлиғи бир қарашдаёқ ҳеч бўлмаса бировга кўнгирик қилдириб, сўнг келмаган бу қизчанинг бирон-бир арзирли суянчик-пуянчиғи йўқлигини юз фоиз аниқликда билиб олди чоғи, Низомни варақлаб, фаолият йўналиши ёзилган бандга бирров кўз ташлаб кўяркан, қўл остидаги ходимларига бағоят таниш бўлган, яъни, «бор, тошингни тер» маъносигадики куруққина оҳангда изох берди:

- Жамғармамиз туман бўлими мақомида иш олиб боради. Шунинг учун биз кўпи билан бир йилга саккиз юз эллик минг сўм кредит бера оламиз, ҳалос. Ундан юқориси эса вилоят бошқармаларидан олинади. Биз шу кредитни ҳам қонун бўйича ишончли гарантингиз бўлган тақдирдагина бера оламиз. Ўзи гарант борми?

Энди довдираш навбати кизга келди.

- Кечирасиз, ким дедингиз?

Тамом. Шу биргина оғиз луқмаси билан Роҳила ўзининг аслида кимлигини яна бир бор ошкор этди-қўйди. Бундай сохта «орқасида зўри бор» ишбилармонларни кўравериб эти ўлиб қолган бошлиқ юзида бир туки қилт этмасдан қўл остидаги ходимга ўтирилди:

- Раҳимбой Иззатович, миждозни зарур ҳужжатлар билан таништиринг, лозим консултацияларни беринг.

Шу билан бошлиқ чиқди-кетди.

Бошлигининг ўзини тутишидан зарур хулоса чиқариб, энди ўзини анча ўнглаб олган эксперт жойига қайтадан ястаниб жойлашиб оларкан, курси суянчигини силаб-сийпалаган қўйи насиҳатомуз оҳангда маъруза сўқишга тушиб кетди:

- Амадаги қонунчилик талабларига кўра, мабодо миждознинг бизнес-режаси қабул қилинган ҳолда ҳам у бизга бир ёки неча ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, мабодо миждоз синиб қолса, у олган қарзни фоизи билан тўлаш қувватига эга қорхоналардан кафолат хати тақдим этиши шарт. Биз ўз навбатида ушбу кафолат хатларини суғурта агентликларига берамиз. Улар ўз навбатида бу қорхоналарни текшириб, ўрганиб чиқадилар ва бизга ўз хулосаларини тақдим этадилар. Шундан кейингина биз лозим бўлган қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўламиз.

- Хўп, мен шундай ташкилот топдим ҳам дейлик, - бетоқат бўлиб сўради Роҳила. - Шунда барча расмийчиликлар узоғи билан қанча муддат ичида битади?

- Тахминан беш-олти ойларда.

- Қа-анча? - дея ҳайрон бўлиб сўради кўзлари баттар қисилиб кетган Роҳила.

- Сал тезлаштирилса, уч-тўрт ойларда ҳал бўлиб қолар, синглим.

Рухи тамомила тушиб кетган Роҳила, чиқмаган жондан умид қабилда, яна савол берди:

- Ана шундан кейин фирманинг ҳисобига саккиз юз эллик мингги тўлиқ ўтказиб берасизларми, ахир?

Ўз навбатида эксперт қарши саволни берди:

- Агентлик-чи?

- Яна қанақа агенлик? - жигибийрони чиқиб сўради қиз.

- Суғурта агентлиги-да. Уларга умумий миқдорнинг ўн икки фоизини ўтказиб бериш керак.

- Нима учун? - тушунмади қиз. - Мен ахир кафолат хати олиб келаман деяпман-ку.

- Қонун шуни талаб қилади, синглим, - пинак бузмади эксперт. - Биз эса қонундан четга чиқолмаймиз.

- Хўп, ана, агентлик юз минг олди дейлик. Қолган пулни дарров тушириб берасизларми?

Раҳимбой Иззатович маънодир тиржайди-да:

- Бу энди кўп факторларга боғлиқ, - деди.

Боши ғовлаб кетган Роҳила экспертга анграйиб қараб қолди.

- Яна қанақа факторлар?

Бирок, айнан шунақа масалаларда илоннинг ёғини ялаган эксперт аниқ жавобдан ўзини олиб қочиб, чайналишга тушди:

- Энди, ўзингиз тушунасиз, кў-ўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ... Агар биз акалардан «Шу ишни тезлаштириб юборинглар», деб илтимос қилсак... агар акаларимиз «йўқ» дейишолмас... балки... эҳтимол...

Ниҳоят, мадад излагандай ўзига жовдираб қараётган ҳамсухбатининг асл нияти шуурга етиб борган Роҳила ҳорғин уф тортди ва оҳанжама қилиб ўтиролмасдан, тўғридан-тўғри сўраб кўя қолди:

- Қанча?

Баайни саволни эшитмагандек ёинки бу саволнинг ўзига мулақо алоқаси йўқдек эксперт шошилмасдан қайтиб жойига ўтираркан, ўн бармоғини устол устига қўйиб, қизга маънодор кўз ташлади.

Экспертни хавотирланиб кузатаётган Роҳила сал енгил нафас олди.

- Ўн мингми?

Эксперт безовталаниб бош чайқади.

Қизнинг нафаси ичига тушиб кетди.

- Ўн процентми?

- ...

Бир сукутки...

Ўн фоиз! Бу - нақ саксон беш минг сўмни олдиндан тайёрлаб келиш деган гап. Ҳазил гапми... Саксон беш мингни нақд ойлик қилиб олиш учун солиқ-полигини кўшганда, ҳисоб рақамидан икки юз минг кетар камида...

Роҳила охири илинж билан сўради:

- Кейин... кейин берсак бўлмайми?..

- ...

Демак, бўлмайди! Олдиндан юз фоиз! Шартномаларда ёзилгандек.

Қизнинг ранги оқариб кетганини кўрган эксперт яна миждовланиб тилга кирди.

- Биз бир кичкина одам, синглим... Қолса бир-икки минг қолади, қолмаса шуям йўқ... Тепада ўтирганларнинг бари ейман дейди, ичаман дейди, барисининг тўйи бор, томошаси бор...

- Бошқа ҳеч иложи йўқми, ака?

- Иложими? - қизнинг ялинчок овозда мурожаат қилганидан эриб кетган эксперт лабларини чўччайтирганча, мушкул муаммони ҳал қилаётгандай иягини ручкасининг орқасида ишқалаб-ишқалаб бир муддат ўйга толғач, охири ёрилди: - Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ, сингилгинам.

- Ростдан-а?! - деди баногоҳ кўзлари чакнаб кетган Роҳила жойидан отилиб туриб кетгудай аҳволда.

Раҳимбой Иззатович мамнун ишжайди.

- Майли, сиз учун иложини қилишга уриниб кўрамиз, синглим. Ахир сизга ўхшаган ўзбек аёлларидан чиқаётган тadbиркор қадирғочларни қўлламасак, кимни қўллаймиз?! Ҳеч бўлмаса шу ишни эпламасак, нима қилиб ўтирибмиз ҳукумат бериб қўйган бу курсида!

- Яшанг-е, ака, - деди ниҳоят рангига қон юрган Роҳила.

- Фақат... - дея авж нуктада чайналиб қолди эксперт.

Ичи сиқилиб кетганидан дод деб юборгудай бўлаётган Роҳила чидай олмасдан инграб юборди:

- Яна нима ахир?

Ана шундан кейин эксперт қизни аврашга ўтди.

- Энди, синглим, бу ер бунақанги назик гапларни гаплашадиган жой эмас. Бугунми-эртагами, вақт топиб холироқ жойда учрашсак-да, бемалол, бафуржа маслаҳатлашиб олсак... Мен бир кичкина одамман. Ваколатим ҳам ўзимга яраша... Шунга... агар бўлим бошлиғимни чақирсам... у кишини ҳозир кўрдингиз, қиличдай йиғит... Кў-ўп иш келади у кишининг қўлидан... Керак бўлса бир ҳафтада беради уч-тўрт миллионлик кредитни. Кейин... процентлариниям паст қилиб бера олади... Кейин... керак бўлса кредитни беш-олти йилга тўғрилаб беради... У кишининг кўнглини топганлар ҳозир ўн йилга атиги ўттиз фоизлик кредит олиб ялло қилиб юришибди. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг, кредитнинг ярмини депозитга қўйиб қўйса бас-да, фойда дегани сувдай оқиб келаверади. Бу ёқда қолганини бемалол уй, машина, чет элларга командировка, отнинг қалласидай ойлик... дегандай... Ишқилиб, қаловини топса, кў-ўп иш қилса бўлади...

Қаршисида бошлиғига ё пора берадиган, ё ўз танасини сотадиган миждоз топиб бериш билангина ушбу «ёғли» амал курсида титраб-қалтираб жон сақлаб ўтирган пасткаш қўшмачи турганини тушуниб, жони ҳалқумига келган Роҳила титрай бошлаган бармоқларини мушт қилиб тугди ва сал эгилинқираб, баайни махфий битим тузаётган сирдошдай, у ёқ-бу ёққа аланлаган қўйи, паст овозда сўради:

- Ўзи бунақа суҳбатлар учун алоҳида жой серобми дейман, акажон?

Қизнинг гап оҳангидан ҳеч бир сохталик илғамаган «ака» жўшиб кетиб, ваъдани қуюқ қилиб юборди:

- Топамиз!

- Ресторанми дейман, нима бало?

- Сиз ўзингизга маъқул жойни айтсангиз бас, бу ёғини биз «готов» қиламиз, сингилжон.



- Хар калай, бу борада тажрибангиз каттага ўхшайди, шунинг учун ўзингиздан маслаҳат сўрадим-да.

Мақтов кимга ёқмайди. Қаддини кериб қўйган, дарров таклифга кўнган бу жононга ресторан-песторан учун ортикча чиким сарфлаб ўтираманми, деган хаёлга борган эксперт тузукка илина қолди.

-Менга қолса, ресторан деб ўтирмай, бирон тузукрок хонадонда бафуржа ўтирган маъкул...

- Ҳам чиким оз, ҳам ташвиш. Шунақами? - қошларини чимирди гавдасини орқага олган Роҳила.

Раҳимбой Иззатович пихиллаб қилиб юборди.

-Ўлманг, сингилжон, ўлманг. Дилимсиз-да, дилимсиз.

- Кейинчи, кейин, - савол беришини қўймади. Роҳила. - Ўтиришда ўзингиз ҳам бўласизми ё фақат хўжайинингизнинг ўзларими?

- Биз энди бир кичкина одам, кет дейишса кетаверамиз... - Шу ерга келганда иш битди деб ўйлаб, эҳтиёткорликни тамом қўлдан чиқарган эксперт одатига кўра курсисини силаб-сийпалаганча оғзининг суви қочиб, бир ютиниб қўйди-да, қизга суяк умидидаги кучукдай ялтқоқлиб боқди: - Агар ҳиммат кўрсатиб, бирон дўмбоққина, ўзингизга ўхшаб гапга тез тушунадиган дугонангизни бошлаб келсангиз-ку...

-Групповой секс денг!

Қизнинг овозида пайдо бўла бошлаган таҳдид оҳангини илган Раҳимбой Иззатович бирдан хушёр тортди ва йиғиштириниброк ўтираркан, қоғоғини солиб, жиддий гапиришга уринди:

- Хўш ўртоқ... ихм, нима масалага келиб тўхтагандик?

Шунда Роҳила дилидагини юзинг-кўзинг демай шартга айтди-қўйди:

- Сизнинг аслида одамнинг орқаси эканлигингиз масаласига!

Ходимнинг ишчанлигини кўрсатиш учунми, стол устида бетартиб сочилиб ётган қоғозлардан бирига қўл чўзган Раҳимбой Иззатович шу ҳолида донг қотиб қолди.

Роҳила ўрндан турди. Шошилмасдан, хотиржамлик билан ҳужжатларни қайтиб папкасига солди. Кейин, ҳамон тили танглайига ёпишиб қолгандай, миқ этолмасдан, бакрайиб ўзига тикилиб турган экспертга нафратланиб қараркан, дона-дона килиб деди:

- Биласизми, мен нимани орзу қиламан? «Женфонд» очилишини. Бу нима эканини тушунарсиз. Тушунмасангиз билиб қўйинг: «Женфонд» дегани - хотин-қизлар жамғармаса дегани. Токи у ерда қоровулдан тортиб энг катта бошлиққача аёллардан бўлсин. Ана шунда сенга ўхшаган қўшмачиларга ялиниб, хор бўлиб юрмасдик. Ана шунда аёллар ҳам тижорат соҳасида манаман деган эркаклар билан бемалол куч синаша оладиган бўлишарди. Ана шунда сенга ўхшаган латтачайнар пандавақилар илтимос билан келган аёлнинг киндигининг пастини кўзлашдан кўра бошқа, эркак кишига сал ярашадиган иш топган бўларди... - Папкасини қўлтиғига қистириб эшик ёнига борган Роҳила ўгирилиб, кадрдон курсисига қапишиб қолган Раҳимжон Иззатовичга сўнги захрини сочди: - Садқаи эркак кет!... Сассиқ идорангни елкаминг чуқури кўрсин!.. - Шундан кейин эшикни қарсиллатиб ёпиб чикди-кетди.

Чиндан-да, Роҳила ушбу идорага қайтиб оёғини босмади...

Сўнрок, орадан ойлар ўтиб, бетон йўл бўйида қонли фожеа юз бериб бўлгач, иш орасида савол туғилганми, ҳайтовур қандайдир бир терговчи кўнгирак қилиб, Раҳимбой Иззатовичдан фалон фирманинг директори Жалолова Роҳила «Бизнес-фонд»га қорхонаси учун кредит сўраб борган-бормагани билан қизикади. Мана шунда Раҳимбой Иззатович ўз касбига хос бўлган салобат ва изчиллик билан ҳақиқатан ҳам фуқаро Р. Жалолова фалон ой, фалон куни Фондга фирмаси учун кредит сўраб келганини, бу ҳақда ариза билан келгучилар рўйхати ёзиладиган журналда ҳам фалон рақам билан қайд борлигини, лекин ўртоқ Р. Жалолова махсус бизнес-режасиз, бунинг устига икки пулга қиммат таклиф билан ташриф буюргани учун илтимоси қолдирилмаганини,

ўртоқ Р. Жалолованинг ўзига эса «Бизнес-фонд»нинг асосий мақсад ва вазифалари, шунингдек ҳар қандай иқтисодий таклиф салмоқдор, теран, замон талабига мос бўлиши лозимлиги хусусида тўла тушунтириш берилганлиги хусусида батафсил ҳисобот беради. Маълумотнинг бу қаҳар тўлиқ ва муқаммал эканлигидан қониқиш ҳосил қиладилар шекилли, терговчилар қайтиб экспертни безовта қилишмайди...

Гарчанд умид аталмиш ниҳол ишончсизликнинг қатқат қобигини ёриб чиққудай бўлиб омонатгина жонини асрамоқдайди, гарчанд, ҳеч бўлмаганда давлат бошловчи тадбиркорлар учун махсус очиб қўйган Жамғармага илинж бисёр эди; энди уларнинг бари-бари ҳазондай елга созурилган эса-да, вужуди, қалби бўм-бўш бўлиб қолган, ўзини қаҳратон изгирини забтида қолган шохсиз-бутоқсиз, яланғоч-ёлғиз дарахтдай ожиз ҳис этаётган Роҳила тақдирнинг наватдаги хоинона зарбасига-да дош бермакка ўзида ирода кучи топа олди ва, энг муҳими, зарур хулоса чиқариб олмакнинг-да эвини қилди. Яъниким, ҳамиша, ҳар қачон, ҳар қайда фақат ва фақат ўзингизга ишон, бировдан зиғирча-да нарса сўрама...

Қисмат шохид, қиз ўзининг аччиқ ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан эътиқодига умрининг сўнги лаҳзаларига қадар собит қолди, ҳеч қачон, ҳеч кимдан, ҳеч қаерда, ҳеч нима сўрамади; бильакс, негаки эришса, ёлғиз ўз имкониятидан, ўз салоҳиятидан келиб чиқиб эришди; неданки музаффар бўлса, фақат ўз қудратига таяниб музаффар бўлди; кимданки мағлуб бўлса, аламини фақат ва фақат ўзидан олди...

Давралар бор: мезони «е, тўним»дан нари ўтмас; давралар бор: фақир зотга ўзгача, чўнтагида ўн минг сўм пули бор зотга ўзгача ва ҳам чўнтагида юз минг сўм пули бор, ҳам тагида улови бор зотга мутлақо ўзгача навозиш-ла муносабатда бўлишади; давралар бор: одамнинг кадри унинг иқтисодий кўлами билан ўлчанади. Камми бундай давралар... Ва Роҳила қиз боши билан элатдошларининг мана шу майда манфаатчиликка қурилган қусуридан фойдаланиб қолишга аҳд қилди...

Сўнрок, орадан ойлар ўтиб, фожеа юз берган, шов-шув кўтарилган, бунинг устига газетаям бир саҳифалик мақола эълон қилиниб қолган кунларда, «ёв қочса ботир кўпаяр» қабилда, «Жигули» русумли оппоқ хизмат машинасида каттакон икки вилоятнинг у бошидан бу бошигача тентиб чиққан «ўзи ёшгина-ю, лекин қиёфасидан каттакон амалдор опа»ни учратганлар, ҳатто ўша пайтлардаёқ бу номутаносибликка гўёки шубҳа билан қараган хушёр зотлар кўплаб топилади. Аммо уларнинг барисининг гап-сўзлари аслида гирт ёлгон бўлади. Зеро, худди ана шу «асли ишонмовдим-а, лекин...» деб юрадиган ўпка зотлар «ўзи ёш-у, лекин катта амалдор» ёки «катта тадбиркор опа»нинг соясига элдан бурун салом бериб турган тўрачалар бўлиб чиқишади. Уларнинг қанча-қанчаси эса ўзларининг ҳам тили қисқилтиги боис «опа»нинг кўлида маймун бўлиб ўйнаганликларини бир умр элга ошкор қилмай ўтиб кетишади...

## ИЖРО

Роҳила бошламасига шаҳар марказидаги хусусий озиқ-овқат дўкони мудираси, ўттиз икки ярақлаган тилла тиши билан танилган Салтанат опадан ўн беш кун муддатда йигирма фоиз устамасини қўшиб қайтариш шартига кўниб юз минг сўм қарз олди. Тўғриси, опа унча-мунча танишларгаям қарз бераверадиганлар тоифасидан эмасди, айниқса гаровга бир арзирлик мол қўйилмаса. Аммо хизмат машинасида, қимматбаҳо либосларда, атрофга фаранг атирини таратиб келган қизи тенги илтимосчини умрида илк бор кўриб турган бўлса-да, салобати босдимми, йўқ деёлмади; гаровга мол ҳам сўраб ўтирмай, оддий, ҳаттоки нотариусда тасдиқлатилмаган тилхат билан кифояланди.

Хофиз истиқомат қиладиган шаҳарча биқинида хўжаликлардан дон қабул қилиш омбори бор эди. Унинг Ёрлақаб исмли мудир ҳақиқатан ҳам одамлар айтганчалик

«битиб кетган», шекилли, деворларига Ҳозгон мрамридан ишлов берилган улкан қасрда истиқомат қиларди.

Ҳўжалиқдан донни, мисол учун килосига икки сўмдан, бунинг устига «намлиги меъеридан баланд экан... тоза эмас экан...» қабилидаги турли важ-қорсонлар ила «скидкаси» баланд ҳолда қабул қилиб, сўнг давлат ун комбиналарига аста-секин ташиб етказиб берадиган, қолган бир қисм бугдойни ўша ҳўжалиқнинг ўзига уруғлик сифатида қайтадан камида ўн беш-ўн олти сўмдан сотиш билан шуғулланадиган омбор кўплар учун «ёғли қозон» вазифасини ўтарди. Вазни ўн пуддан қолишмайдиган, «Жигули»га сиғмагани учун фақат «Волга»да юрадиган, уч хотинига учта данғиллама ховли қуриб берган «полвон» лақабли омбор мудирини Ёрлақаб аканинг амалига уйқашмаган тарзда тантилиги, қўли очиклиги ҳамда андаққина мечкайлиги борасида афсоналар бисёр эди. Эмишки, учинчи хотинидан ниҳоят ўғил фарзанд кўрганида ховлиқиб кетган Ёрлақаб ака бутун бошли бир вагонни ароқ-пароғи билан судратиб келтиририб катта тўй қилган, уч кун давом этган улоққа эса мол-ҳолидан тортиб янги «Нива»сигача солим қилиб солиб юборган. Ё бўлмаса, айтишларича, Бахмал тоғида бўлган бир ўгиришда бас бойлашиб, бутун бошли тандир кабобни паққос туширган, сўнг кўзининг пахтаси чиқиб кетган уй эгасига: «Келинга айт, бир зувалагина қулчатоқ қилиб берсин», деб тегажаклик қилган ҳам шу Ёрлақаб ака. Ё бўлмаса, бир йили дон топириш режаси бажарилмай қолиш хавфи тугилганда уч кеча-кундуз мижжа қокмай елиб-югурган, ўз чўнтагидан чиқарган даста-даста пулга қўшни Қозғистондан етишмаётган галлани сотиб олиб келгани-чи!.. Балки шу фидокорлигим сабабдир, ишқилиб, қанча раҳбар алмашса алмашди, лекин Ёрлақаб ака шу ишида даврини суриб, ялло қилиб юрибди. Тўғри, бир-икки марта уни вазифасидан бўшатиб ҳам кўришиди, бироқ орадан ҳафта-ўн кун ўтар-ўтмай дарҳол иззатини жойига қўйиб, қайтариб олиб келиб, жойига қўйиб қетишади. Зеро, йигирма йилдан бери шу соҳада ишлаётган Ёрлақаб аканинг илдизи жуда чуқур кетган, ҳам ишнинг, ҳам маишатнинг кўзини биладиган, ташқи қиёфасидан думбултабиатроқ кўрингани билан тоза ичидан пишган раҳбарлар тоифасидан эди Полвон деганлари. Базан ҳатто дўк-пўписа, ишдан олишлари жазолашлар билан битмаган ишни Ёрлақаб ака бир оғиз кўнгирак ёки бир парча қоғозга ажи-бужи ҳарфларда битган «записка»си билан ҳал қилиб ташларди...

Роҳила Фаина опадан Зинабидинов энди иш бошлаган кезлари омборга зир қатнаб қолгани хусусида бир-икки бор эшитганди. Айни шу кунлари ҳам, дон йиғим-терим мавсуми тугаётганлиги сабабли, анча бекорчихўжа бўлиб қолган Ёрлақаб ака яқин таниш-билишларига бугдойнинг килосини тўрт-тўрт ярим сўмдан сотаётгани ҳақида хабар тарқалди.

«Хофиз операцияси» маҳал жойлашишган, Бобоёрнинг қандайдир узоқ қариндоши бўлмиш талабалар ижарада турадиган хонадонга келиб, иш режасини ҳаёлан тузиб чиққан Роҳила эртаси кун тонг палла, хофиздан эсдалик бўлиб қолган дипломатга қарзга олинган пулни яхшилаб жойлагач, машинани омбор томон ҳайдашни талаб қилди.

Қиз дарвоза ёнида турган қоровулга қошларини чимирлаб, худди ўзини тўхтатишганидан беҳад озор чеккандек, дўк аралаш «Вилоят ҳокимиятиданман», деди, идоранинг кириш эшигидаги сержант йиғитчага «коррупцияданман» деди, йўлини тўсган котибага «прокуратураданман»... Хуллас, орадан ярим соат ўтар-ўтмай Роҳила маълум ва машҳур Ёрлақаб аканинг кабинетига пайдо бўлди.

Ҳаво совуттич ишлаётганига қарамасдан фарқ терга ботиб чой ичаётган, эртақлардаги дев келбати билан тўрни тўлдирган полвон дабдурустдан бостириб кирган Роҳилага ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Сўнг, салонга алик олиб, ўтириш учун жой кўрсатди ва бир пиёла чой қўйиб узатаркан, бўш қўли билан столдаги ширинликлар солинган ликопчани ҳам берирокка суриб қўйди.

- Олинг, қизим, чайдан ичинг, ишқалатлардан олинг.

Полвонга табиат гавда бергани билан овозга келганда ҳафсала қилмаган экан. Ўзи қутганичалик, гумбурлаган товуш ўрнига майин, ҳаттоки оталарча меҳрибон овозни эшитган Роҳила ҳам ўз навбатида ажабланиб, пиёлани қўлига олди.

- Раҳмат.

- Хизмат, қизим.

Роҳила кизариб кетди, у айна дамда доимо ўзига жилмайиб муомала қиладиган меҳрибон падари қошида тургандек эди.

Бирок бари бир иш ўз йўлига... Қиз энгашиб дипломатни очди ва шу ҳолида мудирнинг столига қўйди.

- Бу ерда юз минг, Ёрлақаб ака. Ўзим санаганман. Менга йигирма тонна бугдой берсангиз.

- Бувдойни не қиласиз, қизим? - деди баҳузур чой ҳўплашда давом этаётган мудир пулга киё ҳам бокмасдан. Роҳила ерга қаради.

- Ишлаб кўрмоқчиман.

- Ким айтди сизга мени бувдой сотади деб?

Роҳила полвоннинг синчков кўзларига тик қарашга уринди.

- Ҳеч ким.

Ёрлақаб ака қулимсиради.

- Туври, ҳесабида эчки-уч юз тоннача ошиқча галлам бор. Ўни договорний нарҳда сотишга ҳам ҳаққим бор. Лекигин биз перечисление билан савдо-сотик қиламиз. Наличий пулнинг галваси кўпроқ бўлади.

- Хусусий фирмамиз бор, Ёрлақаб ака, лекин ҳали ҳисобда пулимиз йўқ эди.

- Ўнда, чамадонни пулга тўлдириб олиб, туври келаверибсиз-да бостириб, а?

Режасига кўра «Мени Зинабидинов юборди» деб гап чалғитмоқчи бўлган Роҳила нечуқдир бундай деёлмади, аксинча, ўладиган ҳўкиз болтадан тоймагандек, барибир энди ишим битмайди, мудир мени ёш боладай алдаб-сулдаб чиқариб юборади, деган тусмолда очигига кўча қолди:

- Шундай.

- Ўнда қаравулларимдан қайтиб ўтдингиз?

Бит кўзлари биттар қисилиб бораётган Ёрлақаб ака хушчакчак оҳанга ўтган сайин Роҳиланининг руҳи чўкиб бормоқда эди.

- Ўтдим-да. Биттасига «ҳокимиятдан» дедим, бошқасига «коррупциядан», секретаркангизга «прокуратураданман...»

Дев-мудир азбаройи завқланиб кетганидан тиззасига шапатилаб юборди ва кўзларидан ёш чиққунча яйраб, пишқириб қуларкан:

- Маладес! - деб кўярди ора-сир, нафас ростлашга уринган кезлари. - Барининг ичи ўтиб кетгандир...

Ниҳоят, юз-кўзини рисоладаги қийикдай дастрўмолчада арта-арта Ёрлақаб ака қулгидан тўхтади.

Қабул шу билан хотимасига етди деган қарорга келган Роҳила ўрндан тураркан, алам қилганини билдирмасликка уриниб, жилмайиб қўйишга ҳаракат қилди.

- Ҳўп, хайр, Ёрлақаб ака. Узр, сизни анча овора қилдим.

Мудир ёйилиб илжайди.

- Авараси бор эканма, қизим.

Роҳила бир қадам орқага чекинди. Буни илғаган мудир ҳайрон бўлди.

- Жўл бўлсин, қизим.

Роҳила чайналиб қолди.

- Энди қайтсам дебидим...

Полвон дипломатга ишора қилди.

- Ўнда, манов-чи...

- Кечирасиз...

Роҳила шошиб дипломатни олдига суриб, қопқоғини ёпди-да, қулфлаб ҳам ўтирмасдан эшик сари юрди.

- Яхши қолинг...

- Энди мановиси-чи, оппоқ қизим.

Роҳила ортига ўгирилди. Мудир қўлида бир парча қоғоз ушлаб турарди.

- Аббарсанг, тўртинчи исқаладдан жийирма тонна



бувдой беради. Кип-қизил, сара бувдой. Адашма. Барини жазиб қўйганман. Ўни камбинатга аббарсанг, камида жетмиш прашент ун чиқади, сен олтмиш бешига кўнавер. Фиди-биди килса мени айт. Шелуха-пелухасига кўз тикиб ўтирма, ў ерда ўтирганларнинг тамағи бор. - Шундан кейин бирдан жидий тортиб қолган Ёрлақаб қоғозни илдам юриб келган қизга топшираркан, чуқур нафас олиб қўйгач, деди: - Кўкайингда не дардинг бор билмайман, лекигин ишламан дедингни - бир ишлаб кўр. Ишлагандаям мойини чиқари-иб ишла... Ишам одамнинг дардини олади... Чамаданнинг анови шакафга қўйиб тур, зарар кўрсанг, келиб абкетарсан, пойда кўрсанг биздики бўлади-қўяди-да...

Ҳа, беш кўл баробар эмас...

Ёрлақаб ака янглишмаган экан: комбинатда йигирма тонна сара бувдойдан нақ ўн уч тонна биринчи навли оппоқкина ун чиқариб беришди. Аммо Роҳиланинг ўзи ҳам Бобоёрни ёнига олиб қаттиқ ишлади: «КамАЗ»ларга галла ортишдан бошлаб, ҳар битта ун тўла қопнинг навига қадар шахсан текшириб чиқди. Пўрим либосда, чанг-панга қарамай шахдам қадам ташлаб юрган бу қизни омбордагилар ҳам, ун комбинатидагилар ҳам узок вақт эслаб юришди.

Дўконларда бир кило уннинг нархи энди йигирма сўмга кўтарилган пайтлар эди. Роҳила ўн уч тоннанинг ҳаммасини кўтарасига ўн олтидан бериб юборди. Жами тушум 208 минг сўмни ташкил этди. Транспорт, ортиш-тушириш харажатлари, йўлда ДАН ходимларига берилган пуллар қўшиб ҳисоблаганда 17 минг атрофида бўлди. 120 минг, фурсати келмаган бўлса-да, Салтанат опа учун ажратилди. Шундай «ажрат-қўрат»лардан қолган соф фойда 71 мингни ташкил этди. Уч кун ичида бир олам пул! «Зўр-ку бу бизнес!» деган фикрни кўз тегиб қолишдан чўчигандай-овоз чиқариб айтолмаган Бобоёр кўнглидан ўтказиб қўя қолди.

Узоғи билан бир ой ичида «ун операцияси» яна уч марта такрорланди. Бувдой чанги, ун комбинатининг тўзони ичида юравериб Роҳиланинг юзи қорайиб кетди, пул санайвериб Бобоёрнинг қўллари қадоқ бўлди. Лекин шунча заҳматга яраша еган-ичгандан ҳам ташқари соф фойда 250 мингдан сал ошди.

Иккала томон ишчиларию турли даражадаги раҳбарлари буларни яхши таниб қолган, ҳатто йўлдаги ДАН ходимлари ҳам олатаёқ кўтарилса-кўтарилмаса албатта тўхтаб, қуюқ салом-алиқ қилиб кетгани чоғда «беихтиёр» қафтлари орасида иккита «юзталиқ» пайдо бўладиган (бу Роҳиланинг мактаби таъсири эканини улар қайдан билишин!) Бобоёрни кўрди дегунларича юзларига табассум қалқадиган бўлиб қолган кунларнинг бирида Роҳила бу ишни тугатиш лозимлигини эълон қилиб қолди. Йигитнинг қайта-қайта ижикилаб сўрайверганидан сўнг ниҳоят очигига кўчган қизнинг эътирофидан маълум бўлдики, ҳар қанча «қизим, қизим» деб қўллагани, кўмак бергани билан Ёрлақаб аканинг галла захираси ўз-ўзидан тўлиб қолаверадиган «очил дастурхон» эмас, вақти келиб - бу тез кунларда рўй берса ажаб эмас - тугайди. Бунинг устига, дасти узун-узун не-не харидорлар мудир атрофида хира пашшадай гингиллашиб, бувдойнинг килосига олти, ҳатто саккиз сўм таклиф қилиб туришган бир пайтда ҳадеб Ёрлақаб аканинг саховатпешалигини суистеъмол қилавериш ҳам инсофдан эмас. Иккинчидан, ун комбинатида ҳам не бир димоғидан эшакқурт ёғадиган норасмий хўжайинлару хўжайинчалар борки, уларнинг бурни остидан ёғли луқмани мунтазам равишда олиб кетаверсанг, бир-икки индамагани билан, бир кун келиб тўнни тескари кийиб олишса борми... Ёрлақаб акаки улар билан ўйлашиб муомалада бўлгач... туяни шамол учирса, эчки қаерда пайдо бўлиб қолиши ўз-ўзидан аён... Умуман, қатта пул бор жойда ўйин ҳам қатта бўлади. Баъзан дастлабки кичкинагина ютуқ билан кифояланиб, жуфтакни ростлаб қолиш ҳам мардлик ҳисобланади, шунда ҳеч қурса бировларнинг жиғига тегмасданок, иссиғида қорангни ўчирган бўлиб чиқасан...

Хуллас, инсоф сари барака... Айниқса иш энди-энди бошланган дастлабки кезларда ортиқча тиши кескирғаним орттиришнинг асло ҳолати йўқ...

Ўзиям айтолмай қийналиб юрган эканми, Роҳиланинг бу сафар бувдой сўраб эмас, хайр-хўшлашиш учун келганини эшитганида бирдан букчайиб қолган, ўз ожизлигини тан олишдан ор қилаётган девдек қийналиб кетган Ёрлақаб аканинг мижжаларига ёш қалқди. Сўнг, қизгин миннатдорчилик билдираётган қизга термулиб турди-турди-да, ўрнидан оғир кўзғалиб, столни бир амаллаб айланиб ўтганча унинг қаршисига келди. Охири, Роҳила шакарғуфторликни тугатгач, Ёрлақаб ака паншахадек баҳайбат қўллари билан унинг бошидан оҳиста ушлаб, пешонасидан ўпиб қўяркан, овози қалтираб:

- Қайда бўлсанг-да, сов бўл, қизим, - деди. - Ишқиб, бизга ўхшаганларга қайтиб ишинг тушманин.

Яна бир бор хайрлашган Роҳила эшикка йўналган маҳал полвон эслатди:

- Чамаданнинг анови абкет... ичига ишқалат соб қўйганман...

Ташқарига чиқиб, машинага мингандан сўнггина кўнгли бузилиб кетган Роҳила «ишқалат» қанақалигини билишга қизикиб дипломатни очди. Унда қиз биринчи гал олиб келган 100 минг сўм пул тахи бузилмай турарди.

Роҳила дипломатни ёпасола ичкарига ошиқди. Аммо котиба бу гал «прокуратура вакиласи»ни кабинетга қўймади. Унинг айтишича, мудир: «Ҳатто Ҳокимнинг ўзи келсаям олдимга киритма!» деб қаттиқ тайинлаган эмиш...

Орадан уч кун ўтиб, тасодифан йўлда учрашиб қолишганда қиз шоша-пиша машинадан дипломатни олиб тушиди, аммо бир томони оғиб кетган «Волга»нинг эшиги очилмайдиган томон деразасидан ялтироқ қалласини аранг чиқаришга муваффақ бўлган Ёрлақаб ака:

- Қизим, - деб кичкирди узокданоқ койинганнамо оҳангда, - оталиқ қилиб, битта ишқалат абберсак абберибмиз-да, шуни энди буйтиб ҳар жерда кўз-кўз қиб ўтириш шартма?..

Роҳила гарангсиз жойида тўхтаб қолди. Пайтдан фойдаланган Ёрлақаб ака ҳайдовчисининг елкасига қокди - машина оғир танк мисоли зўриқиб ўрнидан кўзгалди-да, йигирма-ўттиз қадамдан кейин равон юриб кетди...

Ҳа, беш кўл баробар эмас...

Сўнгрок, орадан ойлар ўтиб, мунтазам равишда ўзгариб турган раҳбарлар инжиқликларидан келиб чиққан ҳолда нечанчидир бор ишдан бўшатилиб, яна нечанчидир бор жойига қайта тайинланган Ёрлақаб ака хизмат кабинетида Роҳила ўз вақтида жуда тез фаҳмлаган «норасмий хўжайинча»лар билан навбатдаги «машварат»ни бошлаётган маҳал туйқусдан ҳалигина котиба қиз ташлаб кетган газета саҳифасидан ўзига маъносига термулиб турган «кўкайида недир дарди бор» кизни кўриб қолади. Ҳамишагидек, ўз вақтида ўзи чоғ қилиб юрадиган мудир ёйилиб илжайиб қўяркан, бир саҳифалик мақоланинг уер-бу еридан «чўкилаб-чўкилаб» ўқишга тушади. Янада кейинрок, ўшал йиғинда ҳозир бўлган ҳурматли зотлардан бири хайратларга тўлиб сўйлаб юрадики, Ёрлақаб ака ҳамманинг кўз ўнгида бирдан қоп-қорайиб кетиб, яраланган арслон қиёфасига қиради-қолади. Сўнг газетани гижимлаб-гижимлаб бурчакка улоқтириб юборгач, одоб сақлаб жимгина ўтирган сипо ҳаммаслақларга бир муддат меровисраб туради-да, баногоҳ жон жойига чаён ниш ургандай сапчиб ўрнидан туриб кетаркан, қорнига такалиб қолган улкан эман столни ағдариб юборади. Ундаги ноз-неъматлар, ширинликлар ўтирганлар устига сочқидай сочилади. Бироқ бу билан қаноатланмаган «кутурган дев» - зеро, янада кейинрок ўшал йиғинда ҳозир бўлган бошқа бир ҳурматли зот Ёрлақаб акага худди ана шундай таъриф беради - ҳаммасига асосий айбдорни топгандай важоҳатда столни азот азот кўтариб олиб ерга уради. «Айбдор» бўлак-бўлақларга ажралиб-синиб, парча-парча бўлиб кетади. Юраги заифрок ҳаммаслақлар хонадан пусибгина чиқиб кетишга улгуришади, қолганларини эса кўзига ҳеч нарса кўринмаётган, қулоғига ҳеч қандай гап кирмаётган «кутурган дев» ростаканига олдига солиб қувалаб,

қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлганларни туртиб-итариб ҳайдаб чиқадию, эшикни ичкаридан қулфлаб олади, ички телефон тутмасини босган котибага эса «Ҳокими келсаям олдимга қўйма!» дея ўшқириб беради. Шундан кейин гандираклаб жойига қайтган полвон ўн пудлик гавдасини махсус ишланган курсига ташлайди-да, бошини маҳкам чангаллаганча оғир ўйларга толади. Ёрлақаб ака бундан анча фурсат бурун ҳам хонасини ичкаридан қулфлаб олиб, ҳеч кимни қўймаганини эслайди. Аммо унда полвон мийғида жилмайиб, столни дўмбира қилиб чертганча, ҳатто бир таниш қўшиқни димоғида хиргойи қилишга уринган аҳволда ўтирган. Энди эса... Полвон оғрик турган миясини маҳкам чангаллайди. Шунда... Ёрлақаб ақанинг чўл шамоллари қорайтирган, турмуш ташвишлари эса сон-саноксиз излар солиб ташлаган мижжаларига катта-катта икки томчи иссиқ кўз ёши думалаб тушади...

Роҳила энди ўзини вексел операцияларига урди.

Шу ўринда озгина изоҳ бериб ўтиш зарурати туғилади чоғи. Гап шундаки, биз қаламга олаётган воқеалар юз бераётган маҳаллари, гарчанд вексел тизими ишга тушганига анча бўлган эса-да, ҳар бир операция, ҳар бир вексел олди-бердиси банк тасдиғидан ўтмасди (махсус қарор кейнрок чикди). Бу эса, ўз-ўзидан аёнки, турли молиявий қаллобликларга йўл очиб беради. Айниқса катта-катта шаҳарларнинг йирик банклари олдида бир қўлда муҳр, иккинчи қўлда қимматбаҳо вексел қоғози кўтарганча «Сизга қанақасидан, қанча керак?» дея енг-шимариб турган олғирларнинг даври келган кунлар эди. Айтайлик, бир кунда ўн миллион сўмлик вексел харид қилиб, сўнг устига ўзингизнинг арзимаган бир фоизингизни қўшиб сотиб юборсангиз бас - юз минг сўмни қуртдек санаб олиб турибсиз-да. Бундай шароитда қўлда нақд пул ўйнаган ишбилармон борки, вексел ўйинларида иштирок этиши табиий бир ҳол, таъбир жоиз бўлса бозорнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, яъни талаб бор жойда таклифнинг пайдо бўлиши эди...

Излаган - топади. Роҳила билан Бобоёр ҳам эринмасдан сўриб-суриштириши, тадбиркорман деб гўлдайиб юрганларнинг суҳбатларида иштирок этиши, ўзларини соддаликка солиб, турли саволлар бериши, керак жойларда тўкин дастурхон харажатларини сира оғринмасдан кўтариши, ҳуллас, саъй-ҳаракатларнинг тўқсон фоизи ҳавога совурилган тақдирда ҳам, қолган ўн фоизи эвазига ишбилармонлар ўзаро «қайнарбулок», «қоғоз склади» деб атайдиган вексел сотувчи дастлабки манбаларни аниқлашди.

Роҳила бошламасига «Тошкентда ишлайдиган, бу ерга бир-икки борм келган фалончи ақанинг шериги» сифатида бориб, олис бир тумандаги пахта тозалаш заводи бош ҳисобчисидан нақд икки юз мингта тўрт юз минг сўмлик вексел сотиб олди. Эртаси кунийёқ шаҳарда 56 фоиз нақдига сотилган бу векселлар 24 минг сўм соф фойда келтирди. Кейинги гал олиб келинган векселлар мавқеи баландроқ «Пахтабанк»ники экан, шунинг учун сал қимматроққа сотилиб, соф фойда яна олти мингта ошди.

Ҳисоб-китоб жуда аниқ олиб борилар, ҳатто бензин ва ейиш-ичиш харажатлари ҳам сўм-сўмига қадар қайд этиларди. Майда-чуйда чикимлар учун чўнтакда ҳамиша уч-тўрт минг турса бас эди. Шуларнинг бариси чегириб ташланганда, қандайдир бир ойнинг нари-берисидан «вексел олди-сотдиси»дан қолган соф фойда 286 минг сўмни ташкил этди.

Минг-минг пулларга каттароқ мақсадга эришиш йўлидаги мажбурий восита деб қараётган, ҳатто баъзан шайтон кўнглига қутку солган дамларда ҳам уларга суқланиб қарамасликнинг урдасидан чиқаётган Роҳила ана шундан кейин вексел операцияларини бироз тўхтагиб туришга қарор қилди. Илло, қизнинг вужудида бир савки табиий мудом сергак ҳолда ишлар ва ақл-хушни йўқотар даражада берилиб кетиб, ўзгаларнинг ноҳолис назарига тушиб қолмаслик учун ўйиндан қачон чиқиш лозимлигини бехато айтиб турарди...

Пахта йиғим-терим мавсуми энди-энди авж ола

бошлаган кунлар эди. Маҳаллий раҳбарлар бу тадбирга аҳолининг кўпроқ қисмини жалб этиш мақсадида, анчадан буён олинмай келинаётган маошни нақд пул тақчиллиги сабабли чек кўринишида тарқатишга фатво бериши. Албатта, истаган иқтисодчи нақд пул ва чек ораларига баробарлик белгисини қўйиши ва буни бир зумда исботлаб ташлаши ҳам мумкин. Аммо назария бошқа, ҳаёт бошқа. Ўзингиз ўйлаб кўринг, деярли юз фоиз хусусийлаштирилган дўконлар молни асосан отчопардан келтирса, у ерда чек ўтмаса... Чек деганларини тўёна қилиб бўлмаса - уят, ахир; мол бозорига-ку иқтисодий тараккиётнинг янги унсурини умуман йўлатишмади. Қўлидаги чекка дўкондан бедадан фарқи йўқ хитой кўк чойидан бошқа нарса оломаган деҳқон ё хизматчи энди тадбиркорга бош уриб боради: «Оладиганингни ол-да, нақд пул қилиб бер...» Айнан шуни кутиб турган ишбилармон ўзини тарозига солиб-солиб, охири катта мурувват кўрсатаётгандай, мисол учун минг сўмлик чекни олиб, эвазига 700 сўм қайтаради... Бундай мижозлардан кунига ўттиз-қирқтаси келиши мумкин. «Тадбиркор» энди нима қилади? Чекларни йиғиштириб олади-да, марказга бориб, бирон таниш дўкондорга топшириб, минг сўмига 850 ёки 900 сўм олиб кетаверади. Қоғоз чекини нақд пулга айлантирган мижоз ҳам, воситачи «тадбиркор» ҳам, шаҳардаги дўкондор ҳам - бир сўз билан айтганда, ҳамма хурсанд.

Роҳила бошламасига каттагина бир дўкон мудирдан 200 минг сўмлик чекларни 160 мингта олди-да, шаҳарга обориб 180 мингта сотди. Бироқ 20 минглик фойдадан унчалик кўнгли тўлмади, ҳар қалай, андак мулоҳаза юришиб кўргач, бошқа йўлини синаб кўришга аҳд қилди. Қиз кейинги сафар бир йўла умумий қиймати 300 минг сўмлик чекларни 240 мингта олгач, тўғри шаҳарга борди-да, бир қорхонанинг ўзидан 300 минг сўмлик чойнак-пиёла, керза этик, фуфайка, стакан, самовар, шам харид қилди. Кейин буларнинг барисини катта машинага юклаб, чўл ҳудудидан жойлашган хўжаликларга олиб келди. Майдони катта, ишчилари камлиги боис шаҳарлик хашарчиларни қутаётган хўжаликлар раҳбарлари жон-жон деб бу маҳсулотларга харид бўлиши. Одатдагидек банкдаги ҳисоб рақамлари бўм-бўшлигидан раҳбарлар маҳсулотлар ҳақини фақат векселда тўлаш имкониятига эга эканлигини билдириши. Роҳила шахсан танлаб-танлаб, сўндирилиш арафасида турган «Пахтабанк» векселларини олди, холос.

Ҳуллас, 300 минг сўмлик чекка олинган маҳсулотлар 500 минг сўмлик векселларга сотилди. Бобоёрнинг назарида, қиз шу сафар янглишгандек эди. Зеро, ўша 260 минг нақд пулнинг ўзига ҳеч қандай югур-югур, галва-палвасиз ҳам бемалол камида 520 минглик вексел сотиб олса бўларди-ку,

Аммо Роҳила бу сафар ҳам арқонни узун ташлаган экан.

Роҳила аввало ҳар бир хўжалик олган нарсаларини шартномада биттама-битта кўрсатишини талаб қилиб туриб олди. Шундан кейин шартномаларнинг ҳаммасини ва шаҳардан нақд 300 минглик маҳсулот харид қилинганлиги ҳақидаги хужжатларни жамлаб қўйди. Бу қадар қоғозбозлик сабаби эса тез орада маълум бўлди.

Кейинги ҳафта муддати тугаб, Роҳиланинг фирмаси ҳисобига сўндирилган 500 минг сўм пул шундайлигича Низом жамғармасига ўтди-кетди. Ҳолбуки, 300 мингта мол олиб, 500 мингта сотган ҳар қандай ташкилот орадаги 200 минг фойдадан дастлаб қўшимча қиймат солиғи, сўнг даромад солиғи тўлаши керак эди. Бу миқдор 90 минг атрофида бўларди. Лекин Роҳила иқтисодий устомонлик ишлатиб, бир тийин ҳам солиқ тўламасликнинг эвини қилди. Яъни, Роҳила шаҳардан 300 минг сўмлик мол нақд пулга олинди деган хужжатга «ушбу харид шахсий жамғарма ҳисобидан бўлди» мазмунида далолатнома тиркаб қўйди. Натижада тушумни тўлалигича Низом жамғармаси ҳисобига ўтказиб юбориш имконияти туғилди...

Кейинги сафар хашарчиларни боқолмай, бошини қаерга уришни билмай юрган бир хўжалик раҳбарига ёрдам берилди. Роҳила вилоят марказида 200 минг сўмлик



ёғ-мой, гўшт, шакар, макарон сотиб олиб келиб берди-да, хукулат махсус пахта терими учун деб берган векселларни аллақачон сотиб еб юборган раҳбардан мол айирбошлаш асосида kilosини беш сўмдан ҳисоблаб, 40 тонна бугдой олди. Қизик, уруликка деб олиб қўйилган, энг сара нав бўлиши талаб этиладиган бу бугдой Ёрлақаб аканинг фақат устигина ёпик шийпониди сочилиб ётадиган сифатсиз ғалла қаторида эди... Шундай бўлсам, бир-икки сўм қўшимча хизмат ҳақи олган комбинатдаги эски таниш-билишлар ўттиз тонна биринчи нав ун чиқариб беришди. Роҳила буням кўтарасига 16 сўмдан сотиб юборди. Умуман, барча харажатлар чегириб ташлангандан кейин ҳам, Бобоёрга ҳайрат бармоғини тишлатиб, 200 минг сўм пул бир ҳафта ичида 430 мингга айланди-қолди.

Албатта, оёғи олти, кўли етти бўлиб чоп-чоп қилганларида ҳам бирча ишларга бош-қош бўлиб туриш иккаловига оғирлик қиларди. Шунинг учун ўзаро маслаҳатлашиб, Акбаралини ҳам фирмага олишди. Лекин «Икки киши билгани - сир, уч киши билгани - ҳамма билгани» деган нуқтаи назарга қатъий амал қиладиган Роҳила янги ходим тижорат найрангларига аралашмаслиги керак, деган шарт қўйди. Гарчанд ўн минг сўм ойлик маош белгиланган, бунинг устига «ўзига яраша обрўга эга фирмамизнинг мавқеи шуни талаб қилади» деган баҳонада яхши кийим-бош олиш учун олдиндан ебкетарга яна шунча пул берилган бўлса-да, дарҳақиқат, Акбарали анча пайт фақат ҳайдовчилик қилиш, юкларни кўриқлаш, ортиш-тушириш, қандайдир шартномалар учун қандайдир биноларга кириб кетадиган Роҳила билан Бобоёрни машинада кутиб ўтириш билангина машғул бўлди, холос. Аввалига ёши ўздан кичик қиз боланинг сал фармонбардорроқ муносабатда бўлишдан ғаши келган Акбарали, айниқса кўлига жарақ-жарақ пул тушиб тургач, худди шундай бўлиши керакдай, Роҳилани эса каттароқ амалдорнинг эркатой кизи, бу ишларни кўнгил хуши учун илиб юрибди деган хулоса таъсирида воқеаларни табиий йўсинда қабул қила бошлади.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил. Шохиди юрган киши ўздан-да устомонроқлар баргида юриши эҳтимолини унутмаслиги лозим. Роҳиланинг барча ишлари ҳамирдан қил суғургандай ўнғай кечмаётганди, олғир кимсалар унинг кўзини шамғалат қилиб, насибасини юлиб олмоқ қасдида юришар ва, энг ёмон томони, баъзан буни эплашарди ҳам.

Майла-чуйда алдам-қалдамларни қўйиб туриб, йириқларигагина ўтсак. Дастлаб Роҳила кўпчилик «Сулаймон бобо» деб атайдиган Соломон Соломоничнинг макрига учди. «Қизимка-қизимка»лаб оғзидан бол томадиган, жуссаси кичкинагина, ёш боладай пишираб юрувчи, суҳбат асносида дамо-дам мижозларининг елкасидан кучиб-кучиб қўядиган етмиш ёшлардаги Сулаймон бобо икки марта ҳеч савдолашиб ўтирмасдан, яхшигина фойзага йирик микдорда вексел сотиб олди, учинчи гал эса 300 минг сўмни ишониб, ҳеч бир ҳужжат-пужжатсиз олдиндан бериб қўйди... Алоҳа, тўла ишонч қозонгач, «Фурсат етди» деган қарорга келган шекилли, ғалаба нашидасини аввалдан илғаб, кўзлари чакнаётган чопағондай ишонч билан: «Жудаям фойдали битим бор, бир ҳафтада камид 80 фойз бераман» дея қиздан 600 минг сўмлик сўндирилиш арафасида турган векселларни олиб қолди... Беш кундан кейин Роҳила тасодифан Сулаймон бобонинг Москва орқали Исроилга учиб кетганини, беш-олти киши бутун шаҳарда изғиб, уни излаб юрганини эшитиб қолди... Маълум бўлдики, аллақачон уй-жойни сотган, янги паспорт ҳам олиб улгурган айёр чол аслида ўзи йўқ фирманинг муҳри билан Роҳилага ўхшаган гўл тадбиркорлардан алланечтасини лақиллатиб юрган экан.

Қолди қатикнинг пули...

Роҳила йиғлади-сиктади, қарғанди, чол билан танишган кунига минг лаънатлар ўқиди - лекин, тўйдан кейин ноғорадан не наф...

Иккинчи сафар Роҳилани кўппа-кундузи, кўпчилик кўз ўнгида шилиб кетишди. Қиз энди машинадан тушиб, бегона қўл очишга уринса дарҳол сигнал чалиб юборадиган

дипломатидан фирмаси муҳрини олаётган маҳал тўсатдан осмондан тушгандай ёнида пайдо бўлиб қолган, ишбилармонлар доирасида ўралашиб юрадиган Жо лақаблай ўн олти-ўн етти ёшлардаги она суғи оғзидан кетмаган узун сочили, катта қора кўзойнак тақиб олган йигитча ғоят тақаллуф билан эгилинқираб: «Сори, мадам», деди-да, Роҳиланинг анграйиб қолганидан фойдаланибми, баайни моҳир изкувар ашёвий далилларни текшираётгандай эҳтиёткорлик билан пианиночиники сингари узун-узун, нозик бармоқлари учиде векселларни битта-битталаб олиб, нечукдир ёруққа солиб кўра бошлади. Сўнг, дунёнинг жами ташвишларидан зериккан қиёфада беҳафсала уф тортиб кўяркан, энг биринчи бўлиб кўрган 100 минг сўмлик векселни яна қайтиб олди-да, шу алфозда, бемалол, шошилмасдан нарироқда турган «Форд» машинаси томон кетаверди.

Ўзига келган Роҳила дипломатни Акбаралига тутасола жон ҳолатда Жонинг орқасидан чопди, Бобоёр унга эргашди. Аммо, худди шундай бўлишини билгандай, «Форд»дан чиқиб келган қорувли, ҳиссиз башаралариданок ҳеч нарсадан тап тортмасликлари кўриниб турган паҳлавонкелбат уч кўриқчи қиз билан йигитнинг йўлини тўсишди. Улардан бири ўзини айланиб ўтишга уринган Роҳиланинг билгидан маҳкам чанғаллаб олганча юзини қизнинг юзига яқинлаштириб вишиллади:

- Қоғозинг керак бўлса, кечкурун фалон ресторанга бор!

Хушёр кўриқчилардан иккинчиси ёрдамга отилган Бобоёрни кўз илғамас тезликдаги бир зарб билан икки қадам орқага учуриб юборди.

Бу орада Жо деганлари эсон-омон ўтириб олгач, машина оҳиста ўрнидан кўзгалди. Орқадан етиб келган «Опел»га кўриқчилар жойлашишди.

Оғиз-бурни қонга беланган, тиши синган Бобоёр ҳовлиқиб етиб келган Акбаралининг кўлига суяниб ўрнидан турди...

Шу билан юз минг ҳам кетди қулогини ушлаб. Айтилган ресторанга бориши хаёлига ҳам келтирмаган Роҳила таниш-билишларидан эҳтиётқорона тарзда бир-икки суриштириб кўргач, яхшиси Жо билан олишмаган маъқул деган жўяли қарорга келди. Қолганининг баракасини берсин...

Рўй берган бу икки ҳодиса, айниқса ўн кун ичида 700 минг сўмдан айрилган Роҳиланинг чўлдек озиб, жизғинаги чиқиб кетгани Акбаралига бошқача таъсир қилди. У, аввал ўйлаганидек, бошлиғи қўлини қаерга узатса етадиган, эркатой қиз эмаслигини англаб қолди. Шу билан бир қаторда ўзига, жўраси Бобоёрга нисбатан шунча ҳиммат кўрсатаётган Роҳилага недир хизмат қилиш, ўзининг ҳам яхшиликни унутмайдиган, қўлидан бир нималар келадиган одам эканлигини намойиш этиб қўйиш умидида қандайдир ҳаракатлар қилиб, қандайдир йўллар излай бошлади. Ҳолбуки, кейинги воқеалар айнан Акбарали қош кўяман деб кўз чиқарганини кўрсатди...

Пул - одамнинг жигаридан бўлган, дейишади. Балки шу сабабандир, пул аччиги - жон аччиги ҳамдир. Кўл силтаб кўя қолишга ҳар қанча уринса-да, гоҳо-гоҳо, хусусан эсига тушиб қолган лаҳзалари аламнинг зўридан ўзини қўйишга жой тополмай қолаётган Роҳила охир-оқибат бундай аҳволда жинни бўлиб қолиши ҳеч гал эмаслигига ақли етди, ишқилиб, хумордан сал чиқиб олиш қасдида бир кун, олатига хилоф равишда, режа-пежа тузиб ўтирмасдан, йигитларни шаҳарга бошлади ва Акбаралининг пайвандчи эканлиги кўл келиб, қиз ўзича барча ғавжою талотўпларнинг бош сабабчиси ҳисоблаб келаётган «Гулноз» фабрикасининг бош директори Имомқул Арслонович Арслоновнинг ўғли истиқомат қиладиган хонадонни «чил-чил қилиб» келди... Бундай андақкина «буг чиқариб олиш» фойдадан холи эмас шекилли, шундан кейин қиз сал ўзини босиб олиб, хотиржамроқ фикрлашга ўтди...

Бирок кўпларнинг ҳамёнини қаппайтирган йиғим-терим мавсуми оёқдай борган сайин, осмондан пул ёғиладиган «олди-сотди»лар ҳам ўз-ўздан барҳам

топаверади. Энди кундалик оғир, тийинни тийинга уриб, сўм ҳосил қилинадиган юмушлар бошланди...

Туман миқёсида ўтказилаётган аукцион - «ким ошди савдоси»да фирма вакили сифатида қатнашган Бобоёр умрида илк бор «лот» аталмиш таёқчани кўтарди ва шаҳар чеккароғидаги уч гектар ерни 260 мингга сотиб олди. Янги йилдан кейинги бир-ой қирқ кун муддат бу жойни тоғ-тоғ ахлатлардан тозалаш, атрофига эса юз минг сўмлик чўян панжара ўрнатиб чиқишга кетди. Бу орада Роҳила шаҳардаги хўжалик ҳисобиди ишлайдиган бир институтга 70 минг сўм пул кўчириб, замонавий трикотаж фабрикаси лойиҳасини чиздириб келишга улгурди. Унда, қиз талабига кўра, Россия ҳамда Германияда ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, линияларга асосланган замонавий технология қамраб олинганди. Зотан, немисчалаб тузуккина чуғурлашадиган Роҳила бу масалада шахсан Германияга бориб келишни, ҳеч бўлмаса бу мамлакат етакчи фирмаларининг Тошкентдаги ваколатхоналарига учраб, ўйлаган режасини амалга оширишни мўлжаллаб юрарди.

Табиийки, ҳозирча хориж билан алоқа қилишнинг энг ишончли воситаси - пахта толаси. Ушбу оддий ҳақиқатни англаб етган Роҳила чўл худудидаги сал замонага мос тарзда фикрлашга ҳаракат қилувчи хўжалик раҳбари билан юз гектар пахта майдонини беш йил муддатга ижара олиш юзасидан шартнома тузиб қўйди. Шартномага биноан, фирма инвестиция, яъни маблағ, ўғит, техника ташвишини ўз зиммасига олар, бунинг эвазига етиштирилган режадаги ҳосилнинг қирқ фоизини, режадан ошигининг эса ҳаммасини эркин сотиш ҳуқуқига эга эди. Гарчанд сал ҳосили пастроқ жойдан ажратилган бўлса-да, Роҳила елиб-югуриб, икки юз мингга яқин пул сарфлаб куз палласиёқ ерни чуқур ва сифатли ҳайдатиб қўйишнинг иложини топганди. Янги йилдан кейин эса ойига икки минг сўм маош олиб ишлашга жон-дили билан рози бўлган тўрт маҳаллий деҳқон аллақачон яхоб суви қуйишни бошлаб юборишганди. Умуман олганда, бу соҳада ишлар ёмон эмасди.

Бироқ ер то кузга қадар юҳо аждаҳога ўхшаб тинмай талаб қилгани-қилган: бер, бер... Битта янги тракторнинг баҳоси икки миллион атрофида бўлгандан кейин, қолганини ҳисоблаб ўтирмаса ҳам бўлар... Бу ёқда фабрика қуриш учун олинган жойда ҳам маблағсиз бир иш қилиб бўлмайди. Гарчанд ернинг дастлабки бадали тўланган бўлса-да, қолган миқдорни ўтказиш муддати ҳам қалеммай етиб келади-қолади...

Чиким қиримга яраша бўлмагач, не машаққатларда йиғилган уч-тўрт сўм сармоя таги кўриниб қолди. Бундай шароитда Миллий банкда валюта ҳисоби очиш ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгули эди, бааини сичқон сифмас инига, деганларидек... Тўғри, қандайдир «фондлар»у «нал»лар деб юригиладиган бошқотирмаларни амалга ечган Бобоёр ароқ заводига чиқишга уришиб кўрди, лекин Роҳила савдо-сотик, айниқса ароқ бизнеси ҳақида эшитишнинг истамади. Спиртли ичимлик ва тамаки сотиш орқасидан келадиган фойдани қиз одамлар кўз ёши, бахтсизлиги, хасталиги эвазига пайдо бўладиган қон юкли ҳаром пуллар деб ҳисобларди...

Пул топишнинг йўллари йўлайвериб боши ғовлаб кетган Роҳила яна ўзини тижоратнинг алдам-қалдам йўлларига урди.

Киз бир нарсага эътибор берганди: номаълум йўлар билан «деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси»ми ёки бошқача номдами аталадиган хўжаликни қўлга киритган айрим янги раҳбарлар - эҳтимол, қилган сарф-харажатларини чиқариб олмақ қасдидами - тезликда ва кўпроқ нақд пул топишнинг пайида бўлишади. Гаплашиб қолинганда-ку, тахлаб ташланадиган сабаблар ҳам бисёр: комиссия деганининг кети узилмайди, уларнинг барисининг кўнглини овлаш керак; вазирликдан ҳафта-ўн кунда вакил келиб туради; кунда-кунора қутилган-қутилмаган меҳмонлар олдида дастурхон ёшиш мажбурияти... Бу дастаклардан қай бири рост, қай бири ёлғон - бир Худога аён, аммо орада уч-тўрт бақовул чўнтагини тўлдириб олади. Одатда, бу ишларнинг механизми жуда содда:

хўжалик бирор фирмага айтайлик, эҳтиёт қисмлар учун пул ўтказайди, ишонч қоғози бериб, гўёки ўша нарсаларни олади ҳам. Аслида эса фирма ҳисобига кўчирилган пулнинг эллик-олтмиш фоизи миқдоридидаги нақдини раҳбарнинг кўлига тутқазади, холос. Буюртмачи юк хати асосида эҳтиёт қисмлар тўлалигача олинди ва фалон-фалон бўлимларга тарқатиб берилди, даб қулинг ўргилсин актни тайёрлаб қўяди. Қарабсизки, ҳужжатлар ҳаммаси жой-жойида, ётиб олти ой текширилса ҳам зиғирча қонунбузарлик топилмайди, қайси тафтишчи далама-дала юриб, қайси деҳқон қанча эҳтиёт қисм олгани билан қизиқарди. Натижада ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверарди.

Баъзи хўжалик раҳбарларининг бесаводларча ҳужжатлар тузишиб, айниқса воситачи фирмалар ўз манфаатларига мослаб тайёр ҳолда олиб келадиган бир томонлама шартномаларни тузук-қурук ўқимасдан, моҳиятига етмасдан гажақдор имзо қўйиб юбораверишларидан ҳайратга тушган Роҳила солини ўзидан чиқариб, уч-тўрт марта шундай операцияларда қатнашди ва оқибатда фирмаси ҳисобига 250 мингга яқин пул туширишга муваффақ бўлди.

Ора-сера мутлақо ақлга сиғмайдиган воқеалар ҳам рўй бериб турарди. Олис тумандаги уч кунлик сафар бесамара ўтгач, хориб-чарчаб, чанга ботиб, дили хуфтон бўлиб қайтаётган маҳаллари Роҳила йўл ёқасидаги дача ёнида машиналар кўлигига эътибор берди. Қизнинг ишораси билан машинани чеккароққа тўхтаган Бобоёр югуриб бориб ошпаздан Содик пиён деган раис улфатлари билан уч кундан буён маишат қилаётганини билиб келди. Гоҳ урилиб, гоҳ сурилиб юрадиган, яна қутилмаганда қайтиб раҳбарлик курсисиди пайдо бўлиб қоладиган бу тўқимтабиат, оғзидан боди-кириб шоди чиқадиган, отаси тенги деҳқонга «сен»лаб мурожаат қиладиган, мўлроқ ичиб олганда эса қўлига эрк беришдан ҳам тоймайдиган, энг «ширин» сўзларидан бири «қаматиб, чиритиб юбораман!» бўлган Содик пиён ҳақида Роҳила бир-икки эшитганди. Миёсига бир шум фикр келган қиз Бобоёрга «уёқ-буёқингизни тўғрилаб олинг!» деди-да, ўзиям дарҳол пардоз-андозни бошлаб юборди...

Хуллас, орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас ораста кийинган, ялтироқ сочлари силлик таралган Роҳила билан ҳатто бўйинбоғ тақишга улгурган, савлат учун елкасига қачондан буён ишламаётган видеокамера осиб олган Бобоёр ўқтам қадамларда дачага кириб боришди.

Дарвозадан ўтиб, ёғоч-тахталардан қурилган, тепаси болохонали уйга яқинлашганлари маҳал Роҳила гандирақлаб чиқиб қириб келган хўппа семиз, ялтироқбош кишига қараб амирона оҳангда:

- Қўлни қаерга ювамиз, ука, - деди.

Ялтироқбош илк зарбаданок тамом бўлди: қисик кўзларини пирпиратиб бир лаҳза қотиб қолгач, «мен... мен... ҳеч...» деб гўлдиради-да, гандирақлашнинг бас қиласола қумғонлар қатор турган томонга чопди, бироқ, қиз тахмин қилганидай, у ерда тўхтаб ўтирмай, тезликни ошира бора дарахтлар орасида ғойиб бўлди.

Худди суратга олаётгандек видеокамерани елкасига қўйиб олган Бобоёр аввал ичкарига қадам босди. Кенг-мўл хонада, шишалар қалашиб ётган дастурхон атрофида тўрт-беш киши хуриллаб-пишиллаб ухлаб ётар, яна тахминан шунча киши ёстиқларга ёнбошлаганларича таом ейилаверганидан турс ёрилай деган қоринларини силаб ўтирардилар. Тўрдаги сап-сарик, гўлабирдай киши, шубҳасиз, раис бобонинг ўзи эди.

Йиғитнинг орқасидан кирган, димоғига гуп этиб урилган қўланса ароқ ва тамаки ҳидидан кўнгли айниб кетган Роҳила:

- Олинг! - дея фармон берди даврани кўрсатиб, - Ҳаммасини олинг! Биттасиям қолмасин!

Ҳар қалай, ҳозирча ёнбошлаб ўтиришнинг уддасидан чиқаётганлардан бир-иккитаси ўринларидан кўзғалишга уриниб кўришди, аммо ошқозонда бетиним қуйилаётган ароқ бор мадорни сўриб олиб қўйган шекилли, буни эплашолмади; яна бир-икки айёрроқлари эса судрала-судрала хонтахта тагига кириб кетишди. Ҳалиям Содик пиён деганлари бақувват экан - ўрнидан тура олди, ҳатто:



- Нима гап ўзи, опа? - деб сўрай ҳам олди, гарчанд тили калтираса-да.

Роҳила яна баланддан келди.

- Содик Содиқович, уч кундан бери кидирамиз, ҳеч қаерда йўқсиз! Контрорангизда бўлдик, ишлар бардак! - Қиз кўрсаткич бармоғини шифтга бигиз қилди: - Мен ҳамма кўрганларим, сизнинг алкашлик қилиб юрганлигиниз ҳақида юқорига отчёт беришга мажбурман! Видеосъёмкани эса кўшиб топшираман!..

- Опажон... - аянчли мингирлади раис.

- Мен сизга опажон эмасман, Содик Содиқович!

Нима, юқоридан келган махсус телефонограммани ҳам олмадим дерсиз ҳали. Айтинг, олмадингизми? - зуғум қилди Роҳила.

Бир ҳафтадан буён идорада қорасини кўрсатмаган раис айбини бўйнига олмади, албатта.

- Олгандик, опажон, олгандик... Узр, ишлар билан бўлиб...

Қиз захарҳанда қилди:

- Кўрдик қанақа ишлар билан машғуллингизни! -

Шундан кейин Роҳила йигитга мурожаат қилди: - Тўражон Пардаевич, раиснинг овозини яхшилаб запись қилиясизми?

«Тасвир»га туширишда давом этаётган йигит бош ирғади.

Типирчилаб қолган раис меҳмонларни босиб-янчиб Роҳиланинг ёнига келди.

- Опажон, опажон... Аввал бир пиёла чой...

«Опа» қошларини чимирди.

- Нима, сиз шу сассик хонангизда чой ичади деб ўйлаясизми бизни?!

Хар калай, ўн-ўн беш йилдан бери турли даражадаги раҳбарлар орасида юриб, ўзаро муомаланинг нозик томонларидан оз-моз вокиф раиснинг кўнглида умид учқунлари пайдо бўлди.

- Йўғ-э, опажон, йўғ-э. Одамни хапа қилманг. Алоҳида жойимиз бор...

Роҳила энгини шимариб соатига кўз ташлаган бўлди-да, кўнгли баттар айниётган боисми, «мушук-сичқон» ўйинини ортикча чўзиб ўтирмасликка қарор қилди.

- Икки соатдан кейин шахсан ўзларига кириб отчёт топширишим керак.

Рангига қон югура бошлаган раис, «тушунадиган» раҳбар тоифасидан эмасми, қўл қовуштириб, меҳмонларни ташқарига бошлади.

Кўнгли бирдан бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолган Роҳила индамай бориб машинага ўтириб олди. Бу ҳаракатдан ўзича маъно уққан раис «Тўражон Парпиевич»ни чеккароққа судрағудай бўлиб олиб ўтгач, унинг чарм курткани чўнтагига бир нималарни солиб қўйди. Шундан кейин, кап-катта, дўпписи тушиб кетса, қўл остидаги ходимларига дўк уриб олдирадиган одам йиғлағудай бўлиб, бола-чақасио неварачеварасига қадар ўртага қўйганча кассетани ташлаб кетишни тиз чўккудай бўлиб сўраб туриб олди. Кассета берилса сир фаш бўлишидан хавфсираган Бобоёр бир муддат ўзини тарозига солиб тургач, ахири «сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам» кабилида иш тутишга қарор қилди ва раис ҳамроҳлигида бориб, аслида бемаза америка жангари фильми тасмага туришидан «ашёвий далил»ни гуриллаб олов ёнаётган ўчоққа ўз қўли билан ташлади.

Хайрлашар чоғи йўл четида эгилиб, ҳамон қўл қовуштириб мусичаи беозор, бузоқнинг ҳақи бор деб, сизир сутини ичмайдиган одам киёфасида турган раисга нафратомуз кўз ташлаган Роҳила нўписа қилиб қўйди:

- Бир-икки ҳафтадан кейин келиб, ишларингизни яна текшираман. Кўзингизга қараб юринг...

Дарҳақиқат, Содик пиён «кўзига қараб, эҳтиёт бўлиб» юрди - идорада узлуксиз уч ҳафта кўриниб, ишларни сал жонлантиргач, «опа бошқа «солик тўловчилар»га чалғиб кетди» деган қарорга келдим, ўрганган кўнгли, яна ўзининг тонготар базмларини бошлаб юбораркан, энди майхўрликни кишилар кўзидан панароқда, баъзи эҳтиёт чораларини олдиндан кўриб қўйган ҳолда ўтказадиган бўлди.

...Дамо-дам афти буришиб кетаётган Роҳила анчага

довур чурк этмай келди. Оғзи қулоғида Бобоёр «раис бованинг индугенцияси» дея узатган беш даста тахи бузилмаган юз сўмликларни бир муддат қўлида бемақсад айлантирган қиз баногоҳ оғир уф тортиб қўяркан, охишта пичирлади:

- Бу пуллар қайси шўрлик дехқоннинг пешона тери эвазига келганийкин...

Илло, Роҳила ҳафта-ўн кун муқаддам икки кеча-кундуз далада тинмай ишлаб, ниҳоят қирқ кунлик келинчаги ёнига ошиғиб қайтган тракторчи Одилжоннинг ортидан етиб келасола оғизга олиб бўлмайдиган ҳақоратлар билан сўкиб, навжувон йигитнинг умрига зомин бўлган ҳўв ўшал бўлим бошқарувчисининг бийдай далада жойлашган дала шийпонидаги қароргоҳида не бир важоҳатда бостириб борган-у, лекин у кишининг бир этак боласи, муштипаргина хотини билан ғарибона, ҳовлидаги тўрт-беш мол орқасидангина қўл учида тирикчилик ўтказётганлигини, шундаям фақат меҳнат қилиш учун туғилгандай, даладан бери келмай, яхоб суви тараб юрганни кўрганида шахиддан бирданига тушган, ҳатто иш деса бола-чақасиниям унутишга қодир бу одамга раҳми келгани...

Йўл бўйидаги тамадихонада ҳам қоғоғи очилмаган Роҳила Ақбарали мақта-мақта олиб келган жигар кабобда қон силкиб турганини кўрди-ю, ранги баттар оқариб кетиб, шарт тескари ўгирилиб олди.

Шу билан кабоб ҳам совуди, иккала йигит журъат қилиб унга қўл уришолмади, қиз эса манзират қилиб ўтирмади.

Чой-нон билан қаноатланилгач, пешонасини эзгилаб ўйланиб ўтирган Роҳила ўз-ўзига гапираётгандай ерга қараб садо берди:

- «Гулноз» хиссадорлик жамиятига айлантирилаяпти экан. Қимматроғига бўлсаям акцияларни сотиб олиш керак. Элик бир процент акция қўлимизда бўлсам... унда фабрикани бошқариш ҳуқуқини қўлга киритардик... Шу билан шуғулланиб кўриш керак...

Ушбу назарий жиҳатдан мукаммал мулоҳаза қизнинг ё чарчаганидан, ёинки барибир амалиётга келганда оқсаётганидан далолат бериб турарди...

Сўнрок, орадан ойлар ўтиб, тинтув ўтказилганда қиз хонасидан арзимаган тақинчоқлар, упа-эликлар, жилд-жилд китоблар, тахлам-тахлам газета-журналлар қатори «Гулноз» фабрикасининг ҳар бирининг қиймати икки юз сўмдан бўлган 216 та акцияси чиқади. Шунда тафтишчилар ҳайрон бўлишади: «Гулноз» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти бўлса, акцияларнинг маълум фоиизи давлат ихтиёрида бўлса, ишчиларга ойлик маошининг бир қисми эвазига мажбуран берилган акцияларни сотиб олмақдан маъни не? Ахир улар фақат исм-шарифи битиб қўйилган ўз соҳибларига дивидент келтиради, бегоналарга эмас. Демак, бу акцияларни харид қилган одам ўз пули эвазига оддий бир парча қоғоз олади, холос; бошқа нарса эмас... Хайриятки, Роҳила ўзининг бу хатосидан беҳабар ҳолда ўтиб кетади; лекин, яна ким билади дейсиз, кейинрок, барибир вокиф бўлгач, руҳи чиркираб қолар...

## ЯҚУН

Роҳила чарчади...

Тун-кун зўриқиб мулоҳаза юритишлар, қайта-қайта ҳисоб-китоб қилаверишлар, фақат ва фақат, қайдан бўлса ҳам пул ва пул топиш ташвишлари, ҳар қадамни аввал минг чамалаб кўргандан сўнггина босишлар, нафақат етти, етмиш маротаба ўлчаб, кейин бир кесишлар, икки-уч кунлаб уйда бўлмай қолгандан сўнг бамисоли бўйинингда оғир гуноҳинг бордай ҳадиксираб, падар кўзига чалиниб қолиш ваҳимасидан юракни ҳовучлаганча остонада титраб-қалтираб туриб қолишлар, ҳаммиша ва ҳар қайда кўнглини бир лаҳзага тарк этмайдиган эҳтиёткорлик ҳислари, бу ёқда Бобоёрнинг ора-сира жовдираб, бироқ унсиз термулишлари - буларнинг бари қизнинг силласини қуритиб, ҳам жисман, ҳам маънан чил-парчин этиб ташлади. Ажабки, чарчок баробарида Роҳилада муголаага бўлган эҳтиёж кучайиб кетди. Энди қиз телевизорга кўпда қарайвермас, урхо-ур, ўлдира-ўлдир кинолар

бошланди дегунча энсаси қотиб ўчириб кўяр ва яна нажот оҳанрабоси янглиг китобларга ёпишарди. Азалдан мутолаага ўч Роҳила энди тинмай, баъзан икки-уч кеча ухламай дунёни, жами муаммоларни унутган ҳолда бирон суюкли асарни қайта-қайта ўқийвериши, қахрамонларга қўшилиб йнглаши ёинки ёш боладай хурсанд бўлиб, кикир-кикир кулиши мумкин эди. Одатда, бундай руҳни андак энгил торттирадиган илоҳий лаҳзалардан сўнг яна тонг отар ва беш кунлик дунёнинг даққионусдан қолган ташвиш-қайғулари босиб келарди. Шунда қиз беихтиёр ширин энтикиб кўяр, бирон овлоқ гўшада, тинчгина, суюкли ёр оғушида камтарингина ҳаёт кечиришни, бориға қаноат қилиб яшашни, тўшакка хотиржам кириб, эрталаб хотиржам уйғонишни истаб қолар, аммо, аллақачон ўз турткиси билан бошлаган улкан кўчкининг ихтиёрсиз бандиси сифатида энди ортга қайтмоққа куч-ирода тополмас, назарида, шундай қилса, ўзи излаган орзу салтанати аслида сароб эканлигини эътироф этиб, азиз сиймонинг руҳи покиға хиёнат қилаётгандек эди...

Ҳа, Роҳила чарчади ва алал-оқибат катта-кичик хатоларга йўл кўя бошлади.

Воқеки, инсон, беадоғ туюлса-да, аслида сарҳадлари мавжуд ўз имкон доирасида ўзлигини намоён этади, холос, анинг хорижиға бўйламак эса таназул ибтидосидир...

Ўйнашмагин арбоб билан... Қўшни вилоят туманларининг биридаги шаҳарчада жойлашган қурилиш техникумига йигирма йилдан бери директорлик қилиб келаётган Донабой Шамсиевич қутилмаганда ана шундай арбоблардан бўлиб чиқди.

Роҳила ижараға олинган ерни текислаётган трактор учун ёқилғини хўжалик ўзининг йўл ва бошқа харажатларини қўшган ҳолда литрини 28 сўмдан ҳисоблаб беришини, ҳолбуки айнан шу ёқилғини вилоят марказидаги бозор биқинида жойлашган шаҳобчадан нари борса 4 сўмдан сотиб олиш мумкинлигини аниқлагач, бир йўла кўпроқ жамғариб кўя қолиш мақсадида шу ерга келганди. Савдо тезда пишиб, 12 тонна ёқилғи хўжаликка юборилгач, азбаройи бекорчиликдан машина бозорига қиришди. Анча «чарчаб қолган» «Жигули» таъмирда эканлиги сабабли Роҳила ўша кунни Тошкентдаги таниши Рам Рамич, яъни Раҳмон Раҳмонович бошқарадиган «Камон» фирмасидан икки ой муддатга ижараға олинган «Виллис»да эди. Бирон билан гаплашганда бурнини қовлаб туришдек беўхшов одати бор кичкинагина, юм-юмалоқ Донабой Шамсиевич тасодифан шу машинаға харидор бўлиб қолди. Унинг айтишича, Зомин тоғларида яшайдиган акасиға худди шундай машина сув билан ҳаводай зарур экан. Роҳила аввалиға тихирлик қилиб турди, сўнг, шайтон васвасасиға учибми, «Мошина перечисленияга сотилади», деди. Директор бунгаям кўнди. Шунда Роҳила шартномада бошқа нарса кўрсатилиши керак, деган шартни ҳам қўйиб кўрди. «Виллис»ға кўнгли кетган директор дарҳол рози бўлди-кўйди. Роҳила ўйлаб кўриб, жавобини эртаға айтадиган бўлди. Шунга келишиб, хайрлашишди.

Роҳиланинг режаси ўта жўн ва айнан шуниси билан фаройиб ҳам эди.

Пихини ёрган тадбиркорлар орасида «чархпалак» деган «ўйин» бор. Соликни имкон қадар камроқ тўлаш ёинки бирон миқдор сармоянинг бош-кетини чувалаштириб юбориш ниятида ўзаро келишув асосида қандайдир маблағ бир қорхонадан иккинчисиға, ундан учинчисиға... ўтказилаверади. Табиийки, бу жараёнда ҳар бир қорхона ўша маблағнинг дейлик уч-тўрт фоизига эға бўлиб қолади. Роҳила аввал уч-тўрт марта бундай «ўйин»да қатнашиб кўрган ва фирмаси ҳисобига 30-40 миң пул туширган эди. «Чархпалак» - қиз тузган режанинг биринчи қисми эди, холос. Иккинчи қисми эса «чархпалак» сўнгтида қолган йириккина миқдорни қарз сўраб юрган фирмалардан биронтасиға қиска муддатга бериб туриш эди. Банкдаги расмиятчиликларға дош беролмаган айрим фирмалар жон-жон деб қатта-қатта фоиз эвазига таниш-билишларидан қиска муддатга қарз олардилар.

Тошкентга кўнғироқ қилиб, Рам Рамичнинг оқ фотиҳасини олган Роҳила эртаси кунийёқ Донабой

Шамсиевичнинг бурнидан бери келмаётган кўлиға 600 миң сўмға тузилган бир томонлама шартномани тутқазди. Қизиги шунда эдики, пул «вақтинчалик фойдаланиб туриш учуш» деб ёзилгани ҳолда на уни қайтариш муддатлари, на устама фоизи, на пул олувчи томоннинг жавобгарлиги ҳақида бир сатрлик ҳам ёслатма, биронта ҳам банднинг ўзи йўқ эди. Аммо «арзимас совға»ни тезроқ акасиға етказиш ниятидаги директор кўзни чирт юмиб, шартномани тасдиқлаб юборди.

Донабой Шамсиевич деганлари анча-мунча қудратта эға экан шекилли, берувчи томон манфаатлари мутлақо ҳимоя қилинмаган ажабтовур шартнома асосида пул эртаси кунийёқ ҳаттоки банкнинг ҳеч бир қаршилигисиз Тошкентга кўчирилди.

Шундай қилиб, «ўйин» бошланди. 600 миң ҳисоб рақамиға келиб тушган кунни «Камон» фирмаси «қонуний» беш фоизни олиб қолиб, қолган 570 миңни кейинги фирмаға ўтқазди... «Чархпалак»ни тўртинчи бўлиб якунлаган Роҳиланинг фирмасиға 514 миң 425 сўм келиб тушди. Роҳила бу миқдорнинг 500 миңгини уч ой муддатда тўқсон фоиз устамасини кўшиб қайтариш шарти билан бир фирмаға қарзға берди. Уч ой катта муддат эмас. Мабодо ўшангача техникум директори тўполон қилиб қолган тақдирда ҳам, унинг қонуний 600 миң сўми қайтариладию, 364 миң сўм пул осмондан тушгандек ёнга қолади. Эҳтимол, Донабой Шамсиевич туширган пулининг бош-кетини тополмай, бурнини қовлаш билан чекланиб кўя қолар - бундай воқеалар учраб туради, ахир - ана унда бир ўқ билан икки қуёлни урган Роҳиланинг ошиғи олчи бўлади: ҳар қалай, салкам миллион сўм - ҳазилакам гап эмас. Илло, тижоратнинг ёзилмаган қонуни шуни талаб қилади: ё остидан, ё устидан; катта тиксанг - катта ютасан; «иш» келганда отангни ҳам аяма...

Қиз, умуман олганда, мантиқан тўғри мушоҳада юритганди, аммо ҳаёт баъзан собит туюлган қонун-қоидаларни ҳам остин-устун қилиб ташлайди...

Роҳила муҳим бир ҳолатни - ҳозирча ишбилармонлар орасида бармоқ билан санарли даражада кам учраб турган ожиза жинс вақиласи эканини, инчунин, бир кўрган кишининг ёдида муҳрланиб қолишини унутганди. Ҳали Донабой Шамсиевич бефаҳмларча тузган шартномаси таъбирини еб Тошкентга боргунча, ой сайин офисини ўзгартириб турадиган Рам Рамични излаб топгунча, «чархпалак»қа тушиб, боши айлана-айлана, мабодо омади келиб, ўзини топиб келгунча орадан камида етмиш-саксон кун ўтади, унғача ҳисобимизға 950 миң тушиб қолади деган тусмолда бемалол юрган Роҳила «ўйин»нинг еттинчи кунни машинанинг ойна тозалагичиға қистириб кетилган «юк хат» орқасиға қинғир-қийшиқ ҳарфларда битилган: «Қизим, эртан молни ташлаб ўтсангиз яхши бўларди. Донабой ақангиз», деган ёзувини ўқиганида аввалиға ҳайратдан донг қотиб қолди, кейин эса бирдан тез-тез уриб кетган юрагига номаълум бир ваҳм кўланқаси кутқу сола бошлади. Афтидан, Донабой Шамсиевич бежиз йигирма йилдан буён директорлик қилиб юрмайди чоғи... Хатчадаги ясама илтифотли-совуққон оҳанг ҳам шундан далолат бериб тургандай.

Кўнғил бежиз ғаш бўлмаган экан.

Эртаси кунни Роҳила ҳеч қаерға бормади: қандайдир китоб саҳифасиға шуурсиз термулганча воқеаларнинг мантикий тадрижини кутди.

Индиниға, номозшом палла уч-тўрт барзанги йигит Бобоёрни машинадан сўғуриб оласола, ўласи аҳволда қалтақлаб кетди.

Роҳила ваҳм билан қутаётган уриш бошланганди. Афтидан, у кимнингдир манфаатиға зиён етказган ёхуд кимдир якка хўжайин бўлган худудға берухсат кириб қолганди.

Мана шундай ташвишли кунларнинг бирида Роҳила иккинчи хатоға йўл қўйди.

Гарчанд маошини ўз вақтида олиб турган бўлса-да, ҳар қалай, сўқир эмас-ку, фирма ишлари орқаға кетаётганини сезиб-билиб юрган Акбарали айниқса Бобоёрнинг қора қонға беланиб, яримжон ҳолда ётганини



кўрганида аламдан дод деб юборгудай бўлди ва «чорасиз чора излар» деганларидек, анчадан буён ҳаёлида пиштириб юрган режасини амалга ошириб, ўзини «салкам чемпион, салкам қора пояс соҳиби» дея таништиришларини хуш кўрадиган Шеркулни шахсий кўриқчиликка ёллик келди.

Муштини силаб, кўзларини қисганча одамга бепсанд боқадиган Шеркул билан Роҳила дастлабки учрашувдаёқ бир-бирларига «ит-мушук» бўлиб қолдилар. Қиз Шеркулнинг нимаси ўзига ёкмаганини тушунтириб беролмас, аммо, барибир, унга олайиб қарагани қараган эди. Шеркул эса ўз навбатида муштдайгина қиз боланинг ўзига буйруқ бериши мумкинлигини ҳазм қилолмас, ичида «Ҳали бир кунингни кўрсатмасамми!..» деб яниб кўярди. Фақат Акбаралининг зўр бериб қилаётган воситачилик ҳаракатларигина иккаловини жижиллашиб қолишдан асраб турарди.

Боши говлаб турган Роҳила кўриқчи ёллашга рози бўлса-да, унинг олдида ҳеч қачон иш хусусида оғиз очмасликни шарт қилиб қўйди. Бироқ бесаранжом бўлиб қолганига қараганда, Акбарали аллақачон у-бу нарсаларни - Шеркулнинг қизиқлигини ошириш учунми - сал-пал кўпиртириброк гуллаб қўйган шекилли...

Ҳаёли қанчалик пароканда бўлмасин, қиз аҳдида қатъий турди - кўриқчи олдида ҳатто арзимаган майда-чуйда юмушларни ҳам тилга олмади, мабодо Бобоёрми-Акбаралини ман этилган мавзу томон тойиб кетишча, кескин қайириб ташлайверди.

Кейинги воқеалар Роҳиланинг бекорга хавотирланмаганини тасдиқлади...

Пулга муҳтожлиги туфайлигина ишга келишга мажбур бўлганини писанда қилишдан чарчамайдиган, гоҳида кун бўйи ғийбатчи хотиндай Роҳилани ёмонлаб ўтиришдан эринмайдиган, тез-тез ўзининг олдинги қахрамонлиқларини, пулдорларнинг жағини эзиб, бир соатда ўн минг, ҳаттоки юз минглаб топгани хусусидаги хотираларни эслай-эслай мияни қоқиб қўлга берадиган Шеркул бошламасига ойлик маошини олдиндан талаб қилиб олди, сўнг, бунгаям қаноат ҳосил қилмай, икки марта катта-катта микдорда қарз сўради. Бир гал эса сўрамай-нетмай машина юкхонасида турган дипломатдаги умумий пулдан бир даста юз сўмликни оласола чўнтагига урдию, ўзини пасткам кўчага урди. Ниҳоят икки кундан кейин соқоли ўсган, кўзлари киртайган аҳволда, вужудидан бадбўй ҳид таратиб қайтиб келди. Ана шундагина Акбарали чинордек бақувват деб ўйлаган кўриқчиси аслида энди-энди наша балосига берилётган ичи пўк тўнка эканини илғади. Роҳила ўз ташвишларига тамомила кўмилган, на ейиш-ичишида, на уйқусида ором бор, мурвати бураб қўйилган кўғирчоқдай тинмай югургани-югурган эди. Ўз хатосини ўзи тўғрилашга аҳд қилган Акбарали юмшоқ муомала билан Шеркулни кузатиб қўйишга уринди, лекин «салкам чемпион» осонликча жон берадиганлар хилидан эмас экан: узр сўраш қаёқда, «керакли жойларга бориб, қилиб юрган ишларингни айтсам-чи», дея пўписа қилишга ўтди. Акбарали тилини тишлади. Зеро, хом сут эмган банда, Шеркулни таклиф қилар маҳал жўшиб кетиб, сал сирлироқ тарздаги: «Кўп зў-ўр ишлар қилаяпмиз! Энди барини айтиб бўлмайдиди!» қабиладаги гаплар билан сал жиловни қўйиб юборгани-да...

Роҳила Донабой Шамсиевичнинг қабулхонасидан тарсаки егандай шалвираб қайтди. «Гаплашармиз, келишармиз, вазиятдан чиқишнинг йўли топилиб қолар» деган илинжларда борган қизни директор қабул ҳам қилмади. Икки соатлик сарғайиб кетишлардан сўнг хузурига чиқиб келган ўринбосар эса: «Донабой ака молни кутаяпти экан», деди совуққина оҳангда.

Ҳа, ўша лаънати «Виллис»ни олиб келиб беришдан ўзга илож йўқ энди. Шунча бирга ишлагани эвазига Рам Рамич кўмаклашар, қолиб кетмас яхшилиги, бир куни қайтар.

Аммо... худо урганни пайгамбар ҳам туртиб ўтибди. Ишбилармонларнинг «манаман» деганлари ўзаро келишиб Роҳилани даврадан, «катта ўйин»дан сиқиб чиқармоққа,

наинки сиқиб чиқармоққа, уриб-сўқиб, ҳақоратлаб ҳайдаб солмоққа чоғланганлар шекилли.

Не-не умидларда, юзида зўраки табассум билан кириб келган Роҳилани Рам Рамичнинг важоҳати бузук, чўтир, авваллариям оғзи шалоклиги билан ажралиб турадиган ижрочи директори:

- Ман сани чиққан жойингга қайтадан тикиб кўяман! - деган сўқиш билан қарши олди.

Кутилмаган зарбадан қиз аввалига довдираб қолди, сўнг бунақалар билан қандай гаплашиш лозимлиги ёдига тушди, зардали оҳангда жавоб қайтарди:

- Арпангни хом ўрдимми, нега бунча осмондан келасан?!

Ижрочи директор жавоб ўрнига столга бир нусха шартнома ташлади. Қиз не кўз билан кўрсинки, Рам Рамич ҳамда Донабой Шамсиевич ўртасида тузилган ушбу шартномага кўра техникум фирмага уч ой муддатда 90 фоиз устамасини қўшиб қайтариш шarti билан 600 минг сўм қарз берганди. Шартнома жуда малакали тарзда тузилган, амалдаги қонунчиликнинг барча талабларига риоя этилган ҳолда, бандлар бажарилмаган тақдирда тўланадиган жарима микдорига қадар аниқ-тиник кўрсатилган. Ҳатто беўхшов имзо шахсан Донабой Шамсиевичники эди - Роҳила таниди. Рам Рамичники-ку, ёд бўлиб кетган. Ажабланарли томони - сана аввали шартноманики... Демак, шартномани алмаштириб қўйишган. Рам Рамичи шунга мажбур бўлган экан...

Курсига беҳол ўтириб қолган Роҳила:

- Менинг бу гаплардан хабарим йўқ, - дея олди шивирлаб.

- Қулоққа лағмон осма! - пишқирди ижрочи директор. - Орага ўзинг тушибсан-ку! Уч-тўрт сўм ишлаб қоламан деб Рам Рамичдай одамни подставлять қилибсан-да!

- Мен тузиб келган шартнома бошқачайди. Мен Рам Рамич билан...

- Короче! - столга залворли муштни қарсиллатиб урди бўйин томирлари ўқлоғдай бўртиб кетган ижрочи директор. - Рам Рамич инфаркт бўлиб балнисада ётипти. Срочно шартномани бекор қилиб, 10 процент неустойкаси билан орқага қайтариш керак. Бу - 660 минг бўлади. 30 та ташлаган экансан. Яна 630 тани беришинг керак.

- Қачон?

- Кеча!

Роҳила эътироз билдиришга уринди:

- Нега энди мен емаган сомсага пул тўлашим керак экан?

Ижрочи директор яна столни урди.

- Тўлама-чи, нима қиларканман!

Роҳила тўтақиб кетди.

- Бақирма! Осмон қўлингда бўлса ташлаб юбор, лекин бақирма! Менга нима дейсан? Шартномани мен тузмаган бўлсам, печатим бўлмасан...

Ховуридан тушмаган ижрочи директор яна уриб юборгудай важоҳатда стол тортмасидан бир варақ қоғоз чиқариб берди. Роҳила Рам Рамичнинг қиз боланиқандай текис дастхатини таниди: «Ҳазиллашиб ўтирманг, охири яхши бўлмайди. Майли, ўша 530 тани қайтаринг, қолганини ўзимиз бир амаллармиз. Лекин келгусида бунақа баландга сакраманг, ҳаммамизни қафангадо қиласиз», деб ёзганди яқин-яқиндагина дўпписи ерга тушиб кетса пул бериб олдиришга тайёр бўлган бечора Рам Рамич...

Кейинги икки кун ёмон босирик туш ичида ўтгандай бўлди. Роҳила на ўзи бир зум тинди, на йигитларни тиндирди. Қарзга берилган 500 минг аллақачон ароқ заводига ўтиб кетган экан. У ёққа чоп, бу ёққа чоп, ялин, ёлвор, дўк ур, «муомала» қил, совға-салом бер, қимларнингдир номини имо-ишоралар билан ўртага қўй... хуллас, 10 фоизлик қонуний жаримаси олингандан кейин қайтиб келган 450 мингга Роҳила ўзининг сўнгги пулларини қўшдию, Рам Рамичнинг ҳисобига ўтказиб юборди.

Бу орада «ким ошди» савдосида харид қилинган, қийматининг бор-йўғи ўн фоизи берилган ер ҳам тўлов муддати ўтиб кетганлиги сабабли қайтариб олиб қўйилди. Сўнрок, орадан ойлар ўтгач, мен қаровсиз, ярим

панжараси аллакачон ўғирлаб кетилган, қолгани эса қийшайиб, синиб ётган, ахлатлар тоғ-тоғ уюлган бу жойда узоқ кездим...

Навбатда машина масаласи турарди. Бир марта оғзи куйган ижрочи директор «Ўламан саттор, насияга бермайман!» деб оёқ тираб туриб олди.

Кўп талашиб-тортишлар, «сен-мен»га боришлардан кейин «Виллис» бир миллион сўмга баҳоланди. Роҳила «Жигули»ни гаровга қўядиган, умумий миқдорни эса инфляция фоизини қўшган ҳолда ижарадаги ер ҳосили йиғиштириб олинди, сотилгандан кейин, тахмини келаси йилнинг феврал ойларида тўлайдиган бўлди.

«Виллис»ни ўзлари олиб кетишди. Бадқовок, индамас кишилар...

Тамонда хонавайрон бўлган, силласи қуриган Роҳила энди сўнги нажот - ижарага олинган ерга зўр бериш керак эканлигини англаб турарди. Ха, ха, ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш керак. Ўзга йўл йўқ. Осмондан чалпак ёғилмайди. Фақат меҳнатгина аёвсиз топталган орзуларнинг қайта қад ростлашига имкон беради. Фақат меҳнатгина кўнглини лиммо-лим тўлдирган алам, нафрат зардобларини йитдира олади...

Куёш чарақлаб турган баҳор кунларининг бирида Роҳила йигитлар билан далага йўл олди...

Ёдингизда борми, қиссамиз аввалида Роҳилани илк бор ёмонотлик қилишга уринган ўзбековуллик Нуриumboй мулла хусусида накл қилгандик. Мухтасарки, айнан ушбу мулла яна воқеаларимиз саҳнида намоён бўлди.

Муллаликда иши юришмаган чаласавод оқсоқол ўзини савдогарликдаям бир синаб қўришга аҳд қилди-да, энди-энди чиқаётган эртаги қовунларни деҳқонлардан арзонига олиб, бетон йўл бўйида қимматига сота бошлади. Йўлда кун-тун уловлар уёқдан-буёққа гизиллаб ўтиб турар, инчунун, мингдан бири тўхтасаям, ҳар нечук, кушлик еб-ичишдан андаккина ортадиган, баъзан эса ҳатто мўмайгина даромад тушиб турарди. Бироқ азалдан чумчук пир этса юраги шир этадиган Нуриumboй мулла ёш-ёш бачаларнинг тегажолқидан, безбетлигидан қўриқиб қолди. Уларнинг қовунни сўйиб еб қўришгани ёнки - валлоҳу аълам! - тарвузининг пишган-пишмаганини билаётгандек қисиб-сиқиб қўришлари бир нави, чидаса бўлар, аммо шундоқ қўлтиққа уриб, ақчасини тўламай жўнаб қолишларига не дейсиз! Оқсоқол пиёда бўлса, бачалар кўликда. Мабодо биронта валакисалангни қувгудай бўлса, қолган қовунга ким қарайди? Ишқилиб, мулла ўйлай-ўйлай, аввалига бир яхшигина, залворлигина ҳасса сотиб олди, кейин, бунгаям қаноат ҳосил қилмай, овулнинг Хўроқул духёлини кўмакка қақирди. «Хўроз!» десангиз бас, иршайиб кулаверади, ўзи ҳўкиздай кучли бу йигитга қорни тўйса бас эди - кун бўйи буюрилган юмушни бажариб юраверарди. Айтишларича, худди шу йигит бир пайтлар жуда бойиб кетган ва ҳаттоки қўш хотинли бўлган экан... Бироқ бу алоҳида мавзу... Оқсоқолга яхши эрмак топилди: савдо йўқ пайтлари духёлни гуруннга тортиб, унинг телба-тесқари гапларидан хузурланиб кулади.

Аммо оқсоқол бир кун кўрдик, бир жуфт оппоқкина, сулувгина, лўмбиллаган ярим яланғоч мочағар қийшанглаб қулиб, кўзини қисиб қўйган эди, лаб-лунжини йиғиштиролмади қолган Хўроқул деганларимиз сара қовундан иккитасини шундай текиндан-текинга бериб юборапти! Жон-пони чиқиб кетган мулла Нуриumboй ювқсиз номаҳрамларни ҳайдаб солгач, ярим соатлик қарғишу сўкишлардан чарчагандан сўнг, ниҳоят кўмакчисини ёнига чорлаб узоқ насихат қилди. Яъни, келган зот борки, қовунни текин олиб кетиш пайида бўлади, индамасанг, бутун хирмонни бир сўм бермасдан орқалаб кетаверишади, имонсизлар; сен ҳар бир харидорда ёмон ниятли ўғрини қўриб, ўзинга эҳтиёт бўлмасанг бир кунда шир-яланғоч бўлиб қоламиз; агар сен қўриқчиликни яхши қилсанг, бировга битта сапчаниям олдирмасанг, қўлинга уч-тўрт сўм бераман... Бот-бот мияга қуйилаверган маърузалар ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади чоғи,

бир кун Хўроқул тантанали суратда қўлини тўппонча қиларкан: «Пулини бермаганларни «пах-пух» қиламан!» деди. Ийиб кетган оқсоқол ёрдамчисини узоқ дуо қилди, сўнг, иккита яп-янги уч сўмлик чиқариб берди. Айниқса сўнги дастак Хўроқулни ёмон эшқиртириб юборди. Шу куч таъсирида, эртаси кун у отасининг эски ов милтигини хуржунга солиб келиб, оқсоқолга кўз-кўзлади: «Пул бермаганни «пах-пух» қиламан!» Мулла Нуриumboй яйраб-яйраб қулди. Кейин, қурол ҳар қандай заиф одамга қудрат ато этишидан воқиф раҳнамодай, Хўроқулнинг милтиқни қамишлару қанорлардан тикланган омонат қапа ичидаги олача тағига ҳафсала билан яшираётганини мамнун тарзда кузатиб турди...

Дунё эса тасодифларга тўла.

Кўклам куёши кўкда чарақлаб турган кунларнинг бирида «Қаро кўзум»ни сел бўлиб эшитиб кетаётган Роҳила машина тўхтаганини илғади ва ҳайрон бўлиб бошини кўтарди. Орқада ўтирган Шеркул:

- Чилим опкелай, - деб тўнғиллаганча пастга тушди.

Жисму жонини эгаллаб олган чарчок, ҳорғинлик, чарақлаб турган куёшнинг илиққина тафти таъсирида кўзлари сузилиб бораётган Роҳила роҳатланиб қеришиб қўйди ва сўнги кунлар ичида биринчи мартаба кулимсиради. Шунда Бобоёр қизнинг манглайида, миждаларида пайдо бўлган ажинлар ўз-ўзидан йўқолганини, Роҳиланинг ўзи янада дилбар, сўлим, гўзал бўлиб кетганини кўрдию, юраги гушиллаб уриб, томоғига бир нима тикилгандай ҳаяжонланиб кетди.

Атрофда эса кўклам - тириклик, яшариш, уйғониш фасли маликалик қиларди. Пўпанак босган ҳазонлар қатидан чучомалар ниш уриб чиқаётгандай, задали юракларга ишқ аталмиш илоҳий ҳиссиётлар хуркибгина бўйлаб-бўйлаб қўймоқдайди.

Баногоҳ Бобоёр ғайришуурий тарзда қўлини Роҳиланинг иссиқ қафтларига босди ва бунга жавобан титраб кетган қизнинг аввал қўлини тортиб олмоққа уринганини, сўнг... бир тўлғаниб таслим бўлган оқшундай жимиб қолганини илғаркан, қувончу ҳаяжон таъсирида қуйилиб келган кўз ёшларини тиёлмай қолди...

Атроф, борлиқ уйғониш, тирилиш, яшариш фасли бўлган кўклам ҳукмида эди.

Орқада Акбарали эшикка суянганча пишиллаб ухлар, бир-бирларининг қўлларини маҳкам ушлаб олган йигит билан қиз сас чиқармасдан, қилт этмасдан тўғри қараб ўтиришар, ҳар иккаловнинг ҳеч нарса кўрмаётган кўзларидан дувиллаб ёш қуйиларди...

Дунё - тасодифлар тўла гирдибод, асли тасодифлар мажмуи тақдир. Тасодиф аталмиш... шул қонуният Ажалга рўбарў этади охир...

Ёраб, нечун умр шами сўниш олдидан бир лопиллаб ёнади, нечун не-не заҳматлар, адашишу изтироблар оқибатида топилган ягона суюкчи жон дорилбақони тарк этмоққа бунчалар шошади. Нечун?..

Қолган воқеалар кўз очиб-юмгунча ва... айни пайтда жуда секин, баайни секинлаштирилган лента тасвиридай содир бўлди.

Қайдадир яқин жойда шовқин кўтарилди. Сесканиб кўз очасола дарҳол қўлини йигит қафтидан сугуриб олган Роҳила йўлнинг нариги тарафидаги қапа олдидан қўлтиғига қовун қистириб қайтаётган Шеркул ортидан юзи жуда таниш бир чол ҳассасини ўқталганча бақариб-чақариб чопаетганини кўрди. Афтидан, эски касали кўзиган Шеркул ё қовуннинг пулини кам берган ё умуман бермаган. Қизнинг гумони тасдиқланди-ёв: ортига ўгирилган Шеркул тепмоқчи бўлаётгандек оёғини юқорига кўтариб «приём» кўрсатди. Қапалаги учиб кетган чол жойида таққа тўхтади.

Шоша-пиша юзини енгига артиб олган Бобоёр гарангсиб қизга қаради. Юзи кўз ёшларидан ҳўл Роҳила... гуноҳқорона жилмайиб қўйди. Сўнг нимадир демоққа чоғлангандай яна кўчага қараб олган Роҳиланинг ногоҳ ранги қув ўчиб кетди. Бобоёр ҳам шошиб шу томонга қаради. Қападан югуриб чиқиб келган сочлари ўсиқ, далвагай либосли, телбамонанд бир йигитча шартта тиз чўқдию, қўлидаги каттакон милтиқ қувурини ҳамон ўз



кучини намоиш қилиб турган Шеркул томон тўғрилаб, бир кўзини қисганча нишонга ола бошлади.

Отилиб пастга тушган Роҳила шу томонга учди. Унинг ортидан Бобоёр югурди.

Ўқланмаган милтиқни шайтон ўқлаб кўяди, дейишади. Ўқ овози гўмбурлади.

Елкасига кўндоқ зарб билан урилган Хўрозкул икки кадамча ортага отилиб кетиб, капани қулатиб юборди.

Сочлари тўзгиган, халоскор фаришта мисоли оппоқ кийимда, яланғоч қўлларини силқитганча учиб кетаётган Роҳила туйқусдан қалқиб кетди. Кейин, қандай кўринмас куч ўзини олдинга кўймаётганини тушунмаётгандай, симиллаб оғриб кетган кўксига ажабланиб тикилди ва шу аллозда, аста-секин, кўксидан ғарқоб бўлиб отилаётган алвон қонига беланганча, майсалар гиламига эркаланиб тиз чўкаётган малика мисоли бетон йўлга оҳиста кулаб тушди...

Сўнрок, орадан икки соатлар ўтиб, ошиғич тиббий кўрик ўтказган дўхтирлар қиз танасида кўкракдан кириб, умуртка погонанинг юқори қисмини ўпириб чиқиб кетган ўқ асоратидан бошқа бирон тирналган жой йўқлигини қайд этадилар. Бунақа ҳодисаларни кўравериб, эти ўлиб қолган дўхтирлар Роҳиланинг мижжаларида қотиб қолган кўз ёшларини вужуднинг оғриққа нисбатан табиий реакцияси деб баҳолайдилар-да, эътибор ҳам бериб ўтирмайдилар...

Янада кейнрок, орадан уч кун ўтиб, ажал билан олиша-олиша беҳад ҳолдан тойган, жикка терга ботиб, алангаи оташ бўлиб ёнаётган Роҳила 72 соатдан буён давом этаётган уйқусизлик тасирида кўрғошин каби оғирлашган киприklarини аранг очади ва қаршида жовдираб турган Бобоёрга недир яхши сўзларни айтмоққа чоғлангандай лабларини яларкан, жилмайиб кўйишга бесама уриниш асносида базўр шивирлай олади:

- Мен... сизни... кўп овора қилиб кўйдим... Энди қутулмасиз балодан... Бариси яхши бўлиб кетади...

Шунда беихтиёр инграб юборган, кўзларидан эса дувиллаб ёш қуйилган йигит қизнинг оташ қафтларига лаб босади.

- Тузалиб кетасиз... Дўхтирлар айтди...

Айни шу лаҳзада учрашув пайти тугаганини билдириб эшик тақиллайди.

Роҳила ниҳоят росмана жилмайиб кўйишни уйдларкан, йигитга узоқ термулиб қолади-да, сўнг яна шивирлайди:

- Бу дунёга келиб, Бобоёржон... бир марта... ўпишганман... Яхши кўриб қолибидим... бир мухбирни... Бечора... Энди... кетсам... хур деб билишмас...

Эшик янада шиддатлироқ тақиллайди.

Ўрнидан туриб, орқаси билан юриб бораётган Бобоёрдан кўз узмаётган Роҳила баногоҳ:

- Бобоёржон! - дея қаттиқ пичирлаб юборади охирги қатра мадорини йигиб. - Мени ёмон гап билан эсламанг.. Рози бўлинг...

## МУАЛЛИФ

Аҳмоққа зақун борми...

Аввалига бариси хамирдан қил суғургандай осон кечаётгандек эди. Нима китти, бир «справкаси» бор довдир билмасдан отиб кўйибди. Демак, масъулиятсизлиги учун милтиқнинг ҳақиқий эгаси жазоланади, холос. Шу билан «иш»ни ёпсам бўлади.

Аммо қутилмаганда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди.

Ўзи камбағални туянинг устидаям ит қолиб юрган-да.

Гувоҳ сифатида чақирилган Шеркулнинг юраги пўкиллаб турган эканми, ишқилиб, терговчининг ҳафсаласиз тарзда берган саволларига жавобан туйқусдан ўзини мусичадай беозор қилиб кўрсатишга, шериклари юзига эса лой чаплашга тушиб кетди-ку. Гўё айнан ўша зўравонлар бузоқнинг ҳақи бор деб сигир сутини ичмайдиган мўмингина Шеркулни мажбурлаб машинада олиб юришганмиш, гўё айнан ўшалар «Ҳеч қачон, ҳеч

кимга пул тўлаб ўтирма!» деб олдиндан кўрсатма бериб кўйишганмиш.

Хуллас, Шеркул булбулдек сайрайверди. Аввал оғзини катта очиб, эснаб-эснаб ўтирган терговчининг ҳиссиз юзидан бора-бора қизиқиш унсурлари пайдо бўла бошлади. Бунга сайин Шеркул авж олаверди. Алал-оқибат терговчи телефонга ёпишди.

Умр ўзи тасодифлардан иборат эмасми?.. Туман худудида содир этилган беш-олти жиноят очилмай, Ички ишлар бўлимининг ўтган йилга нисбатан жиноятларни фош этиш кўрсаткичи фоизини жуда тушириб юбораётганди. Оёғи қуйган товукдек зир югуриб, нажот излаб юрган раҳбарлар қутилмаганда Шеркул тимсолида ўз халоскорига дуч келиб қолдилар. У хўжаликдаги мол ўғрилиги ҳам, бу хўжаликдаги босқинчилик ҳам, туман марказидаги дўконни шипшийдан қилиб кетишлар ҳам - бари-бариси Роҳила билан унинг икки шериги зиммасига тушаверди. Хатто молиявий найранг қилиб, бир хўжаликни чув тушириб кетган фирманинг изини топишолмай юришганди, ўйлиниб ўтирмасдан бунгаям Роҳиланинг фирмасини айбдор қилиб кўяқолишди. Шеркул тез-тез гапидан адашиб қолар, жой номларини чалкаштираверар, шунда моҳир терговчи дарҳол йўналтирилган савол бериб, йигитнинг мушкулни осон қиларди. Шеркулнинг асосий дастаги «Ҳа, бу ишми? Менга Бобоёр шундай қилдик деб айтганди» ёнки «Роҳила шу ҳақда гапирувди», бўларди. Бунинг устига шифохонага борган терговчи гапни айлантира-айлантира ниҳоят «Сиз ўзингизни айбдор санайсизми?» дея савол берган эди, қиз пичирлаб: «Айбдорман...» деди. Чўнтакдаги диктофон ҳақиқий японларники экан - икром магнит тасмасига муҳрланди-қолди.

Бобоёр билан Акбаралини бир кунда олиб кетишди. Аввалига ҳар иккалови ҳеч нарсани бўйинларига олмай тураверишди. Бир ҳафталик «тарбиявий дарс»лардан сўнг Бобоёр биринчи бўлиб «синди»: ҳаммасига мен, ёлғиз ўзим айбдорман, Акбарали билан Роҳиланинг ҳеч гапдан хабари йўқ, деб ёзиб бераверди. Афтидан, йигит шу йўл билан қизга ва жўрасига қандайдир даражада кўмаклашмоқчи эди, бироқ аксинча бўлиб чиқди...

Тез орада вилоят газетасида уюшган жиноятчилар гуруҳини фош этувчи бир саҳифалик мақола чиқиб кетди. Тўрт ашаддий жиноятчи ичидан бир ўзи чин дилдан ўз айбига икром бўлгани учун аллақачон жабрланувчига айланган Шеркулнинг номи мақолада тилга олинмаганди. Шифохонага олиб келтирилганининг еттинчи куни Роҳила узилди...

Дафн маросими ошиғич адо этилди. Одам кам бўлди.

Айтишларича, орадан бир ҳафта ўтиб, тергов жараёнида қандайдир савол тугилиб қолгач, қабрни қайтадан очишга мажбур бўлишганида мархуманинг вужуди ирима-чирима, баайни ҳозиргина тупроққа кўйилгандай турганини кўришганда ҳаттоки тажрибали мутахассислар ҳам ҳайратдан ёқа ушлашган. Аммо, бошқа манбаларнинг гапларига қараганда эса, вужудини жон асоратлари буткул тарк этмасдан бурун кўмиб юборилган мархума лаҳадда ўзига келган ва тирноқлари юлиниб, оғиз-бурни тупроққа тўлганча тиришиб-тирмашиб, жон-ҳаҳди билан юқорига чиқишга уринган, дўмпайиб турган қабрни ёриб чиқишига бир қаричча қатлам қолганда юраги ёрилиб кетган... Айниқса сўнгги мишмиш юрагига ўқдай қадалган Бобоёр бир муддат гарангсиб туриб қолди-да, сўнг қамокнинг йўғон панжарасига бошини гурсиллатиб қайта-қайта урганча ўкраб йиғлаб юборди...

Эртаси куни, неки жиноят бўлса, Бобоёр барисини бўйнига олаверди...

Ёвузликка қарши ёвузлик, адолатсизликка қарши адолатсизлик, қонунсизликка қарши қонунсизлик, маккорликка қарши айёрлик билан курашишга чоғланган навқирон йигит билан қизнинг тақдири мана шундай фожиали яқунланди...

Пешинга яқин хонамга иккита халта кўтарган ярғоқбош, пала-партиш кийинган, бит кўзларини мўлтиратиб қаратишга уринишиданок ўлгудек ялтоқи ва хушомадгўй эканлиги билиниб турган қирқ беш ёшлардаги

киши кириб келди-да, салом-алиқдан кейин чўнтагидан бир газета олиб узатди.

- Шуни биз жоздик, ука.

Қарасам, бир саҳифалик мақола, ўртасида битта кизнинг сифатсизгина босилган суратиям бор.

- Яхши, - деб қўйдим.

- Урдик, - дея ростданам ургандай кўкрагини керишга уринди ака. - Мафияни урдик. Сиз бир ўқинг, маза қиласиз.

Аммо менда маза қилиш учун фурсат камроқ эди. Шунинг учун меҳмондан мақсадга ўтиб қўяқолишни илтимос қилдим.

- Ўёк-бўёғини тузатиб, газитингизда бериб жерсангиз, укажон, - дея мутеларча қўл қовуштирди меҳмон.

Мен мақолага кўз югуртириб чиккан бўлдим.

- Суд бўлганми?

- Худо хоҳласа, ўн-ўн беш кундан сўгин бўб қолар. Газетани қайтариб бердим.

- Хукм чикмасдан туриб бу мақолани бериш судга таъйик ўтказиш билан баробар, ака.

Меҳмон шумшайиб олди.

- Таъйиги не. Бари ҳазирдан маълум-ку.

Мен ўзимни ҳеч нарса эшитмагандек тутдим.

- Ҳеч иложи жўкма, укажон?

- Афсус...

- Анов... сўддан қоғоз опкелайма?

- Қанақа қоғоз?

- Боссаларинг майли, деган.

Мен тамомила ҳайрон бўлиб қолдим.

- Қайси суд сизга шундай қоғоз беради, ака?

Меҳмонга жон кирди.

- Мен опкеб берсам басми, укажон?

Кулиб юбордим.

- Бас эмас, ака. Бу қонунга зид. Аввал суд бўлсин, хукм чиксин, кейин кўрармиз.

Шу билан қабул тугагандай эди. Лекин меҳмон юпка лабларини ялаб бир муддат ўйланиб тургач, халтасидан иккита мандарин олди.

- Укажон, мана шуни жиянларга, а...

Жаҳлим чикди.

- Раҳмат, ака, уйда бор. Буни халтангизга солиб қўйинг, болаларингизга обorasиз.

- Ҳай, майли, зоримиз бор, ука... Бир конкурс бор экан, шўнга газетангизда чиғиб кетса, ўрин-пўрин олиб қосак эсдан чиғармай...

- Иложи йўқ дедим-ку, ака!

Меҳмон халталарини кўтарди ва инқиллаганча чиқиб кетди.

Энди кўлимдаги асарнинг бир саҳифасини ўқигандим, Бахтиёр Дарвиш кириб кеб қолди. «Шоирни замон»ни тўрға ўтқаздим. Ранги ўчиб, кўзлари киртайиб қолганига қараганда шоир ё оч юрипти, ё бир нима ёзаяпти. Паришонроқ киёфадалиги, гапларимни бир эшитиб-бир эшитмаётганлиги ҳам мулоҳазамни тасдиқлаб турарди.

Бирдан ранги баттар оқариб кетган Бахтиёр стол устида бояги меҳмон қолдирган газетага ишора қилди:

- Анов мараз нима деди?

Гапни ҳазилга буришга уриндим.

- Умуман олганда, баҳойинг тўғри. Бир бетлик мақоласини бизнинг газитда чиқармоқчи, шуминан қандайдир конкурсда қатнашиб, биринчи ўринни олмоқчи-да, менга яна иккита чириган мандарин олиб келиб бермоқчи...

- Чиқарма! Якин йўлатма!

Шоирнинг бунчалар кескин оҳангда гапириши мени ажаблантирди.

- Не гап, устоз?

- Чиқармайсанми?

Устимга босиб келаётган шоирнинг важоҳати ёмон эди.

- Чиқармайман, дедим-ку, устоз, чиқармайман! Ҳаққим йўқ!

Сал енгил тортган Бахтиёр ўгирилиб газетани олди-да, саҳифадан кўз узмаган кўйи эшик томон юрди.

- Устоз, биз камтарин шогирдларингизни ўз сир-

асорларингиздан вокиф этиб кетмайсизму?

Бахтиёр Дарвиш ногоҳ жойида таққа тўхтаб, менга тик қаради. Ажаб, изтиробдан юзи буришиб кетган шоирнинг кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

- Мен шу кизни яхши кўрардим, жўражон... - Товуши титраб кетган Бахтиёр газета саҳифасида киз суратини кўрсатди. - Мен бир йил унинг орқасидан соядай эргашганман, лекин у менга қайрилибам қарамаган... Кейин... кетганман...

Довдираб қолдим. Очиғи, бундай пайтлари йигит кишига нима деб тасалли беришним билмайман.

- Бандалик, жўра, - деяолдим холос, кизнинг руҳи жаннатга тушишини тилаб фотиҳа қилиб қўярканман.

- Роҳила... бошқача киз эди... - энтикиб пичирлади Бахтиёр Дарвиш. - Бошқачайди... У ўзи будунё кизимасди... Сен-менга ўхшаб оддийгина яшолмасди... У... у...

Бахтиёр Дарвеш хонадан чоғиб чиқиб кетди...

Орадан ойлар ўтди. Хизмат сафаридан қайтаётиб, поездга бир даста янги газета-журналлардан олиб чикдим, мутолаага киришдим. Қарасам, бир ҳафталик газетада анчадан буён адабий давраларда кўринмай қолган, узункулоқ гапларга қараганда, ўзи туғилиб ўсган. Н. шаҳридаги қабристонда қоровуллиги фаррошлик қилиб юрган Бахтиёр Дарвишнинг уч-тўрт шеърни эълон қилиниб қолибди.

Мен шоир эмасман, шеър битишга ҳафсалам ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, уларни қайта-қайта ўқирканман, кўз олдимда лоп этиб ҳақсизликка қарши ҳақсизлик билан курашишга чоғланган, бу йўлдаги «қатта ўйин» қурбонига айланган норасида, хур киз Роҳиланинг сиймоси пайдо бўлаверди. Айниқса манавинисини ўқиганимда:

*Ажаб оқилайдинг ҳам беҳад сулув,  
Икки жиҳатинг хўб мутаносиб, мос.  
Бироқ қисматингга чоғишда гулув -  
Сени мағлуб этди буюк эҳтирос.*

*Олов қонингдами, жонингда ниҳон  
Пўртана туйқусдан очдию кўзин,  
Қалт-қалт титраганча кўзда ёш билан  
Тўлқинлар қаърига ташладинг ўзинг.*

*Бўсами - лаблардан қон чиққунича,  
Қучишми - суяқлар сингунга қадар.  
Мактубми - кўз ёшидан ҳўл бўлгунича,  
Хижронми - ақдан озгунга қадар.*

*Юришми - кенг йўлда бош мағрур, қад тик,  
Кулишми - юракдан, тоза, бегубор.  
Яхшишми - баралла айтаолмоқлик,  
Ёмонми - айтолмоқ янада ошқор...*

*Сен шундай яшадинг...  
Нисбий-ку фурсат...  
(Умрни саноқда бўлмагай ўлчаб.  
Мен кўпдан ўзимга туяман нафрат  
Ишқсиз ўтаётган кунларим ўйлаб)*

*Сен шундай яшадинг...  
Саганангда гул...  
Бўғзимни куйдирар оғриқ...  
Наздимда,  
Яшаб юргандайсан сен ҳамон масрур,  
Мен эса сўнганман ўн тўққизимда...*

Ким биледи, асли матнда шундайми ё редакциянинг айби биланми, ишқилиб, шеър охирида «тамом» деган биргина сўз турарди. Ушбу ишорада рамзийлик кўргандай бўлдим ва айнан шу сўз билан ғариб битикларимни ҳозирча тўхтатиб туришга қарор қилдим...

*Т а м о м  
1996-1997 йиллар*





Раҳимжон РАҲМАТ

# ДАДА ТУМЛАРИ

1

Бир туйгум бор,  
Кўзи очик бу туйгу  
Сендан бошқани кўрмайди.

2

Ўтолмасин дея ракибим  
Остонанга тўкяпман атай  
Сукунатнинг синигин - кўзёш.

3

Мен қаттиқрок сева бошлайман  
Муқаррар айрилиқ нафасин сезиб,  
Ўлаётган аскар муштидай  
Сикилади юрагим.

4

Йўлда турибман хомуш,  
Кетгим келмайди сира,  
Лекин бунда қолсам ҳам  
Оғрийди бағрим - яра.

Елкам оша қарайман,  
Ортимда нурсиз қишлоқ,  
Олдимда ҳам кўринмас  
Чорлаётган нур бирок.

Ёр, юзинга ўхшаган  
Юм-юмалоқ анов ой  
У дунёга ўтгувчи  
Туйнукмасми, хойнахой.

5

«Ўз ҳолимга кўйинглар!» дея  
Яшай бошладим.  
Қуриган дарё қирғоғидаги  
Дарахтлар каби  
Саргайиб борарди Отам ва Онам.

6

Қоронғуда далага чиқиб  
Бедазорда чўзилиб ётдим.  
Отдан ағнаб тушган чавандоз  
Каби оғир ўйларга ботдим.  
Дайди итнинг ўлиги каби  
Қимир этмай ётдим мен узок.  
Бедазорнинг гиёҳ унмаган  
Кал жойига ўхшардим бу чок.  
Билмас эди на дўст, на ёр  
Ётганимни мен бунда ёлғиз,  
Осмон булут эди, шекилли,  
Кўринмасди кўкда ой, юлдуз.  
Қутирган ит - дунё ҳам бу дам  
Ухлар эди мулойим, бесас.  
Кўнглимдаги энг нозик туйгу  
Равон ола бошлади нафас.  
Шу пайтгача ичимда яшаб  
Келган ҳадик, ваҳима, кўркув  
Мараз теккан олмалар каби  
Кўзларимдан тўкилди дув-дув.  
Қуёшни ҳам, ойу юлдузни  
Э вох, кўргим келмайди такрор.  
Мен бир оғир харсанга дўнай,  
Сен денгизга айлан, бедазор!  
Уясидан йиқилиб тушган  
Полапондай қийналди дилим.  
Эй-й! Рухимни ёритгил ахир,  
Ер остининг офтоби - ўлим!

7

Бу жойларда зерикдим,  
Кетгим келар бир ёкка.  
Дерлар: Раҳмат, ўхшайсан  
Ел учирган япроққа.  
Бу жойлар ҳеч ёкмади,  
Энди борай қай томон?  
Борми йиғлоқ дилимга  
Алла айтгувчи макон?  
Учолмасдан тупроқда  
Ўрмалаган қуш мисол

Ҳолим жуда харобдир,  
Қорайиш - бахт, тонг - малол.  
Қуриб қолган гул - даҳшат,  
Кузги боғлар - чўнг нола.  
Соя солар кўнглимга  
Сочимдаги ок тола.  
Билдим, агар ёруғлик  
Кўздан пинҳон бўлган он  
Тақдирга тан бермаса,  
Кўзғоларқан қалб ёмон.  
Ёлғизликдан чарчадим,  
Қалб оромга ташна, зор.  
Сахродаги қуюндай  
Ичимда бир исён бор.  
Кўшиғимнинг қаҳри зўр,  
Ҳеч кимсага ёқмайди.  
Кетаримда орқамга  
Қайрилиб ҳам боқмайман.  
Шайтонларнинг базмида  
Чалар бўлсам эди соз,  
Бунда ўрним топардим,  
Бўлар эдим сарафроз.  
Юрагимда мобода  
Бўлса эди кир туйгу  
Бунда кўнгил уйимга  
Йўламасди ғам-қайгу.  
Кўр бўлсайди кўзларим  
Ёруғ кунлар кўрардим,  
Бошқалардай мен ҳам шод  
Бош кўтариб юрардим.  
Лекин мана мен бугун  
Бу жойлардан кетяпман,  
Бунда ўтган умримга  
Йиғлаб видео айтяпман.  
Бу жойлар ҳам ёкмади,  
Энди борай қай томон,  
Борми йиғлоқ дилимга  
Алла айтгувчи замон?



Жабборова Шоирахон  
Саидгаффор қизи

## БУЮК ТУРК ХОҚОНЛИГИДА «ПОДШОҲ» ВА «ХОТУН»

Туркистоннинг марказий вилоятларида чиқарилган мис тангаларда подшоҳ ва малика суратлари тагидаги сугдий ёзувларда подшоҳнинг рафиқаси «хотун» номи билан аталган. Сугд тилидаги «хотун» қадимий туркча «катун», яъни «хоним» сўзининг айни ўзидир. Бу ном аслида насаб бўлиб, подшоҳ оиласига мансуб олий табақали хонзода аёлларнинг исмига қўшиб айтилган. Масалан, Туркон Хотун, Кабаж Хотун, Фотух Хотун ва бошқалар. Одатда бу ном подшоҳнинг биринчи ёки иккинчи хотини ёки подшоҳнинг онасига берилган. Подшоҳнинг онаси деганда, унинг туғишган онаси эмас, балки катта онаси, яъни отасининг биринчи рафиқаси кўзда тутилади.

Самарқанддаги Афросиёб шаҳар харобаларида подшоҳ саройининг қолдиқлари сақланиб қолган. Саройдаги марказий кошонанинг деворларидан бирида қайиқда сайр қилиб юрган бир гуруҳ аёллар тасвирланган. Олимларнинг фикрича, бу суратда Самарқанд подшоҳига келин бўлиб тушган турк хоқонининг қизи ўз канизақлари билан сайр қилиб юргани акс эттирилган.

Ўзга мамлакатлардан келин бўлиб тушган хонзода аёлларнинг исмлари кўпинча талаффуз учун қийин бўлган. Шунинг учун уларни одатда Хотун, яъни «подшоҳнинг рафиқаси» ёки «малика» деб юритишган. Кейинчалик бу туркча сўз сугд ва бақтрия тилларидан худди шу маънони англатган ҳолда ўтган.

Араб тилидаги ўрта аср манбаларига кўра VII асрда араблар Туркистон ҳудудига бостириб келганида, бу ердаги айрим вилоятларда подшоҳларнинг ўрнига аёл маликалар ҳукмронлик қилган.

Араб тилидаги ўрта аср манбаларида «хотун» исми учта малика зикр этилган, яъни Фотух Хотун, Кабаж Хотун ва Хўтак Хотун. Хитой манбаларида «хотун» номи билан аталган яна бир нечта малика қайд

этилган. Масалан, 734 йилда Бухоро подшоҳи Туғшоданинг рафиқаси Хотун, Сугд подшоҳи Гуракнинг рафиқаси ҳам Хотун, Ши (яъни Шош) подшоҳининг онаси ҳам Хотун деб аталган.

VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрнинг биринчи ярмида Панжикент вилоятида муомалада юрган мис тангаларда подшоҳ ва малика суратларининг тагида сугдий ёзувда «подшоҳ» ва «хотун» сўзлари ифода этилган. Панжикент тангаларида аёлларга тегишли яна икки ном қайд этилган. Улардан бири «биринчи малика» маъносини англатиб, одатда подшоҳнинг онасига берилган. Иккинчиси эса «катта хоним» маъносини англатиб, подшоҳнинг биринчи рафиқасига берилган. Сугд тилидаги насронийларнинг бир ҳужжатида «биринчи малика» номи билан «хотун» номи ёнма-ён берилган. Демак, бу икки ном бир шахсга тегишли бўлиши мумкин.

Юқорида зикр этилган номлар аслида титул бўлиб, сарой қошидаги хонзода аёлларнинг турли мартабалари ва даражалари бўлганлиги ҳақида далолат беради. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, араб истилосига қадар Туркистонда аёлларнинг мавқеи жуда баланд бўлиб, уларнинг баъзилари давлат ишларида ҳам фаол қатнашганлар.

Аёллар давлатлар ўртасида яқин алоқалар боғлашда муҳим ўрин эгаллаганлар. Зарур бўлганда эса давлат тахтини ҳам эгаллаганлар. Бу эса ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган халқлар – турклар, хоразмликлар, сугдлар ва бақтрияликларда аёл жуда ҳам қадрланиб, унга катта ҳурмат билан қаралган. Қадимги турклар Умай, яъни она табиат худосига сиғинган, сугд ва бақтрияликлар ҳам Нана ёки Анахита худосига сиғинганлар. Ундан ташқари қадимги турклар аждодлар руҳига ҳам сиғинганлар. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг давримизда ҳам миллатимиз ота-онага катта ҳурмат, эъзоз билан муносабатда бўлишни сақлаб қолган.





Фатхулла ЭРТАШЕВ

## ФАЙЗУЛЛА ХҲЖАЕВ ВА ЖАДИДЧИЛИК

Жадидчилик тарихини ўрганиш 20-30 йиллардаёқ бошланган эди. Тадқиқотчилар ўша вақтдаёқ бу ҳаракатга ҳолис баҳо бериш нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунар эдилар. Ва қатор мақолаларда жадидчилик нафақат назария сифатида, балки XIX аср охири, XX аср бошларида Марказий Осиёда халқларнинг турмуш тарзи ва тарихий қадриятларнинг шаклланиши жараёнини ўзида жам эта олган амалий куч сифатида кўрсатилди. Мақолалар муаллифлари Туркистонда ушбу ҳаракатнинг юзага келишига халқнинг оғир аҳволи, қашшоқлик, иккиёқлама зулм остида эзилиш, фикрий турғунлик, маданиятнинг орқада қолишини асосий сабаб қилиб кўрсатдилар. Шунингдек, аввал-бошда жадидизм маърифатпарварлик йўналишида бўлгани алоҳида таъкидланади.

Файзулла Хўжаев 1926 йилда нашр этилган «Жадидчилик» китобида ушбу ҳаракатнинг ижтимоий асосларини кўрсатиб берганди. Аммо бу асар ўша пайтдаёқ Г. Туркестанский томонидан қаттиқ танқид остига олинади. Ф.Хўжаев фикрича, жадидлар «савдо капитали манфаатларини ўз фаолиятларида акс эттирганлар». Яъни ҳаракатнинг ижтимоий замини тор бўлиб, унга савдогарларнинг бир қисми, турли табақа зиёлилари ва қисман ярим пролетар элементлар кирган. Г. Туркестанский эса Ф. Хўжаевнинг бу фикрларини инкор этиш баробарида уни «номарксизм»да айблайти ҳамда жадидчилик савдогарларнинг эмас, балки саноат буржуазиясининг манфаатларини ўзида ифода этган, деган фикрга маҳкам ёпишиб олади.

30-йилларда нашрдан чиққан З. Ражабовнинг «Туркистонда жадидчилик (1903-1917)» китобида эса ушбу ҳаракат тўғридан-тўғри реакцион характерга эга, деган фикр илгари сурилади. Бу концепция, табиийки, ўша йиллари коммунистик қатламнинг буюртмаси эди. 1926 йилда Ф.Хўжаев «Бухоро инқилоби тарихига оид» номли китоб ёзиб, жадидчилик ҳаракатига алоқадор баъзи масалаларни таҳлил қилди. Биз ушбу китобга алоҳида эътиборингизни қаратишни истардик. Чунки, биринчидан, 20-йилларда Бухородаги ўша давр воқеалигини объектив ва тўла қамраб олган бошқа манба яратилмаган эди; иккинчидан, ҳозиргача ҳам Ф. Хўжаевнинг мазкур китобининг ўрнини босадиган бирор-бир асар яратилмади; учинчидан эса-бу китоб ҳозирда мутлақо нодир асар ҳисобланади ва тарихнавислар ўз илмий изланишларида ушбу китобни камдан-кам тилга олиб ўтишади.

Ҳолбуки, Ф.Хўжаев ўз китоби хусусида камтарлик билан шундай деган эди: «Бу асар, албатта, илмий тадқиқот самараси эмас, биз мукамал таҳлилларга даъвогарлик ҳам қилмоқчи эмасмиз... аммо Бухоро аҳолисининг турли қатламлари ва алоҳида гуруҳлари

ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва қарама-қаршиликларга назар солиш, ўйлаймизки, жуда ҳам зарур, чунки бу ҳаракат ва кучлар таъсиридан ажралган ҳолда инқилобгача бўлган даврда Бухорода жадидчилик юзага келиши тушунарси ва тасодифий ҳолдек туюлиши мумкин».

Балки, Ф. Хўжаевнинг ушбу асар илмий тадқиқот эмас деган фикри билан фақат бир жиҳатдан келишиш мумкинлиги, китобда унинг шахсий кузатишлари, мафкуравий асослардан холи бўлмаган субъектив баҳолари устивор даражада мавжуд. Аммо, шунга қарамай, Ф.Хўжаевнинг асарига юзаки қараб бўлмайди, чунки у аслида таҳлилий асосда ёзилган ва шу боис ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ф.Хўжаев жадидчилик ҳаракати сабаблари тўғрисида гапира туриб, жумладан шундай ёзади: «1905-йилги рус инқилоби Россиянинг Европа қисмидаги қоқоқ халқларга бевосита кучли таъсир кўрсатди, шу билан бирга бу давлатдаги турк-татар қабилалари орасида янги миллий партия ва гуруҳларнинг пайдо бўлишига инқилобий ҳаётнинг жараёнининг чуқурлашиш ва кенгайиши баробарида Бухоро ва Хоразм қаби чекка ўлкаларидаги воқеалар ривожига таъйиқ кўрсатишга олиб келди. Натижада мана шу инқилобий ҳаракат Ўрта Осиёни ўзи англамаган тарзда Россия ижтимоий-сиёсий тараққиётига қаттиқ боғлаб қўйди. Мисол учун, узок йиллар давомида Марказий Россия, Қрим ва Кавказ татарлари Ўрта Осиё халқларининг сиёсий ва маданий ҳаётига таъсир кўрсатиб келишди».

Жадидчилик ҳаракат аввал-бошдан мавжуд китобларга ислоҳ киритишнигина талаб қилиб чиққан бўлса, кейинчалик маориф тизимини бутунлай янгилаш ширини кўтарди, сўнгроқ эса Туркистон ўлкасидаги бу ҳаракат маданий-маорифий йўналиш билан бир қаторда, майда маъмурий ислохотлар ўтказиш талабини ҳам қўйди. Марказий Осиёда бу ҳаракатнинг марказлари Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳарлари эди.

Жадидларнинг ижтимоий келиб чиқиши диққат-эътиборга лойиқ. Уларнинг ҳеч бири буржуазияга алоқадор эмас эди, зеро бу пайтда буржуазия энди-энди шаклланиб келаётган эди. Ф.Хўжаевнинг ёзишича, масалан С.Айний ва Жўрабой деҳқон оиласидан келиб чиққан, Абдул Бурхонов котиб, Фитрат-шаҳарлик савдогарнинг ўғли, талаба, Усмон Хўжаев мулланинг фарзанди эдилар. Ф.Хўжаевнинг фикрича, улар ўрта шаҳарликлар ва зиёли қатлам вакиллари сифатида жадидчиликнинг платформаси ҳамда тактикасига тўла жавоб берардилар. Шундай қилиб жадидлар, шаҳарликлар манфаатларини ўзларида мужассамлаштирган ҳолда, яхшигина қўллаб-қувватлаш мумкин бўлган, қишлоқ қатлаמידан узилиб қолгандилар.

Балки шу сабаблидир, жадидчилик гоялари деҳқонлар орасида кенг қулоч ёймади. Умуман олганда, бу пайтда деҳқонларда инқилобий кайфиятнинг ўзи йўқ эди. Ф.Хўжаев бу ҳақда: «Қандайдир инқилобий ташкилот тузиш ёки қўллаб-қувватлаб туриш учун у жуда ҳам ғўр, мазлум ва саводсиз эди ҳамда рухонийларнинг мустақкам чангалида турар эди. Туркистон Чор Хукумати томонидан босиб олингунига қадар у ёки бу сабаб туфайли деҳқонларнинг стихияли қузғолонлари Ўрта ва Шарқий Бухоро учун оддий ҳол бўлса-да, бу қузғолонлар ҳар сафар Бухоро амирлари томонидан шафқатсизларча бостирилар эди... Шу билан бирга деҳқонлар оммаси ижтимоий тараққиётга қарши таянч куч ҳам эмас, албатта, бошқа жиҳатдан қараганда деҳқонлар нейтрал ва пассив омма эди», деб ёзганди.

Адабиётлардан маълумки, кўп жиҳатдан натурал хўжалик шароитида яшаган Туркистонга рус капиталистлари ва уларнинг воситачилари орқали кириб келган Европа капитализмига деҳқонлар иттифоқчи сифатида эмас, балки душман сифатида қарайдилар ва демакки, буржуа-демократик тузум ва унинг шиорлари ҳам уларга керак эмас ва ҳатто ёт эди.

Дастлабки пайтларда жадидлар фаолияти хайрия ва маориф жамиятларини, макбатларни, кироатхоналарни, газеталарни ташкил қилишдан иборат бўлди. Шунинг учун ҳам жадидлар кўпроқ шаҳарда эътибор топдилар. Аслида ҳам улар шаҳар партияси эдилар. Ф.Хўжаев ёзганидек, «Том маънодаги пролетариат, яъни фабрика, завод ишчиларининг ўзи Бухорода (Осиёда эса, ягона социал бутунлик сифатидаги ишчи синфи) деярли йўқ эди. Рус Чор ҳукуматининг сиёсати эса чекка мустахлак ўлкаларда маҳаллий-миллий саноатни яратишга ҳар томонлама тўсқинлик қилишдан иборат эди. Чекка ўлкалар хом ашё манбаи бўлиши керак эди, холос».

Хўш, жадидларнинг ижтимоий таянчи бормиди аслида?

Ф.Хўжаев асарлари таҳлили жадидчиликнинг ижтимоий базаси жуда тор эканлигини кўрсатади, яъни: «Савдогарларнинг бир қисми, турли тоифадаги зиёлилар ва қисман ярим пролетар унсурлар. Ҳаммаси шу. Жадидчиликка қарши эса катта кучлар турар эди, уларда давлат ҳокимияти, полиция, кўп сонли ва яхши уюшган рухонийлар, савдогарларнинг қолган қисми... Қишлоқ қулоқлари...».

Ф.Хўжаев жадидчиликнинг илк таназулини 1917-йилдаги феврал инқилоби билан боғлайди. У жадидчилик ҳаракатидаги кучлар тақсимогини ўрганар экан, раҳбарий гуруҳ ўртасидаги асосий баҳсли муаммоларни алоҳида кўрсатади. Булар, биринчидан, амир томонидан тахминан ўтилаётган манифестга нисбатан муносабатда, иккинчидан, ана шу амирлик манифести билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларида кўзга ташланади. Феврал инқилоби жадидлар фаолиятига кучли туртки берди. Бу ҳодиса уларнинг кўз олдига халқ ҳокимиятининг кенг қўламли истиқболини намоён этди. Ёш бухороликлар Россиядаги Муваққат ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга киришдилар ва ҳатто амирга ҳам ана шу янги рус ҳокимияти ёрдамида таъсир ўтказмоқчи, ўзлари кутаётган конституцион монархияга ва европача маориф тизимига эга бўлмоқчи бўлдилар.

Ф.Хўжаев ёш бухороликларда ислохотлар ўтказишни ҳокимиятдан талаб қилиш имкони пайдо бўлганини айтади, бироқ «рус ҳокимияти ҳаддан ортик ўзининг ички ишлари билан банд бўлганлиги боис, дастлабки паллада Бухоро амирлигидаги аҳволга эътибор бермади».

Мухими, феврал революцияси "ёш бухороликлар", фирқасига янги йўлни - деспотизм занжиридан қутилган Россия билан ҳамкорлик қилиш йўлини кўрсатди. Натижада жадидлар маълум талаблар билан чиқишди.

Булар қуйидагича эди:

1. Маъмурий бошқаришни яхшилаш, улар устидан назорат ўрнатиш мақсадида амир хузуридаги бекликлар олдига маҳаллий халқ вакиллари гуруҳини тузиш;

2. Шариат томонидан жорий қилинганларидан ташқари барча солиқларни бекор қилиш;

3. Мактаб ва матбуотга эркинлик бериш;

4. Амирнинг айрим ҳаддан ортик хурофотчи ва золим амалдорларини истеъфога чиқариш.

Бу талаблар Бухородаги рус резиденти Миллерга, у орқали эса амирга аён бўлди.

Ф.Хўжаев китобида «Социал кучларнинг қайта гуруҳланиши, жадидлар ўнг қанотининг инқилобдан четга чиқиши», деган бўлим бор. Бунда муаллиф жадидлар кучининг жойлашишини таҳлил этади. Савдогарлар биринчилардан бўлиб кураш майдонини ташлаб кетишади. Инқилоб муваффақияти тақозо этаётган оммавий ҳаракатлар тижорат аҳлини чўчитар эди. Зотан, «ёш бухороликлар» режасида умумхалқ исённинг капиталга боғлиқлиги жиҳати ҳисобга олинмаганди. Савдо аҳли учун инқилоб эмас, кичик ислохотлар керак эди, Бухородаги инқилобий ҳаракат савдогарлар чеккага чиқиши билан анча кучсизланди. Бу ҳаракатдан, шунингдек, ҳақиқий лебералликдан олис бўлган диндорлар гуруҳи ҳам юз ўтгирди.

Оғирлик маркази сўлга оғди, ило бу воқеалардан кейин ташкилот таркиби фақат камбағал аҳоли ҳисобига кенгайди. «Шундай қилиб, жадидчиликнинг социал базаси торайди, - дея хулоса ясайди Ф.Хўжаев, ташкилот кучсизланди, унинг жамиятга маънавий таъсири ҳам сусайди».

Ф.Хўжаев деҳқонлар жадидлар ташкилоти тарғибот-ташвиқотларига аввалгидан ҳам эътиборсиз ва бефарқ бўлиб қолганини алоҳида такидлайди. «Шароит яна шуниси билан ёмонлашиб борардики, Муваққат ҳукумат, Туркистон ўлкаси органлари вакиллари... амир ҳукумати билан келишув йўлига ўтдилар... Мустақкам ва яхлит синфий асосга эга бўлмаган, аҳолининг барча қатламларидан мадад излаган жадидлик ташкилоти, табиийки, гуруҳбозликларга, айниқса, реакция даврида кучайиб кетадиган доимий ихтилофларга маҳкум эди».

Марказий Осиёдаги жадидлар ҳаракатининг умумий хулосаси шундан иборат: сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги таназул бу мураккаб жараёнларнинг ечими сифатида ўзига хос шаклидаги изланишларга олиб келади. Хусусан, Марказий Осиёда кенг қулоч ёйган жадидчилик ҳаракати сиёсий, иқтисодий ислохотлари орқали маълум маънода демократик жамият қуришга интилаганди.





Муҳтарам ТУРКОЙ



УМРИМ-ЛА УЗУЛАР  
ТУЛМИДИ СЕВГИМ

\* \* \*

Хижрон кунин сўнгсиз тунларга улаб,  
Кетдингиз, қолди дард сочларим силаб.  
Йиғлайман Оллоҳдан ажалим тилаб,  
Қафасдаги нолон дилмиди, СЕВГИМ?

Ортиқ чидолмайман, юракка муштлаб,  
Додлайман, фарёдни бўлмайдим ушлаб.  
Қайларда юурсиз кўнглини хушлаб,  
Оловмас, бир ҳовуч қулмиди, СЕВГИМ?

Кетдингиз, оҳ, кимлар Сизга етишди?  
Баҳор кўрмай умрим кузга етишди,  
Совумади қалбим музга етишди,  
Чим остида қолган гулмиди, СЕВГИМ?

Энг ноёб, муқаддас туйғу муҳаббат,  
Тилдамас у дилда яшамоғи шарт,  
Туркой кўз ёшини артмоққа йўқ мард,  
Бахтин бериб қўйган тулмиди, СЕВГИМ?

Йўлимга, кўнглимга ғам мўл сочилар,  
Ситамкорин кумсаб соф дил янчилар,  
Тош-бардошни ёриб ТОШГУЛ очилар,  
Умрим-ла узилар йўлмиди, СЕВГИМ?

\* \* \*

Севгидан сўнг яшаш оғир нақадар,  
Хижрон йўлагида тош янглиғ хорман.  
Қонимдан то кўзим нурига қадар  
Ғаминг оғулади, йўқ ҳамда борман.

Сочларим толаси каби узилиб -  
Узилиб тўкилди ерга тилагим.  
Мендан талаб этма яшашни қулиб,  
Элакдай ўйилди хассос юрагим.

На орзу, на ҳавас, на бор пушаймон,  
Ўлик бир сукунат қалбимни кучар.

Тан музга сингишиб борадир бу он,  
Тишларимни тешиб дард дарча очар.

Бу дам лабларимдан бўса олар дод,  
Бу дам бўй таратмас умидим гули.  
Рангини йўқотди рангин бу ҳаёт,  
Рухимни ўлдириб кетдинг севгилим.

Кўнгил гулханларин кўз ёшим кўмган,  
Энди қайта ёнмас, дудим ўрлайди.  
Ҳасратингда оғир хаёлга чўмган  
Қизни ўзгаларнинг меҳри хўрлайди.

Севгидан сўнг яшаш нақадар оғир...

\* \* \*

Бир гул топдим, ул гул эгалик экан,  
Бир дил топдим, ул дил бекалик экан.  
Ўн минг йиллик севги китобин титдим,  
Ишқли кўнгил синик, чегалик экан.

Хижрон ели йиртди узун этагим,  
Заъфарон куз зафар майин сипқорар.  
Бахт ҳақида эди гўзал эртагим,  
Қайдан юрагимга бунча дуд борар?!

Эвоҳ, дардим айтсам англамас ҳеч ким,  
Эзгу тилагимни тилин ғам еган.  
Бир йўл топдим, боши берк тилсим,  
Сим-сим десам сеҳри очилармикан?

Бу не азоб, бу не жонга роҳатдур,  
Йиғлатар, қулдирар, айлар девона.  
Муҳаббат-ла Оллоҳ сийлади, шукур,  
Бир эгалик гулга бўлдим парвона.

Мени қўйвормайди тилсимланган йўл,  
Дили бекалиқдан дил узолмайман.  
Арсатда ёндим, боғлиқ қўл, кўнгил,  
Ўнгу-сўлим гулзор, гул узолмайман.  
Бир гул топдим...





## ОРЗУ ДАЙРИДА

Ўлжас СУЛАЙМОН жаҳонга Гагарин билан деярли бирдай машҳур бўлган зотлардан. Лекин у етмишинчи йилларнинг бошларида ўзбек шеърхонларига танила бошлади. Уни менинг тенгқурларим - носирлар ҳам баъзи шеърларини тилимизга ўгирдилар. Уларнинг таржималари яхши, аслига яқин эди. Лекин уни чинакам ўзбекча қуйлатиш шоирлардан илк бор Мирпўлат Мирзаевага насиб этди. Унинг таржималари халққа яқин бўлди. Шеър ўқувчиси билан бирга ўсади. У ҳар қандай зомонда жаранглайди. Омгани ҳар хил қизиқ шеърлар бир лаҳзада забт этса, чуқур, ўзгача янги йўللарда ёзилган шеърнинг ўқувчиси саноқли бўлиши мумкин. Ҳар иккиси ҳам қайсидир даражада омадсиз. Биринчиси кўпроқ. Лекин Ўлжас СУЛАЙМОН камалак йўл шеърияти савияси билан турли ўқувчи кўнглини забт этди. Бу ижодкорнинг чинакам бахтидир. Албатта, унинг «Қойилмасан инсонга Замин»дан «Замин китоби ёки Сопол битик» орасида катта фарқ бор. Табиий. «Сопол битик» сатрлари ва ҳарфлари орасидаги истеҳзо одамни ҳушёр торттиради, бу ҳушёрлик-маънодор-ҳайратдир-санъатдир. Иймонсизлик салтанати элни хор қилади. «Менинг хўрлигим олдида хиёнат-разолатдир, ҳиммат қадрсиз пайтда гуноҳ-жасоратдир, - дейди Қаҳрамонларидан бири. «Собиқ Иттифоқ даврининг гултожи «Сопол битик» - Ўлжас СУЛАЙМОН ижодининг шоҳ Асаридир. Унинг ижоди соддаликдан Мураккаблик сари ўсди ва шу юксалишлардан туриб юракларга баҳра берди. Унинг ижоди барча оқимларнинг қўшилгани каби бутундир. Қуйидаги шеърларни ҳам ўша ҳайратдан ҳаяжонланиб таржима қилганман.

Таржимон

### ҚАНДАЙ КЎТАРАЙИН КЎНГИЛИНИ

Бизнинг тарихимиз - саҳро тунисидаги бир неча чақинлардир.

Гулханлар атрофида, Еттисув вайроналарида, маккор, жабрдийда Сирдарё соҳилларида қуйлангансан. Шаҳарлар ясси табиатга қасдма-қасд пайдо бўлдилар ва танҳоликда таназзулга юз тутдилар. Яйдоқ Тўрғай даштидаги ёлғиз оқ харсанг қошида сукут сақлайман. Бу ерга у қандай тушиб қолган? Номаълум ботирнинг қабрими? Ёки муз даврининг қолдиқларими?

Пушкин ҳайкали олдида турибман. Янги йилнинг қорли, изгиринли оқшоми. Мен - шаҳар ўғли, чўл билан жанг қилмоғим керак. Қариялар, билмоқ истайман ҳалок бўлган шаҳарларимни. Қандай қилиб қурбон бўлдилар?

I

Сарик танбал тўлкинларин ҳайдамоқда Сирдарё,  
Кани баланд деворларинг, оқ шаҳар Ўтрор, қани?  
Улар ярим йил ёнди ёғли ёғинлар аро,  
Икки юз кеча кундуз чўзилди қамал жангги.  
Сув йўллар беркилган. На нон,  
на гўшт, на-да пичан бор,  
мурдаларни еб, иссиқ қон  
ичди одамлар хор-зор.  
Май тонгида хиёнат -  
Қамалга сўнгги нукта.  
Жасадга тўлди узун, илон изи хандақлар,  
Буюк, мағрур, қийналган, аёлларни аяб фақат,  
Болаларин жасади ёнига ётқиздилар.  
Мўғиллар бўзига аёллар ҳам бешафқат  
Эгма нозик нигоҳларин дамани ботқизидлар.  
Китоблар!  
Китоблар ёндилар!  
Залворли ижк китоблар!

Ёнган, қуйган Шарқ соғинар кейин бу китобларни,  
Бу учунмас аёлларнинг чинқиргани, хитоблар!  
Қуйган илдизлар пинжида букри ниш азоблари.

Қуриди ҳовузлар. Уйларни кўмди куллар.  
Ёдга тушмоғи мумкин яна кўп,  
ёнган чўллар,  
Истамас дил қаҳрли,  
Халал берар мен нетай?  
Нима билан юпатай?  
Юрак, қандай шод этай?  
Вактлуроқ туғилсайдим, маллавоёй, ким бўлардим?  
Тўзонли минг йил олдин, Юра айт, ким бўлардим?

... Ёнгин, қон. Ур-р... тўполон!

Қуролланган бўлардим.  
Ва жангларда кўзларим  
Зардоб билан тўларди.  
Чингиз туманларининг

кетар эдим олдида,

Қуйлаб вайроналарда  
ёввойи қўшиқларим.

Қасам ичай,  
ўшанда  
мен комил хиёнатда -  
Ботирлар қиличидан ерларга қапишардим.

Жоназасиз кўмарди мени хилват йўлларда,  
Московга ўтарди босиб туманнинг туёқлари,  
Ўша тошни тикишиб, шеърлар сочиб елларга,  
Ботирлар журъатимни сўз билан туёқларди.  
Турарди нигоҳлардан йийилган тош асрлаб,  
Фаровон қўшиқларим қамчин бўлиб қарсиллаб,  
Тоғга эгар урарди,  
Тоғлар қумга дўнарди.  
Пушкин турибди, мана.  
Қипчоқларим менинг-а!..  
Дашт баланд тоғларни ёқтирмас эди,  
Сўппайган дарахтни севмасди саҳро.



Ўн аср берида таънаю, заққум  
Отмоқдаман сизга қозоқларим, о!

Ў, менинг навкирон, қадимий халқим!  
шунчалар ўзига саҳро жалб этди,  
Оғирликдан тизлар букилиб кетди,  
Юрак гижимланди,  
юрақ бўлди хўн.  
Кўзлар айёрона жилмаймоқ учун,  
қобоклар зўриқди,  
ёноклар бўртди.  
Тиник юзли дароз зотларни даштнинг  
Кўрарга йўқ эди кўзи. Айириб  
Кимки агар таслим бўлмаса тезда -  
Синдирарди умуртқасин қайириб,  
Баланд-баланд тошларни ётқизишиб қабрига  
Қараб мағрур новчаларга,  
Болаларни эркалаб,

босишарди бағрига.

Калталарни улғайтиб,  
Новчалардан қониб-қониб  
қасослар олишарди,  
ҳасада куйиб-ёниб.  
ҳатто отлар калтабақай, ержафо,  
Хатто сочлар чўчир тик турмоққа,  
Хатто хонлари қўрқишарди  
баланд девор урмоққа.  
Кўрғонлар пастагу, дарёлар кичик,  
Майдадир-майдадир Қозоғистонда.  
Тўрғай даштларининг совуқларидек  
Изғирин туради Москов томонда.  
Йигитларнинг сараси,  
баланд бўйли,  
қадимий йигит -  
Африка набираси,  
кўк кўз аёл ўғлин  
қабрида ўйли,  
жим-жит,  
турибман тек.  
Приж ҳамшишаси,  
Оловнок Испания биродари,  
Москов дашти узра турар у  
одамгёҳ томирдек.  
Мен шундай ҳам бўлганман.  
Мен ҳинд Тагори бўлапман!  
... Ўртоқлик мазориди қўлларимни яшириб,  
шундай тураман...

Мен Чўқон,  
Конфуций, Блок,  
Тагор бўлапман!

... Шундай тураман ўртоқлик мазориди  
тишларимни бекитиб...

Мен Будда бўлишга розиман. Будда.  
Сэсс ва оташпараст Савл бўлишга ҳам!  
Ўртоқлик мазорин бўсағасида

Шундай тураман сукутда...

Мен розиман бош суяги бўлишга,  
Кимдир шамшир бўлишга рози...

Биз шундай тураимиз!  
Биз, Юксақлар, тураимиз!

Ўтиниб сўрасанг, куйлайман.  
Чопиб ташласанг - дамим кесилади,  
ўлғайман.

Қарагин, ниҳоят, лаънатланган дашт,  
Лекин меники -  
Тош ва тамаки қолдиқларида қолган чўккилар,  
Чақинларнинг ёнғинида  
қолган барча чўккилар.

### ЭРК САФАРИ

Жигарранг ойнали автобусда  
Боришар йигитлар барабани таёқлаб.  
- Бу автобус қаёққа?

Узун қизлар мени чорлаб, кўз қисар:  
- Алабамга!

Кувнок руҳоний кўзларида гуноҳ.

Шорт кийган талабалар,

Аёллар панаманда.

Чувлашар,

Африка оҳангларин

Тигиз овозда куйлашар:

«Ў, Алабама!»

Ёнларига ўтирдим.

Қисилишиб, бақиршиб,

Таклиф этар ажойиб жойин:

- Мистер, гузал ёнига марҳамат!

- Жой кўп. Бирок кўзғалмоқ керак,

Кутишга вақтингиз йўқ.

Ғалати вақт.

Мана, қўлларим тушди йўлга.

Шунча истайманми Алабамни?

Кимнингдир бахти учун

Сиз билан бирга,

Ҳаққоний ур-сурда

Кураша оламан.

Шундай тарбия олганман.

Хурсанду обод кимдир,

Вайрону ношод кимдир.

Кечиринг. Узр.

Мана, қўлларим!

Нью-Йорк бағрига, иссиқ бетонга,

Автобус зинасидан қиндан суғрилгандай

тисралиб, чикдим безанган оломонга.

Кимдир шанғиллайди,

Ким гийбат қилар,

Йиғлайди

Кимнингдир семиз онаси,

Симёғочга суяб елкасин.

Қўл силкийман йўлақданмас гўё соҳилдан,

Улар узок-узок қараб қолдилар.

Американинг ёш, кўрар кўзлари,

Сузар эпчил душвор денгизда.

Мен кувнок Нью-Йорк бўйлаб кезардим,

«Алабам»ни қилиб хиргойи.

Ҳайратдан елкасин қўйишар қисиб

Ҳатто семиз занжилар ҳам бинойи.

Худди фронтга кетишгандай, она!

Мен ҳам кетар эдим ўша автобусда!

Бугун барча «Алабам»ни куйламоқда,

Ер шариди - нишаб, сирпанчик глобусда!

### МОПРНИНГ СОПОЛ ҚУТИСИ

( х и к о я )

Қайсидир яшил шаҳарда  
Йигирма нечанчиём йил,  
Заъфар ёз. Чанг. Туялар ва қовунлар  
Азонда топишар

одамлар

бўйнидан сўйилган,

Мусулмонларга уқдирар шаҳар газетаси

Руминия мусибатларин.

Бозорларда,  
Пул аралашган ҳамма жойда,  
Улкан қутилар қўллариди  
Кезишар МОПРнинг йиғувчилари.  
- Рурда ишчилар ҳалок бўлмоқда...  
- Пўшт, бекорчилар! Пўшт!  
Тиллони тиларми қути кўтариб!  
Талаб қилиш керак қурол уқталиб!  
Хоҳ-хоҳ-ҳо!

Йиртик чопонларда юришар  
Жаҳлдор, МОПРнинг йиғувчилари,  
Ва ҳорғин, бемадор ташишар  
Райкомда мис чақаларни.  
Бек-Назарнинг кенжа ўғли  
Ўйлаб туриб шундай деди:  
- Ҳай, майли.

Котибман.  
Эвлашим керак.  
Тўғри.

«Мусулмонлар!  
Бугун оламда қурбон ҳайити -  
Улуғ айём. Қурбонлик куни.  
Бугун яратган ҳам кечиргайдир,  
Олий ҳамматимиз учун улуғ гуноҳимизни!»

Бек-Назар ҳожининг мачити ёнида  
Ғадолар қатори!  
Кашшоқлар бозори!  
Судралар ҳар қайси ўз эшагида.  
Мингларча бўлмаса ҳам, юзларча бор,  
Туришар, ўтиришар, ранги ҳар хил, ҳар хил юзи.  
Шарқим менинг буюқ бойликда ҳам, кашшоқликда ҳам!  
Собиқ оломонлар юзларида гуссанинг туси!  
Йиртиқ мўйналарда!  
Оловдай чанг!  
Кир саллали Митька чўзар аскар картузин:  
- Биродарлар, хайр қилинг, худо йўлига атанг!

Чангитиб ўтмоқда мағрур туялар,  
Ўрик соясида суяқ ўйнашар,  
Тор кўча - энси Ер - жойдир у камбар,  
Учрашиб тўқнашмай ўтмас лашкарлар.  
Бек-Назар ўғли,  
Наганли ва қалта камзулли,  
Ғадолар сафида, жиринглар қутиси,  
Чўчка терисидан оёқда бутси,  
Қарайди кўзларин сал қисиб.  
- Ҳой, одамлар! Кўр бўлай агар!  
Уйланмоққа у танга йиғар!  
- Бу гап чин,  
Советларнинг тиллоси йўқ,  
Фариштадай Гулнинг қалини учун!  
- Бу номусдан Ҳожи қутулолмас, қутулиб кетмас,  
Қутилмоққа моли туғул, сочи ҳам етмас!

- Бек-Назарнинг ўғли гадо бўлди,  
Келинг, мусулмонлар, ёрдам бергали!  
Ва тўнларни титкилаб қолди,  
Излашиб терлаган револьверларни.  
- Ма!  
Ўхшаб бетга учган тупикка,  
биринчи беш тийинлик чака  
отилади қутига.  
- Ма! -  
Бу бахт - мис танга ташламоқ  
Бек-Назар ҳожининг ўғлига!  
Бойлар қасос олар чин дилдан:  
- Хотирлайди сени тафтишқўм!  
Шошиб қасос олар кашшоқлар ундан  
Отаси аблаҳ Бек-Назар учун.

Совет кумуши ва Бухоро олтини!  
Ситилар семиз бармоқлардан маҳкам узуклар!  
- Ма! -  
Ва Хива шойисидан тикилган тўнлар отилди.  
- Мана, ҳиммат! Ана, бойлик!  
Кашшоқлар аламзада кўзгадиб,  
кўз олайтар ҳасад билан,  
тақлид қила улоқтирар эски тускинларни,  
менсимасдан, нафрат билан,  
нашға қилиб тупиришар,  
чекинишар моҳирона қалтираб.  
Қуёш, нега қувноқсан,  
нега сочасан зиё?  
Ҳар бир шуъланг ёноқда  
гўё -  
пичок ялтирар.

Девор ёнида  
отанинг юзи қорайди,  
кўзлари икки қора ярадай  
бошлар узра ёнади  
- Ма! -  
Шундай тилимларан бетларнинг эти,

Сўнги жангда тутқунлар шундай:  
- Ма! -  
Дейди.  
«Ким ҳали бой экан - тушлашса бўлар.  
нега оёғингни шимарасан сен?  
Тамға босасанми юзимга? Ўла!  
Ҳеч кўркмайман, сен бир газанда.  
Унга жаннат ҳозирланган наганим билан.  
Шундай кути кўтариб,  
ўғлинг кезар бозорда,  
уваданга зорда.  
У эртага ўқигани Сирдарёдан  
қайиқчада ўтиб кетар русларга.  
Ва ирмоққа етганда тўсатдан ўққа тутар,  
Чангалзордан чиқиб мана бу итлар.  
Сен ўйнаб қуласанми, Муса оға ўғлининг  
қотиллари билан?  
Сиз журъат қиласиз, биламан,  
жилмайишарлар - заҳар,  
Тупурасиз, ишонаман - бу ёлғон эмас,  
Жангда тутқунлар:  
- Ма! -  
Дейишар.  
мен маҳқумман, лекин:  
- Берасан! - дейман.  
Сийқа юзлар жонга тегди.  
Бориб ухлайман.  
Кимга керак бўлса қилсин ибодат.  
Тушларимга кирар Рурда иш ташлаганлар,  
Гул ва румин комсомоллари, фақат  
- Ма! - тушларимни бўлар,  
Урилади темир бўлиб тўшақларимга,  
Бундай темир билан сигирларни савашар.  
Сўйишар-да, қўйишар жасад ёнига  
қонга тула МОПР қутисин.  
Қотили ким,  
Назар отанинг?  
Ё лаънати ялков Мусанинг?  
Милициянинг иши бу, милициянинг».

\* \* \*

Сени олқишлайман адоват! Эй, кин!  
Шеърят шаклида бўлсанг номоён.  
Кечагидан зарур бўлмоғи мумкин  
Ишқий шеърим бугун гўё ишқли жон.  
Аччиқ сўз топмаймиз лаънатлаш учун  
Бу ҳолда нафрат-ла қарамоқ керак.  
Ютинмоқ, тутилмоқ урҳо-ур, шовқин,  
Дарз кетган тишларни қайрамоқ керак.  
Қарар деразага туялар -  
Булар тоғлардир,  
Сувратдан эса Жулетта эмас,  
Сен қараяпсан,  
Жавонда Тагорнинг унут томлари,  
ювуқсиз истакан -  
булар ҳам сенсан.  
... Аёллар кетмоқда Блок даврига,  
у ёқда ёмонмас, -  
орзу дайрида  
ҳавас қилмоқ олис оналар билан,  
Гўзал Аёлларга.  
Аёллар кетмоқда йироқ кўлларга,  
унут манзилларга,  
бошларига ёпинчик ташлаб, чодирларга кетмоқда -  
ўзга жанжалларга  
Аёллар кетмоқда, узун қўйлақлари  
тах-тах, бурмали,  
қанотли этақлари,  
ҳар бир нигоҳи билан чорлар,  
шамшири ялтиллаган эркакларни.  
Мажнунтолнинг қалин киприклари аро,  
Жимирлайди оҳиста дарё,  
Аёллар кетмоқда, тушларга кирмоқ учун.  
Ҳаёт гуллари.  
Аёллар кетмоқда.  
Унутамиз уларни.

Ўрис тилидан  
Йўлдош ЭШБЕК таржималари





## АҲЛИ ДАРК ШАРАФИ

Қалб ўта нозик, биллурдай покиза маънавий неъматдир. Унга таъсир кўрсатувчи восита нозикдан-да нозик, покизадан-да покиза бўлмоғи жоиз. Санъатнинг барча турлари, хусусан, бадий ижод қалб малҳами, уни покловчи воситадир. Санъатни англаш, уни ҳис этиш ўзига хос фандир. Дарк назокати, идрок нафосати ҳақида кўп ёзилган. Ҳаззолий, Кант, Хегель асарларида дарк назокати ҳақида батафсил тўхталинган. Бадий асар ёзувчининг кўнгил мулки, истеъдоди самараси сифатида китобхонга маънавий завқ, дарк ҳузури шаклида ўтади. Матннинг ўзлаштирилиши, дарк қилиниши олам-олам маъно-мазмунга эга. Бадий адабиёт аҳли китобхонсиз ноқерақдир. Халойиқ бадий адабиётсиз ғарибу бенаводир. Бадий асарни тушуниш айни вақтнинг ўзида тушунмаслик ҳамдир. Омма бадий адабиётни тушуниб етмаганлиги сабабли унга қарши исён кўтаради. «Оммага тарки одат амри маҳолдир: у одатланган нарсаларинигина энг рост, энг одил, энг нафли деб билади... У бундан юз, ҳатто ундан-да озроқ муддат илгари янгилик бўлгани учун жон-жаҳди билан инкор этган нарсаларини бугун эскиликка айланганида ҳам шу алфозда ҳимоя қилади» (В.Белинский).

Бадий асарни тарк этиш масаласида ижодкор ва китобхон аро ҳамиша зиддият пайдо бўлаверади. Лекин, барибир, адабиётнинг жони халойиқ орасидадир. «Тинглаётган сўзлаётганга нисбатан сўзлар заминдаги маънони теранроқ англайди, китобхон ижодкорга нисбатан асар моҳиятини чуқурроқ тунушади. Асарнинг қиммати, моҳияти муаллиф ғоясидамас, унинг ўқувчига қай даражада таъсир ўтказишидадир» (А. Потебня).

Китобхон ва ёзувчи аро боғлиқликда ҳам ғалати муносабатлар бор. Аҳли дарк бадий асарнинг дейлик, ўндан тўққиз қисмини онгли ўзлаштиради, ўндан бирини ғайришуурий англайди. Шу жараён ёзувчида тесқари нисбатда рўй бериши мумкин: ижодда савқи табиийлик етакчилик қилади-ю, онгли тасвир, ҳисоб-китобли ёзиш кам бўлади. Ҳақиқий санъаткорлар ўз асарларини аҳли дарк сифатида ўқиганларида хайрон қиладилар. Ёхуд аксарият санъаткорлар аҳли дарк мулоҳазаларини тинглаб хайрон қоладилар, ўз асарларини ўзларича янгитдан кашф этадилар.

XX асрнинг олтмишинчи йилларигача шеърятта муносабат ёмон бўлди: шеър мафкура никобига айланган, ташвиқот воситаси бўлиб қолган, сўз билан берилган пора-мақтов даражасига тушиб қолган онлар бўлди. Эркин Воҳидов «Ёшлик девони»нинг «Добоча»сида аҳли даркларнимас, аҳли бедаркларнинг жонини кулиб туриб ола билди:

*Эй мунаққид, сен газални*

*Кўҳна деб камситмагил,*

*Севги ҳам Одам Атодин*

*Қолган инсон қонида.*

*Тошга ҳам ширин газал*

*Баҳш айлағай оташ ва жон*

*Шавқ ўти ёнса агар*

*Шоир-газалхон қонида.*

Ажабки, тошга ҳам жон баҳш эта олган газал шўро даврида ёмонотлик қилинди, халқ руҳига бегона дея қувғин қилинди. Ҳайриятки, аҳли дарклар қулфи дилини очган, қаламини ўткир қилган замонлар келди. Аҳли дарк бадий асарни ўзлаштирар экан, завқ-шавқ олади, ҳузур қилади. Аҳли дарк орасида шундайлари борки, улар бадий асарни баҳолаш шарафини ҳам зиммаларига олганлар. Бундай тоифадаги дарк аҳли билан маҳак аро яқинлик бор. Ҳайдар Хоразмий «Маҳзун ул-асрор» достонида ёзилишича, ҳар касб-корнинг ўз сир-асрори бўлганида, қадимда олтин, қумуш сингари қимматбаҳо қоришмаларни изловчилар маҳакдан фойдаланар эканлар. Маҳак тошлар, маъданлар уюмидан олтин умушларни беҳато ажратиб берар экан.

Олтин, олмос, қумуш, дур-жавоҳир сингарилар моддий оламда қимматбаҳо ашё ҳисобланадилар. Инсоният моддий бойликларни баҳолашда қимматбаҳо тошларни ўлчов қилиб олган. Моддий неъматларга нарх қўйилади. Маънавий-руҳий неъматлар баҳоланади ёки қадр-қиммати белгиланади. Кўпчилик нарх қўйиш билан баҳолаш, қадр-қимматни белгилашни фарқламайди. Кези келди, яна бир кузатишни айтиб ўтай. Аксарият кишилар «даво» билан «шифо» сўзлари аро фарқни англаб етмайдилар. Шифохона, шифокор, даволаш сўзлари аралаш-қуралаш ишлатилади. Халқ ҳар бир сўзни ўрни-ўрнида ишлатган. «Дардинга даво, ранжинга шифо берсин». - дейди доно халқимиз. Абу Али Ибн-Синонинг «Китоб аш-шифо» асари хасталиқлар ҳақида эмас, фалсафа, руҳият, илоҳият ҳақида эканлигини кўпчилик билмайди.

Биз руҳий-маънавий бойликларни баҳолаш ҳақида гапираётган эдик. Шундай тушунча, фикрлар борки, уларни қиёссиз англаиб бўлмайди. Лекин инсон руҳий, тасаввурий фикрларга ҳамиша ҳам мос қиёс топа олмайди. Мен кўпинча «Вақт» шеърини ёзаётган Фафур Фулом ҳолатини тасаввур этаман. Истеъдодли шоир энг нозик тушунчалар, хусусан, вақт бирлиги-он, лаҳза баҳосини бермоқчи бўлади. Излай-излай у маънавий оламдан қиёс топа олмайди. Моддий бойликларнинг энг нодир, қимматларини ўлчов қилиб олади:

*Бир оннинг баҳосини ўлчамоқ учун*

*Олтидан тарозу, олмосдан тош оз.*

Фафур Фулом он, лаҳза баҳосини руҳий-тасаввурий неъматлар ичра роса излагани англашилади. Абдулла Орипов «Жаннатга йўл» драматик достонида гуноҳу савоблар ҳажмини ўлчамоқчи бўлиб қолади. Гуноҳ, савоб ҳам он, лаҳзадай инсон тасаввурида пайдо бўлган тушунча. Хўш, ўлчов қандай бўлиши керак? У дунёда гуноҳу савобларни ўлчовчи тарозибон борлиги ҳақида кўп ёзилган. Аммо ҳеч қаерда у тарозибоннинг қандайлиги, оғирлик ўлчовлари ҳақида ўқимаганман. Абдулла Орипов оғирлик ўлчовининг қадимги мисқол, чакса, пайса сингари ўлчовлари орасидан ўзига, асарига мосини топади: Инсонлар савоби ва гуноҳи пайсалаб ўлчанади.

Умр ҳам ўлчовли неъмат эканлиги аниқ. Умр ўлчови қандай белгиланади? Ҳаззолий «Кимёи саодат» асарида

«Бозордаги муомала ва одоб баёнида» тўхталинар экан, моддий неъматлар қилий ва вазний ўлчовлар орқали белгиланишини ёзади. Қилий ўлчов паймонламоқни англатади. Қилий ўлчов тури, қарангки, умрга нисбатан ҳам қўлланади. Бандаи мўминнинг ой-қуни тугалгач, паймонаси тўлипти, деймиз. Қаранг, яна моддий дунё ўлчови руҳий-тасаввурий тушунчага нисбатан қўлланиляпти.

Баҳолаш масаласида ХХ аср фани мислсиз янгиликларга эга бўлди. 1949 йилда америкалий биолог олимлардан Моруци ва мегунлар инсон миясидаги аксиологик марказномахусус йўналишдаги ретикуляр тизим, баҳолаш тугунчасини кашф этдилар. Ранг билиш, ҳид олиш марказлари аниқ эди. Энди баҳолаш нуқтаси борлиги англашилди.

Моддий дунёда шундай нозик неъматлар мавжудки, уларни руҳий-тасаввурий неъматдан фарқлаш мушкул. Масалан, нурни кўрамиз, нурсиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. Аммо нурлар тури бекиёс даражада кўп, ранг-баранглиги ҳақида бош қотириб ўтирмаймиз. Немис физик-олими Ханс Гейгер (1882-1945) шундай нафис усқуна кашф этганки, у нурланиш, радиация миқдорини

аниқ ўлчайди. Фанда уни гейгер ўлчагичи дейдилар. Хуллас, фанда ўлчаш, ўлчов бирликларига эътибор кучайган. Адабиёт ва санъат назарийчилари, қилни қирк ёрувчи мутахассислари эса ўзларининг кўз кўрмас, қўл тутмас сирли тарозилари ёрдамида бадий асарлар кадр-қимматини ўлчайдилар, баҳосини чиқарадилар.

Тилимизда «бебаҳо» деган ажойиб сўз бор. Шундай руҳий-маънавий-тасаввурий тушунча-неъматлар борки, уларнинг ўлчовига қиёс йўқ, баҳоси дабудрустан айтила қолинмайди. Шундай пайтда инсон қиёслари, баҳолаш, кадрини ўлчаш имконини топадилар. Бундай жасоратли юмушга қўл урганлардан бири улуг Алишер Навоийдир. Ул сиймо буюк Низомийнинг «Панж ганжи»- «Хамса»си баҳосини бера олганлар. Мана, ўша баҳонинг шеърини ифодаси:

*Каффори мизон анга афлок ўлуб,  
Ботмони тоши кураи хок ўлуб,  
Тортса юз қарн хирад хозини  
Чекмагай анинг кўпидин озини*

Аҳли даркни улуг Алишер Навоий хирад хозини (идрок хазинабони)деб айтадилар. Аҳли дарк бор экан, санатнинг бебаҳо асарлари мангу яшайверади.

**Абдуғафур РАСУЛОВ**

## ҚУТЛАЙМИЗ



## ИЗҲОР

Ўзбек танқидчилигининг кейинги ўттиз йиллик тараққиёти ТошДУ ўзбек филологияси факултети, хусусан, факултетнинг ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Кафедра тарихи - ўзбек танқидчилиги тарихининг муҳим бир қисми, десам хато бўлмас. Шак-шубҳа йўқки, атига тўрт-беш киши ишлайдиган шу кичик кафедра ўзбек адабиёт илмининг эътиборли ва мақоми юксак марказларидан биридир. Озод Шарафиддинов ва Умарали Норматовнинг ижодий таъсири туфайли кафедрада яралган соғлом ижодий муҳит келажакда ҳам сара мевалар беражак.

Дарвоқе, мен бу ёзувларни таниқли олим Абдуғафур Расуловнинг 60 ёшга тўлганлигига бир кичик табрик дея ёзаётган эдим. Шу боис Абдуғафур акага аталган сўзимни даставвал у киши ишлайдиган кафедранинг тилга олишдан бошладим.

Ёши олтмишнинг нари-берисидаги танқидчилар орасида ҳозирги ўзбек адабиётида юз бераётган ўзгаришларни астойдил ва қизиқиб кузатиб бораётганлари кам топилади. Шундай номи улуг адабиётчи олимларни

биламанки, улар кейинги ўттиз йиллик ўзбек адабиётини кам биладилар. Адабиётимизнинг шу даврини билмаслик ослида ўзбек адабиётини билмасликдир. Адабий жараёнга доимий қизиқиш, бу илгор фикрга, бадий тафаккурнинг ўсиши, ўзгариши ва янгиланишига хайрхоҳликни англатади. Ўсаётган фикрга қизиққан одамнинг тафаккури соғлом мева беришдан тўхтамайди. Абдуғафур акада чин адабиётчиларга хос ана шундай фазилат борлигини сезганман. Ҳурматли домла шу кунларда яратилаётган йирик романлару энди-энди илк тўплами нашр этилган шоирларнинг ижодигача диққат билан кузатиб борадилар.

Нима учун баъзи бир гаройиб кимсалар оқилона турмуш қонунига зид равишда машаққати кўп, роҳати кам, тузукрок моддий фойда келтирмайдиган, аммо оданинг қувватини зулукдек сўриб оладиган адабиёт йўлини танлайди? Қалам ва қоғозга дўст тутинган одамнинг юз-кўзига тикилиброқ қаранг, албатта мискинлик аломатини сезасиз. Эҳтимол, улар Оллоҳ берган ўткир ҳис ва кучли ақлларини адабиётдан ўзга соҳага сарф этсалар эди, дунёда улардан кўра ишбилармон ва бадавлат кимса бўлмасди. Лекин энг улуг ижодкор - Оллоҳнинг қудратини кўрингки, у ўта сезgir ва кучли тафаккур соҳибларининг кўнглига дард солиб кўяр экан. Дард, изтироб истеъдод сўзининг синоними деган гап ҳам бор. Хуллас, кўнглидаги дард шахснинг руҳий ва ақлий сифатларини ўз измига олиб, юксак орзу йўлига йўналтирар экан.

Абдуғафур Расулов ҳам дард, изтироб тазийқи туфайли қоғоз, қалам ва бедорликка ошино тутинган олимдир. Бундай инсондан ҳамиша мўъжиза кутса бўлади. У киши факультет декани этиб сайлангач, талабалар ва домлалар орасида кучли ижодий муҳит пайдо эта билдилар. Шахсан Абдуғафур аканинг ташаббуси билан факультетда «Ижодхона» клуби ташкил этилди. Клубнинг сири шуки, машҳур шоир ва ёзувчилар талабалар ва домлалар учун адабиётнинг сир-асрори хусусида маъруза ўқийдилар. Бу ҳали ҳаммаси эмас. «Ижодхона»миз Абдуғафур Расуловнинг жонбозлиги ва сайъ-ҳаракати билан Олий адабиёт курсига айланиш арафасида турибди. Адабиётни чин кўнгилдан севган одамгина ана шундай катта гоани реаллаштиришга журъат эта олади.

Гап сўнггида Абдуғафур акани муборак олтмиш ёшлари билан табриклар, бошлаган эзгу ишларини амалга оширишлари учун уларга узоқ умр, тани-сиҳатлик тилайман.

**Раҳимжон РАҲМАТ**





Яна хабарда келибдурки, қиёмат куни бўлса Худойи таоло ҳамма халойикни Маъшароҳнинг бир даштига жам қилур. Андин сўнгра Дўзах буларнинг тарафига югуриб келурки, анинг ҳамма эшиклари очилгон ва ўтларининг шуъласи фаввора уруб чиқиб тургон бўлур ва шуъласи ҳамма халойикни атрофидин ўраб олиб куйдируб турар. Бас, халойиклар бул ҳодисаларни кўруб Пайгамбар алайҳиссаломга арз қилурлар ва пайгамбар алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломга арз қилурлар. Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Ё Муҳаммад, кўркмангиз ва бошингизни гарду губорини силкиб тўқингиз.» Бас пайгамбар алайҳиссалом бошларини силкиб ҳамма гарбу губорини тўкарлар ва ул гарду губорлардин Худойи таоло бир булут яратурки, гўё ёмғурнинг булутидек аларнинг бошлари устига келиб турар. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом айтурларки: «Ё Муҳаммад, сақолингизнинг губорини ҳам тўқингиз». Бас, Пайгамбар алайҳиссалом сақолларининг губорини ҳам тўкарлар. Ул губордин Худойи таоло бир парда яратурки, халойик бирла дўзахнинг миёнасига банд бўлур дўзахнинг иссини қайтарадур. Андин сўнгра Жаброил алайҳиссалом келиб айтурларки: «Ё Муҳаммад, тамоми жасадингизнинг губорларини ҳам силкиб тўқингиз». Бас, Пайгамбар алайҳиссалом тамоми жасадингизнинг губорини силкиб тўкарлар. Ул губордин Худойи таоло мўмин бандаларининг тагига фалос яратурки, ушбу кароматлар бирла аларнинг ҳамма атрофлари банд бўлур, дўзахнинг ўти таъсир қилмоғига йўл тополмас. Пайгамбар алайҳиссаломнинг муборак аъзоларига ўлтургон губорнинг хосиятининг умматларига ҳеч азоб бўлмас.

Яна хабарда келибдурки, қиёмат куни бўлса мезон қурилиб, халойикнинг аъмоллари тортилуру. Ул вақтда бир банданинг гуноҳи савобидин оғир келур ва ул бандани дўзахга ташламоққа амир қилинур. Андин сўнгра ул банданинг кўзидаги кифрикларидин бир дона мўйи тилга келиб айтурки: «Худоё, ўзингнинг юборгон расулинг Муҳаммад алайҳиссалом айдиларки, ҳар ким Худойи таолодин кўркуб йиғласа ва кўзидин бир кифриги хўл бўлудек ёш чиқса ул банданинг ҳамма гуноҳларини Аллоҳ таоло мағфират қилур. Бас, батаҳқиқ бул бандани сандин кўркуб дунёда кўб йиғлагондур ва манинг устимдин кўб ёшлари жорий бўлгондур. Энди бул бандани дўзахдин озод қилгил ва дўзахга юбормангил». Андин сўнгра Худойи таоло анинг ҳамма гуноҳларини мағфират қилиб дўзахдин халос қилур. Кейин нидо қилурки: «Эй халойиклар, билингларки, фалон ибни фалон бандани дунёда мандин кўркуб йиғлагон сабабидин ва йиғлағониға кўзининг кифрикларидин бир дона мўйи гувоҳ бўлғони учун дўзахдин нажот топиб халос бўлди». Валлоҳу аъламу бис-савоб.

**ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ  
ЖАННАТНИНГ БАЁНИ**

Вахб ибн Мунаббих розийаллоху анху айтибдурларки: «Батаҳқиқ Аллоҳ таоло жаннатни жумъа куни яратди. Катталипти шундоғки, ани яратқон вақтдин то қиёматгача эни осмон бирла ерининг миёнасига баробардир. Аммо бўйининг миқдорини Худойи таолодин ўзга киши билмас. Қиёмат бўлгондин сўнгра ани Худойи таоло кенг ва васиъ қилиб жами аҳли жаннатлар учун макон пайдо қилур. Ҳар кимнинг қилгон аъмолиға лойиқ бул дунёга неча баробар жой берур.

Хозирда жаннатнинг ҳаммаси бир юз даражаликдур. Ҳар икки даражасининг миёнаси беш юз йиллик йўлдур. Аммо қиёмат бўлгондин сўнгра Аллоҳ таоло ани васиъ қилиб, неча даража пайдо қилурки, анинг ададини Худойи таолодин ўзга киши билмас. Аҳли жаннатларнинг ҳар бирларига қилгон аъмолларига муносиб неча минг даражалар ато қилур.

Жаннатда неча адад анҳорлар оқурки, ҳаммаси ниҳоятда покизадур. Мевалари пайдар-пай пишиб турарки, аҳли жаннатлар ҳарчанд еганлари бирла ҳаргиз камаймас. Ва аҳли жаннатлар учун беадад покиза ва дидрабо хотунлар бордурларки, ҳаммалари ҳури айишлар жинсидиндурлар. Аларни Худойи таоло нурдин яратқондурки, суратлари гўё ёқутдек ва маржондек

кўринурлар. Алар ўз жуфтларидин ўзга кишига ҳаргиз назар қилмаслар ва ўз жуфтларидин илғари одамзоддин ва жинлардин ҳеч ким аларга етушолгон эмасдур. Жуфтлари ҳар мартаба яқинлик қилгонларида алар яна қиз бўлурлар. Ҳар бирларининг етмиш қабат ранго-ранг либослари бўлурки, аларнинг оғирликлари гўё бададаги мўйидек ҳам маълум бўлмас. Бадалларининг латофати ва покзаллиги шундоғдурки, устухонларининг мағзи гўё шишадин май кўрунғондек гўшт ва пўст ва либосларининг устидин кўринур. Сочларига жавоҳир, марварид ва ёқутлар тақилиб зийнат берилгондур. Аллоҳумма-рузкна минҳум. Омин.

**ҚИРҚ УЧУНЧИ БОБ  
ЖАННАТНИНГ ДАРВОЗАЛАРИ БАЁНИ**


Хазрат ибн Аббос розийаллоху анху айтибдурларки: «Жаннатнинг саккиз дарвозаси бордур, ҳаммаси тиллоданур, жавоҳирларни қадаб зийнат берилгондур. Ул дарвозаларнинг биринчисига ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОХУ МУҲАММАДУР-РАСУЛУЛЛОХУ ёзулгондурки, ул дарвозадин пайгамбарлар, уламолар, сахийлар ва шаҳидлар қирадилар. Иккинчи дарвозадин таҳоратни яхшилаб қилиб, рукуъ ва сужудни камолға етқузуб намоз ўқигонлар қирарлар. Учинчи дарвозасидин хурсандлик ва розилик бирла зақотни тамои берганлар

қирарлар. Тўртунчи дарвозасидин амри маъруф ва наҳйи мункар қилиб, яхшиларни тоатга бошлаб, бетавфиқларни гуноҳдин қайтарганлар қирарлар. Бешинчи дарвозасидин ўзини тақво бирла гуноҳ ишлардин сақлагонлар қирарлар. Олтинчи дарвозасидин ҳаж ва умра қилгонлар қирарлар. Еттинчи дарвозасидин ғазот қилгонлар қирарлар. Саккизинчи дарвозасидин ота ва онани рози қилгонлар қирарлар. Яна ҳешу

ақраболарға ва етиму ғарибларға мурувват ва шафқат қилгонлар ва кўзларини ҳаром нимарсалардин беркитиб, ўзларини эҳтиёт қилгон аҳли тавҳидлар қирарлар.

Жаннатнинг номлари ҳам саккиз хилдурки, биринчиси - Дорул-жинондур. Ани Худойи таоло оқ марвариддин яратқондур. Иккинчиси - Дорус-саломдур, ани қизил ёқутдин яратқондур. Учинчиси - Жаннатул-Маъводур. Ани кўк забаржаддин яратқондур. Тўртунчиси - Жаннатул-Хулддур, ани сариғ маржондин яратқондур. Бешинчиси - Жаннатун - Навъмидур, ани оқ қумушдин яратқондур. Олтинчиси - Жаннатул-Фирдавсдур, ани қизил тиллодин яратқондур. Еттинчиси - Жаннатул-Андрдур, ани оқ марвариддин яратқондур. Бул жаннат ҳамма жаннатлардин баландроқдур. Саккизинчиси - Жаннатул-Физодур. Бул жаннат ҳамма жаннатлардин ҳам баландроқ ва ҳам шарофатликроқдур. Анинг икки табақа дарвозаси бордурки, ҳаммаси тиллодиндур. Ҳар иккисининг миёнаси осмон бирла ерининг миёнасига баробардур. Бас, бу жаннатни яратмоқда Аллоҳ таоло бир ништини тиллодин ва бир ништини қумушдин, лойини мушқдин, туфроғини анбар ва заъфарондин яратқондур. Анинг иморатлари марвариддиндур. Ул иморатларнинг эшиклари ёқутдин, дарчалари жавоҳирдиндур. Бул жаннатда неча адад анҳор бордурки, ҳаммаларида раҳмат суви оқар. Ҳаммалари бул жаннатдин чиқиб, ўзга жаннатларға борурлар. Аларнинг тошлари ва қумлари марвариддиндур ва сувлари кордин совуғроқдур ва асалдин ширинроқдур. Кавсар суви ҳам шул жаннатдадурки, номини Наҳри Муҳаммад дерлар. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом қиёмат куни ўз дасти мубораклари бирла жаннатнинг нур табоғидин олиб келиб, ушбу кавсардин сув олиб умматларига ичирарлар. Бу жаннатнинг дарахтлари дурдин ва ёқутдиндур. Наҳри Кофур, наҳри Тасним, наҳри Салсабил, наҳри Раҳиқ деган анҳорларнинг ҳаммаси шул жаннатдадур. Булардин ўзга беадад анҳорлар ҳам бордур.

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурларки: «Меърож кечаси ман осмонга чиктим ва осмондин ўтуб баландга чиқиб кета туруб эрдим, ҳамма жаннатлар зоҳир бўлур кўзумға кўрунди. Жаннатда тўрт анҳор кўрдумки, бирида сув, бирида суг, бирида шароб ва бирида асал оқиб турубдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ФЙЙҲА АНҲАРУН МИН МАИН ФАЙРИ АСИНИН ВА АНҲАРУН МИН ЛАБАНИН ЛАМ ЙАТАФАЙЙАРУ ТАЪМУХУ ВА



ФАЗЗОЛИЙ

ДАҚОЙИҚ УЛ-АХБОР

АНХАРУН МИН ХАМРИН ЛАЗЗАТИН ЛИШ-ШАРИБИЙНА ВА АНХАРУН МИН АСАЛИН МУСАФФО<sup>118</sup> шул мазмунга далолат қилур». Пайгамбар алайҳиссалом яна айдиларки: «Ман Жаброил алайҳиссаломдин сўрдимки, «Ё Жаброил, бул анҳорлар қайдин чиқиб келадуру ва қаёнга борадуру?» Бас, Жаброил алайҳиссалом айдиларки: «Ё Муҳаммад, бул анҳорларнинг борадуру жойлари Хавзи Кавсардуру. Аммо қайдин чиқиб келмоқларини ман билмасман. Агар билмоқни хоҳласангиз Худойи таолодин сўрангиз». Бас, ман бу анҳорларнинг қайдин чиқиб келмоқларини Худойи таоло манга билдурмоғини дуо қилдим. Андин сўнгра бир фаришта ҳозир бўлуб, манго салом бериб айдик: «Ё Муҳаммад, икки кўзингизни беркитинг». Ман икки кўзимни беркитдим. Бир нафасда яна айдик: «Ё Муҳаммад, кўзингизни очинг». Ман кўзимни очтим. Кўрдимки, бир дарахтнинг олдида турубман. Ул дарахтнинг рубарбўсида бир катта гунбаз бордуруки, ҳаммаси оқ марварид бирла бино бўлгандуру. Бас, агар дунёдаги жами инсу жинларни ўшал гунбазнинг устига жам қилинса гўё катта бир тоғнинг устига бир булбул кўниб тургандек бўлуру. Ул гунбазнинг эшиги кўк ёқудиндуру. Анинг қуффи қизил тиллодиндуру. Жаннатдаги ўшал тўрт анҳорни кўрдимки, шул гунбазнинг ичидин оқиб чиқиб келадуру. Ушбу ҳолни кўруб яна йўлимга қайтмоқни ихтиёр қилиб эрдим ёнимдаги фаришта айдик: «Ё Муҳаммад, бул гунбазнинг ичига кириб кўрмассизму?» Бас, айдимки: «Бул гунбазга қандоқ кирарманки, эшигига қуфл солинғандуру?» Бас, фаришта айдик: «Ё Муҳаммад, қуфлнинг қалиди кўлингиздадуру». Ман айдимки: «Маннинг кўлимда қалидим йўқдуру». Фаришта айдик: «Бу қуфлнинг қалиди БИСМИЛЛАХИР-РАҲМОНИР-РАҲИМдуру. Андин сўнгра ман қуфлга яқин бориб БИСМИЛЛАХИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ деб эрдим, қуфл очилди. Ман ул гунбазнинг ичига кириб кўрдимки, ўшал жаннатдаги тўрт анҳорнинг ҳар бири шул гунбазнинг ҳар тарафидин оқиб чиқиб турубуру. Бас, бу воқеани кўруб қайтиб чиқиб эрдим, фаришта айдик: «Ё Муҳаммад, бул анҳорларни кўрдингизму?» Ман айдимки: «Орий, кўрдим». Фаришта айдик: «Яна иккинчи мартаба кириб кўринг». Андин сўнгра яна кириб кўрдимки, ул гунбазнинг тўрт тарафидин айлантуруб БИСМИЛЛАХИР-РАҲМОНИР-РАҲИМни битилгандуру. Чунончи, бир тарафга БИСМ битилгандуруки, анинг «мим»ининг тешигидин бир анҳор сув чиқиб келадуру. Бир тарафга АЛЛОҲ ёзилғандуруки, анинг «ҳо»сининг тешигидин бир анҳор сут чиқиб келадуру. Бир тарафга РАҲМОН битилгандуруки, анинг «мим»ининг тешигидин бир анҳор шароб чиқиб келадуру. Бир тарафга РАҲИМ битилгандуруки, анинг «мим»ининг тешигидин бир анҳор асал чиқиб келадуру. Бас, билдимки, бул анҳорнинг асллари БИСМИЛЛАХИР-РАҲМОНИР-РАҲИМдин экан. Андин сўнгра Аллоҳ таолодин ваҳий келдик: «Ё Муҳаммад, сизнинг умматларингиздин ҳар ким сидқидил бирла БИСМИЛЛАХИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ деса андоғ кишини қиёматда бу анҳорлардин сероб қилурман. Ушбу тариқадаки, шанба куни сув оқадурғон анҳордин ичарлар ва яқшанба куни сут оқадурғон анҳордин, душанба куни асал оқадурғон анҳордин ичарлар. Сешанба куни шароб оқадурғон анҳордин ичиб маст бўлуб, бир минг йилгача ҳавода учиб бориб бир катта тоғнинг тагига етарларки, анинг ҳаммаси ҳолис мушқдин халқ қилинғандуру. Тагидин Салсабил деган булоғ чиқиб турар. Ул кишилар бориб андин ичарларки, ул кун чаҳоршанба куни бўлуру. Андин сўнгра яна бир минг йилгача учиб бориб бир қўшқка етарларки, ул қўшққа баланд тахтлар ва косаларда шароблар ва тахт узра неча адад болишлар қўйулғон бўлуру. Алар келиб ҳар бирлари бир тахтга ўлтуруб, болишларга тақия қилиб, шароб ичарларки, ул шароблари шароби Занжабилдуру. Бул шаробни Аллоҳ таоло алар учун юбориб, меҳмон қилурки, бу кун панжшанба куни бўлуру. Қавли Аллоҳ таолоки, ФИЙҲА СУРУУН МАРФУАТУН ВА АКБАУН МАВЗУАТУН ВА НАМАРИКУ МАСФУАТУН ВА ЗАРОБИЙУ МАБСУСАТУН<sup>119</sup> ҳам шул маънига далолат қилур.

Андин сўнгра Аллоҳ таоло бир анбардин халқ қилғон оқ булутга амр қилиб бир минг йилгача зевар ва жавоҳир ёғдуру. Ул зевар ва жавоҳирларнинг ҳар бирини бир хур тақиб, ўзларига зийнат бериб, бул меҳмонларга хизмат қилурлар. Андин сўнгра бул меҳмонлар яна бир минг йилгача учиб бориб бир катта подшоҳнинг мажлисига ўлтуруб дастурхони доимийдин тановул қилурлар. Алар учун шароби Раҳиқ дегани нозил бўлуруки, ҳаммалари мушқ бирла муҳр босиб, шишаларининг оғзи печатланган бўлуру. Ул шароблардин ичарларки, ул кун жумъа куни бўлуру.

Яна Аллоҳ таоло айдик: «Ё Муҳаммад, бу тарика эъзозу икромлар дунёда яқши ва савоб ишларга машғул бўлуб, гуноҳдин ўзини сақлоғонлар учундуру».

Ҳазрат Хожа Каъбул-Ахбор розийаллоху анху айтибдуруларки, жаннатнинг дарахтларини пайгамбар алайҳиссаломдин сўрдим, айдиларки: «Ё Каъбул-Ахбор, билгилки, жаннат дарахтнинг шоҳлари қуримас ва барглари тўкулмас ва мевалари тамом бўлмас. Жаннат дарахтларининг энг каттаси Тубий дарахтидуруки, анинг илдизи оқ марваридиндуру. Учи тиллодиндуру ва

ўртаси қумушдиндуру. Шоҳлари забаржаддин ва барглари ҳарирдуру. Анинг етмиш минг шоҳи бордуруки, аларнинг ҳаммадин баландроғи Аршнинг поясига етгандуру. Ҳаммадин пастроғи еттинчи осмонга етгандуру. Анинг шоҳлари жаннатнинг ҳамма дарвозаларига ва ҳамма қўшқларига ва ҳамма ҳужраларига етиб соя бериб турарки, ҳаргиз жаннатда анинг соясидин баҳра олмағон жой йўқдуру. Анинг меваларини аҳли жаннатлар еганлари бирла қамаймас. Чунончи, анга ўхшаш нимарса дунёда офтобдуруки, ўзи осмонда туруб ер юзига равшанлик берур ва анинг иссиғидин неча юз минг киши баҳра олғон бирла анинг иссиги қамаймас».

Ҳазрат Али розийаллоху анху айтибдуруларки: «Жаннат дарахтларининг баъзиси тиллодин ва баъзиси қумушдин бўлуру. Агар илдизи қумушдин бўлса, шоҳлари тиллодин бўлуру. Баргларининг баъзиси тиллодин, баъзиси қумушдин бўлуру. Лекин, дунё дарахтнинг илдизи ерда ва шоҳи ҳавода бўлуру. Чунки, Худойи таоло одамларни дунёга мева оқмоқ учун халқ қилғон эмас, балки, ибодат қилмоқ учун яратқандуру. Аммо, жаннат дарахтларининг илдизи ҳавода ва меваси пастдадуру. Чунки, жаннат ибодатнинг жойи эмас, балки, дунёда ибодат қилғонларнинг роҳат кўруб, неъмат тановул қиладурғон жойларидуру. Бу мазмунга қавли Аллоҳ таолоки, ҚУТУФУҲА ДОНИЙА<sup>120</sup> ҳам далилдуру. Жаннатнинг туфроғлари мушқу анбар ва кофурдуру. Анҳорлардин сув, сут, асал ва шароб оқуру. Агар жаннатда шамол юрса, дарахтларининг барглари бир-бирларига тегиб, бир овоз пайдо бўлуруки, андоғ яқши овозни дунёда ҳеч ким эшитган эмас. Агар аҳли жаннатлар тасбиҳ ва истиғфор ва тиловати Куръон ва Худонинг зикрига машғул бўлсалар, алар учун фаришталар қишққор қилиб, ғизо эқмоқ ва неъмат муяссар қилмоққа машғул бўлурулар. Агар аҳли жаннатлар тасбиҳ ва истиғфоридин тўхтасалар, фаришталар ҳам бул хизматдин тўхташурулар.

Хабарда келибдуруки, рамазон рўзасини тутқон одамлардин ҳеч бирлари қолмай ҳаммаларини Худойи таоло қиёматда ҳурларга никоҳ қилиб, марвариддин халқ қилинғон чодирга қўяр. Бул мазмунга қавли Аллоҳ таолоки, ХУРУН МАКСУРОТУН ФИЛ - ХИЙАМ<sup>121</sup> ҳам далилдуру. Ул хур хотунларнинг ҳар бирига етмиш адад қизил ёқуддин тахт ва ҳар тахтга етмиш хил фалос берур. Ҳар хотунга бир минг чўри берурки, ҳаммаси тилло бирла ўзига зеб бергандуру. Бу қароматларнинг ҳаммаси фақат рамазон рўзасини тутқон кишиларнинг ажрлари учундуру. Аммо, мундин ўзга ишларнинг ажри ҳам мунга қиёс қилғонда Аллоҳ таолонинг марҳамати бениҳоят эканлигига далилдуру. Валлоху аълам.

## ҚИРҚ ТЎРТУНЧИ БОБ АҲЛИ ЖАННАТЛАРНИНГ АҲВОЛЛАРИ БАЁНИ

Хабарда келибдуруки, Пулсиротнинг орқасида қўб катта саҳролар бордуруки, анда ниҳоят яқши ва ширин мевалик дарахтлар бордуру. Ҳар дарахтнинг остида икки булоғ бордуру. Бир дарахтнинг ўнг тарафида, бири чап тарафидадуру. Ул булоқ сувларининг асли жаннатдин чиқиб келадуру. Бас, ҳалойиқлар қиёматда гўрларидин туруб ҳисоб бермақ учун маҳшаргоҳда қўб таваққуф қилурлар. Офтоб пастга тушуб, бир найза бўйи микдоридида турар. Анинг иссиғидин ҳалойиқ қўб озурда бўларлар ва ниҳоятда ташна бўларлар. Ҳисобдин фориғ бўлғондин сўнгра мўъмин бандалар Сиротдин ўтуб бориб ташналик ҳолларида ўшал дарахтларнинг тагига бориб роҳат қилурлар. Анинг тагидаги булоғларнинг сувидин ичарлар ва ичган сувлари қўкрақларига етгандин сўнгра диллари ҳасаддин, гинадин ва хиёнатдин пок бўлуру. Сув қоринларига етгандин сўнгра қоринлари ахлатдин пок бўлуру.

Андин сўнгра бориб жаннатнинг тагидин оқадурғон Маъул - ҳаёт деган дарёда чўмилиурлар. Андин сўнгра зоҳир баданлари ҳам пок бўлуру. Юзлари ўн тўрт кечалик тўлғон ойдек мунаввар бўлуру. Баданлари ипақлик либосдек мулоғим бўлуру. Жасадади мушқдек хушбўй бўлуру. Андин сўнгра жаннатнинг дарвозасига бориб дарвозада бир қизил ёқуддин халқ қилинғон халқани кўрарлар. Алардин бирлари кўлларининг қафи бирла ўшал халқани урарларки, андин бир нафис овоз чиқиб ул ерга ҳозир бўлғон одамлар неча киши бўлсалар хотунлик учун Аллоҳ таоло тайин қилғон хурларнинг қулоғига етар ва хурлар чиқиб тайин бўлғон эрларни қучоқлаб олиб жаннатга олиб кириб айтуруларки: «Эй меҳмон, сиз менинг дўстимдурсиз ва ман сиздин розидурманки, ҳаргиз душман ва ҳасим бўлмасман». Андин сўнгра жаннатда ўзларига тайин қилинғон қўшқларига кирарлар. Ул қўшқнинг ичида етмиш адад тахт бордуру. Тахт узра етмиш хил рахт бордуру. Ҳар рахт узра етмиш хур хотин бордуруки, ҳаммаси буларнинг хизматларига барпо турарлар ва ҳар қаюлари жаннатнинг либосидин етмиш хил либос кийган бўлурулар. Баданлари шундоқлапоғли бўлуруки, гўё шароб шишадин кўринғондек устихонларининг мағзи, гўшт ва пўст ва либосларидин кўринур.

Хабарда келибдуруки, агар аҳли жаннатлар хотунларининг сочларидин бир тораси дунёга тушса эди, албатта ҳамма оламни равшан қилур эрди.



Пайғамбар алайҳиссалом айтибдурларки, жаннатнинг ҳаммаси оқлик ва равшанликдурки, ҳаммаси офтобдек шуъла берур. Аммо жаннатда офтоб ва ой, кечалик ва қоронғулик бўлмас. Жаннат аҳллари ҳаргиз ухламаслар. Чунки уйқу ўлимнинг биродаридур. Жаннатда ўлим йўқдур. Жаннатнинг атрофида етти қабат девор бордурки, жаннатдин айланиб ўраб олғондур. Анинг биринчи қабаты кумушдин, иккинчи қабаты тиллодин, учинчи қабаты ёқутдин, тўртинчи қабаты марвариддин, бешинчи қабаты дурдин, олтинчи қабаты забаржадин ва еттинчи қабаты нурдиндурки, ҳаммага равшанлик бериб турар. Ҳар икки деворнинг миёнаси беш юз йиллик йўшдур. Аҳли жаннатлар ҳаммалари хануз соқол чиқармаган ёш йигит суратида бўлурлар ва кўзлари қаро бўлур. Лекин эркакларнинг лабларида хотунлардин фарқ бўлмоқ учун андак мўйлаблари сабз қилғон бўлурки, ул ҳам ўзларига хусн бўлур.

Ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айтибдурлар: «Аҳли жаннатларнинг ҳар бирларида етмиш хил либос бўлурки, ҳар бир либослари ҳар соатда етмиш рангда товланур. Ўзларининг юзлари чунон покиза ва мусаффо бўлурки, эрлари ўзларининг ақсларини хотинларининг юзидин кўрарлар. Хотинлари ўзларининг ақсларини эрларининг юзларидин кўрарлар. Аларнинг оғизларида туфуклари бўлмас ва мурунларида чирклар бўлмас. Бошларидин, кошу кўзларидин ўзга аъзоларида ҳаргиз мўйлари бўлмас. Дунёда кундин кунга хўслари кетиб қариғонларидек, жаннатда кундин кунга хўслари зиёда бўлур. Жаннатда бир кишига Худойи таоло бир минг кишининг қуватини ато қилурки, ул қувват бирла таом тановул қилурлар ва шароб ичурлар ва хотунлари бирла мужомаат қилурлар. Бир жимот қилғонларида саксон йилгача жимот қилмоққа кифоя қилур. Ҳар бир жимот қилғонларида хурлари яна қиз бўлурлар.

Ҳазрат ибн Аббос розийаллоху анху айтибдурларки, хурларнинг баробарида соҳибжамол нимарсаннинг борлиғи ҳаргиз эшитилган эмас.

Жаннатда чумоли бўлмас. Аҳли жаннатларнинг либосларида, фалосларида бит ва бурга бўлмас.

Ҳазрат Али қаррамаллоху ваъжаҳу айтибдурларки: «Батаҳқиқ жаннатда бир дарахт бордурки, анинг баланддаги шохлари мева ўрнига либос чиқарур, пастдаги шохлари эса эгар-жабдуқли от чиқарур. Анинг эгарига дур, ёқут ва жавоҳир қадалган бўлур. Ул отлар ҳаргиз тезакламаслар ва ҳаргиз емаслар. Бас, ул отларни Худойи таолонинг дўстлари - аҳли жаннатлар миниб, жаннатда учуб юрарлар. Булардин паст мартабадаги одамлар буни кўруб айтувларки: «Худоё, бул одамлар нима сабабдин мундоғ мартабага етдилар?» Худойи таоло айтурки: «Эй бандаларим, сизлар дунёда урлаб ётган вақтларингизда булар нафл номоз ўқуғон эрдилар. Сизлар дунёда неъматлардан тановул қилиб юрган вақтларингизда булар нафл рўза тутган эрдилар. Сизлар дунёда мол жам қилиб юрган вақтларингизда булар молларидин садақа берган эрдилар. Сизлар дунёда ўз жонларингизни эҳтиёт қилиб қочиб юрган вақтларингизда булар қофирлар бирла ғазот қилғон эрдилар.»

Ҳазрат Абу Хурайра розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, жаннатда бир туپ дарахт бордурки, агар аҳли жаннатлар жаннат Буроқига миниб бир минг йилгача юрсалар, ул дарахт соясининг бир тарафидин бошқа тарафига етолмаслар. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, ВА ЗИЛЛИН МАҲМУДИН<sup>122</sup> ҳам ўшал дарахтнинг соясидур. Анинг мисли дунёда кеча офтоб ботқондин сўнгра то субҳи содиқгача ер тағида қилдурғон сайридулки, зоҳида офтобнинг сайри андақ фурсат бўлур ва бир кеча андақ фурсатда ўтур. Аммо машриқдин мағрибгача офтобнинг сайр қилғон жойига от миниб юрган киши беш юз йилда ҳам етолмас. Қавли Аллоҳ таолоки, АЛАМ ТАРО ИЛА РОББИКА КАЙФА МАДДАЭ-ЗИЛЛА<sup>123</sup> ҳам ушбу мазмунга далилдур.

Ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Кечаси офтоб ботқондин то офтоб чикқунча ўтган замон жаннатнинг замониға ўхшайдур. Чунки бул замоннинг ичида доим соя бўлурки, одамлар офтобнинг иссингидин омон бўлурлар. Ва бул замоннинг ичида урлаб роҳат қилурлар.

Ривоят қилибдурларки, жаннатда бир дарахт бордурки, анинг меваси сувнинг кўфлидин мулоиймроқ ва асалдин ширинроқ ва мушқдин хушбўйроқдур. Бул мевани намозхон кишилардин ўзга кишиларга емоқ мумкин бўлмас. Валлоху ағлам.

### ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ ХУРИ АЙНЛАРНИНГ БАЁНИ

Ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Батаҳқиқ Аллоҳ таоло хури айналарнинг юзларини тўрт ранг бирла яратқондурки, оқ, қизил, қўқ ва сариғ рангда товланиб турар. Баданларини ҳам тўрт хил нимарсаддин яратқондурки, оёғларининг панжасидин то тиззаларингача заъфарондин яратқондур. Тиззаларидин то эмчакларингача мушқдин, эмчакларидин то гарданларингача анбардин, гарданларидин бошларингача кофурдин яратқондур. Бас, ҳамма аъзолари чунон хушбўйдур. Агар алардин

бирлари ер юзига андақ туфукларидин ташласалар эрди, туфукларининг асаридин ер юзи тамом мушқ бўлур эрди. Аларнинг ҳар қайсиларининг сийналарига ўзларининг жаннатда топшадурғон эрларининг номи ва Худойи таолонинг номларидин бири ёзилғон бўлур. Ҳар бир қўлларидин тиллодин ўн адад билакузуклари бордур. Ҳар бир панжаларида бир донадин ўн дона ёқутдин узуклари бордур. Икки оёқларида беш донадин халҳо (яъни, маҳбулларнинг оёқларига зийнат учун солинадиган халқа бўлур, унга қумуш ва тиллодин кўнғирок тақилган)лари бордурки, ҳаммасига жавоҳир ва марварид қадалғондур.

Ҳазрат ибн Аббос розийаллоху анхумо ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Бир тоифа хурлар бордурларки, аларни Аллоҳ таоло мушқдин, заъфарондин, анбардин ва кофурдин яратқондур. Аларни яратмоқда лойларини оби ҳаёт бирла қорилғондурки, ҳамма хурлар бул тоифа хурга ошиқдурлар. Агар алар бирор дарёга андақ туфукларидин ташласалар албатта ул дарёнинг суви мушқдин хушбўйроқ ва асалдин ширинроқ бўлур. Аларнинг сийналарига «Ҳар кимки, мандек хотунни орзу қилса, андоғ киши маннинг парвардигоримга ибодат қилсин» деган ибора ёзилғон бўлур.

Ҳазрат ибн Масъуд розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Вақтики, Аллоҳ таоло жаннати Аднини яратти, андин сўнгра Жаброил алайҳиссаломга нидо қилиб айтиди: «Ё Жаброил, маннинг бандаларим ва дўстларим учун яратқон жаннатимни бориб тамошо қилғил». Бас, Жаброил алайҳиссалом жаннатга бориб анда айланиб тамошо қилиб юриб эрдилар, ногоҳ жаннатнинг кўшқларидин баъзи хурлар чиқиб Жаброил алайҳиссаломга қараб табассум қилдилар. Ул вақтда аларнинг тишларининг оқлиғидин жаннати Адн мунаввар бўлур, ҳамма равшан бўлди. Бас, Жаброил алайҳиссалом аларнинг хўсу жамолларини кўруб, хўшларидин кетиб йикқилдилар. Аларни Аллоҳ таоло ўзининг нуридин яратқондур. Ул хурлардин бирлари айдилар: «Ё Жаброил, бошингизни кўтаринг». Жаброил алайҳиссалом бошларини кўтариб айдилар: «Сизларни шундоғ зоти пок яратқондурки, анинг қудрати бениҳодир». Андин сўнгра ул хурлардин яна бирлари айдилар: «Ё Жаброил, бизларнинг кимлар учун яратилғонимизни билтурмусиз?» Жаброил алайҳиссалом айдилар: «Билмасман». Ул хур айтиди: «Ё Жаброил, андоғ бўлса эмди огоҳ бўлунгки, бизларни Аллоҳ таоло нафсининг тақозосини тарқ этиб, Худойи таолонинг ризосини ихтиёр қилғон бандалар учун яратқондур».

Ҳабарда келибдурки, пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Меърож кечаси жаннатда беадад фаришталарни кўрдимки, ҳаммалари жаннатда бир ғиштни тиллодин ва бир ғиштни кумушдин қўйиб иморат қилиб туруб эрдилар. Бир вақтда ҳаммалари иморатларини тўхтатиб қўйиб, Худойи таолонинг зикрига машғул бўлдилар. Андин сўнгра ман алардин сўрдимки: «Эй фаришталар, нима учун қилиб турғон ишларингизни тўхтатиб қўйдингизлар?» Алар жавоб бердиларки: «Ё Муҳаммад, бизларнинг нафақамиз тамом бўлди. Шул сабабдин ишларимизни тўхтатиб қўйдик». Бас, ман сўрдимки: «Сизларнинг нафақаларингиз нимадур?» Алар жавоб бердилар: «Бизларнинг нафақамиз Худойи таолонинг зикридулки, агар бул иморатта келадурғон одамлар дунёда Худойи таолонинг зикрига машғул бўлсалар, бизлар мунда алар учун иморат қилмоқга машғул бўлурмиз. Агар ул одамлар Худойи таолонинг зикридин тўхтасалар, бизлар ҳам мунда аларнинг иморатларидин тўхтаб, Худойи таоло зикрига машғул бўлурмиз».

Ҳазрат ибн Аббос розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, агар аҳли жаннатлар жаннатнинг мевасидин тановул қилмоқни хоҳласалар, иштаҳаларига лойик олиб тановул қилурлар. Агар таомни хоҳласалар, Худойи таоло хурларга булар учун таом келтирмоқни амр қилур. Хурларнинг ҳар бири етмиш хизматкорга амр қилур. Ул хизматкорларнинг ҳар бирлари етмиш адад дастурхон келтурурларки, ҳар дастурхонда етмиш адад тилло қосада етмиш хил таом бўлур. Қавли Аллоҳ таолоки, ЙУТОФУ АЛАЙҲИМ БИСИХОФИН МИН ЗАҲАБИН ВА АКВАБИН ВА ФИЙҲА МА ТАШТАҲИХИЛ-АНФУСУ ВА ТАЛАЗЗУЛ-АБЪЙУНУ ВА АНТУМ ФИЙҲА ХОЛИДУН<sup>124</sup> ҳам шул мазмунга далилдур. Ул қосаларнинг ҳар бирида етмиш минг хил таом бўлурки, алар ўтда пишган эмасдур. Аларни ошпаз пиширган эмасдур. Қозонда қайнаган эмасдур. Балки, Аллоҳ таоло «Кун!», яъни, «Пайдо бўлғил!» деб амр қилғонда дарҳол пайдо бўлғондур. Ани келтуруб, аҳли жаннатларнинг олдиларига қўярлар ва алар хур хотунлари бирла ул таомлардин таъблари хоҳлаганича тановул қилурлар. Қоринлари тўйғондин сўнгра жаннатнинг қўшқларидин неча адад қўшлар учуб келиб, аларнинг тефаларида туруб айтувларки: «Эй Худонинг дўсти, маннинг гўштимдин ҳам етлик, гўштим ниҳоятда покизадур. Маннинг ўзум Салсабилининг булонгидин ва Кофурнинг булоғидин сув ичгандурман ва жаннатнинг гулистонида донлагандурман». Бас, бу сўзни эшитиб, алар бул қўшларнинг гўштидин емоқга машғул бўлурлар. Андин сўнгра Аллоҳ таоло қўшларга амр қилурки:

Эй кушлар, бул меҳмонларнинг кўнгиллари хоҳлаган тарихда пишиб дастурхонга тушунлар!» Бас, кушлар дарҳол кабоб бўлиб дастурхонга тушарлар. Аҳли жаннат таблари хоҳлаганча андин тановул килурлар. Қолгон гўштлари ва устухонлари яна Худойи таолонинг амри бирла тирилиб учиб кетарлар. Жаннатнинг таоми ҳаргиз тамом бўлмас. Ани еган бирла ҳаргиз камаймас. Ул таомларга ўхшаш нимарса дунёда Куръондурки, бир Куръондин неча минг одам таълим олиб, тиловат қилса ҳам ҳаргиз анинг сўзи, ояти камаймас.

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурларки, батаҳқиқ аҳли жаннатлар жаннатнинг таомини ерлар ва шаробини ичарлар ва меваларини ерлар, аммо алардин ахлат пайдо бўлуб, таҳорат синдурмоққа муҳтож бўлмаслар. Балки, алардин ел пайдо бўлуб чиқарки, ул ҳам бадбўй бўлмас. Балки, мушкнинг бўйидек ниҳоятда хушбўй бўлур. Чунончи, аҳли жаннатларга ўхшагон дунёда онанинг қорнидаги боладурки, Худойи таолонинг марҳамати бирла онасининг қорнида туруб ризкининг гизосини топиб турар. Лекин андин шоша ва ахлат пайдо бўлмас. Аллоҳумма-рзуқна биҳурматин-набий ва олиҳит-тоййибинат-тоҳирийн. Валҳамду лиллаҳ. Таммат.

*Наширға тайёрловчи: Нурбой Абдул Ҳаким, Ўзбекистон ФА Х.С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти атта илмий ходими, филология фанлари номзоди*

## КУРЪОН ТИЛИДА ЁЗГАН АЛЛОМА

Имом Ғаззолий ислом оламида шу қадар шўхрат қозонганки, унинг номи ортиқча таърифу тавсифга муҳтож эмас. Биргина «Ҳужжатул-ислом» унвонининг ўзиёқ унинг илм даражаси нечоғлик юксак эканлигига далил бўла олади. Унинг тўлиқ исми - Зайниддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусийдир.

Аллома фаолиятининг тадқиқотчилари Ғаззолий таҳаллусини икки хил изоҳлайдилар. Баъзилари буни касби билан боғлайдилар. Ота-боболари ғаззол - яъни, ип йиғирувчи, ёки йиғирилган иплар савдоси билан шуғулланувчи кишилар бўлганликларини асос қилиб оладилар. Баъзилари эса Тус шаҳри яқинидаги Ғаззола қишлоғида туғилганлиги боис мазкур таҳаллуслини олганлигини таъкидлайдилар.

Имом Ғаззолийни баъзи манбаларда «Баҳри бугроқ» (денгиз бағри) ҳам деб атайдилар. Бу - бежиз эмас. Алломанинг авлодларга ибрат бўларли даражадаги серқирра фаолияти, ислом тарихига, шариат аҳкомларига, тасаввуф назариясига оид юздан ортиқ асарлари уни мазкур унвонлар билан аташ учун асос бўла олади.

Имом Ғаззолий 450 ҳижрий, 1058 милодий йилда Хуросоннинг (ҳозирги Эрон) Машҳад шаҳри яқинидаги Ғаззола қишлоғида туғилди. У бошланғич таълимни Тусда олиб, кейинчалик Журжон ва Нишопур мадрасаларида зоманасининг етук алломаларидан илм тахсил қилди. Устозлари - Аҳмад ар-Родгоний, ал-Жувайний, Абу Наср Исмоилий, Абу Исҳоқ Шерозийлардир. Мазкур алломалар сабоғини олган имом Ғаззолий илм бобида шу қадар камолга етдики, натижада ислом оламида машҳур бўлган Боғдод академияси - Низомия мадрасасида мударрислик қилди. Бу ерда тўрт йил фикҳ (ислом қонуншунослиги), фалсафа, калом илми ва тасаввуфдан дарс бергач, 488/1095 йилда ҳаж сафарига бўлди. Шундан сўнг бир қанча вақт Искандарияда туриб, Боғдодга, кўп ўтмай эса ўз ватанига қайтиб келди.

Ўз ватанига қайтгач, имом Ғаззолий илм ва ибодат билан машғул бўлди ва ҳижрий 505/1111 йилда оламдан ўтди.

Унинг қуръон илмига оид «Жавоҳирул-Қуръон», «Ғаззолий-Қуръон» фикҳга доир «Ақида», «Ал-ақида ал-қудсия», «Китоб ал-мақсад ал-асно фий асма-Иллоҳу-л-хусна» «Ар-рисола ал-қудсия», «Китоб ал-иктисод фил-этиқод», ҳадис илми тўғрисида баҳс юритувчи «Китоб ал-мавоиз фил-аҳодис ал-қудсия», калом илми ҳақидаги «Китоб илжом ал-авами ан илм ал-калом», шунингдек «Рисола фил-мавт», «Рисола фил-байан маърифатуллоҳ», «Ихеу улумид-дин» «Китоб бидоят ал-ҳидоя», «Китоб ай аййуҳалвалод», «Кимёу-с-саодат», «Ал-мунқиз миназ-залол» ва бошқа асарлари саккиз асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, бутун ислом оламида маълум ва машҳурдир.

118. Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли-сифати (будир): «Унда айнимаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам, ичгувчилар учун лаззатли (яъни, бадтаъм ва ақдан оздиреувчи бўлмаган) майдан бўлган дарёлар ҳам, мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир». (47-15).

119. У жойда баланд сўрилар ва (булоқ бўйига) қўйиб қўйилган қадаҳлар, тизиб қўйилган ёстиқлар ва тўшалган гиламлар бордир (88-13, 14, 15, 16).

120. Сўнг у кўнгилли ҳаётда, мевалари (аҳли жаннат учун) яқин бўлган юксак жаннатда бўлур (69-21, 22, 23).

121. (Улар (чодирларда асралган ҳурлардур. (55-72).

122. Ёйилган соя остидадурлар (мўминлар) (56-30).

123. Парвардигорингизнинг (ҳудратини) - сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми? (25-45).

124. Уларга олтидан бўлган лаганлар (да таомлар) ва қадаҳлар (да шарблар) айлантирилур. Ужойда кўнгишлар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда мангу қолурсизлар (43-71).

Имом Ғаззолий асарларини араб тилида ёзди. Умуман, ўрта асрларда яшаб ижод этган жуда кўп мутафаккирлар ўз илми ва фалсафий қарашларини Қуръони карим тилида баён этганлар. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бу фикрларни туркий тилда баён қилиб бўлмасми? Ёки, шу пайтгача ўқдириб келинганидек бу араб мустамлақачиларининг зуғуми тўғайлими? Шу ва шу каби саволларнинг туғилиши табиий.

Фикримизча, аждодларимизни ҳеч ким араб тилида ёзишга мажбур қилган эмас. Ҳақ доврда араб тили илм тили сифатида эътироф этилган эди. Бу - бежиз эмас. Араб тили ҳақиқатан ҳам дунёнинг моҳиятини ўзида мужассам қилган тил. Фикримизни бирикита мисол келтириш билан исботлашга ҳаракат қиламиз. Масалан, араб тилида «илм» деган сўз бор. Бу сўз уч харф - «ойн», «лом» ва «میم»нинг бирикувидан ташкил топган. Энди араб тилидаги «олим» ва «олам» сўзлари ҳам айнан мана шу уч харфнинг бирикуви асосидаги ўзакдан юзага келади. Энг муҳими, «илм», «олим» ва «олам» сўзлари битта ўзакдан ясалган. Бу учала сўзнинг ижтимоий мазмуни оламнинг моҳиятини ўзида акс эттироди. Илм - оламни англаш воситаси. Олам - илм воситасида ўрганилувчи объект. Олим - оламни илм орқали ўрганувчи шахс.

Аслида дунёнинг ва инсон фаолиятининг бош моҳияти мана шу уч сўзда ўз аксини топади. Зеро, инсоннинг барча арзу-умидлари, армонлари, интилишлари, дунёга келиши-ю, уни тарқ этиши, қўйингки, барчасининг асосида дунёни, шунингдек, яралмишларнинг афзали бўлган инсоннинг ўз-ўзини англаши муаммоси ётади. Ҳайратланарлиси шундаки, буларнинг ҳаммаси ИЛМ, ОЛАМ ва ОЛИМ сўзларининг моҳиятига келиб туташади ва бу сўзларнинг ўзаги битта. Бу қадар вобасталик бошқа бирорта ҳам тилда учрамайди.

Яна бир мисол. Ўзбек тилидаги «шаҳар» сўзи араб тилида «мадина» дейилади. «Маданият» ва «мадина» сўзлари битта ўзакдан ташкил топган. Моҳиятан олиб қараганда ҳам шаҳар - маданият маркази. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан шундай маъно чиқадики, Тангри таолонинг ўз китобини арабий лисонда нозил қилишида ҳам буюк ҳикмат бор. Мана нима учун бизнинг аждодларимиз араб тилида ижод қилдилар. Имом Ғаззолий асарларининг араб тилида ёзилганлиги сабабини ҳам шунинг билан изоҳлаш мумкин.

Мана икки йил мuddат довомида «Ёшлик» журналининг муҳтарам ихлосмандлари алломанинг «Дақойиқ ул-аҳбор» асарини мутолаа қилиш имкониятига эга бўлдилар. Мазкур асарнинг жорий имлода нашр этилиши миллатнинг маънавий такомиллигига хизмат қилажаги



тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди. Бу - албатта, қувонарли ҳол. Зеро, маънавий асар инсон ҳаёти ва фаолиятининг бош масаласи ҳисобланган иймон, эътиқод ҳусусида баҳс юритади.

Асар Муҳаммад алайҳиссалом нури покларининг ва Одам алайҳиссаломнинг яратилиш тарихи билан бошланади.

Асарда асосан инсоннинг ўхровий ҳаёти, жон берар ҳолатдаги ва қабрдаги аҳоли, ҳисоб-китоб кунда бўладиган воқеалар Қуръони карим оятлари, пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари ва ислом оламнинг машҳур олимлари фикр-мулоҳазалари билан далилланган ҳолда баён этилади. Инсоннинг дунёвий ҳаётини ислоҳ қилишда, жамиятнинг маънавий-руҳий такомилда ўлимни, охиратни эслаш, инсон ҳаётининг ибтидоси бўлганидек ўнинг интихоси ҳам мавжуд эканлигини ҳис этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўлим зоҳирда инсон ҳаётининг интихоси бўлиб туюлса-да, моҳиятан абодий ҳаётнинг ибтидоси эканлигини идрок этиш, инсон бу дунёда қилган яхши ёки ёмон амаллари учун муқаррар равишда мукофот ёхуд жазо олиши ҳақ эканлигини англаш руҳиятни шу қадар юксакликка кўтардики, натижада, ушбу ҳақиқатни англаган ҳар бир қалбда буюк масъулият ҳисси шаклланади. Алал-оқибат инсон фақатгина эзгу амалларни қилишга интилади, қалб покланади. Пок қалбда эса илоҳий ҳақиқатлар мукамал суратда акс этади. МАН АРАФА НАФСАҲУ ФА ҚАД АРАФА РАББАҲУ ҳадиси шарифининг мазмунига мувофиқ кимки, ўзлигини таниса, бас, у шубҳасиз, яратган парвардигорини танийди. Яратган парвардигорини таниш - инсоний камолотнинг бош шarti. «Дақойиқ ул-ахбор»ни ўқиғанда беихтиёр шундай ҳулосаларга келинади.

Зеро, асар муқаддимасида бу асарнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилиб, уни ўқиган муттақийн (парҳезкор)ларнинг эътиқоди янада муқавво (кучли) бўлганлиги таъкидланади. Маънавий асарнинг жорий имлодаги нашрини тайёрлашдан ҳам кўзланган бош мақсад - шу. Мамлакатимизнинг давлат сиёсатида иймон, эътиқод ва маънавият масалаларига алоҳида аҳамият берилган ҳозирги шароитда исломий тафаккурнинг етук намоёндалари асарларининг таржима, таъдил йўли билан миллатдошларимизга етказилиши муҳим аҳамият касб этади.

Асардаги Қуръони карим оятларига ҳазрат Алоуддин Мансур таржималари асосида изох берилди.

«Дақойиқ ул-ахбор» миллатдошларимизнинг маънавий-руҳий ҳаётида муҳим ўрин тутади, деган умиддамиз.

### МУАЛЛИФ ҲАҚИДА



Нурбой Абдул Ҳаким - ЖАББОРОВ  
1966 йил 1 январда Қашқадарё вилояти  
Дехқонobod туманида туғилган.

Тошкент Давлат университети ўзбек  
филологияси факультетини 1990 йили  
битирган.

1994 йили «Фурқат асарларининг  
кўл ёзма манбалари ва матний тадқиқи»  
мавзуда номзодлик диссертациясини  
химоя қилди.

Ёш адабиётшунос кўл ёзма  
манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва  
оммалаштириш устида изчил изланишлар олиб бормоқда. Шунинг  
натижаси ўлароқ она-Ватанимиз тарихига оид Мулла Олим Махмуд  
Ҳожининг «Туркистон тарихи» асари ва «Бобо Равшан» номли халқ  
дostonини илмий изоҳлар билан нашр эттирди.

Айни пайтда у Ўзбекистон ФА Ҳ.С. Сулаймонов номидаги  
кўл ёзмалар институти докторанти.

Дарвоқе, фурсатдан фойдаланиб, Н.Жабборовни журнализмизда  
нашр этилган М.Ғаззолийнинг «Дақойиқ ул ахбор» асарини қайта  
ўқувчиларга тақдим этишдаги саъи-ҳаракати ва бир қанча адабий  
долзарб мақолалари юқори баҳолашиб Ўзбекистон Фанлар  
Академиясининг йиллик мукофоти ва диплом билан тақдирлангани  
билан қўтлаймиз ва ёш олимнинг келгусидаги илмий изланишларига,  
омад тилаймиз.

ТАХРИРИЯТ

### Шойим ШЕРНАЗАР



## МУҲАББАТ МАЙИДАН

### ТЎЙМАДИМ ҲАЛИ

Августнинг охири

Барглар хавотирда,  
Қушлар хавотир,  
Саратон хиллари  
Утди хансираб,  
Турналар хўрсиниб  
Вақт санаётир,  
Бир нигоҳ бегона-  
Боқар ётсираб.

\* \* \*

Нозбўйи гулларнинг хилларидан маст,  
Юрибман саргашта ҳаёлинг билан.  
Тераклар бўйимдан кўринади паст,  
Тиллашиб бораман самолар билан.

Фақат тушунади дардимни сабо,  
Турналар галаси берар тасалли.  
Мен битта ошиқман ишққа мубтало,  
Муҳаббат майидан тўймадим ҳали.

Камалак ранглари ерга туташган,  
Бир рошида Лайли, бир рошда Мажнун.  
Бизлар ҳам дийдорга етмай адашган,  
Бир ёғида сену бир ёғида мен.

\* \* \*

Ойнинг ёғдулари қуюқлашган тун,  
Шу оқшом рангидек ойдин ҳаёллар.  
Ўйларим чувалар узундан-узун,  
Чирмаб олар мени минг бир саволлар.

Бир гирот пишқирар самон йўлида,  
Хушимни ўғирлар самовий кенглик.  
«Етти қароқчи»лар келар бир тўда,  
«Тарози» палласи истайди тенглик.

Хонамга кираман уйқу келмайди,  
Ҳатто сукунат ҳам отмоқда хуррак.  
Менинг бедорлигим ҳеч ким билмайди,  
Бир ойдан-да бўлак, юлдуздан бўлак.

Ўғлим алаҳсирар недандир чўчиб,  
Кизимни кўрпада китиклар тушлар.  
Мен уйғок, ётибман ой нурин ичиб,  
Бошимдан потирлаб учади хушлар.

Менинг бедорлигим ҳеч ким билмайди,  
Бир ойдан-да бўлак, юлдуздан бўлак...

Шойим Шерназар Навоий туманидан.  
Унинг "Тун эртаги", "Соғинч даласи" шеърий  
тўпламлари нашр қилинган.



Мунира МУХАММЕДОВА - «Дуторчилар» дастасининг истеъдодли хонандаси, республика лапарчилар танловининг ғолибаси. Асосан лапар кўшиқчилиги санъатини замонавий усулда ижро этаётган хонанда сифатида танилиб бормоқда. Яқинда пойтахтимиздаги мухташам Туркистон саройида Мунира илк бор ўз концерт дастурини мухлислар эътиборига ҳавола этди.

Ёш кўшиқчининг серкирра истеъдод соҳибаси эканлигини унинг кинода рол ижро этганида ҳам кўринади.

- Мунираҳон, тез-тез гастролларга чиқиб тураркансиз. Бу ёқда умр йўлдошингиз... Умуман олганда, Сиз учун оила муҳимми ё санъат?

- Мен учун оила ҳам, санъат ҳам муқаддас. Худого шукр, турмуш ўртоғим санъатни яхши тушунади, қардлайди. Агар, очигини айтсам, бордию санъат соҳасидаги интилишимга тўққинчилик қиладиган инсон билан тақдирим боғланганда ҳам, мен, назаримда санъатни деган бўлардим. Чунки санъат мен учун - ҳаётимнинг мазмуни, мен нафас олаётган ҳаво.

- Энди сафарларнинг ўзи ҳақида гапириб берсангиз?

- Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлди ҳисоб. Ўзбек ва шарқ кўшиқларининг бир гуруҳ мохир ижрочилари билан биргаликда Покистон Ислом Республикасида ўтказган сафаримиз менда унутилмас таассурот қолдирган. Айниқса Покистон кино юлдузи Муҳаммад Али билан суҳбатимиз, ҳатто унинг хонандонида меҳмон бўлишимизни айтинг. Муҳаммад Алининг бизнинг юртимизда ўтказилган фестивал ҳақида, халқимизнинг олижаноб фазилатлари ҳақида меҳр билан жўшиб гапириши бизни жуда-жуда қувонтирди.

- Ёшларнинг кийиниш маданиятига муносабатингиз қандай?

- Саволингизга қисқа жавоб берсам, ўта замонавий ёки шарқона кийинганларни ёқтираман.

- Бугунги ёшларимизнинг Сизни қувонтирадиган ёки ранжитадиган жиҳатлари ҳақида фикр билдирсангиз?

- Ёшларимизнинг қувонтирадиган жиҳатлари, менинг назаримда, замондан четда қолишмаётгани. Дунёқарашда, юриштиришда уларнинг илгарилаб бораётганлигини сезмаслик мумкин эмас. Айрим ёшларнинг, баъзан қарияларга менсимай муносабатда бўлиши мени ранжитади. Чунки қариллик ҳам гўдақлик эканлигини биз ёшлар асло унутмаслигимиз керак. Ёшлар хусусида гап кетар экан, яна шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, Европа ва Ғарб кўшиқларини тинглаш, ундан завқ олишни қораламайман. Чунки бошқа халқ санъатида кизиқиш, унга ҳурмат билан қараш ёмон ҳол эмас. Аммо ўзбек классик кўшиқларини англамаслик, тингламай қўйиш менимча, маънавий ожизлик ҳисобланади.

- Ҳозирги пайтда ёш хонандалар кўшиқ айтишда тақлидга берилиб кетаяпти, деган гапларни тез-тез эшитиб қоламиз. Сиз бунга қандай қарайсиз?

- Аввало, ҳаммасининг омадини берсин. Тақлид қиладими ёки ҳавас қиладими, қалбида санъатга қизиқиш жўш урган инсон барибир вақти келиб ўз йўлига, ўз мухлисларига эга бўлади. Санъат ҳақиқий фидойиликни талаб этишини унутмаслигимиз керак.

- Сизнингча, кўшиқ қуйлаш мароқлими ёки тинглаш?

- Мен учун тинглаш мароқли. Чунки хонанданинг қуйлаётган кўшиғи ҳар доим ҳам кайфиятга мос тушавермайди. Тинглашда эса бунинг имкони бор. Рухий ҳолатингизга мос ёқимли кўшиқ

эшитсангиз, ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Демокчиманки, ҳаёл оғушида кўшиқ тинглаш инсонга ҳузур ва завқ бағишлайди.

- Ўзингизни уй бекаси сифатида қандай тутасиз?

- Оддий. Уйни саришта тутишни ёқтираман. Аёллардаги саришталикни қардлайман. Ошхонага келсак, ўттиз дақиқада ҳамма ишни тутатишга ҳаракат қиламан. Узоқ уймаланишни табиатим ёқтирмайди.

- Мунираҳон, лапар санъатига бевосита боғлиқ бўлган бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдим. Мен оддий мухлис сифатида бир нарсадан баъзан қониқмай кетаман. Айрим хонандалар саҳнага чиқиб олиб, европача кийимда енгил-елин ҳаракатлар билан ижро этган кўшиқларини лапар деб ҳисоблашади. Менимча, лапарни халқ урф-одатларига мос либос ва ҳаракатлар билан ижро этиш маъқул бўлса керак.

- Биласизми, эстрада хонандаси бўлиш бошқа, лапарчилик

бошқа. Лапар бу алоҳида миллий жанр. Айниқса халқ кўшиқлари билан ижро этиладиган лапарлар шу халқ миллий руҳига мос тушиши керак. Лапар хонандасининг либослари ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам кўшиқ мазмунига мос бўлиши шарт.

- Сиз моддий жиҳатдан қониқмаган тақдирингизда санъатни тарқатган бўлармидингиз?

- Санъат - муқаддас. Уни сотиб ҳам бўлмайди, сотиб олиб ҳам. Мен барибир санъатни тарқатмаган бўлардим, бошқа йўлни танламасдим.

- Санъатнинг бошқа турларига муносабатингиз қандай? Билишимча, Сиз яқинда суратга олиган «Насриддин Қўқонда» мусиқали комедиясида Орзибиби ролида чиқаяпсиз экан.

- Тасвирий санъатни севаман. Мусаввирлар асарларини берилиб томоша қиламан. Турли тасвирлардан олам-олам завқ оламан. Фильмга келсак, бу тасодифан рўй берди десам ҳам бўлади. Дастлаб фильм режиссёрининг қутилмаган тақлифидан ҳаяжонландим, сўнг иккиландим. Чунки ўзимда актёрлик маҳорати бор-йўқлигини сира ўйлаб кўрмагандим-да. Кинога қизиқишим йўқ эмасди-ю, лекин вақти келиб рол ижро этаман деб ўйламагандим. Фильмнинг даражаси эса экранга чиққач маълум бўлади, деган умидламан.

- Бадий китоблар ўқиб турасизми?

- Албатта. Китоб инсон маънавиятини юксалтиради. Айниқса тарихий асарларни қизиқиб мутолаа қиламан.

- Қайси устоз санъаткорга ҳавас қиласиз?

- Марҳум Тамараҳонимни устоз санъаткор деб биламан. У кишининг санъатга бахшида умрига ҳавас билан қарайман. Гулшод Отабоева, Тўхтаҳон Йўлдошева, Сайёра Қозиевалар ҳам лапар ижрочилигида ўз йўлига эга бўлган устоз санъаткорлардир.

- Сиз машҳур дастада ишлайсиз. Айтинг-чи, оммавий ижрочиликда репертуарлар бир хиллиги шаклланиб қолмайдими?

- Албатта, ҳар бир хонанда ўз йўлига эга бўлиши лозим. Шунинг учун дастамизнинг ҳар бир ижрочиси яккахон хонанда сифатида ҳам ўз ижодий йўлига эга бўлишга интиломда. Интиланга эса толе ёр.

- Мунираҳон, самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Кўп сонли мухлисларингиз номидан сизнинг ижодингизга янада баркамоллик тилаб қоламиз.

Сайёра ШОДИЕВА суҳбатлашди.

